

**А. И. Исамухамедов
Х. К. Никадамбаев**

АСАЛАРИЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ



**«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2013**

УЎК 638.1(575.1)

КБК 46.91-2

И - 78

Асаларичилар



USAID

Ушбу қўлланма USAID (Америка Кўшима Штатлари Халқаро ривожлантириши агентлиги) томонидан молиялаштирилаётган Aglinks лойиҳаси ҳамда Тошкент шаҳар асаларичилар жасанияти ҳамкорлигига тайёрланди.

Мазкур ўкув қўлланма шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер асаларичилик хўжаликларида, асаларичиликка кизиқувчилар арихонасида асалари оиласлари биологияси ва анатомияси, парваришлаш, кўпайтириш, ёш урчиган она ари етиштириш технологияси, асаларичиликда фойдаланиладиган асбоб-анжом, мослама ва курилмалари, асалариларнинг озука базаси, кишлек хўжалик ўсимликларини чанглантириш, асалари маҳсулотлари етиштириш, саклаш ҳамда уларга қўйиладиган давлат стандарт талаблари тўғрисида билимга эга бўлиш учун тавсия килинади.

Ушбу ўкув қўлланма олий ўкув юрти педагоглари, талабалари, магистрлари, касб-хунар коллажлари ўқитувчи ва ишлаб чикариш таълими усталари, ўкувчилари ва шу соҳада ишловчи мутахассис асаларичилар ҳамда хаваскорларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-00-984-4

10 29768
391

УЎК 638.1(575.1)

КБК 46.91-2.

ISBN 978-9943-00-984-4
Alisher Navoiy

2013/34

noiniidagi

A

10472

O'zbekiston MK

© «Sharq» пашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2013 й.

КИРИШ

Асаларичилик қишлоқ хўжалигининг ажралмас, мухим тармоғи бўлиб, асалари оиласларини кўпайтириш, асал, мум, гулчанги ва бошқа асаларичилик маҳсулотларини етишириш, қишлоқ хўжалик ўсимликларини чанглантириб, хосилдорликни ошириш ва мева, резаворлар хосили сифатини яхшилаш билан бир каторда уруғчилик хўжаликларида уруғлик унумли ва сифатли бўлишида асалариларнинг ўрни бекиёс хисобланади.

Ўзбекистон китъанинг марказида ва дengизлардан узоқда бўлганлиги сабабли иклими ўта мўътадил, табиий-географик шароити хилма-хил бўлиб, ўртacha ойлик ҳарорати бўйича вилоятлари ва туманлари бир-биридан фарқ килиб, айrim ҳудудларида ҳарорат тез кўтарилиши ва экиладиган қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлари ҳам хилма-хил бўлиб, асаларичиликнинг ривожланишига мос келади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда асаларичиликни ривожлантириш ва кўпайтиришга катта эътибор берилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелидаги «Шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хўжаликларида асаларичиликни ривожлантириш ҳамда кўпайтиришни кучайтириш, асал маҳсулоти етишириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009–2011 йилларда асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар дастури қабул қилиниб, 2009–2011 йилларда ташкил этиладиган барча тоифадаги асаларичилик хўжаликларини 7589 тага, асалари оиласларини кўпайтириш кўрсаткичини 290016 тага етказиш режалаштирилиб, эл дастурхонига экологик тоза асал ва бошқа саноат хўжаликларида ҳамда тиббиёт тармокларида фойдаланиладиган асаларичилик маҳсулотлари етишириш кўзда тутилган.

Асаларичилик кўп минг йиллик тарихга эга бўлиб, ўша даврларда улар дарахтларда ҳамда тоғларнинг кояларидаги

ковакларда яшаган. Ҳозирги кунда асаларилар махсус уяларда бокилиб, улар етти хазинанинг бир ҳисобланиб келинмокда.

Асаларилар факат икки хил озука, яъни ўсимлик гулларидан түпланган шарбат (асал) ва гулчанги истеъмол киладилар. Эволюцион ривожланиш жараёнида асаларилар билан ўсимлик гуллари ўртасида узвий алока юзага келган. Ўсимлик гуллари асаларилар ва бошқа ҳашаротларни ўзига жалб қилиб, асаларилар ва бошқа ҳашаротларга озука берса, асаларилар эса ўсимликларни оралиқ чанглантириш оркали тугун ва мева туғилишига ўз хиссаларини кўшадилар. Ўсимлик гулларининг ранги, хиди асалариларга тезда ўзларига озука топишга ёрдам беради. Табиатдаги ўсимликларни чанглантирувчи ҳашаротлар орасида асаларилар алоҳида ўрин эгаллади, чунки асаларилар алоҳида алоҳида эмас, кўп минг сонли оила бўлиб яшашлари эвазига кишлок хўжалик энтомофил ўсимликларни яхши чанглантириб, улар хосилдорлигини ошириб, меваларни сифати ва мазасини яхшилайдилар.

Асаларилар ўсимлик гулларидан түпланган шарбатни кайта ишлаб асалга, гулчангини эса инчаларга жойлаб, устига асал кўйиб, узок сакланадиган перга деб номланувчи оксил озукага айлантирадилар.

Инсоният бор экан, асаларилар етиштирган асал махсулотига бўлган талаб ва эктиёж кундан-кунга ошиб бораверади. Ҳозир ҳар бир соҳада: яъни саноат, кандолат фабрикалари, тиббиёт соҳасида, самолётсозлик, ракетасозлик, радио ва телевизор ҳамда компьютер соҳаларида асалариларнинг мум махсулотларидан фойдаланилмоқда. Шунинг учун ҳам асаларичилик доимо чорвачиликка нисбатан даромадли тармок бўлиб келаётир.

Кўп йиллик асаларичилик тарихини ўрганиш ва асалари оиласарини парваришлаш, ривожлантириш, асал олишни кўпайтириш борасида куйидаги инсонлар меҳнатини эслаб ўтиш лозим.

1. 1814 йили украиналик асаларичи Пётр Иванович Прокопович асаларилар хаётини, дарахт ғовакларида мумкатақ инчаларининг жойлашиши, мумкатақ инчалар тортиши каби хусусиятларини ўрганиб, дунёда биринчи бўлиб, рамкалар жойлаштириб, ари оиласи бокиладиган асалари уясини яратадилар.

ди. Бу яратилган асалари уясида асаларилар ёғочдан ясалган рамкаларга мумкатақ инчалар тортгандаридан кейин, асаларичи ўша рамкаларни ари уясидан суғуриб олиб, ўрнини алмаштириш ёки рамка күйип ишларини бажаришни енгиллаштиргач, асалари оиласининг аҳволини аниқлаб, керак бўлса ўша ари оиласига ёрдам берган.

2. 1857 йили немис асаларичиси Иоганн Меринг биринчи бўлиб асалари инчаларини таг кисмини асоси туширилган мумпарда варакларини яратди. Мумпарда варакаларини рамкаларга ёпиштириб, асалари оилаларига кўйилса, асаларилар мумпардага асалари инчалари деворларини олти қиррали килиб тортадилар. Бу яратилган янгилик асалариларда ишчи ари инчага мумкатаклар тортишларига замин бўлиб, кўп ишчи арилар етиштирилган.

3. 1865 йили чехословакиялик асаларичи Франц Грушка марказдан қочиш кучи таъсирида мумкатақ рамкалардаги асални олиш мосламасини яратди. Унинг яратган ихтироси ёрдамида асалари оилаларидан олинадиган асал микдори кўпайиб, асалдан бўшагач, мумкатақ рамкаларни яна асал тўплаш учун асалари оилаларига қайтариб кўйиладиган бўлинди.

Учала асаларичининг яратган ихтиrolарини ҳаётга татбик этиш орқали асалари оилаларини ўзларининг эҳтиёжларига керагидан ортиқча асал тўплайдиган бўлгандарни учун хам ўша қўшимча олинган асал маҳсулоти, асалари оилаларига килинган меҳнат ва харажатларини қоплаб, асалариларни ўлдирмай саклаб колишга замин яратилди.

Мумкатақ рамкали уяларда ари бокиши орқали ари оилаларини парваришлиш, ривожлантириши ва кўпайтиришга дарахт ғовакларида яшаган ари оилаларига нисбатан асаларичининг иш бажариш қобилияти енгиллашади хамда асалариларга керакли шароит яратилади. Асалари оилаларини бир жойдан иккинчи жойга кўчириб юриш орқали асал тўплаш даври узайди.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистон пасткам ерлари, тоғ олди ва тоғли ҳудудлари, тўқайзорлари хамда текис яйлов, водийлари асалариларни ривожлантиришга кулай хисобланиб, бу ҳудудларда ёввойи холда ёки маҳсус асал, гулчанг берадиган хонакилаштирилган ўсимликлар экилиши хам асалари оилаларининг жадал ривожланишига замин хисобланади.

Ваҳоланки, ўсимликларни асал ажратиши доимий бўлмаса хам узок вакт гуллаб турадиганлари ва бирин-кетин гуллайдиган ўсимликлар хаво ҳарорати яхши кунлари ари оилалари ўзларини бокиб, қуртчаларини тарбиялаб, кўп сонли ёш ишчи арилар хисобига, оила яхши кучга эга бўлиши эвазига ҳар битта асосий оиласдан ёки иккита асалари оиласидан битта янги ёш оила ташкил қилиш ва янги урчиган она ариларни етиштириш мумкинлиги ҳисобига асалари оилалари маҳсулдорлиги ошади.

Юкорида айтилган фикрларни ҳисобга олиб, эрта баҳорда ёш урчиган она ари етиштириб, апрель ойининг охирлари ва май ойининг биринчи ўн кунлигига янги кичик оилалар ташкил этиб, шимолий минтақаларга жўнатилиб, асаларичиликни ривожлантириш ва даромадли бўлишига замин яратилади. Бундан ташқари, кичик ёш ари оилаларининг кучидан иссик хоналардаги экинларни чанглантириш орқали хам яхши даромад олиш мумкин.

Асаларичиликнинг асосий маҳсулоти бўлган асалдан ташқари янги ёш оила етиштириш ҳамда гул чанги, она ари сути, прополис ҳамда асалари заҳарини тўплаш орқали асаларичиликдан катта даромад олса бўлади.

Ушбу қўлланма асаларичиликка оид ёзилган дастур талабларига жавоб берадиган даражада «шахсий ёрдамчи, дехкон-фермер асаларичилик хўжаликларида, асаларичилик мутахассислари, асаларичилик касби бўйича билим олаётган олий ўкув юрти талабалари, магистрлар ҳамда кишлок хўжалик касб-хунар коллежларида билим олаётган ўкувчилар, шу соҳадан дарс берувчи ўқитувчилар учун мўлжалланган.

АСАЛАРИ ОИЛАСИННИГ БИОЛОГИЯСИ

Асаларичилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Асаларилар инсон соғлиғи учун зарур бўлган асал ҳамда ҳалқ хўжалигига ишлатиладиган мум маҳсулоти етиштириб беради. Арихоналарда медицина саноати учун зарур бўлган ари сути, прополис (елимсимон модда) ҳамда ари заҳари каби маҳсулотлар етиштирилади. Уруғчиликда, сабзавот ва мевалар ҳосилдорлигини оширишда асалариларнинг роли жуда катта. Қишлоқ хўжалик ўсимликларини асаларилар ёрдамида мукаммал чанглантириш йўли билан ҳосилдорлик оширилади, шу билан бир қаторда кўп асал етиштирилади.

1990 йилда бутун дунёда 750,5 минг тонна асал етиштирилган, шундан 270 минг тоннаси МДҲда етиштирилган бўлиб, дунё бўйича етиштирилган асалнинг 36% ини ташкил килади.

Асаларилар танасининг тузилишига кўра бўғимоёқлилар типига киради. Бу тип ҳашаротлар синфига кирувчиларнинг танаси бош, кўкрак ва корин кисмига бўлинади. Ҳашаротлар синфининг 20 дан ортиқ туркуми бор. Асалари, тукли ари, чумоли, якка ари ва бошқалар парда қанотлилар туркумига киради. Парда қанотлилар туркуми бир неча оиласига бўлинади. Асаларилар арилар оиласига киради.

Ёввойи арилар (сарик ари, йирик кўнғир ари), асаларилар, чумолилар, термитлар (кирчумоли)нинг жамоа бўлиб яشاши ҳашаротлар оиласида алоҳида биологик аҳамиятга эга. Бундай ҳашаротлар оиласида таркибида она ари ва эркак арилардан ташкири ҳар хил ишларни бажарувчи, таналарида маҳсус органдарни бўлган, ишчи ари турлари ҳам бўлади. Асаларилар оиласида жинсий органи тўлиқ тарақкий этмаган, аммо таналарида ҳар хил иш бажаришга мослашган органлари (аппаратлари) бор урғочи ишчи арилар кўпроқ етиштирилади.

Йирик тукли арилар (шмелъ) бошка ҳашаротларга нисбатан ўз таналарининг тузилиши, хаёт кечириш тарзига кўра асалариларга якин туради. Улар ҳам худди асаларилар каби

Үсимлик гулларидан шарбат, гулчанг йиғадилар ва инчаларида куртчалар етиштирадилар. Кузда эса йирик тукли арилар оиласи тарқалиб, ишчи ари турлари ўлиб кетади, урчиган она ари эса кишлаб чикиб, баҳорда янги оила тузишга замин яратади.

Асаларилар оиласи бир нечта мелипонлар, асаларилар, химоя (найза) аппарати йўқ асаларилар ва тригонлар авлодларига бўлинади. Яшаш шароити, мослашин қобилиятлари ва жамоа бўлиб яшашлари бир-бирига ўхшаш бўлган апис авлодининг эволюциясига Т.В.Каллиней 35 миллион йил (1958 йил) бўлган деб тахмин қилади. Бу авлод вакиллари бўлажак авлоднинг юзага келиши учун куртчаларни тарбиялаш, оила ичидаги зарур ҳарорат ва намликни ушлаб туриш, ёввойи ҳашарот ва жониворлардан ўзларини қўриклиш каби ишларни бажаришда ўзаро узлуксиз алокада бўладилар. Оиладаги ари хиллари организмларининг аник тузилиши, бир-биридан фарқланиши, функционал боғланиши, оиланинг жамоа бўлиб яшавиши каби хусусиятлари асалариларнинг апис авлодига мансуб эканлигини Г.А.Кожевников (1931 йил), Г. Деодикар (1978 йиллар)нинг таъкидланичича, апис авлодининг ватани Ҳиндистон эканлигини кўрсатади. Кейинчалик улар аста-секин бошқа жойларга кўчиб ўта бошлаганлар. Осиё китъасининг жануби-шарқ қисмидаги давлатларда асаларилар апис авлодининг 3 хил тури, яъни Ҳиндистон йирик асалариси (апис дорзата), Ҳиндистон кичик асалариси (яъни, апис флореа) ва ўртача катталикдаги Ҳиндистон асалариси (апис церана авлодлари) тарқалган. С.Д. Михенернинг (1974) таъкидлашича, аввало апис авлодида 2 та филогенетик йўл ажралиб чиқкан бўлиб, биринчиси апис флореа бўлса, иккинчиси умумий авлодлар – апис церана ва Меллиферани ташкил этган. Цитогенетик (хужайраларнинг тузилиши ва хаёти ҳақидаги фан) текширишлар ҳам охирги 2 та тур ўртасида авлодлар ўхшашлиги борлигини тасдиқлайди. Т.В. Каллиней (1983 й.) В. Кур, Г. Лейдлоу (1956 й.), Г.Б. Деодикар ва бошжалар (1959 й.) апис церана ва апис меллифера тур хиллари бир тур бўлиб, кўшилиб кетиши мумкинлигини айтганлар.

Асаларилар оиласи бир канча авлодларга бўлиниб, апис авлоди тўрт турга бўлинади.

1. Ҳиндистон йирик асалариси (апис дорзата) Ҳиндистонда кенг тарқалган бўлиб, ишчи арилари танасининг узунлиги

18 мм, эркак арисинники эса 16 мм га етади. Она арилар танасининг катталиги ишчи ариларникига ўхшаш бўлиб, улар дарахт шохчаларида тепадан пастга караб тик тушган узунлиги 2 м, кенглиги 0,6 м келадиган битта катта икки ёклама мумкатақ ин ясайдилар ва бундай инчаларда 4–10 кг гача асал йифилади. Бу асаларилар хўжалик аҳамиятига эга эмас, чунки одамлар ташлаб кетган асалари инларини қидириб тошиб асал оладилар.

2. Ҳиндистон кичик асалариси (апис флореа) Ҳиндистондан то Суматра, Борнео ва Ява оролларигача тарқалган. Бу Ҳиндистон кичик асалариси апис асалари авлодлари ичida энг кичиги хисобланиб, ишчи ариси танасининг узунлиги 7–8 мм, она арисиники 13 мм, эркак арисиники эса 12 мм га етади. Улар ҳам дарахт шохларида узунлиги 26 см ва кенглиги 20 см гача бўлган битта мумкатақ инча қуради, оиласидаги арилар сони 4–5 мингтагача етади. Ўсимлик гулларини чанглантиришдан ташкари хўжалик аҳамиятига эга эмас.

3. Ўртacha катталиқдаги Ҳиндистон асалариси (апис церанаиндиқа) танасининг катталиги ва хулк-авторига кўра Ўрта Осиё асалариларига ўхшаш, Ҳиндистонда ва Россия территориясининг Узок Шарк ўрмонларида учрайди. Улар узунлиги 30 см ва кенглиги 25 см бўлган бир нечта мумкатақ инчани дарахт ғовакларида ёки коялардаги ковакларга куриб яшайдилар. Мумкатақ рамкали уяларда ҳам яшайдилар, аммо уларнинг хаётига одамлар аралашса, улар уяни ташлаб учеб кетадилар. Оилани ташкил килувчи арилар сони ва асал тўплаши бўйича ҳозирги асалари оиласидар, яъни апис меллифера турларидан кейинда туради. Арилар сони жадал кўпайганда уларнинг вазни 1,5 кг га, бир мавсум давомида тўплаган асал микдори эса 25–30 кг га етиши мумкин.

4. Ариларнинг апис меллифера авлоди ва тури Антарктидан ташкари ҳамма китъаларда йил давомида йирик оила бўлиб яшайди. Асалари оиласида бутун хаёти давомида мумкатақ инчаларга тухум кўювчи урғочи она ари бўлиб, она ари кўйган тухумдан минглаб (бахор мавсумида 15–25 минг, ёз ўрталарида эса 50–60 минг): уя ичидаги ишловчи; мумкатақ инчаларни қурувчи; ўсимлик гулларидан шарбат ва гулчанг тўплаб уяга келтирувчи; ёш ариларни бокиб, тарбиялаб етиштирувчи, келтирилган нектарни қайта ишлаб кўрикловчи, инчаларни тозаловчи ишчи арилар ҳамда факат ёз давоми-

да кўпайиб яшовчи бир нечта юзлаб эркак арилар етишиб чикади. Эркак арилар урғочи ёш она ариларни урчитиш учун зарур. Табиатдан шарбат ташиш даври тугаши билан кузда ишчи арилар эркак ариларни уядан хайдаб чикарадилар ва натижада улар очлик, совукдан халок бўлади.

Асалари оиласлари хамма жойда асал, мум ва бошқа доривор маҳсулотлар етиштириш хамда кишлок хўжалик ўсимликларини чанглантириш учун кўпайтирилади.

Асаларичи асалари оиласининг биологиясини назарий кисмини чукур билмай туриб, амалий кисмини яхши ўзлаштира олмайди.

Асаларичи асалари оиласининг ҳаёти билан мукаммал, якиндан танишиш учун у оиласи ташкил қилувчи ҳар битта ари турлари ҳаётини билиши керак. Ари оиласини хамма ҳаётий фаолиятлари она ари, ишчи ва эркак ариларни анатомик ва физиологик хусусиятларига тааллукли бўлади. Шунинг учун асаларилар биологияси ва анатомиясини чукур билиш орқали ари оиласини жамоа бўлиб япаш конунларини тушунилса, асаларичиликни ривожлантириш тажрибасида аҳамияти катта бўлади.

Куйидаги китобнинг аҳамияти шундан иборатки, асаларичи ари оиласининг ҳаёти билан якиндан танишибигина қолмай, балки уларнинг ички ҳаётига аралашиб, юкори маҳсулот олишга эришади.

Асаларилар биологияси курси иккита бўлимдан тузилган: биринчи бўлимда ари оиласини ташкил қилувчи алоҳида ари хилларининг тана тузилиши ва уларнинг иш бажариши ўргатилса, иккинчи бўлимда жамоа бўлиб яшовчи ари оиласининг тарақкиёт конунийлиги, эволюция тарақкиёти натижасида иш бажариш қобилиятларининг вужудга келиши ўрганилади.

АСАЛАРИ ОИЛАСИ


Полиморфизм

Асалариларнинг ҳаёти ниҳоятда мураккаб. Оилани ташкил этадиган ҳар бир индивид маълум бир вазифани бажарди. Шунинг учун оиласида насл берадиган она ари, наслсиз урғочи ари, яъни ишчи ари ва эркак арилар (трутенлар) пайдо бўлиб, улар тузилиши ва физиологик хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ килади. Бунга полиморфизм дейилади. Полиморфизм, одатда, ҳар бир индивид оиласида маълум бир вазифани бажаришидан келиб чиқади, яъни бажариладиган ишнинг тақсимланиши бевосита уларнинг морфологик фарқига боғлиқ.

Арихоналарда етиштирилиб кўпайтириладиган кучли асалари оиласида ёз мавсумининг ўрталарида 60–70 минг, дурагай зот ари оиласида 80–90 минг тагача ариси бўлади. Оиласида ишчи ариларнинг сони кўп бўлиши эвазига улар қисқа вақт, яъни 20–30 кун ичидаги йилги шарбат ташиб давригача этадиган озик тўплай оладилар. Кўп сонли арилар жамоа бўлиб яшаши натижасида асаларилар кишки совук кунларида атрофларида зарур муҳитни, керакли иссиқни ушлаб турадилар.

Она асалари (1-расм) оиласида жинсий органлари яхши ривожланган ягона ургочи индивиддир. У тухум кўйишдан бошқа ҳеч қандай вазифани бажармайди. Она арининг узунлиги 18–20 мм, оғирлиги ўртача 0,25 г га етади. Унинг корни канотларидан узунрок бўлиб, тинч турган ҳолатида йигилган канот кисми қорин кисмини ёпиб турмайди. Она арининг 2 та орка оёғида гулчанг йигадиган саватчаси йўқ. Корин бўғимларида мум ойначалари бўлмайди. Хартуми ишчи асалариникидан калтарок.

Она ари танасида уя ичидаги иш бажариш, шарбат тўплаш органлари ривожланмаган. Оиласида иш бажарип қобилияти чегаралаган бўлганилиги учун ҳам унинг мия кисми ишчи ариларнинг мия кисмига нисбатан суст ривожланган.



I-расм.

Она ари ишчи ариларсиз алоҳида ҳолда 2–3 кундан ортиқ яшай олмайди. Қафасчада бир нечта – 10–20 та ишчи арилар билан бирга 15–20 кун, айрим ҳолларда эса бир ойгача яшши мумкин. Оилада эса оиласдаги бошқа хил ариларга нисбатан узокрок, яъни беш йилгача яшши мумкин. Аммо икки йил давомида у жуда кўп тухум қўяди, учинчи йилдан бошлилаб унинг тухум қўйиши камая бошлайди, шу сабабли асаларичилар уни урчиган ёш она арига алмаштирадилар.

Эркак ари билан жуфтлашгандан сўнг она ари икки хил: уруғланган ва уруғланмаган тухум қўя бошлайди. Уруғланган тухумдан кейинчалик она асалари ва ишчи асаларилар, уруғланмаган тухумдан эркак асаларилар етишади. Баҳорда ва ёз бошларида она ари бир суткада ўрта хисобда 1500 та тухум қўяди. Бу тухумларнинг оғирлиги танасининг оғирлигига тенг бўлади. Она ари хаёти давомида доимо уяда бўлиб, у фактатирични кунлари атроф билан танишиш, эркак ари билан жуфтлашиш учун учеб чикади ва ниҳоят табиий кўчга (ройга) чикканда ташқарига учеб чикади. Она арини доимо ишчи арилар озиқ билан таъминлаб туради. У ахлатини ҳам уяда чикаради ва уни ишчи арилар тозалаб ташкарига чикариб ташлайдилар. Она ари эрта баҳордан боiplаб то кеч кузгача тухум қўяди. Яхши она ари бутун баҳор ва ёз фасли давомида 100–150 минг дона тухум қўйиши мумкин.

Одатда, оиласда битта она асалари бўлади. Баъзан бирор сабабга кўра, иккита она ари бир оиласда яшаб колса, иккиси ўртасида кураш боради, натижада биттаси нобуд бўлади.

Ишчи асалари арихонадаги ариларнинг асосий кисмини эгаллайди. Улар урғочи ари бўлиб, жинсий органи ва тухум-

дени яхши ривожланмаган, шунинг учун ҳам эркак арилар билан жуфтлаша олмайди. Она ариси бор одатдаги оилада улар тухум кўймайдилар, лекин оиласидаги жамики ишларни бажарадилар. Айрим холларда улар тухум кўйса, бу тухумдан факат эркак ари ривожланади.

Ипчи асаларилар уяни тозалаш, кўриқлаш, ҳавосини нормаллаштириш, мумкатақ инча қуриш, куртчаларни боқиши, шарбат ва гулчанг тўплаш, шарбатни қайта ишлаш, яъни асалга айлантириш, ҳароратни кўтариш-тушириш, ҳаво намлигини таъминлаш, уяга сув, прополис (тешикчаларни суваб беркитадиган елимсизмон модда) келтириш каби ишларни бажарадилар.

Уядаги ҳамма ишчи ариларни икки табакага бўлиш мумкин. Бирмунча ёшрок (14–20 кунлик) арилар уя ичида иш бажарувчи арилар табакасини ташкил қилса, 14–20 кунликдан ошган арилар эса далага учувчи арилар табакасини ташкил қилади. Уя ичида иш бажарувчи арилар ҳаво яхши кунлари куннинг ўрталарида ўзларини орка ичакларини ахлатдан бўшатиш, ўз уяси атрофи билан танишиш учун ташкарига учеб чикадилар. Иккинчи табакани ташкил қилувчи ишчи асаларилар ҳам ҳаво яхши кунлари даладан шарбат ва гулчанг ташин учун ташкарига чикадилар. Баҳор ва ёз фаслида етиштирилган ишчи асаларилар ўрта хисобда 35–45 кун, кузда етиштирилганлари эса келаси баҳор даврига кадар (Россияда 9–10 ой, Ўрта Осиёда 4–6 ой) яшашлари мумкин.

Ишчи асалари танасининг узунлиги 12–14 мм, ўртача оғирлиги 0,1 г, яъни 1 кг да 10000 та ишчи асалари бор. Уларнинг мияси она ариникидан яхши ривожланган. Ишчи асалари оиласидаги турли-туман ишларни бажарганлиги сабабли она ва эркак ари хўжалик ҳамда ирсий белгиларининг шаклланишида катта роль ўйнайди.


Эркак асалари нормал оиласидаги баҳор ва ёз ойларида купаяди. Эркак арини ишчи асаларилардан ажратиш осон, чунки у ишчи аридан йирикрок бўлиб, унинг оғирлиги ўрта хисобда 0,2 гр га teng, яъни ишчи аридан 2 маротаба оғир. Эркак арилар оиласидаги ҳеч қандай иш бажармайдилар. Уларнинг вазифаси факат она арини урчишишdir. Шунинг учун баҳор ва ёз ойларида ҳар қайси ари оиласи бир нечта юзлаб эркак ариларни етиштиради. Ваҳоланки, шулардан ўрта хисобда 6–8 таси она ари билан жуфтлашади. Улар тайёр

озик – асал билан озикланади ёки ишчи асаларилар уларни ўз хартуми билан озиклантиради. Эркак ариларни шунчалик кўп етиширишдан мақсад она ари урчишга учиб чикканда эркак арини тез топиш ва энг кучлиси билан жуфтлашиш шароитига эга бўлиш оркали келажакда кучли, соғлом авлод етиширишга замин яратишдан иборатдир. Эркак арилар 2 ойга яқин ятайдилар. Кузда табиатдан шарбат келиш тўхташи билан ишчи арилар эркак ариларни уядан хайдаб чикарадилар. Фақатгина бирорта оиласа, мабодо она ариси йўқ бўлса ёки урчимаган она ариси бўлса, ўша холдагина эркак арилар қишлиб қоладилар.

Асаларилар танасининг тузилиши

Ариларнинг танаси ҳам худди бошка ҳашаротларга ўхшаш мураккаб ва мустаҳкам кутикула тери қаватидан тузилган. Мана шу мустаҳкам кутикула тери коплами ариларда ташқи скелет вазифасини бажаради. Бундай коплам уларнинг ички органларини кўриниб қолишидан, заҳарли моддалар, жумладан, ишқор ва кислоталар таъсиридан саклайди. Копламларга ички органлар биришиб туради. Кутикула жуда эгилувчан, чидамли, юмшок хитиндан ва бошка органик моддалардан иборат. Оёклар бўғинларининг бирикиш ерларида, сегментлар ва бошка органларнинг эгилувчан кисмида кутикула хитиндан иборат юпка парда хосил қиласи. Мана шу юпка парда ҳисобига арилар оёқ, мўйлов ва корин сегментларини буриш, қисқариш ёки чўзиш хусусиятига эга бўлади. Ариларнинг танаси ҳар хил шаклдаги ва ҳар хил иш бажариш функцияларига эга бўлган тукчалар билан копланган бўлиб, мана шу тукчаларнинг айримлари танани тозалаш, бошқалари сезиш ва ташки мухит таъсирини сезиш хусусиятига эга. Ариларнинг танаси уч кисм: бош, кўкрак ва кориндан иборат.

Асалариларнинг боши хитин моддадан иборат бўлиб, бўғинларга бўлинмаган, учбурчак шаклида, унда асосан сезиш органлари ва нерв системалари, бош кисмининг икки ён тарафида мураккаб кўзлари, бошининг устки кисмида учта оддий кўзи, олд кисмида бир жуфт бўғимли мўйлови жойлашган (3-расм).




2-расм. Ишчи ари танасининг тузилиши:

1 – бош кисми; 2 – кўкрак кисми; 3 – корин кисми; 4 – мураккаб кўзи;
4а – содда кўзлари; 5 – мўйлови; 6 – юкори лаб; 7 – пастки лаб; 8 – юкори
жағ; 9 – пастки жағ; 10 – хартумча; 11 – тилча; 12 – олдинги канот;
13 – орқа канот; 14 – олд оёқ; 15 – ўрта оёқ; 16 – орқа оёқ,
17, 18 – нафас олиш тешикчаси; 19 – химоя органи; 1, 2, 3 – кўкрак
кисми; 2–7 – корин фидирлакчалари.

3-расм. Ишчи ари

мўйловчишининг тузилиши:

А – ишчи арининг мўйлови-
антеннаси; Б – мўйлов скапуси
асосидаги кўнғироксимон ор-
ганлар; В – мўйлов педицеляр
кисмининг кўндаланг кесими;
Г – мўйлов устки тарафининг
катталаштирилган кўринишдаги
сезиш (С) ва хид билиш (ХБ)
органлари; Д – хид билиш ва
хароратини сезиш органларини-
нинг кутикула кисмига яши-
ринган кисми; СКП – скапус;
ПК – педицеляр кисми; КО –
кўнғироксимон орган; СНТ – сези-
ш нерв тўқималари; Н – нерв,
Т – тешикча; 1–10 – мўйловнинг
биринчи – ўнинчи бўйимлари.




Ишчи ари ва она ариларда бўғинлар сони 11 та, эркак арида 12 та. Мўйловларида сезиш ва ташки таассуротларни қабул килиш органлари жойлашган. Бош қисмининг пастки қисмида оғиз аппарати жойлашган. Оғизнинг тела қисмида юкори лаб, олд қисмининг ён тарафларида эса 2 та юкори жағи жойлашган, бу жағларга кучли мускуллар бириккан. Мана шу мускуллар ёрдамида жағ ҳаракатга келади. Юкориги жағ ёрдамида арилар мум заррачаларини кемиришда, инчаларининг устки қисмини қиркиш, дараҳтларни кемириш, уялarda тешикчаларининг олдини кенгайтиришда фойдаланади. Асаларилар юкориги жағ ёрдамида бошқа ариларни ушлаб оладилар, уядан ахлатларни ташкарига чиқариб ташлайдилар, гулларнинг чанг қобиқларини йиртадилар.

Пастки жағи жуфт бўлиб, асосий бўғин, устунча ва пичок тифига ўхшаш парракдан тузилган. Пастки жағлар пастки лаб билан бирга хартумни ҳосил қиласди (4-расм).

Шимолдан жанубга караб тарқалиши билан ишчи асаларилар хартумининг узунлиги оша боради. Ўрта рус асалари хартумининг узунлиги 6,038 мм, Украина асаларисиники 6,321 мм. Кавказ тоғларида ривожлантириладиган Кавказ кулранг арилари хартумчасининг узунлиги 6,9–7,2 мм га етади.

Асаларининг кўкрак қисми (5-расм). Арининг кўкрак қисми ўзаро туташиб кетган тўртта ҳалқадан ташкил топган бўлиб, хар битта ҳалка ўз навбатида тўрт қисмдан, яъни: бел тарафи – тергит, корин тарафи – стернит, ва иккита ён тарафи плейритдан ташкил топган. Биринчи ҳалқача бош қисмини ҳаракатчан ҳолатда кўкрак қисмiga туташтириб туради. Бу ҳалқачанинг тергит қисми кўкрак қисм билан, плейрит ва стернит қисмлари эса бош



4-расм. Ишчи ари хартумчасининг
ёйилган холатидаги кўриниши:

- 1 – пастки жағ; 1а – пастки жағнинг ташки тўсқичи; 2 – апкашсимон ўсимта ёки хартумча туташадиган қисм; 3 – манглай ости қисмининг асоси; 4 – манглай;
- 5 – пастки лабнинг сезгичлари; 6 – тилча;
- 7 – тилчанинг кошиккаси.



**5-расм. Ишчи ари кўқрак ва корин кисмининг асоси
(ен тарафдаи кўриниши):**

1, 2, 3 – олд, ўрта ва орка кўқрак гилдиракчаси бел тарафи; 4, 5, 6 – олд, ўрта ва орка кўқрак гилдиракчасининг плейраль ўсимтаси; 7 – корин кисмида йўколиб, кўқрак кисмида ташкил топувчи гилдиракча; 8 – олд нафас олиш тешикчасини тўсувчи тўскич; 9 – олд канот бирикадиган асос пластинкаси, 10 – ўрта кўқрак гилдиракчасининг бел чизиги; 11 – олд кўқрак плейраль ўсимтаси; 12, 13 – ўрта ва орка кўқрак гилдиракчасининг стернит кисми; 14, 15, 16 – олд, ўрта ва орка оёклар; 17 – кўқракдаги нафас олиш тешикчаси; 18 – кориндага нафас олиш тешикчаси; 19, 20 – корин гилдиракчасининг тергит кисми, 21, 22 – орка ва олд канотнинг бирикниш асоси; Б – ишчи асалари кориннинг пастки кисмида мум ажратиш ойначасининг кўриниши; В – ишчи арининг олтига стернити: 1–2 – тукчалар билан копланган стернит; 3–6 – стернитдаги мум ажратиш ойначалари.

кисм билан тулашган. Шунинг учун бош кисм хар томонга ҳаракатлана олади.

Иккинчи кўқрак ҳалкача энг катта сегмент бўлиб, кўқракнинг асосий кисмини ташкил килади. Бу ҳалкачага канотни, оёкларни ҳаракатга келтирувчи яшиши *Asaphis Navoiy* ган мускуллар жойлашган. Учинчи 2011/12 ҳалкача анча иномидаси

A
10472

O'zbekiston MK

гичка. Тўртинчи кўкрак ҳалқача орқа томонга ингичкалашиб, кўкракни қорин билан бирлаштирадиган танача ҳосил қиласди. Иккинчи ва учинчи кўкрак ҳалқачанинг тергит ва плейрит оралиғига икки жуфт қаноти жойлашган бўлса, биринчи, иккинчи ва учинчи кўкрак ҳалқачаларининг плейрит ва стернит ярим ҳалқачалари оралиғига уч жуфт оёқча жойлашган.


Асаларининг корин қисмида: ичак, юрак, чикариш органи, нафас олиш органи, химоя органи ва жинсий органлар жойлашган. Она ва ишчи ариларнинг корин қисми олтида ҳалқачадан ташкил топган бўлса, эркак ариники еттита ҳалқачадан ташкил топган. Корин қисмининг ҳамма ҳалқачалари ўзаро юпқа чўзилувчан хитин парда ёрдамида туташган. Шу сабабли асалари корин қисмини бемалол чўзиши ва кискартириши мумкин. Унинг корин қисми танасига нисбатан узунасига $\frac{1}{8}$ қисмiga ва энига $\frac{1}{20}$ қисмга кенгайиши мумкин. Корин қисмининг бундай узайиш ва кенгайиш хусусияти нафас олиш вактида, даладан шарбат келтириш ҳамда қишлиш даврида орқа йўғон ичагида ахлат тўплапшида аҳамияти катта. Ишчи ариларнинг учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи корин ярим ҳалқаларида бир жуфтдан мум ажратиш безлари бўлиб, мум суюклиги майда тешикчалардан чикиб мум ойначаларида котади. Она ва эркак ариларда мум безлари йўқ.

1-жадвал

Асаларининг тана ҳажми кўрсаткичлари

Танаси	Асаларининг вазни ва тана ҳажми		
	Иючи ари	Она ари	Эркак ари
Тана узунлиги	12–14 мм	18–20 мм	15–17 мм
Тана вазни	100 мгр	250 мгр	200 мгр
Мураккаб кўзларининг жойлашиши	Бош қисмининг ён тарафида	Бош қисмининг ён тарафида	Бош қисмининг ён тарафи бўйлаб орқа тарафида туташади
Содда кўзларининг жойлашиши	Бош қисмининг мия тарафида	Бошнинг ўрта қисмида	Бошнинг пешона қисми ўртада
Корин ҳалқачалари-нинг сони	6 та	6 та	7 та

Асаларининг оёғи (6-расм) бўғимларга бўлинган уч жуфт бўлиб, кўкрак кисмида жойлашган. Ариларнинг оёклари қуйидаги беш бўғиндан ташкил топган: тос кисм, вертлуг, сон, болдир ва оёқ панжаси. Оёқ панжа бўғим бўлаги ҳам ўз навбатида яна товон, учта номсиз ва тирнок кисмдан ташкил топган. Оёқ кисм иккита тирнок кисм билан тугайди. Тирнок кисмининг ўртасида мураккаб тузилган ёстиқча бўлиб, арилар силлик ойна, тунукалар устида юр-



6-расм. Ишчи ари оёқ қисмининг тузилиши:


- 1 – тазик; 2 – вертлуг-айланадиган кисм; 3 – сон; 4 – болдир; 5 – панжа;
- 6 – тирноклари; 7 – мўйловининг тозалаш мосламасининг ўймаси;
- 8 – бигизсимон ўсимта; 9 – гулчанг заррачаларини тўплайдиган халтача;
- 10 – танасини тозалагич-чўтка; 11 – мўйловни тозалаш мосламаси;
- 12 – мослама клапани; 13 – гулчанг тўпландиган халтача тукчалари;
- 14 – панжасининг биринчи кисми; 15 – гулчанг тўплами; 16 – тирноклари ўртасидаги ёстиқча; 17 – тукчалари.

ганда мана шу ёстикчадан фойдаланади. Ғадир-будур дарахт ёки предметлар устида юрганида тирноқ кисмларидан фойдаланади. Бўғинларнинг ўрталарида мускуллари бўлиб, оёкларни харакатга келтиради. Арилар ғадир-будур нарсалар устида юрганда у ўз оғирлигига нисбатан 20 маротаба оғир юкни тортиши мумкин. Ариларнинг оёқ кисмida маҳсус «курилмалари» бўлади. Унинг олдинги оёғида мўйлов кисмини тозалайдиган аппарати бор. Арилар ўсимлик гулларидан шарбат ва гул чанги тўплаётган вактда унинг танаси гул чанглари билан копланади ва оқибатда ташки муҳит таъсирини сезиш органларининг иш фаолияти сусаяди. Шу пайтда у танасини орка оёқлари панжа кисмининг ички тарафидаги қалин тукчалар-чўткалар ёрдамида тозалайди. Олд оёқнинг болдири кисмida калта каттиқ тукчалар бўлиб, бу тукчалар мураккаб кўзларини тозалайдиган чўтка вазифасини бажаради. Ундан ташкари, орка оёқда гул чангларини уяга ташийдиган маҳсус чўнкирчалар – саватчалари бор. Арилар гул чангларини саватчага шарбат билан ёпишириб тўплаб боради. Саватчага тўпланган копток шаклидаги гул чанги (обножка) гулчанг тўплами деб аталади. Она ва эркак ариларда бундай курилма йўқ. Ўрта оёқларининг ички тарафида бигизсимон ўсимтаси бўлиб, бу ўсимта ёрдамида арилар орка оёқ чўнкирчаларидаги гул чанги тўпламини инчага итариб туширадилар.

Асалариларнинг қаноти (7-расм) икки жуфт бўлиб, улар мустаҳкам тўрсимон юпқа парда ҳамда кўндаланг ва узунасига жойлашган тўрсимон пайлардан ташкил топади. Бу пайлар асалари учган вактда унинг қанотларини мустаҳкам тутиб туради. Олд қанотининг узунлиги 9,2 мм, кенлиги 3,1 мм бўлиб, орка қаноти ундан бир оз калтароқ. Арилар тинч ҳолатда турганда қанотлари бел устида жойлашса, учган вактда қанотлари ёйилиб олд қанот орка қанот билан маҳсус илмоклар ёрдамида туташади. Орка қанотининг олд тарафида 17–28 та илмоклари бўлса, олд қанотининг орка томонида илмоклар туташадиган шунча ҳалқачалар бўлади. Ариларнинг кўкракларида жойлашган кучли мускуллар учиш вактида қанотларни харакатга келтиради. Бир марта қанот кокканда арилар 3 хил харакат киладилар: 1) қанотларини кўтариш ва тушириш, 2) ўз танасига нисбатан олдинга ва оркага харакат килиш, 3) қанотининг ўз йўналиши бўйича пасайиши.

Қанот пастга тушганда арининг танаси юкорига қўтарилади (яъни, танаси ҳавода тутиб турилади), қанот тепага қўтарилигандан танаси олдинга ҳаракатланади.

Юк билан арихонага қайтаётганда арилар соатига 20–30 км учса, ширасиз ва гулчангиз учганда соатига 65 км тезликда ҳаракатланади. Ариларнинг учиш радиуси уядан 3–4 км ва ундан ортиқ. Лекин унумли шарбат ташиш радиуси 2 км дан ошмаслиги керак.




7-расм. Асалари қанотларининг тузилиши:

А – олд қанот; Б – орка қанот; В – қанотнинг бир-бирига туташадиган ғилдиракчаси ва илмокчалари; Г – қанотларнинг кубиталь индексини хисоблаш схемаси (Аллатов кўрсатмаси бўйича): а, б – учинчи кубиталь чизиклари оралиғи (3К); кубиталь индекс тенгламаси $a \times 100$;

К – косталь; Р – радиал; МК – медиал-кубитал; а – анал найча томирлари; Р – радиал катаклари; 1К, 2К, 3К – биринчи, иккинчи ва кубиталь катаклар; Ол.К.Т.Ф. – олд қанотнинг туташиш ғилдиракчаси; ОР.К.Т.И. – орка қанотнинг олд қанот билан туташиш илмокчалари; Т – туташгич.

Асаларининг химоя аппарати (8-расм) жуда мураккаб тузилган бўлиб, марказий қисмини салазка, яъни ҳаракатланмайдиган қисм эгаллаган. Салазкадан жуфт ўсимта ва пластинка бошланади. Салазкага эса стилет, яъни ҳаракатланадиган қисм ўсимтаси ёндашган. Салазкадаги ўқнинг ўйилган йўналиши бўйлаб стилет ҳаракат қиласиди. Стилетнинг орка тарафи сезиши тукчалари билан копланган иккита юмшоқ пластинка ёрдамида бекилиб туради. Тинч турган арининг химоя органи (ниш аъзоси) кўзга кўринмайди, чунки у корин бўшлиғига кириб туради.

Арилар чакканда стилет, яъни найза кисм салазка бўйлаб харакатланиб ташкарига чиқади ва танага санчилади. Ари чаккандан сўнг арининг найзасида нишининг харакатига тескари жойлашган тукчалар нишни суғуриб олишга йўл кўймайди ва окибатда ари учишга харакат килганда унинг найза аппарати санчилган жода узилиб қолади. Найзаси узилиб жароҳатланган ари икки-тўрт соат ўтгандан кейин ҳалок бўлади. Арининг найза аппарати ўз танасидан узилгандан кейин хам санчиши давом этаверади, чунки найза ҳимоя органини харакатланмайдиган ва харакатланадиган стилет кисмга ёпишган мускуллар харакатланишни давом эттираверади.



8-расм. Ишчи ари ҳимоя аппаратининг тузилиши:

1 – катта заҳар бези; 2 – заҳар пуфаги; 3 – кичик заҳар бези; 4 – заҳар найзасини харакатга келтирувчи мускуллар; 5 – найзаси – стилет (харакатланувчи кисм).

Бир ари иккинчисини чақканда ниш санчилган арининг жароҳатланган жойи худди синганга ўхшаб колади. Нишини санчган ари нишини у ердан суғуриб олиши мумкин. Бу холда ари тирик колади.

Арилар чақканда таъсир этадиган заҳар катта заҳар безларининг тўқималарида ишлаб чиқилади. Катта заҳар брез – узун ипсимон ва иккига ажralган найчали кисмдан ва заҳар тўпланадиган резервуардан иборат. Ари чакмагунча бу заҳар резервуарда сакланади. Ишчи асалари катта заҳар безининг

узунлиги 9–20 мм, она арида 30–49 мм бўлади. Ари чаккан жой аввал кизаради, сўнгра секин-аста шиша бошлайди. Шиш танада 2–3 сутка туриши мумкин. Асаларилар билан доимо ишлайдиган одамлар танаси асаларининг заҳарига ўрганиб қолади, яъни уларнинг танасида арининг заҳарига қарши курашувчи иммунитет пайдо бўлади. Асалари заҳари ревматизм ва бошқа баззи касалликларни даволашда яхши натижа беради. Асалари заҳари – апитоксин медицинада қўлланилади.

Асалариларнинг овқати ва модда алмашинуви

Арилар ҳам нормал ҳаёт кечириши ва ривожланиши учун худди бошқа ҳайвонлар каби озикланади. Табиатда ҳар хил ўсимликлар гулининг шираси (нектари) ва чанги асаларилар учун озиқ манбаи ҳисобланади. Булардан ташқари, асалариларга сув ва минерал моддалар ҳам зарур.

Оқсил. Оқсил моддаси асосан арилар танасининг тузилиши (цитоплазма қисми) учун жуда зарур. Оқсилга бой озиқлар, асосан, куртчаларнинг ривожланиши ва кўпайиши учун керак. Оқсил моддаси етарли даражада бўлса куртчалар тез ривожланади. Арилар жадал мум ажратиши учун ҳам оқсил керак бўлади.

Углеводлар (*шакар, асал, шарбат*) ариларнинг танада иссиқлик ишлаб чиқаришига ва мускулларини харакатлантиришга сарфланади. Углеводлар танада кислород билан реакцияга киришиб, танада иссиқлик вужудга келтиради. Углеводлар, асосан, арилар учайданда кўп сарф бўлади.

Ёѓлар ҳам худди углеводлар каби танани харакатга келтириш учун зарур, у тана тўқималарининг таркибида бўлади. Ёѓлар танада тўпланиб, жамғарилган озиқ бирлигини хосил килади.

Минерал тузлар танада тўқима ҳамда кон таркибида бўлиб, ариларнинг ўсиши ва ҳаёт кечириши учун жуда зарур моддадир.

Витаминалар ҳам ариларнинг нормал ҳаёт кечириши ва ривожланиши учун зарур бўлиб, асалари танасида уларнинг бир нечта тури аникланган. Витаминаларнинг бир хили уларнинг ўсишига, иккинчи хили танада модда алмашинувини таъминлашга, яна бошқаси нерв системасини ривожлантиришга таъсир қиласи. Витаминаларсиз ҳашарот ва ҳайвонлар нормал ривожлана олмайди.

Юкорида номлари тилга олинган озикларни асаларилар ўсимлик шарбати (нектар ва гул чанги)дан оладилар.

Шарбат (*нектар*) таркибида 50% ва ундан ортиқ сув бўлиб, уяда арилар шарбатни қайта ишлаб асалга айлантирадилар. Шарбат З хил йўл билан қайта ишланади.

1. Ортиқча сувни буғлантириш.
2. Мураккаб шакарни оддий шакарга айлантириш.
3. Асалга нордон маза киритиши.

Гулнинг нектарини асаларилар оғиз аппарати ёрдамида асал жигилдонига сўриб олади ва уяга олиб келгач, хартуми ёрдамида учмайдиган ёш асалари хартумига беради. Нектарни қабул қилгач, ари уни асал жигилдонига шимади, кейин қайтадан уни хартумига кусади. Бу жараён бир неча марта такрорланади, натижада нектар асалари жигилдонида инвертаза ва амилаза ферментига бойиди. Бу фермент мураккаб шакарни оддий мева ва узум шакаригача парчалайди. Амилаза эса крахмални парчалайди. Айни вақтда шарбатга глюкозани глюканат кислотага айлантирувчи фермент кўшилади. Бунинг учун арилар асал қопчасига олинган шарбатни бир неча маротаба хартум-часи учига қайтариб чиқариб, шарбатга ҳаво – кислород таъсир эттирилади. Ундан ташкари, бир йўла кўшимча суюклиқ, яъни каталаза ферменти ёрдамида ўрта меъёрга келувчи водород перикси ажратилиши натижасида етилган – пишган асал доим нордон реакциясига эга бўлади. Шарбатнинг таркибидаги сув – намлик микдори 20% гача камайгандан кейингина арилар асал билан тўлган инчалирини юпка мум парда билан сувайдилар. Мана шу вактда мева ва узум шакарига ўхшаш оддий шакарнинг микдори 73% гача етади ва ниҳоят ҳамма кимёвий ўзгаришлар натижасида ўсимлик шарбати асалга айланади. Бундай озик арилар танасида ҳеч қандай куч ва ферментлар таъсири-сиз бемалол сўрилаверади. Асалнинг таркибида шакардан ташкари оз микдорда: 0,1–0,4% оксил, 0,2% гача минерал тузлар, 0,1–0,4% гача органик кўшимчалар ва бошқа моддалар бўлади.

Гул чанги майда чанг заррачаларидан иборат бўлиб, унинг усти каттиқ кобиқ билан копланган. Асаларилар уяларида гул чангига асал аралаштириб, ўзларига узок вакт сакланадиган перга деб номланган оксил озик тайёрлайдилар.


Гул чанги таркибида оксил, ёғ, минерал тузлар, витаминлар бўлади. Арилар куртакчаларини гул чанги билан бокадилар. Ўсимлик гулларидан йигилган гулчангларни арилар шарбат билан намлаб инчаларига туширадилар ва яхшилаб бошлари билан шиббалайдилар, устига асал куйиб, хаво кирмайдиган килиб асал куядилар. Мана шу холатда инчадаги перга арилар гул чангини намлагандан кўшган шакар хисобига сут кислотаси бактериялари таъсирида сут кислотасига айланади. Сут кислотаси таъсирида гул чанги узок вақт (икки йилгача) сакланади. Гул чанги таркибида ўрта хисобда 20% гача оксил, 20% гача углевод – шакар, 3–5% гача минерал тузлар, 4–15% гача ёғ моддаси бўлиши мумкин. Гул чангидаги намликтан ташкири ариларнинг танасига сўрилмайдиган клетчатка (гулчанг кобик пўстлоғи) ва бошқа айрим моддалар бўлиши мумкин.

Асалариларнинг овқат ҳазм қилиши

Асалариларда ҳазм қилиш органлари ҳазм қилиш ва сўриш билан биргаликда яна вактинча шарбат йигиш ва уяга олиб келиш вактида шарбатни жойланиш учун идиш (халтача) ролини ҳам бажаради.

Мураккаб шакарни ва бошқа озикларни оддий шакарга парчаланиши кекирдақдан бошланиб, олд, ўрта ва орка ичакнинг ингичка кисми оркали давом этади. Арининг ичаклари 3 кисм: олд, ўрта ва орка ичаклардан ташкил топган. Олд ва орка ичаклар арилар эмбрионал ривожланиши даврида пушт эндигина пайдо бўлаётган пайтда, пуштнинг ташкил катлам кобиғи (эктодерма) кисмидан ташкил топади. Эктодерма грекча сўз бўлиб, эктос – ташки, дерма – тери маъносини билдиради. Шунинг учун ҳам эктодерма кисмдан ташкил топган ҳамма ичаклар ички томонидан хитин билан копланган бўлади. Ўрта ичак эса эндигина пайдо бўлаётган пуштнинг ички катламидаги энтодерма кисмдан ташкил топади ва бу кисмда хитин бўлмайди. Энтодерма энтос – ички, дерма – тери демакдир.

Олд ичак кескирдақдан бошланади, кейин кизилўнгач, асал копчаси ва оралик ичак, яъни клапан ҳамда енгсимон найча келади (9-расм). Кекирдақ кучли мускулли деворчалардан ташкил топган бўлиб, мускуллар кисқарганда суюк озик сўрилади.



9-расм. а – асаларининг овқат ҳазм қилиш органдари:

- 1 – кекирдак; 2 – кекирдак безлари; 3 – орқа мия бези; 4 – кизилўнгач; 5 – кўкрак бези; 6 – асал копчаси; 7 – оралиқ ичак; 8 – ўрта ичак; 9 – мальпигиев найдалар-бўйрапак вазифасини бажарувчи найдалар; 10 – ингичка ичак; 11 – ўйғон ичак; 12 – ахлат чикариш тешикчаси; 13 – ректаль безлари; 14 – юкори жағ безлари; б – оралиқ ва ўрта ичак; 1 – асал копчаси; 2 – клапанинг бош кисми; 3 – мускуллар; 4 – енгисимон ўсимта; 5 – ўрта ичакнинг эпителиал тўқима катлами, 6 – перитрофик мембрана; 7 – ўрта ичак; 8 – базаль мембрана; 9 – эпителиаль тўқималар; 10 – суюклик ишлаб чикарадиган тўқималар.


Кизилўнгач узун ингичка найда шаклида бўлиб, бутун кўкрак бўйлаб ўтиб, корин кисмининг бошида асал копчасига уланиб кетади. Ўсимлик гулларидан йигилган шарбатлар шу асал копчасига тўпланиб уяга олиб келинади. Уядо олиб келинган шарбат шарбатни кабул қилиб оловчи арилар хартумига узатилади, улар ўз навбатида қайтадан кусиб беради. Асалариларнинг асал копчасига 55–60 мг шарбат-асал сигади. Лекин асосий асал тўплаш даврида арилар уяларига 35–40 мг шарбат билан қайтадилар. Асал копчасига шарбатларга кекирдак безлари ишлаб чикарган суюклик ферментлари – инвертаза кўшилиб, шарбатлар мураккаб шакардан оддий ша-

кар холига келтирилади. Асал копчасидан сўнг ўрта ичак, яъни ошқозон бошланади. Ўрта ичакда озиклар ҳазм бўлади (сўрилади). Ўрта ичак асал копчасига махсус оралик найча, яъни клапанинг бош кисми ва унинг енгсимон ўсимтасидан ташкил топган органлари оркали туташган бўлади. Мана шу клапан ёрдамида озик асал копчасидан ўрта ичакка тушади. Ишчи асаларининг ўрта ичаги узунлиги 10 мм, она ариники 13 мм, эркак ариники 19 мм бўлади. Ўрта ичакнинг деворлари бир оз калин бўлиб, кўзга кўринарли даражада катлам-катлам (50–90 тагача) бўлиб жойлашган. Ўрта ичакнинг ичкари тарафида овқат ҳазм килиш шарбатини ишлаб чикарадиган махсус тўқималар бўлиб, улар овқат ҳазм килиш шарбатидаги ферментлар, углеводлардан ташқари оксил ва ёғларни ҳам парчалайди. Протеаза ферменти эса мураккаб оксил моддаларни оддий кисмларга, яъни аминокислоталарга парчалайди. Липаза ферменти эса ёғларни парчалайди. Овқат ҳазм бўлиш пайтида ўрта ичак деворлари ўзидан доимо махсус шилимшиксимон модда ажратиб чикаради. Ўрта ичакда сўрилмаган озиклар шу шилимшиксимон моддага ўралиб орка ичакка узатилади.

Ҳазм бўлмаган озик моддалар шилимшиксимон моддалар билан ўралгандан кейин девор тўқималарини тирнамай кейинги ичакка ўтаверади. Доимий равишда ичак девор тўқималаридан шилимшиксимон модданинг ажралиб туриши бактерияларнинг ичак тўқималарига ўтишига йўл кўймайди. Ўрта ичакнинг орка томонида ҳали сўрилмаган суюкликлар сўрилади ва ҳазм бўлмаган овқатлар ҳазм бўлади ва нихоят парчаланмай, ҳазм бўлмай ва сўрилмай қолган моддалар орка ичакнинг ингичка кисмига ва сўнгра йўғон орка кисмига узатилади. Йиғилган ахлатларни арилар учётган пайтда ташқарига чиқариб ташлайдилар.

Йўғон ичак катлам-катлам бўлиб, бу катламлар арилар киш вақтида уядан ташқарига чиқа олмаган пайтларида астасекин чўзилиб катталашиб боради. Орка йўғон ичакнинг олд бошланиш кисмida олтита ректал без бўлиб, бу безлар ажратган суюклик ферменти – каталаза киш давомида йиғилиб қолган ахлатларни чиришдан саклайди. Энг таъсирчан каталаза ферменти узок кишлайдиган бошкурт асалариларида ва кам таъсирчан каталаза киш мавсуми унча совук ва узок бўлмаган Кавказ сариқ асалариларида учрайди.

Сўлак безлари (10-расм). Ариларда тўрт жуфт сўлак бези бўлиб, улар олд ичак йўлига уланган. Юкори жағнинг асосида юкори жағ бези жойлашган бўлиб, у икки қаватли қопчасимон без тўқималаридан ташкил топган. Ёш ариларда бу без ишлаб чиқарган суюклик оналик сутининг таркиби га кириб, куртчаларнинг озукаси хисобланса, катта ёшдаги



10-расм. Ишчи асаларининг бош ва қўкрак безлари:

А – бош ва қўкрак безларининг бўйламасига кесилгандаги жойлашиш схемаси; А – мия; НТ – нерв тугуни; Х – халқум; КУ – кизилўнгач; МБ – мандибуляр безлари; ГБ – гипофарингеал безлар; МОБ – мия оркасидаги безлар; КБ – қўкрак безлари; КБХ – қўкрак бези халтачаси; Б – халқум безлари; ХОТ – халқум олди тўсиғи; ГП – гипофарингеаль пластина; ГП – гипофарингеаль безлар; ГПУ – гипофарингеаль пластина ўсимтаси; В – мия оркасидаги (МО) ва қўкрак (КБ) безлари; КБР – қўкрак бези халтачаси; Ш – шприц; Г – мия оркасидаги безлар детал тўқималарининг тузилиши; Д – қўкрак бези тўқималарининг тузилиши.


ариларнинг бу без суюклиги мум заррачаларини эритиб, мум катакларни куришда катнашади. Бу без она арида яхши ривожланган бўлиб, суюклиги она ари урчишга учеб чикканда эркак ариларни ўзига жалб киладиган маҳсус ўткир хидга эга бўлса, урчиган она арининг бу без суюклиги шу уядга она ари билан бошқа арилар орасидаги муомалада она ари борлигидан далолат берувчи модда хисобланади. Эркак ариларда бундай без йўқ.

Кекирдак бези кекирдакнинг бошланиш кисмига жойлашган бўлиб, у кўп сонли шарсимон тўкима тўпламлардан ташкил топган. Бу без ишлаб чиқарган суюклик арилар ёш вактида куртчаларни бокишда сут таркибиға кирса, катта ёшдаги ариларда (арилар шарбат йиғувчи бўлганларида) мураккаб шакарни парчалаб, оддий шакарга айлантириб берувчи инвертаза ферменти ажратиб чиқаради. Она ва эркак ариларда бундай без йўқ.

Орка мия бези ари бош кисмининг орка мия томонига жойлашган. Бу без ёғсимон модда ажратиб, жағ хартумчаларини мойлашда катнашади. Эркак арида бундай без яхши ривожланмаган, ишчи арида яхши ривожланган бўлса, она арида жуда яхши ривожланган.

Кўкрак бези кўкракда жойлашган бўлиб, у пастки лабгача чўзилган. Бу без сўлак суюклигини ишлаб чиқаради. Сўлак суюклиги билан арилар кристалл ҳолдаги шакарлар ва озикларни намлаб суюлтиради. Овкат ҳазм килишда бу суюкликнинг аҳамияти катта.

Қон айланиш системаси (II-расм). Ариларнинг кони рангсиз плазма кўринишидаги суюклик бўлиб, унда рангсиз қон таначалари – гемоцитлар сузиб юради. Ари конида қизил қон таначалари (эритроцитлар) бўлмайди ва қон тўқималарига кислород тапиш вазифасини бажармайди. Шунинг учун ҳам арининг кони умурткали хайвонлар конидан фаркланиб, гемолимфа деб номланади. Қон бутун танадаги тўқималарга керакли озиқ моддаларни етказиб туради, шу билан бирга қон ўзига тўқималарда оқсил модда алмашиш таъсирида ҳосил бўлган чиқинди – тана учун керак бўлмаган моддаларни олиб, буйрак вазифасини бажарувчи мальпигиев назчаларга узатади. Гемолимфа танада доимий равища осмотик босимни ушлаб туради (бу босим танада озука мод-



II-расм. Асалариларнинг қон айланини системаси:

1 – аорта; 2 – юрак камералари; 3 – клапанлари; 4 – курак диафрагмаси;
5 – корин диафрагмаси.


далари суюқлик таъсирида суюлиши натижасида вужудга келган босим), у тўқималарда нордон хусусиятларни саклаб туради ва тўқималараро газ алмашинишида катнашади. Кон бутун тана бўйлаб харакатланиб, ари танасини битта тўлик организмга туташтиради.

Арининг конидаги рангсиз кон таначалари танани химоя қилиш, яъни у бактерияларни ўраб олиб, ўлган тўқималарни хамда танага кириб колган кераксиз нарсаларни эритиб сўрилтириб юборади. Коннинг бу фаолиятни бошқаришига фагоцитоз ҳолати (яъни тўқималарнинг ютилиши) деб аталади. Кон ўз вазифаларини бажариши учун у бутун тана бўйлаб харакатланиши керак. Бу ишни ари корин кисмининг бел тарафида жойлашган беш камерали юрак бажаради. Найча шаклидаги бу камераларнинг ҳар бири ёнидаги камерадан алоҳида клапанлар билан ажралиб туради. Бу клапанлар конни факат бир тарафга караб йўналтириб туради. Шунинг учун хам кон ари корин кисмининг орка тарафидан юракнинг секин-аста кисилиши эвазига бош тарафга аорта найчаси орқали харакат килади ва бош кисмидан тана бўйлаб куйилиб кетади. Аортанинг корин кисмидан кўкрак кисмига ўтадиган ерида бурама шаклдаги кисми бўлиб, бу ерда кон ўзини кислород билан тўйинтиради. Арининг корин кисмida иккита диафрагмаси бўлиб, унинг биттаси корин ва иккинчилигидан бел диафрагмаси дейилади. Шу диафрагма эвазига кон

корин кисмидан ўрта ичакда сўрилган озиқ билан тўйиниб, юрак олди камерасига тушиб, сўнгра юракка ўтади ва шу тарзда бутун тана бўйлаб харакат қилади. Арининг мўйлов асосида, оёқ асосида ва канот асосида конни харакатга келтирувчи кўшимча пуфакчалари бўлади, пуфакча сикилиши натижасида қон оёқ, мўйлов ва канот кисмларининг ингичка тўқималарига бориб етади. Ари юрак кисмининг сикилиш тезлиги унинг актив ҳолатига боғлик бўлиб, тинч турган пайтда юрак дакикасига 60–70 марта кисилади. Бу кисилиш харакатланаётган арида 100 мартагача, учайдан арида 140–150 мартагача етади. Қон билан ёғ таначалари узлуксиз алоқада бўлади.

Асалариларнинг нафас олиши (12-расм). Арилар танасида ҳамма тўқималарда керакли озиқ моддалари кислород билан бирикиб, модда алмашиш жараёни кечади. Углевод ва ёғлар парчаланаётганда иссиқлик ажralиб чикади, мана шу иссиқлик ҳисобига арилар нормал ҳаёт кечиришни давом эттирадилар. Оқсил моддалар парчалангандага CO_2 ва H_2O дан ташкари сийдик кислотаси ҳамда тузлар ажralади. Арилар нафас олаётган пайтда бутун тўқималарга кислород боради ва пар ҳолатидаги сув ҳамда карбонат ангидрид (CO_2) гази танадан чиқариб юборилади. Ариларнинг кони кислород ташимаганлити сабабли уларнинг таналари майда трахея найчалари билан қопланган бўлади. Мана шу майда трахея найчалари оркали кислород ҳамма тўқималарга бориб етади.

Ари танасининг ён тарафида маҳсус нафас олиш тешикчалари бўлиб, бу тешикчалар мураккаб тузилишга эга. Ариларнинг кўкрак кисмida уч жуфт, корин кисмida олти жуфт нафас олиш тешикчаси бўлиб, мана шу нафас олиш тешикчалари оркали кислород аввал маҳсус тукчаларга эга бўлган камерага тушади ва шу ерда тозаланади, сўнгра найчалар оркали ҳаво қопчаларига узатилади. Нафас олиш аппаратида маҳсус клапан бўлиб, керак пайтда клапан ёпилиб, кислород ариларнинг танасига кирмайди ҳам, чикармайди ҳам. Маҳсус нафас олиш тешикчаларидан калта йўғон найчалар оркали ҳаво қопчасига туташган. Ҳаво қопчаси тўпланган ҳаво сакланадиган камера ҳисобланади. Ҳаво қопчасидан эса кўп сонли майда трахея найчалари ҳамда жуда майдаейчасимон ҳаво йўллари кетган бўлиб, охири майда-майда трахеолачалар трахея тўқималари оркали туташади. Трахеола найчала-



12-расм. Асаларининг нафас олиш органи:

- 1 – бош ҳаво копчаси; 2 – кўкрак ҳаво копчаси; 3 – корин ҳаво копчаси;
- 4 – трахея; 5 – нафас олиш тешикчаси; 6 – нафас олиш камераси;
- 7 – тукчалар; 8 – очилиб ёпиладиган аппарат.

рининг деворлари жуда юпка бўлганлиги учун ҳаво доимо тўқималарга ўтиб, кислород билан таъминланаб туради.

Мана шу ерда, яъни тўқимада модда алмашиш жараённида ҳосил бўлган кераксиз озик чикндишлар карбонат ангидрид (CO_2) ва буғ ҳолатидаги сув тўқималардан трахея найдалаприга ўтса, трахеядан эса кислород тўқималарга ўтади. Арилар учайданда корин кисмидан нафас олиш тешикчалари оркали ҳаво сўрадилар, кўкрак кисмидаги учинчи – охирги тешик оркали нафас чиқарадилар. Чунки мана шу кўкракдаги учинчи жуфт нафас олиш тешикчалари энг катта тешикча хисобланади. Тинч турган пайтда арилар дакикасига 40 марта нафас олиш харакати, учеб қайтгандан кейин эса дакикасига 120–150 маротабагача нафас олиш харакати қиласидилар.


Ўрта кучга эга бўлган асалари оиласи (10 минг асалари) ёз пайтида яхши учиш кобилиятига эга бўлганда, ҳаво харорати юкори бўлганида 20 литрга яқин ҳавони 1 соат давомида истеъмол қиласиди. Киш пайтида эса арилар кам

харакат килади, бунда 10 минг, яъни 1 кг ари ўрта ҳисобда соатига 4 литргача ҳаво истеъмол килади. Арилар нафас олиш вактида ўз таналаридан буғ ҳолатидаги сувни чикариб юборадилар. Шунинг учун арилар газабланиб безовталаниш пайтида жуда кўп озука истеъмол килиши натижасида, уларнинг танаси озиқнинг намлигини тез буғлантириб чикара олмаслиги оқибатида, уларнинг танасида кучли буғланиш натижасида арилар ҳалок бўлиши мумкин. Асаларилар умурткали хайвонларга қараганда ҳаво истеъмол килиш бўйича устунрок туради. Чунки тинч ҳолатдаги арилар ҳаводаги кислород микдори 4% гача камайганда ҳам (ҳавода 21% гача кислород бор) ўзларини яхши хис қилади. Агарда ҳаводаги кислород микдори 16% га тушса, одамнинг нафас олиши кийинлашади. Ҳавода карбонат ангидрид (CO_2) гази 0,03% гача бўлади. Арилар бу газ микдори 9% га кўтарилиганда ҳам bemalol яшай олади.

Ариларнинг ривожланиши ва кўпайиши


Ари оиласи учун куртчаларни бокиш ва етиштириш асосий вазифа ҳисобланади. Баҳор ва ёз ойларида ариларнинг органлари тез ишдан чиқиб, улар учиб кетаётган пайтларида ҳам ўлиши мумкин. Куз пайтида етиштирилган ишли арилар, кам иш бажарганликлари эвазига улар кўп яшаш кобилиятига эга бўлиб, баҳор пайтигача яшайдилар. Кишлаб чиккан арилар баҳорнинг биринчи ойларида яшаб, жадал иш бажарадилар, яъни битта куртчани бокиб, сўнгра ҳалок бўладилар. Ари оиласи бутун баҳор ва ёз ойларида яхши кучга эга бўлиши ва тез ривожланиши учун оиласа бакувват ва соғлом она ари бўлиши керак.

Она асаларининг жинсий органи (13-расм) жуфт тухумдон, жуфт ва жуфт бўлмаган тухум йўли ҳамда тухум тушадиган махсус канал ва уруғ сакланадиган орган (уруғдон) дан ташкил топган. Она арининг тухумдони корин кисмида жойлашган бўлиб, ноксимон кўринишга эга. Она арининг тухумдони корнида, орка ярим ҳалқалар тагида жойлашган (14-расм). Ҳар кайси тухумдон тухум найчаларидан ташкил топган бўлиб, яхши ривожланган она арида тухум найчаларининг сони 180–200 тагача бўлади. Майда, сифатсиз она арида эса тухум найчаларининг сони 120–140 тагача етади. Тухум



13-расм. Она ари жинсий органининг тузилиши:

1 – тухумдон; 2 – тухум найчалари; 3 – жуфт тухум йўллари; 4 – туташган тухум йўли; 5 – уруғ халтачаси; 6 – уруғ халтачаси безининг очилиш йўли; 7 – қўшимча без; 8-қин; 9-тўплаш тўнтағи; 10 – найзасининг стилети; 11 – найзасининг гилофи; 12 – катта заҳар безининг очилиш йўли; 13 – катта заҳар безининг суюклиги тўпланадиган халтача; 14 – кичик заҳар безининг очилиш йўли; 15 – кичик заҳар безининг суюклиги тўпланадиган халтача; 16 – кичик заҳар безининг очилиш йўли.



14-расм. Она ари тухумдонининг корин кисемида жойлашиши:

1 – тухумдон; 2 – тухум найчаси; 3 – жуфт тухум йўли; 4 – туташган тухум йўли; 5 – уруғ халтачаси; 6 – уруғ халтачаси безининг очилиш йўли.

найчаларидаги тухум вужудга келади ва ривожланади. Тухумейчасининг бошланиши кисмидаги ядро ва тўқималарнинг бўлиниши зонаси бўлиб, шу ерда пуштнинг хужайралари етилади. Сўнгра тухумейчасининг хар бир камерасида битта йирик тухум хужайраси бўлиб, уларнинг орасида сарик тухум хужайралари тўпланади. Тухум хужайраларни жойлашган чегарасида тортиб турувчи тўқималар пайдо бўлиши натижасида найчалар алоҳида-алоҳида тухум камерасини тухум саригидан ажратиб турувчи участкаларга бўлинади. Тухум хужайралари тухумейчаси бўйлаб харакатланиб, секин-аста катталашиб боради (озикланиш ҳисобига), озикни сариксизон хужайралар таъминлаб туради. Фолликуляр хужайралар қалинлашиб, тухумнинг ташки фолликуляр кобиғини ташкил килади. Тухумданейчаси охирида сарик хужайралар озикланмай қолипи эвазига йўқ бўлиб кетадилар, натижада сариксизон камералар йўқолади. Тухум хужайраларининг бир қават юкори плазма кобиғи қалинлашиб, иккичи (ички) тухум сарик кобик қисмини ташкил қилади. Тухумданейчаси охирига тайёр етилган тухум етиб келади ва она ари тухум қўйиш вақтида уни инчага чикаради.

Яхши ривожланган она ари тухумдени йирик ва узун бўлиб, унинг ичида тухумейчаслари ҳам узун камераларининг сони 12–13 тагача етади. Сифатсиз она арилар тухум камераларининг сони 6–7 та бўлади.


Она арининг тухумдени қанча катта бўлса, тухумейчаслари ҳам шунча кўп бўлиб, тухум камералари ҳам кўп бўлади. Натижада она ари шунча кўп тухум қўяди. Шунинг учун ҳам она арининг йириклигига караб унинг сифатлилиги аникланади. Етилган тухум тухумейчасларидан жуфт тухум йўлига, сўнгра жуфт бўлмагай тухум йўлига тушиб, охири тухум қўйипи тешигига ўтади. Тухум ўтиш вақтида уруғ халтасидаги уруғ таъсир эттирилади. Уруғ халтасида эса доимо уруғ сакланади (урчиган она арида). Инчага қўйилаётган 1 та тухумга 12 та уруғ қўшилади. Шулардан 1 таси тухумнинг бўш кобик қисмидан унинг ядросига бориб қўшилади, қолганлари эса цитоплазмага аралашиб кетади. Она ари ишчи ариларнинг инчасига тухум қўяётганда, тухумга халтасидаги эркак ари уруғидан таъсир эттириб, сўнгра инчага туширади.

Эркак арининг инчасига тухум кўяётганда эса халтачадаги эркак арининг уруғидан таъсир эттирмай, факат тухумнинг ўзини инчага туширади. Натижада оталанмаган тухумдан эркак ари етишади. Оталангандан тухумдан эса она ва ишчи ари етилади. Ишчи арилар ҳам ургочи ари бўлганлиги туфайли уларда ҳам яхши ривожланмаган тухумдонлар бўлади, тухумдонда 3–5 та ва энг ривожланганида 19–21 та тухум найчаси бўлади (*15-расм*). Лекин уларда эркак ари билан кўшилиш органи бўлмайди. Шунинг учун ҳам улар доимо оталанмаган, яъни эркак ари стишиб чикадиган тухум кўядилар ва она ариси узок вакт бўлмаган оиласда ўзлари тухум кўя бошлайдилар. Кўйган тухумчаларидан факат эркак ари етишиб чикадиган тухум кўювчи ишчи арилар икки турга бўлинади: биринчиси тухум кўйишга тайёрланаётган, аммо ҳали тухум кўймаган

анатомик трутовка, иккинчиси эса тухум кўя бошлаган ишчи арилар физиологик трутовка деб аталади.

Эркак асаларининг жинсий органи (*16-расм*) иккита уруғдон, жинсий йўл, махсус кўшимча без ва копулятив аппаратидан ташкил топган бўлиб, ўз навбатида, уруғдон ҳамда кўп сонли бир оз кийшайган найчадан, яъни уруғ каналларидан тузилган ҳолда, мана шу уруғ каналларида эркак ари хаётини биринчи кунлари уруғлар писишиб етилади ва сўнгра уруғлар уруғ пуфакчаларига ўтади. Катта ёшдаги эркак ариларда уруғ пуфакчалари катталашиб, унинг ичиди 1,5 дан то 3 мм³ уруғ бўлади. Гумбаклик боскичидаги уруғдонлар катталашиб, узунлиги 5–6 мм, эни 1,6–1,8 мм бўлади. Эркак ари уядан чиккандан 8–14 кун ўтгач, унинг жинсий аппарати жуфтлашиш актига тайёр бўлади.

Уруғ пуфаги кискариб, махсус суюклик ишлаб чикарадиган кўшимча без йўлларига кўшилади. Улардан ингичка йўл – уруғ ўтадиган канал бош-



15-расм. Ишчи арининг жинсий органи:

- 1 – тухумдон;
- 2 – тухум найчаси;
- 3 – жуфт тухум йўли;
- 4 – туташган тухум йўли.

ланади. Ундан кейин кўшилиш аппарати жойлашган, кенгайган кисм – пиёзбош ва халтачасимон найдан иборат. Кўшилиш халтачаси орқа чиқарип тешиги тағидан чикади.

Эркак арининг жинсий органлари жинсий тўқималарини уларнинг ҳаётини биринчи кунлари етилиши орқали она ари жинсий органларидан фарқланади. Колган пайтларда эркак арида тайёр ҳолда бир неча миллион уруғлар бўлади.

Она арининг эркак ари билан кўшилиши. Инидан чикканига 2–3 кун бўлган она ари учишга чикади ва арихона жойлашган жой ва атрофидаги буюмларни эслаб колади ва бундай учишни бир неча бор такрорлаб, сўнгра ҳаётининг 7–10-куни она ари эркак ари билан кўшилиш учун уядан учиб чикади ва бу кўшилиш учиши 15–20 дақиқа давом этади. Бу учиш «никоҳ ўйини» дейилади ва у, одатда, ҳаво исиган вактда, соат 12 дан 15 гача давом этади. Агар ҳаво ёмон келса, она арининг урчиш учун учиб чикиши 2–3 ҳафтага кечикади.

Кўпчилик она арилар урчиш учун 1–2 марта, айримлари эса 3–4 марта гача учиб чикади. Ўрта хисобда она ари 8–10 та эркак ари билан кўшилади. Она ари эркак ари билан кўшилганда (факат охирги эркак ари билан) у ўзининг найза камерасини кисиши натижасида охирги кўшилаётган эркак ариларнинг копулятив органи узилиб, она арининг найза камерасида колиб кетади. Копулятив орган эса уруғ йўли, уруғ йўлининг кенгайган кисм пенис бўйинчаси ҳамда икки жуфт шохчадан иборат. Эркак арининг копулятив орга-



16-раси. Эркак арининг жинсий органлари:

- 1 – уруғдон; 2 – уруғ йўли;
- 3 – уруғ пуфаги; 4 – кўшимча без (мукус суюклиги ишлаб чикарадиган); 5 – уруғ тушадиган найда;
- 6 – пиёзсимон ўсимта;
- 7 – патсимон ўсимта;
- 8 – пенис бўйинчаси;
- 9 – пенис асоси;
- 10 – шохсимон ўсимта.

ни узилиб, она арининг найза камерасида қолиб кетганидан сўнг она ари бошқа эркак ари билан қўшила олмайди ва уяга қайтиб учиб келади. Она арининг эркак арининг эркаклик хусусияти (шлейф) билан уяга қайтиб келиши она арининг эркак ари билан қўшилганидан дарак беради. Юна ари уяга қайтиб келгандан сўнг бир неча соат ўтгач, уядаги арилар ёрдамида қорнини судраб юриб шлейфдан халос бўлади. Эркак арилар 10–12 метр баландликда учсалар, ишчи арилар 1–8 м баландликда учади. Она ари билан қўшиладиган ерда жуда кўп эркак ари йигғилади. Урчимаган ёш она ари урчишга учиб чикқанида юкори жағ безларида ишлаб чиқарилган ўткир хидли суюқлик эркак ариларни ўзига жалб қиласди. Эркак ва она арилар сувдан узокрок жойларда қўшилишади. Сабаб, қўшилиш пайтида сувга тушиб кетиб, халок бўлиши мумкин. Она ари эркак ари билан қўшилганда эркак арининг уруғ пулфакчаларида тўпланган уруғи куч билан босим остида уруғ йўлларига ўтади. Кўшимча безнинг суюқлиги мукус (пуфаксимон масса) уруғни олдинга итаради. Эркак арининг уруғи эса шу пуфаксимон масса кучи таъсирида она арининг жуфт тухум йўлига ўтади. Она ари урчигандан сўнг уруғ секинаста жуфт тухум йўлидан уруғ копчасига тушади. Агар она ари бир марта қўшилишга учиб чикканда зарур миқдордаги уруғни олмаган бўлса, яъни уруғ халтаси тўлмаган бўлса, у ҳолда эртасига яна урчиш (қўшилиш) учун учиб чиқади. Шундай килиб, ўрта хисобда ёш урчимаган она ари 8–10 та эркак ари билан қўшилади ва уруғ халтасига 5–7 миллион уруғ ўтади. Эркак ариларнинг мураккаб кўзида 7–8 минг омматидлар бўлганилиги учун улар қўшилиш пайтида она арини тез топадилар. Она арида 3–4 минг, ишчи арида эса 4–5 минг омматидлар бор. Эркак арининг мўйловида 30000 минг сезиш рецепторлари бўлгани сабабли урчиш пайтида ёш она ари юкори жағ безлари ажратган хидли суюқлик хидини тез сезадилар. Она ари мўйловида 3600 та сезини рецептори бор. Аслида эркак арилар 5 км гача учадилар, аммо айrim вактларда эркак ари яқинида урчиш учун она ари бўлмаса, она ари билан қўшилиши учун 16 км гача учиб борадилар.

Агар она ари 30–35 кун ичida эркак ари билан қўшилмаса, у ҳолда у ўз хусусиятини йўқотади. Ва урчишга учиб чикишни тўхтатиб, оталанмаган тухум кўя бошлайди.

Умурткали ҳайвонларда оталаниш жараёни урчиб бўлгандан кейин бошланади. Она ари аввал эркак ари билан қўшилади ва бу пайтда хеч қандай оталаниш жараёни бўлмайди. Тухум хужайралари фақат она ари тухум қуяётган пайтда она ари томонидан эркак ари суюклигини қўшиб тухумни оталантиради. Она арининг қўйган тухумни оталанмасдан ҳам ривожланиш хусусиятига эга ва бундай оталанмаган тухумдан факат эркак ари чикади ва бундай холатни партеногенетик ривожланиш дейилади: яъни оталанмаган тухум ҳам ривожланиш хусусиятига эга. Оталанган тухумдан она ари ва ишчи ари чикади. Умурткали ҳайвонларга келсак, уларда тухум хужайралари факат оталангандан кейингина ривожлана бошлайди.

Она арининг тухум қўйиши. Она арилар «никоҳ ўйини»дан қайтгач (уруғлангандан сўнг), 34–48 соатдан кейин тухум қўя бошлайди. Урчиган она асалари тухум стадияси га кирганда ишчи асаларилар уни доимо ўраб юрадилар ва бу арилар она арини «кузатиб юрувчи» арилар деб аталади. Кузатиб юрувчи арилар доимо бош тарафи билан она арига караган бўлиб, ажралмаган холда она арини мўйловлари билан ялаб текшириб турадилар ҳамда хартумчалари ёрдамида уларни махсус модда – ари сути билан озиклантириб туради. Ари сути тўйимли, тез ҳазм бўлади.

2-жадвал

Ари қуртчаларининг ривожланиши ва озикланиш режими

Ривожланиш озиклари	Ишчи ари	Она ари	Эркак ари	Озикланиши		
				Ишчи ари	Она ари	Эркак ари
Тухуми	3	3	3	–	–	–
Куртчаси	6 кун	5–6 кун	7 кун	3 кун сут билан, 3 кун асал ва гулчанги аралашмаси билан	5,5 кун факат сут билан	3, 5 кун сут билан, 3, 5 кун асал ва гулчанги аралашмаси билан
Ғумбак	12 кун	7,5–8 кун	14 кун	–	–	–
Умумий ривожланиш даври	21 кун	16–17 кун	24 кун	–	–	–


Тажриба шуни кўрсатадики, она ари ҳаётининг биринчи ва иккинчи йилида энг маҳсулдор бўлиб, кўп тухум кўяди. Шунинг учун аксари асаларичилар икки ёшдан катта она асалариларни оиласда сакламайдилар. Фақат асал йигишида ва кўп мумкатақ тортадиган кўрсаткичларга эга бўлган, мулойим, кўчга чиқмайдиган наслли она ариларни қолдириш мумкин. Бундай она асаларилардан зотли янги ёш она ари етишитиришда фойдаланилади. Тухум кўйиш пайтида она ари аввал корнини тухум кўядиган инга тушириб, инчанинг катта-кичиклигини корин қисмида жойлашган сезиш туклари ёрдамида текширади: агарда инчанинг ҳажми кичкина бўлса, у ҳолда оталанган тухум кўяди. Оталанган тухум кўйиш учун она ари тухумдан найчаларидан жуфт ва жуфт бўлмаган тухум йўли оркали тушиб келаётган тухумга уруғ ҳалтасидан эркаклик суюклигидан бир томчи кўшади ва тухум отала-на бошлайди, яъни корин қисмини инчага туширганда корин қисмидаги туклар инча деворини сезмаса, у ҳолда она ари оталанмаган тухум кўяди. Тухум кўйиш жараёни жадал бо-риши учун инча сифатли қурилган ва тоза бўлиши керак. Акс ҳолда она ари тухум кўймайди. Ундан ташкари, она ари кўйилган тухумни бокадиган ишчи арилар бўлмаса ҳам тухум кўймайди ёки тухум кўйишни камайтиради. Демак, инча тоза бўлиши ёки ўз вактида мумпарда билан қопланган янги мумкатақ рамка билан таъминланиши зарур. Она ари уя ҳарорати $+32^{\circ}$ дан паст бўлмаганда тухум кўя бошлайди. Бир мавсумда битта она асалари 150–200 мингта тухум кўйиши мумкин. Бу жараён нормал бориши учун табиатда нектар ёки уяди старли микдорда асал ва гулчанги бўлиши керак. Ёзнинг охири – август ойида ва сентябрнинг биринчи ярмида табиатда нектар камайган вақтда она арилар тухум кўйишни камайтиради. Аммо сифатли мумкатақ рамка ҳамда гулчанги ва нектар кўп бўладиган жойларда тухум кўяверади.

Тажрибада текширилган сертухум она ва эркак ари-ларни танлаш асаларичиликда яхши насл олиш учун катта аҳамиятга эга. Асалариларнинг сифати улар наслидан олин-ган натижаларга (оиланинг ўсиш, нектар йигиши ва уни асалга айлантириш суръати, мумдан инчалар қуриш қобилияти, ювошлиқ ва х. к.) караб белгиланади.

Асаларининг ривожланиши. Янги кўйилган тухумнинг ранги оқ, узунлиги 1,5–1,6 мм бўлади. У мустаҳкам кобиқ

билин ўралган. Тухумнинг ичидаги тухум хужайраси, ядро ва пуштнинг ривожланиши учун зарур озиқ бўлган сарик модда бўлади.


Тухум холати З кун давом этиб, мана шу вақт ичидаги пуштнинг кучли ривожланиш даври кечади. Учинчи куннинг охирига келиб, тухум инчанинг оғзи тарафдан пастга караб секин-аста эгила бошлайди. Асаларичилар З кунлик тухум куртчага айланаштирганини ажратадилар. Учинчи куннинг охирига келиб, тўлиқ тузилган кичкина куртча тухумини ёриб чиқади.



17-расм. Асалари куртчасининг ривожланиши:

А – она ари куртчасининг ривожланиши; Б – ишчи ари куртчасининг ривожланиши; В – эркак ари куртчасининг ривожланиши.

(17-расм) У оқ рангда бўлиб, оёғи ҳам, кўзи ҳам бўлмайди. Куртча танаси, бош кисм ва аниқ ажралиб турувчи 13 та ҳалкачасимон бўлинмалардан ташкил топади. Куртча танасининг кўп қисмини ўрта ичак эгаллади. Куртча танасининг олд тарафида оғзи бўлиб, ундан кейин олд ичак ўрта ичак билан туташган. Ўрта ичак охири орқа ичак билан туташмаган. Шунинг учун куртча ўзининг бутун ривожланиш даврида тўпланган ахлатини танасидан ташкарига чиқармайди (18-расм), натижада озик ифлосланмайди. Куртча хаётининг биринчи куни сут озукасида сузуб юради. Куртчаларнинг юрак кисми танасининг бел тарафида жойлашган бўлиб, найчасимон 12 та бир хил камерадан тузилган. Куртчанинг танасида ҳаво найчалари бўлиб, у танасининг ён тарафидаги ҳаво олиш тешикчалари билан туташган. Куртчада сийдик, чиқинди чиқариш, буйрак вазифасини ўрта ичак атрофига жойлашган тўртта мальпигиев найчалари бајаради. Бу найчаларнинг ҳам худди ўрта ичак каби чиқариш тешиги йўқ. Куртчада ўзига хос ип ишлаб чиқарувчи без бўлиб, бу без маҳсус суюклик чиқаради. Мана шу ип ёрдамида куртча ўзини ғумбакка ўрайди. Жинсий органи эса иккита ўсимта кўринишига эга.




**18-расм. Асалари
куртгасининг тана
тузилиши:**

- 1 – олд ичак;
- 2 – аорта;
- 3 – катламларнинг жойлашиши;
- 4 – ўрта ичак;
- 5 – юрак;
- 6 – жинсий безлар;
- 7 – ён танаси;
- 8 – мальпигиев найчаси;
- 9 – орқа ичак;
- 10 – корин нерв занжири;
- 11 – пилла ўраш ипини ишлаб чиқадиган без;
- 12 – кичик кекирдак ости нерв тугуни;
- 13 – катта кекирдак устки нерв тугуни.

Куртча инча ичида айланиб харакатланиш эвазига озик моддасини юта бошлади. Куртчалар озикланадиган сут оксил, шакар, ёғ ва минерал тузлар, витаминлар ҳамда ферментларга бой. Тўйимли озик билан озикланиш ҳисобига куртча тез ўсади. Тухумдан чиккан куртчанинг вазни 0,11 мгр бўлиб, биринчи сутканинг охирига келиб унинг вазни 0,52 мгр га, учинчи сутканинг охирига келганда эса 20 мгр га етади. Шундай килиб, куртчанинг оғирлиги уч кун ичida 190 маротаба ортади. Уч кун


давомида куртча сут билан озикланса, учинчи куннинг охирдан бошлаб асал ва гулчанги аралашмаси билан озикланади. Озикни бокувчи арилар куртчаларнинг оғзига солиб кўяди. Куртча ривожлана бориб, олтинчи куннинг охирига борганда унинг оғирлиги 143 мгр га етади. Куртча ривожланиш бора-сида бир неча маротаба ўз танасига сиғмай қолган терисини алмаштиради ва унинг ўрнига янгиси пайдо бўлади. Орадан 5–5,5 кун ўтгач, у озикланишдан тўхтайди. У инчага сиғмай қолгандан кейин арилар инчанинг устини юпка мумпарда билан беркитадилар. Усти беркитилган инчада куртча пилла ўрашдан олдин инчанинг бир бурчагига ахлатини чикаради ва ғумбакка ўралади. Орадан 24 соат ўтгандан кейин пилла ўраш тугайди ва у ҳаракатланмай қолиб, охирги марта терисини алмаштириб қўғирчок холатга ўтади. Шундан сўнг унинг танасида мураккаб ўзгаришлар кечади. Унда куртча холатидаги органлари йўқолиб, унинг ўрнига катта ёшда-ги ариларнинг органлари пайдо бўла бошлайди. Инчанинг усти беркитилгандан кейин орадан 12 кун ўтгач қўғирчок холатдаги ривожланиш тугайди, у тўлик етилган арига айла-нади ва инчанинг устини киркиб ташкарига чиқади.

Она асалариларнинг ривожланиши. Арилар она ари-ни алоҳида катта ҳажмдаги инчалар, яъни ғумбакда етишти-радилар. Кўчга чикишга тайёргарлик кўраётган арилар она



19-расм. Мумкатақ инчаларнинг четки кисмидаги кўч она ари ғумбаги:

1 – ғумбакдан она ари чиккан; 2 – ғумбакнинг усти ёпилган холати.



20-расм. Тўсагдан она ариси йўқолган ёки арисини алмаштирганда мумкатақ рамканинг ўртасида тортилган она ари ғумбаги.

ари ғумбагини катак мумпардаларнинг ён тарафига, кўзга ташланмайдиган жойларига, ғумбакнинг асосига косача курадилар (19-расм). Тасодифан она ари ҳалок бўлса, улар ари инчасидаги 1–2 кунлик куртчалардан инчанинг оғзини кенгайтириб, йирик ғумбак тортиб, ўзларига она ари етиштириб чиқарадилар (20-расм).


Кўчга чиқиши вақтида арилар аввал оғзи кичик инча тортиб, она арининг тухум қўйишига шароит яратиб берадилар, сўнгра инчани кенгайтириб ғумбак тортадилар. Она ари етиштиришда арилар тухумидан чиккан куртчани шунчалик кўп сут озукаси билан бокадиларки, у сут ичидаги сузига юриб, тез етила бошлади. Она арига бериладиган сут бошкага ариларга бериладиган сутлардан кимёвий таркиби жиҳатдан фарқланади. Она арининг куртчаси 5,5–6 кун давомида факат сут билан бокилади. Куртчанинг усти беркитилгандан кейин орадан 7,5–8 кун ўтгач, етилган она ари ғумбакнинг бош кисмини кирқиб ғумбакдан чиқади.

Асалариларнинг сезиш органлари, нерв системаси ва уларнинг хулқ-атвори

Асаларилар сезги органлари воситасида ташки муҳитдан келган таъсирни кабул қиласи ва уларга тегишлича жавоб қайтаради. Ташки муҳит таъсири нерв системасининг тўқималарига тушади. Ариларда кўриш, хид билиш, ис билиш, сезиш, таъм-маза билиш ва эшитиш органлари бўлиб, улар ҳайвонлар ва одамларнидан фарқ қиласи.

Асаларининг кўриш органлари (21-расм). Асаларининг учта оддий ва иккита мураккаб кўзи бўлиб, оддий кўзлари яхши ривожланмаган. Оддий кўзлари линза кўринишида, линзага ички тарафдан кўриш тўқималари келиб, ундан мия кисмига кўриш нерв йўллари туташади. Линза ён тарафидан нурларни сўндирувчи кора пигментлар билан ўралган.

Асалариларнинг мураккаб кўзлари 4–5 минг (эркак арида 8 мингдан ортиқ) майдага кўзчалардан, яъни оматидлардан тузилган. Ҳар бир кўзча тагида ялтироқ хрустал конус ва хрустал таёқчаси бўлади. Ҳар битта майдага кўзча алохида чегараланган жойни кўриб, ҳамма майдага кўзлар бирлашиб, тўлиқ кўриш юзага келади ва мозаик кўриш дейилади.



21-расм. Она арининг ва ишчи ари ҳолатидан она ари ҳолатига ўтаётган пайтдати асалари бош кисмининг кўрининши:

А – она ари, эркак ари ва ишчи ари бош кисмининг олд тарафидан кўрининши; 1 – содда кўзлар; 2 – мураккаб кўзлар; 3 – мўйлови; 4 – юкориги лаб; 5 – юкориги жағ; 6 – хартумча; Б – она арининг бош кисми (а), ишчи ари ҳолатидан она ари ҳолатига ўтишдаги кўрининши (б, в).

Ҳар битта кўзчанинг алоҳида линзаси бўлиб, унинг остида кўриш устунчаси жойлашган. Омматидий атрофида ички ва ташки пигмент хужайралари бор. Омматидийлар асоси билан мураккаб кўзнинг кўриш бўлакчаларига боғланган. Ишчи асаларининг мураккаб кўзида 4000–5000 та, она арида 5000 та ва эркак арида 8000 тадан ортиқ омматидий бор. Ҳар битта майда кўзча алоҳида чегараланган жойни кўради. Асалари кўзларида буюмлар айрим нукталардан иборат бўлган мозаика кўринишида тасвирланади.


Илмий текширишларнинг кўрсатишича, ариларнинг мураккаб кўзлари узокни кўрмай, факат бир неча сантиметр масофадан кўтаради. Нарсани узоклаштирилса, уларнинг

яккол кўриш кобилияти сусаяр экан. Арилар кимирлаётган предметларни фактат 0,5 метргача масофада кўрар эканлар.

Оддий кўзларнинг бажарадиган иш функциялари ҳали аник эмас. Кўп йиллик илмий текшириш шуни кўрсатадики, уларнинг оддий кўзлари нурларни сезишда мураккаб кўзларни нур сезиш кобилиятини оширав экан. Ариларнинг мураккаб кўзлари бош кисмида жойлашганлиги учун улар жуда катта майдондаги нарсаларни кўриш кобилиятига эга ва яхши ориентация кила олади. Мураккаб кўзлари нурларнинг йўналишини сезиш кобилиятига эга. Асаларилар сарик, ҳаво ранг, кўк, бинафша рангларни ажратади. Улар кизил рангни, қора ва тўқ кўнғир ранг билан алмаштириб юборади. Спектрнинг иссик кисмлари, масалан, зарғодок рангни оч ранг, кирмизи рангни оч кўк ранг сифатида қабул қиласди. Аксинча, одам кўзига нисбатан асаларилар кўзи ультрабинафша нурларни кўради.

Арилар бирор предметни тузилиш формасини яхши ажратади. Узок олиб борилган илмий ишлар шуни кўрсатадики, арилар табиатда учрайдиган гуллар, гулбарглар шаклидаги предметларни яхши ажратар экан. Арилар табиатда кам учрайдиган учбурчак, тўртбурчак каби шаклларни ажратади.

Асалариларнинг қутбланган нурларни қабул қилиши. Маълумки, инсон кўзи қутбланган нурларни қутбланмаган нурлардан ажратади. Биринчи бўлиб, К.Фриш арилар қутбланган нурларни қабул қилишини аниклаган. Асаларилар уялари ичидан даладан шарбат ва гулчанги ташиб келаётган вактида ўйнаш усувлари ёки бўлмаса бирор идишда шакар, шарбати берилганда оддий қуёш нури тушиб турган уяларда бир хил йўналишда тўғри йўл билан ўйин тушар экан. Бу тўғри йўл билан ўйин тушиш шарбатнинг қайси ерда эканлигига боғлик экан. Қоронги уяларда, яъни нур тушмайдиган уяларда эса бутунлай бошқача ўйин тушиш оркали озиқни қайси ерга жойлашганлиги маълум килинар экан. Лекин шу қоронги уяга нур тушиши билан арилар ўз ўйинларини ва йўналишларини ўзгартиради эканлар. Маълум бўлишича, арилар фактат қутбланган нурларга караб мўлжаллаган ёки озиқ бор жойнинг йўлини аниклар эканлар. Л.И.Селецкая (1956 й.) ариларнинг мураккаб кўзларига тўпланган нурни йўналтириш оркали, яъни нур йўналтириш



22-расм. Асалариларнинг кўзларида қутбланган нурларнинг тузилиши:

а – тажрибадаги; б – текширилаётгандагиси;

1 – асаларининг бош кисми; 2 – мураккаб кўзи; 3 – тўпловчи линза;

4 – қутбланиш пластинкаси; 5 – қутбланишини тўпловчи экран;

6 – тўсик (дафрагма); 7 – нур манбай.

йўлида қутбланган нурни ўтказувчи пластинка ўрнатиб ва бу пластинкани 90° га буриб турганда асаларининг кўзларида биотоклар ўзгариши сезилганини аниклаган (22-расм). Шунингдек, арининг кўзи билан қутбланган нурни ўтказувчи пластинка ўртасида экран (папирос коғози) кўйиб нурларни қутблантиргмаган ҳолда пластинка айлантирилганда арининг кўзидаги биотоклар ўзгариши сезилмаган. Шундай килиб, арининг кўзлари қутбланган нурлар йўналишининг синишини яхши сезар экан. К. Фришнинг кўрсатишича, қутбланган нурларни сезиш механизмлари арининг мураккаб кўзидаги саккизта радиал жойлашган кўриш тўқималари туташган ва нур мана шу ерда нерв таассуротларини уйғотар экан. Шундай килиб, арилар шарбат йиғишга борган жойларини аник билиб оладилар ва бошка ариларга «ўйин тушиб» тушунирадилар. Даладан уяга кайтиб келаётгандаги хам учуб борган йўлнинг йўналишини чизгандек худди шу йўналишда кайтиб келадилар.

Асалариларнинг хид билиши. Ариларда хид билиш яхши тараккий этган бўлиб, бу орган арининг мўйловида жойлашган. Мўйловининг устки кисмида кўп минг сонли чўнкирчалар бўлиб, шу чўнкирчаларда сезиш нерв тўқималари жойлашган. Бу тўқималар ташки таассуротни кабул килиш ҳамда кабул килинган таассуротни мияга узатиш функцияларини бажаради.

Хар битта мўйловда олти мингта яқин хид билиш чўнкирчалари бўлади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, арилар кўпгина хидларни худди одамдек сезар эканлар. Арилар айрим хидларни одамларга караганда яхши сезадилар. Масалан, маҳсус хидли гераниола моддасининг 1:100000000 нисбатда суюлтирилганинг хидини яхпи сезадилар. Одамлар бундай концентрациянинг хидини сезмайдилар. Мълум бўлишича, бу гераниола моддасини Насонов бези ажратар экан. Гераниола суюклиги арининг бешинчи ва олтинчи корин сегментларини бел томонида жойлашган. Насонов бези ажратган ҳидли суюқлик арилар кўчга чиққанда ҳавода учайтганда ариларнинг бир-бири билан боғланиши ёки бир жойга тўпланишида керак бўлар экан. Арилар ўзларининг химоя аппарати захарининг хидини ҳам яхши сезар эканлар, чунки бу хид уларни ғазаблантиради ва қўзғатади. Асаларилар она арининг ажратган оналик суюқлигининг хидига караб урчиган ёки урчимаган она ари эканлигини ҳамда уяда она ари бор-йўклигини жуда тез ажратиб оладилар. Бундан ташқари, ариларда яна мўйловларини тегизиб сезиш, хид билиш қобилияти ҳам ривожланган; мўйловларини тегизиб, хид билиш орқали улар ўз уяларидаги ариларни бошқа уя ариларидан ажратадилар.

Сезги органлари. Асаларилар сезиш органлари орқали ўзи яшаётган жойини, учган йўлини эслаб колиб адашмайди, озик манбанини тез топади. Айниқса, уя ичида хар хил мураккаб жараёнларни бажариш (ин қуриш, наслни тарбиялаш, нектарни асалга айлантириш, гулчангидан перга тайёрлаш ва уяда жамғарма озик тайёрлаш)да уларга сезги органлари ёрдам беради. Уларнинг сезги органи мўйловида ва бутун танасида жойлашган бўлиб, хитинли тукчалардан ҳамда нерв тўқималарнинг учлари ўтган сезиш конусларидан ташкил топган.

Сезиш органлари ариларни, айниқса, бирор предметга тегиб турадиган мўйлов, оёқ учларида, оғиз кисмларида ва

қанотларида, ундан ташкари сенсиалла сезиш тўқималари, корин устки кисмлари хамда химоя аппаратининг устки кисмида хам жойлашган. Арининг танаси мустаҳкам кутикуладан тузилган бўлганилиги учун ҳам тана атроф-мухитни сезиши қийин, бу вазифани триход сенсиалласи ёки сезиш тукчалари – рецепторлари бажаради. Бу сезиш тукчаларини бошқа тукчалардан фарқи шундан иборатки, сезиш сенсиалла туклари билан бирга сезиш нерв тўқималари бўлиб, бу тўқималардан иккита нерв шоҳобчаси кеттган. Шоҳобчанинг биттаси нерв системасига, иккincinnи сезиш тукларининг асосига тулашган бўлиб, рецептор ўсмаси дейилади. Ишчи арилар мумкатақлардаги инчаларга кириб, сезиш тукчалари орқали инчанинг ҳажмини билиб оладилар ва уяларни тозалашга киришадилар.

Таъм билиш органи асаларилар хартумчасининг тилчасида хамда оғиз бўшлиғида жойлашган бўлиб, озиқ модда ариларнинг хартумчasi орқали таъм билиш тўқималаригача кўтарилади ва бу ерда озиқнинг таъмини тўқималари таъсири орқали сезади. Асаларилар шакар шарбатига қўшилган бошқа қўшимчаларни жуда яхши ажратади. Масалан, 0,9 г хлорат кислотаси қўшилган 1 литр шакар шарбати билан озиқланишдан бош тортадилар. Лекин 1 литр шарбатга 24 г сирка кислотаси қўшилган шарбатни яхши кўрадилар. Демак, асаларилар таъм билиш органлари воситасида истеъмол қилинаётган озиқ моддасини текшириб турадилар. Асосий таъм билиш органлари асаларининг оғиз бўшлиғида, кекирдак пластинкаларида, кекирдак безларининг йўли очиладиган кисмида жойлашган, яна тўпланган таъм билиш тўқималари хам бўлади. Худди шундай тўқималар пастки жағ кисмининг тепасида хам бўлади. Мўйловларидаги таъм билиш рецепторлари арилар мўйловининг охирги саккизта бўлакчасида жойлашган. Мана шу рецепторлар орқали арилар ширин, аччик ва нордон таъмларни ажратади. Бундан ташкари, таъм билиш рецепторлари ариларнинг ёёқ учларида хам жойлашган.

К. Фриш (1935 й.) 34 хил шакар ва шакарга ўхшаш ширин суюкликларни ариларга бериб текшириб кўрганда, шулардан инсонга ширин туюлган ўттизтасидан арилар факат тўккизтасини истеъмол килган.

Катта ёшдаги арилар шарбатнинг қуюқ концентрациясини ёш ариларга нисбатан яхши истеъмол киладилар. Бундай

ходисани К. Фриш кари ариларнинг таъм билиш органлари анча ишдан чиккан деб тушунтиради. Асалариларнинг ҳаммаси 20% шакари бўлган суюкликларни арилар оладиган, 10% шакари бўлган суюкликларни эса айрим ариларгина истеъмол килади. Аммо жуда суст концентрациядаги (5% гача) шакар суюклигини арилар худди сувга бўлган талабларини кондиргандек истеъмол киладилар.

Асаларилар 0,36% ли ош тузи эритмасининг таъмини ажратадиган оладилар. Асаларилар ош тузи эритмасига жуда таъсирчан (одамга нисбатан); шарбатга 2% ли ош тузи эритмаси қўшилса, у холда улар шарбатни умуман истеъмол килмайдилар.

Эшитиш органлари. Асаларилар хар хил товуш чикаради ва қабул килади. Асалариларнинг биологик тарақкиёти ҳамда ривожланишида бу товушларнинг аҳамияти катта. Арилар табиатда ўсимликлар шарбат ажратадиганда, кўчга чикишга тайёрланаётган пайтда хар хил аҳамиятга эга бўлган товушлар чикарадилар. Чакишга тайёрланаётган ари ўзгача хусусиятга эга бўлган, бошқа ариларни ҳам ғазаблантириб кўзғатадиган товуш чикаради. Она ариси йўқ оиласидан ўзгача охангда товуш чикарадилар. Она арининг ашула айтиётгандай товуши аввалдан маълум бўлиб, кўпинча бундай ашуласимон товушни иккинчи маротаба кўч чикараётган оиласидаги ғумбакдан биринчи чиккан она ари товуш чикара бошлиди ва унинг ашуласимон товушига ҳали ғумбакдан чикмаган (яъни ғумбак ичидаги) она арилар жавоб берадилар. Булардан ташқари, яна кўпчилик арилар шарбат йиғишига шайланганда ҳам товуш чикарадилар. Агарда арилар товушсиз ўйин тушсалар, у холда учувчи ариларни шарбат ташинига шайлантиришига кам таъсир килади. Ариларда ташки товушни қабул киладиган махсус хордотональ ва джонстон органлари бўлиб, хордотональ органлари арини олд оёқ болдирида жойлашган. Бу орган ораларида кутикуляр иплар тортилган тўплам тўқималардан тузилиб, сезувчи тўқималар ёрдамида товуш қабул киладиган нерв томирлари уланган. Джонстон органи эса ари мўйловининг иккинчи бўлинмасида жойлашган бўлиб, унинг ёрдамида арилар титрати, силкиниш таъсирини ва товуш тўлқинларини эшитадилар ёки сезадилар. Тахминларга кўра джонстон органи арилар учайтган вактда мўлжалга олишлари учун катта аҳамиятга эга.


Вактни сезиш кобилияти. Арилар вактни билиш кобилиятига эга. Аризорда хар куни бир вактда шакар шарбати бирор идишга куйилса, арилар хар куни худди шу вактда ўша ерга учеб келади. Ундан ташкари, вактни аниклашда күёш нурининг таъсирисиз ҳам сунъий электр токи ёрдамида ёритилганда арилар вактни аник белгилай оладилар.

Нерв системаси сезиш органлари ҳамда мускуллар билан узлуксиз алокада бўлиб, у ташки мухит таъсирини сезиш органлари ёрдамида сезиб, унинг таъсирида ўз ҳаракати, хулк-авторини ўзгартиради. Ариларнинг ҳамма органи мутаносиб равишда ишлайди. Бирорта органнинг иш фаолияти ўзгарса, у билан бирга унга алокадор бўлган органнинг иш фаолияти ҳам ўзгаради. Алоҳида органларнинг иш фаолиятини нерв системаси бошқариб туради.

Нерв системаси янада мураккаброк функцияларни хам бажаради. Чунки арилар хам хаёти учун курашади. Арилар-нинг нерв системаси анатомик тузилишига кўра уч кисмга бўлинади: марказий, оралик ва вегетатив нерв системаси.

Асалариларнинг марказий нерв системаси бош кис-
мидаги кекирдак устки нерв тугунчасидан ташкил топган
бўлиб, ундан қорин нерв занжирчаси бошланади.

Кекирдак устки тугунчаси ўзининг фаолиятига кўра худди умурткали ҳайвонларнинг мия фаолиятига ўхшаш бўлиб, бу тугунча арининг мияси деб аталади. Кекирдак устки тугунчасидан мураккаб ва оддий кўзлар ҳамда мўйловга нервлар туташган. Иккинчи тугунча бу кекирдак ости тугунчаси бўлиб, у кекирдак устки тугунчаси билан иккита нерв йўли оркали туташган. Кекирдак ости нерв тугунчасидан хартумча ва оғиз бўшлиқ органларига нерв йўллари ўтади. Бундан ташқари, кекирдак ости нерв тугунчасидан корин нерв занжирча-



23-расм. Асаларининг иерв системаси:

- 1 – баш мия; 2 – күкракдаги нерв тугуллари;
 3 – корин кисмидаги нерв тугуллари;
 4 – нервлар.

си бошланиб, у кўкрак ва кориннинг пастки кисми бўйлаб жойлашади. Корин нерв занжирчаси жуфт тарқалган ўсимта бўлиб, у охири жуфт бўлиб кўшилиб, мураккаб корин нерв занжирчаларини ташкил килади. Бундай занжир ва тугунчалардан ишчи арида 7 та бўлиб, улардан энг катта иккитаси кўкрак кисмida ва 5 таси корин кисмida жойлашган (23-расм). Мана шу мураккаб нерв корин занжирчаларидан хар хил органлар ҳамда сезиш тукчаларига нервлар ўтади. Кўкрак нерв тугунчаларидан оёқ ва қанот мускулларига нервлар ўтади. Корин нерв тугунчасидан эса ҳамма ички органларга ва ҳимоя аппаратига нерв ўтган.

Нерв тугунчаларидан ҳамма тана органларига ҳамда тери каватларига ўтадиган нервларнинг йиғиндиси оралик нерв системасини ташкил этади.

Вегетатив нерв системаси ички органларининг иш фаолиятини бирлаштириб – бошқариб боради. Унинг фаолияти марказий нерв системаси билан узлуксиз боғлик. Вегетатив нерв системаси унча катта бўлмаган нерв тугунчаларидан ташкил топган. У кекирдак, кизилўнгач, ўрта ичак, юрак, ҳимоя аппаратларида жойлашган бўлади. Бу нерв системаси фаолиятини қўйидаги мисолда қўриш мумкин: агарда қўлда ўтирган арининг оёғини бир оз боссангиз, сезиш тукчалари орқали сезиб, у ташки мухит таъсирига жавоб тарикасида бир оз сурилади, агарда бир оз қаттикрок боссангиз, учеб кетади. Ариларни ташки мухит таъсирини сезиш тукчалари орқали сезиб ўнга яқин нерв тўқималари орқали жавоб қайтариш учун мускулларга хабар беришига оддий рефлекс дейилади. Агарда ўша ари қаттикрок босилса, у сизнинг таъсирингизга, аввало, яқин ердаги нерв занжирларига, тугунчаларга ва мия қисмiga бориб етади ҳамда ҳамма нерв тўқималарини ишга тушириб мускуллар харакатга келади. Сизни чакиши унинг жавоби бўлади. Бундай харакатга мураккаб рефлекс дейилади.

Оддий ва мураккаб рефлекслар авлоддан-авлодга ўтувчи түгма рефлекслар бўлади. Арилар бир канча тайёр рефлекс тўпламлари билан тугилади. Бу оддий ва мураккаб рефлекслардан ташкари улуғ рус физиологи И.П.Павлов томонидан очилган шартсиз рефлекслар, яъни түгма авлоддан-авлодга ўтувчи рефлекс билан бир каторда ҳаётি давомида қабул киладиган шартли рефлекслар ҳам мавжуд. Шарт-

ли рефлекслар ҳайвонлар ва ҳашаротлар ҳаётида, уларнинг хулк-атворида катта роль ўйнайди.

Арилар шарбат ва гулчанг тўплашга туғма шартсиз рефлекс бўйича учib боради, у гулга кўниши билан гулнинг шакли, ранги, хиди ўзгариши натижасида шартсиз рефлекс шартли рефлексга айланади. Чунки мана шу гулнинг ранги, хиди, тузилишига караб вактинча шартли рефлекс вужудга келади. Бир вактнинг ўзида арида куннинг ҳар хил вактида гулларнинг гулига караб, иккита ёки учта шартли рефлекс пайдо бўлиши ҳам мумкин. Ариларнинг уя ичида иш бажариш кобилияти ҳар хил бўлиб, жуда мураккабдир. Шу ишларни ўз вактида бажариш учун ариларда алоҳида туғма инстинктлар мавжуд. Шартсиз рефлекслар тўплами инстинкт деб аталади.

Ариларнинг оиласаги феъл-атвори. Бир кеча минг аридан ташкил топган ари оиласи бир жамоани, яъни кўчни ташкил килади; уларнинг иш бажариши, ҳаракати бир тўлик организмни эслатади. Алоҳида арининг ҳаёти ва иш бажариши ҳамма оиласанинг иш бажариш функциясига боғлик бўлади. Уларнинг ғуж бўлиб яшashi авлоддан-авлодга ўтиб мустахкамланади ва тўлик оила бўлиб яшашга олиб келиб, биологик жамлик – бирликни юзага келтиради.

Алоҳида ари ўз танасининг ҳароратини факат бир неча градусга кўтариши мумкин, холос; ари оиласи эса оила ичидаги ҳароратни $34\text{--}35^{\circ}$ гача, ташкаридаги ҳароратдан катъи назар, кўтариши мумкин. Бир ари бирор ҳайвон ёки одамни чакса ўзи ўлади, бу билан у ўзини ҳимоя килади. Ҳайвон ёки одамни чакиб бир нечта арининг ўлиши ўз оиласини, озиғини ҳимоя қилиш демакдир. Алоҳида арилар оиласадан ташкарида ҳаво ҳарорати 8° дан пасайиши билан караҳт бўлиб қолади. Ғуж бўлиб яшаган ҳамда арилар таналаридан ажратган иссиқлик ҳисобига кишдан омон-эсон чиқади ва баҳордан бошлаб янги авлодни етиштиришга киришади. Битта ари ажратган мум миқдори шунчалик камки, у битта инчани куриш учун ҳам етмайди; аммо ари оиласи бир кечада бир неча минг инчани куриб битириши мумкин. Ариларда кўп туғма авлоддан-авлодга ўтувчи рефлекслар мавжуд бўлиб, улар арилар ҳаётини оиласада бир бутун жисслигини таъминлайди. Арилар ўз уясининг жойлашиши, тешикчалари, даладан қайтиш, шарбат ташини, ўзига хос товуш чиқариш, хид билиш, ўзини

химоя килиш, ўз оиласидаги ариларни бошқа оиладаги арилардан ажрата олиш ва алоҳида ўзига хос товуш чиқариш йўли билан бир жойга тўпланишади. Она ари билан ишчи арилар ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро алокада бўладилар. Ишчи арилар она ари ажратган маҳсус хидни, унинг устки кисмини ялаб, сўнгра колган ҳамма оила ариларига тарқатади. Она ари ажратадиган хид йўқолиши билан арилар тезда ўзларига янги она ари чиқариш учун ғумбак тортадилар.

Ишчи арилар ва она ари ўзига хос товуш чиқариб, бошқа ариларнинг иш бажаришига ва оиланинг ахволини яхшилашга йўналтиради. Ари оиласининг бир четида арилар ғазабланиб кўзгалса, бошқа четидаги арилар ҳам ғазабланиб кўзғалади.

Ариларнинг ҳаётида катта роль ўйновчи тайёр тўплам рефлекслар мавжуд. Оиланинг битта ариси бирор жойдан озука – ширинлик топса, у дарров шу оиланинг бошқа ариларига хабар беради, орадан 1–2 соат ўтгач минглаб арилар шу шарбатни ташиб кетади.

Асалари оиласида ишнинг тақсимланиши. Арилар иш бажариши бўйича, асосан, иккига бўлинади: оила ичидаги иш бажарувчи (14–15 кунлик ёш арилар) ва учувчи, яъни даладан шарбат, гулчант ва сув ташиб келтирувчи арилар. Текширишлар шуни кўрсатдики, ёш арилар уя ичидаги вактнинг ўзида ҳар хил ишларни бажариши мумкин экан. Ёш ари мумкатақ рамканинг ва уясининг қайси ерида бўлмасин ўзи бажариши керак бўлган барча ишни бажаради. Инчадан эндиғина чиқкан ёш ари дарров иш бажаришга киришмайди. Ари кучга киргунча уни бошқа арилар бокиб туради. Ёш ари кучга киргандан кейин дастлаб қиладиган иши ўзи кесиб чиқкан инчасининг четини текислайди ва бошқа қуртчалар этиштирилган инчаларни тозалайди ва қуртчаларни бокишга киришади.

Ёш ариларнинг сут безлари ва мум ишлаб чикувчи безлари яхши ривожланган бўлади. Оила ичидаги ҳарорат 34–35°C бўлгандаги асаларининг овқат ҳазм қиладиган ферментлари оксил, ёғ ва гулчангларни яхши парчалайди. Шу ҳароратда ариларнинг мум ажратувчи безлари яхши ишлайди ва кўп мум ажратади.


Агар оиласида ёш арилар, қуртчалар кўп бўлса, ёш арилар мумкатақларда ўтириб, қуртчаларни сут билан бокадилар.

Агар оилада катта ёшдаги қуртчалар (уч кунликдан катта) бўлса, у холда ёш арилар уларни гулчанг ва асал аралашмаси билан бокадилар; ёш ишчи арилар катта ёшдаги қуртчали мумкатақ рамкалар устида турган бўлсалар, қуртчали инчаларнинг устини юпқа мумпарда билан беркитадилар. Бундан ташқари, бўш инчали рамкаларда она ари тухум кўйиши учун инчаларни тозалайдилар. Ёш ишчи арилар бўш вактларида ўзларининг мум ажратиши ойначаларида тўпланиб колган мум пластинкаларини мум тортувчи ишчи ариларга узатадилар. Шундай килиб, ёш ишчи ари оилада ҳар қандай ишни бажараверади. 3–5 кунлик ёш арилар ташқарига уяси турган жой билан танишиш учун учеб чикади. Танишиш учишлари вактида орқа ичакларида тўпланиб колган ахлатларни хам чикариб ташлайдилар. Уя билан бир неча кун танишадилар, шундан сўнг ёш арилар уя ичидаги қуртчаларни бокишига киришадилар.

Бир канча ёш ари уянинг тешикчасини кўриклайди. Шу туришда улар ўз уяларидаги ариларни бошқа уя ариларидан ажратса оладилар. Уяни кўриклайдиган ариларнинг сони ари оиласининг аҳволи ва табиатдан ташиб келтирилаётган шарбатга боғлиқ. Кўриқчи ариларнинг сони 10–20–30–40 та бўлиши мумкин. Ариларнинг ривожланиши ва яхши ишлashingida табиатдан ташиб келтирилаётган шарбатнинг микдори катта роль ўйнайди. Ариларнинг уя ичидаги иш бажариш даври оилада 14–15 кунгача, кучсиз ари оиласида эса 20 кунгача давом этади. Кучли оилада агарда табиатдан шарбат келаётган бўлса, ёш арилар 5 кундан кейин аста-секин далага учувчи арилар, яъни даладан шарбат, гулчанг, сув ташувчи ари турларига кўшилиб кетади. Уларнинг ўрнига она ари кўйган тухумдан чиккан ёш арилар колади ва уя ичидаги ишларни бажаришга киришади.

Асалари уясининг тузилиши

Ари оиласининг ҳаёти уя ичидаги мумкатақ инча билан узлуксиз боғлиқ. Бу мумкатақ инчаларни мум безлари ишлаб чиқарган мум пластинкаларидан қурадилар. Асаларилар уя ичидаги мумкатақларда ишчи ари, она ари ва эркак арилар етиширадилар ҳамда ўзларига озик тўплайдилар. Мум инчалидан айрилиб колган арилар тезда бутун кучларини сарфлаб мумкатақ куришига киришадилар.




Личинка етиширилдиган инчалар.




Мүмкөткүй инчалар.

24-расм.



Асал түпнанадиган инчалар.



Битта инчанинг замини үчтә инчага асос бўлади.

25-расм.

Мумкатақ инчанинг тузилиши. Ари уяси бир неча мумкатақ инчали рамкадан ташкил топиб, мумкатақ инчали рамка уяларида қўндаланг ҳолда жойлаштирилади ва уларнинг хажми уянинг турига караб танланади.

Куртчалар етиштириладиган мумкатақ инчаларнинг калинлиги 24–25 мм атрофида. Бундай мумкатақ инчали рамкалар бир-биридан 12–13 мм масофада ўрнатилади ва у арининг кучи деб аталади (24-расм).

Асаларилар асал тўплайдиган мумкатақ инчаларнинг кенглиги бир оз каттарок бўлиб, 32 мм га teng. Агар асал тўпланадиган мумкатақ инчали рамкалар орасида бўш жой колган бўлса, у ҳолда арилар асал тўпланадиган инчаларни бир оз чўзиб катталаштириб, унинг кенглигини 40–45 мм гача етказадилар (25-расм). Асал тўпланадиган мумкатақ инчали рамкаларнинг орасида 5 мм жой колдирилади.

Асаларилар мумкатақ инчаларининг битта асоси бўлиб, шу асосдан иккала томонга инча тортилади. Мумкатақ инчаларнинг кўриниши аник олти киррали бўлади. Ҳар битта инчанинг туби учта ромбик шаклда тузилган бўлиб, яна учта инчага асос вазифасини ўтайди. Бундай кўринишдаги инчалар мустахкам бўлади. Ишчи ари, эркак арилар ҳар хил хажмдаги инчаларни курдилар. Ишчи ариларнинг инчаси куртчаларни етиштириш, асал ва гулчанг тўплашда ишилтилади.

Унинг ўртача диаметри 5,40–5,42 мм, чуқурлиги 11–12 мм бўлади. Мумкатақ инчали рамка бир тарафининг 25 см^2 да 100 та ишчи ари инчаси жойлашади. Россиянинг шимолий зоналарида асаларилар йирикроқ бўлганлиги учун ҳам улар курган инчаларни хажми ҳам йирикроқ бўлиб, 5,60–5,65 мм га тўғри келади. Эркак арилар етиштириладиган инчаларда арилар асал тўплайдилар. Бундай инчанинг ўртача диаметри 6,5 мм га teng. Ишчи ариларнинг инчаларидан эркак ариларнинг инчаларини куришга ўтаётган жойда оралиқ инча ҳам бўлади, бу инчанинг хажми ва тузилиши нотўғри тузилган бўлади. Инчаларни ҳаммасининг оғиз тарафи бир оз тепага караган бўлади. Шундай бўлганда куйиладиган асал-шарбат пастга окиб кетмайди.

Мумкатақ рамкалардаги асал, куртча ва гулчангининг асалари оиласида жойлашиши

Ари оиласида баҳор ва ёз ойларида доимо куртчалар бўлиб, тухум ва усти очик куртча, усти беркитилган куртча ва кўғирчок холатдаги куртча дейилади. Ишчи арилар куртчаларининг усти текис килиб мумпарда билан ёпилади. Эркак ари куртчасининг усти эса бир оз дўнгрок килиб мумпарда билан беркитилади. Инчанинг беркитилишига караб ишчи ва эркак ари куртчаси бир-биридан фарқ килинади. Арилар, асосан, куртчаларни уя тешикларига яқин жойлашган мумкатақ рамкалар уянинг четига жойлаштирилади, чунки бу ерда ҳаво яхши алмашинади. Озиқ асал ва гулчанг тўпланган мумкатақ рамкалар уянинг четига жойлаштирилади, асалли инчаларининг усти юпка мумпарда билан беркитиб қўйилади ва узоқ саклаш учун шароит яратилади. Усти беркитилмаган асалли инчалардаги озиқ ҳали етилмаган-пишмаган асал бўлиб, уни табиатда шарбат йўқ вақтда ўзлари истеъмол килиш учун қолдирадилар.

Асаларилар мумкатақ инчаларининг ярмигача гулчанг тўлдириб, унинг устига асал куйиб қўядилар, шунда гулчанг узоқ вакт сакланади. Бундай озиқ модда, айниқса, эрта баҳорда куртчаларни бокиш учун жуда зарур. Бундан ташкири, куртчаларни ривожлантириш вақтида уя ҳароратини нормаллаштириш, намликни саклашда ҳам аҳамияти катта.

Ари оиласида ҳавонинг алмасиши, uya ҳарорати ва намлиги

Ари оиласида ҳали куртчалар пайдо бўлмагандага ҳарорат $13\text{--}28^{\circ}$ атрофида бўлади. Салкин пайларда ҳарорат кечаси пасайиб, кундузи 35° гача кўтарилиши мумкин. Оилада куртчалар пайдо бўлиши билан ишчи арилар уя ҳароратини мўътадил, яъни $34\text{--}35^{\circ}$ да ушлаб турадилар.

Асалари куртчалари ҳароратнинг ўзгаришига жуда сезгир бўлади, шунинг учун ҳам ҳарорат 30° гача пасайса, уларнинг ривожланиши $2,5\text{--}3$ кунга кечикади. Паст ҳароратда етиштирилган ариларнинг хартумчаси калта, каноти қиска, айрим холларда қаноти бутунлай бўлмаслиги ҳам мумкин. Уяда ҳароратнинг 35° дан кўтарилиб кетиши, куртчаларнинг ри-

вожланишига салбий таъсир кўрсатади, баъзан ҳалок бўлади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, оилада арилар кўпайиши билан ҳарорат ҳам нормаллашиб боради. Уя ташқарисида ҳарорат пасайиши билан арилар оила ичидаги бир жойга тўпланиб, ғуж бўла бошлайдилар ва ҳароратни кўтаришга шароит яратадилар. Ҳароратни факат куртчалар бор мумкатакларда 34° – 35° га кўтарадилар.

Оила ичидаги ҳароратни пасайтириш учун эса арилар тарқалишади ва каторлашиб туриб қанот кокиб иссик нам ҳавони уя ичидан тешикча орқали ҳайдаб чикарадилар. Агар бундай ҳаракат ҳам ёрдам бермаса, кўпчилик ишчи арилар уя ташқарисига чикиб, уя тешиги остида осилиб-тўпланиб турадилар. Уядан ташқарида тўпланиб-осилиб турган арилар, асосан, катта ўшдаги арилардир. Асаларилар куртчалари бор инчада ҳавонинг намлигини 65–68% атрофида ушлаб турадилар. Бу максадда куртчалари бор мумкатақ инчалар атрофига янги келтирилган шарбат куйилади ва ундан сувни буғлантириш йўли билан намлик оширилади. Ёз ойларида, жазирама иссик пайтларда арилар кўчадан сув келтириб, усти беркитилган куртча инчалари устига осилиб, ҳаво намлигини оширадилар. Сув буғланиб, ҳаво ҳароратини пасайтиради.

Мумкатакларни тортиш (куриш)

Мум ажратувчи безлар асаларилар ҳаётининг биринчи кунидан бошлаб аста-секин ривожланиб, 12–18 кунлик ари энг кўп мум ажратади.

Кўп мум ажратиш ва мумкатақ куриш, асосан, табиатдан шарбат ва гулчанг келтириш ҳамда оиланинг кучига боғлик бўлади. Табиатдан канчалик узок вакт шарбат келиб турса, мум ҳам шунча кўп ажратилади.

Арилар ҳаётининг 3–5 кунида мум пластинкаси ҳосил бўла бошлайди. Асосан оила ичидаги ўш арилар кўп мум ажратади, катта ўшдаги учувчи ариларнинг мум безлари су сайиб, улар факат мум заррачаларини эритиб ёпиширишда катнашадилар.

Мумкатақ инчаларни куришда нормал ари оиласида арилар ғуж бўлиб тўпланиб, рамкаларнинг тепа тарафларидан тилсимон мумкатақ инчалар торта бошлайдилар, кейинчалик бу тилчаларни кенгайтириб бир-бирига улайдилар. Айрим

холларда оила ичи торлик қилганда ҳали битмаган инчаларга она ари тухум қўя бошлайди, шарбат ташиб келтирадилар, гулчанг билан тўлдирадилар ва секин-аста инча қуришни давом эттирадилар. Уя ичида ҳарорат 34–35°C бўлганда арилар кўп мум ажратади ва тортилаётган мумкатақ инчалар сифатли чикади. Мум тортиш учун уя ичида албатта бўшлиқ бўлиши керак.

Замонавий асаларичиликда одамлар қўйган мумпардадаги олти қиррали инчаларнинг ўрни туширилган йўлларни арилар бир оз кемириб, сўнгра мумкатақ инчалар торта бошлайдилар. Мумпардага мумкатақ инчалар қуриш учун икки маротаба кам мум сарфлайдилар ва тез қурадилар. Бундан ташкари, мумпардага тортилган мумкатақ инчалар кўп сонли ишчи ари инчалари билан бирга юкори сифатли ва мустаҳкам бўлади.

Арилар сонининг кўпайиши ва ари оиласининг ўсимлини

Оилани ташкил қилувчи арилар сони бутун мавсум давомида ўзгариб туради. Баҳор ва ёз ойининг биринчи ярмигача ари оиласи ривожланиб купая боради, бу эса, ўз навбатида, оиласининг сифатли ва юкори маҳсулдор бўлишига олиб келади.

Ёз ойларида хар 35–45 кунда оила арилари янгиланиб турди. Агарда оиласидаги ранги корамтири арилар етиширувчи ўрта рус она ариси зоти ўрнига қўйган тухумидан бошка рангдаги арилар чиқувчи сарик она ари ўтказилса, у холда орадан 35–45 кун ўтгач, ҳамма кора рангдаги арилар ўлиб, уларнинг ўрнига сарик рангдаги гилдиракчалари бор арилар етишади. Узбекистон иклими шароитида бир мавсумда 5–6 авлод, Россия шароитида эса 4–5 авлод арилар етишиб чикади. Мана шунинг учун ҳам асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллаш даврига қадар ариларни кўпайтирибгина колмай, балки қуртчаларнинг сонини ҳам кўпайтиришга эътибор бериш керак. Мана шу усти беркитилган куртчалар шарбат ташиб даврида ўз ишларини бажариб, ўлиб бораётган кора арилар ўрнини эгаллайдилар.

Яхши шароит ва озиқка эга бўлган кучли ари оиласидаги она арининг ҳамма қўйган тухуми тарбияланиб етишиб чикади. Бундай оиласидаги она арининг қўйган тухуми бокувчи арилар сонига teng бўлиб, усти беркитилган куртчалар сони

ортаба боради. Шунинг учун хам бундай оиласаларда она арининг бир суткада кўйган ўртача тухумлари сонини санаш мумкин. Тухумларнинг сонини санаашда бўш рамкага катакларнинг ораси 5 см дан қилиб, ип ёки сим тортилади. Ўша 5 см ли квадрат ичига, яъни 25 см^2 катакчага 100 та ишчи ари инчаси тўғри келади. Шундай қилиб, усти беркитилган куртчали инчаларни санаганда чиккан жами инчалар сонини 12 га бўлиб, бир сутка давомида она арининг кўйган тухуми сонини билиш мумкин.

Ари оиласининг ривожланиши – ўсиши бу оиласа кўп сонли ариларнинг кўшилишигина эмас, балки бунда арилар оиласида зиддият юзага келадики, оиласада инчалардан доимо ёш арилар етишиб чикса, кари арилар ўлиб боради. Агар инчаларда етиштирилган арилар сони ўлаётган кари арилар сонидан кўп бўлса, у ҳолда оила ривожлана бориб, арилар сони кўпаяди. Етиштирилаётган ёш арилар сони ўлиб бораётган кари арилар сонига тенг бўлса, у ҳолда ари оиласи ўсишдан тўхтайди.

Ари оиласининг баҳорги-ёзги ривожланишида З та ўзига хос даврни кўриш мумкин: кишлаб чиккан ариларнинг ўрнини алмашиш даври, ари оиласининг жадал ривожланиш даври ва кўп сонли ишсиз қолган ёш ариларнинг тўпланиб қолган даври.

Биринчи давр. Она ари тухум кўйишни бошлаган вактдан бошлаб 1 ойча вакт ўтгач, кишлаб чиккан ариларнинг ўрнини алмашиш даври бўлади, бу давр ариларнинг жадал ишлаш давригача чўзилади. Мана шу давр ичida кишлаб чиккан қари арилар ўлиб, уларнинг ўрнини баҳорда етиштирилган ёш арилар эгаллайди. Она ари тухум кўйишни жанубий иклим зоналарида баҳор ойининг бошларида, яъни февраль ойининг биринчи 10 кунлигига бошлайди. Дастребки кунлари она ари суткасига 40–80 та, кейин эса 100–120 та тухум кўя бошлайди. Биринчи баҳорги учишни ўтказиб, орқа ичакларида кишлаш давомида тўпланиб қолган ахлатларни бўшатгандан кейин она арининг тухум кўйиши бир неча ма-ротаба ортади. Кўпчилик ҳолларда кишлашга яхши шароит яратилган бўлса, ариларнинг актив ҳаракат қилиш давридан орадан уч хафта ўтгач, оиласадаги арилар сони 10% гача камайиб, ҳамма қари арилар ўлиб кетади, уларнинг ўрнини босадиган ёш арилар ҳали инчаларидан чикмаган бўлади. Кейин

стишиб чиқаётган ёш арилар сонига ўлиб бораётган арилар сони тенглашиб, оилада ўсиш тұхтаб, мувозанат холат юзага келади ва ниҳоят, туғилаётган арилар сони ўлаётган арилардан күпайиб, оила ривожланиб ўса бошлайды.

Ари оиласининг ўсиши биринчи даврда жуда сезиларлы бўлиб, сифат томонга ўзгариб боради. Бу даврда битта кишлаб чиккан ари битта куртчани бокишга қурби етса, баҳорда етиштирилган янги ёш арининг биттаси бир нечта, яъни тўрттагача куртчани бокинига қурби етади. Шундан кўриниб турибдики, биринчи даврда ари оиласи кейинги даврда тез ривожланиш – ўсиш учун тайёргарлик кўрап экан. Қишлоғ чиккан арилар иккинчи ва учинчи даврда етиштирилган ариларга қараганда ўзларининг хусусиятларини кам саклайдилар. Шунинг учун бундай кучсиз ари оилалари ўз уяларини ташлаб қўшни уяларга – кучли оилаларга қўшилиб оладилар. Бундан ташқари, она ариси йўқ оилалар бошқа оила она арисини жуда яхши қабул килади, ҳамда иккита оила бир-бирига қўшилганда ҳам ўзларини яхши тутадилар.

Иккинчи давр. Бу давр ари оиласининг жадал ривожланиши билан характерланади. Ривожланаётган бокувчи арилар билан етилаётган куртчалар ўртасида ўзаро алока бўлиб, она ари куртчаларни бокувчи арилар сонига қараб тухум кўяди. Оилада бокувчи ёш арилар сони кўпайиши билан она арининг тухум кўйиши ҳам ортиб боради.

Иккинчи даврда оилада кари ариларнинг ўлиб бориши унча кўп бўлмай, ўрта ҳисобда она арининг 56 – 66 кун аввал қўйган тухумлар сонига тенглашади (21 кун ишчи арини етиштириш куни, ариларнинг ёзда яшаш куни 35–45 кун; жами $21+35 = 56$ кун; $21+45 = 66$ кун).

Ари оиласининг иккинчи даврида ривожланиши, ўсиш тезлиги оилани ташкил килувчи ариларнинг сифатига ҳам боғлиқ бўлиб, кишида мувваффақиятсиз кишлаб чиккан ари оиласининг ривожланиши суткасига 3–5% дан ошмайди; яхши кишлаб чиккан кучли ари оиласиники эса 10–14% га етади.

Иккинчи даврнинг неча кун давом этиши ари оиласининг ўсиш кучи ва ривожланишига боғлиқ бўлиб, оила қанча кучсиз бўлса, у шунча узок ривожланади ва аксинча.

Учинчи давр. Ари оиласида 2–2,5 кг асалари етиштирилгандан кейингина учинчи давр бошланади. Бу давр ишсиз ёш

ариларнинг тўпланган даври деб аталади. Бу давр ари оиласининг арилари 2,5–4 кг га етгунча чўзилади.

Учинчи даврда она арининг тухум кўйиши кўпаяди, аммо бу кўпайиша барибир етиштирилаётган ёш арилар сонидан куртчаларнинг сони кам бўлади, яъни бокувчи арилар билан она ари кўяётган тухумлар сони ўртасида сезиларли узилиш бўлади. Оила қанча кучли бўлса, она ари ўзининг вазнига нисбатан шунча кам куртчалар етиштиради.

Она ари суткасига 2000 тагача тухум кўйса, бир дона тухум кўйиш учун ўрта хисобда 43 секунд сарфланар экан. У кўп вактини бўш, тозаланган инчаларни қидиришга кетказади. Етишиб чиқаётган ёш арилар ўлиб бораётган кари ариларга нисбатан бир оз кўпроқ бўлиб, оила секин ривожланади. Оила қанчалик кучли бўлса, у шунчалик секин ривожланиб ўсади. Кучли ари оилалари узок ривожланганда 1 суткада етиштирилган ёш арилар сони суткасига ўлиб бораётган кари арилар сонига тенг бўлиб, оилани ривожланиши – ўсиши тўхтайди. Бу даврда кари ариларнинг камайиб бориши табиатдан келаётган шарбатнинг микдорига боғлик бўлиб, агарда шарбат кўп келса, арилар тез қариб, тез ўла бошлайди, ва аксинча шарбат кам келса, арилар уяда иш бажармай ўтиради ҳамда уларнинг яшаш вакти бир оз чўзилади. Шундай килиб, она ари кўяётган тухумлар сони билан бокувчи арилар сони ўртасида тафовут пайдо бўлиб, оилада ёш ишчи ариларнинг кераклигидан ортиқчаси ишсиз қолади. Учинчи даврда табиатдан шарбат келмаганлиги учун ҳам арилар иш билан таъминланмай оилада куйидаги ўзгаришлар юзага келади:

1. Оиладаги ишчи ариларнинг ўртача яшаш вакти чўзилиб, кўп сонли ёш арилар тўпланиб, оиланинг кучи бир оз ортиб боради.

2. Оилада арилар танасининг физиологик қариши сусайиши натижасида оила арилари ёшаради; оила арилари ўз танасида яшаш ва ишлаш учун куч ва фойдали озик бирликлари ни тўплайди. Ари оиласи кўчга чиқканда бу алоҳида хусусиятларнинг биологик аҳамияти катта.

ТАБИЙ КҮЧ

Ариларнинг оиласида ривожланиши, ўсиши, кўпайиши уларнинг кучини оширади. Кучли ари оиласидан табий йўл билан кўчга чиқиш оркали янги оиласалар ташкил бўлади.

Асосан яхши ривожланаётган ари оиласари баҳорнинг иккинчи ярмида кун иссик ва об-ҳаво яхши бўлган кунларида кўпроқ кўчга чиқади. Кўч чиқарган асосий ари оиласининг шу йили маҳсулдорлиги паст бўлиб, асал тўпланишига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун мутахассислар азалдан ари оиласининг кўчга чиқиш сабаблари билан қизикканлар.

Асалари оиласида кўч чиқиш сабаблари

Кўч чиқиш ариларда жуда мураккаб инстинкт туфайли юзага келиб, ташки мухитга мослашиш каби қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Янги кўчиб борган жойида яхши мослашиб яшаб кетиш учун кўчга чикувчи арилар она ари билан биргаликда олдиндан тайёргарлик кўради. Арилар, асосан, об-ҳаво шароити яхши ва табиатда шарбат кўп бўлган пайтда кўчга чиқади. Бунинг катор сабаблари бор.

Ари оиласари хозирги замонавий катта ҳажмли уяларга караганда кичик ҳажмли уяларда яшаётганда кўпроқ кўчга чиқади. Бундан ташқари, кичик уяларга офтоб нури тик тушиб турган бўлса, ҳаво алмашиши яхши бўлмай, уя ичи қизиб кетади. Аммо булар кўч чиқиши учун асосий сабаб эмас. Аникланишича, юкорида айтганимиздек, куртчаларни бокувчи арилар керагидан ортиқча тўпланиб колса, кўчга чиқиш юзага келиши мумкин. Кучли катта оиласарда ривожланишининг учинчи даврида она ари ҳар бир кг ари ҳисобига нисбатан кам тухум кўяди ва оиласида куртчалар кам бўлади. Бунда арилар иш билан тўлиқ таъминланмай қолади, натижада бокувчи арилар танасида ортиқча озиқ модда тўпланиши эвазига уларнинг танасида физиологик ўзгаришлар юзага келади. Улар она арини кўч чиқиш она арисини етиш-

тириш косачасига тухум кўйишига мажбур этадилар. Агар кандайдир йўл билан арилар танасида ортиқча озик моддалар тўпланиши бартараф этилса, кўч чикмайди. Масалан, агар ари оиласи совук камерага жойлаштирилса, унда арилар ўзларини иситиш учун кўп ҳаракат килади ёки тўпланган ёш ариларни кўшимча иш – куртчаларни боқиши, шарбатни қайта ишлаш каби ишлар билан банд килинса, у ҳолда уларнинг танасида ортиқча озик модда тўпланмайди.

Арилар физиологик ҳолатининг ўзгариши билан хулк-атворлари она ари билан учрашганда ўзгариб туради. Айрим она ари ёнидаги арилар она арининг устига чиқиб, титраш ҳаракатларини ўтказиб, она арини кузатиб борадилар. Бундай ҳолатга тушган она арини йўлида учрайдиган ҳар қандай она ари стиштириш косачаси ўзига жалб этди ва унга тухум кўяди.

Асаларилар кўч чиқишдан анча аввалрок мумкатақ инчали рамкаларнинг кўзга ташланмайдиган четрок жойларига 20–40 тагача кўч чиқиш косачаси куради. Аммо косача курилган билан кўч чиқади дейишига эрта. Чунки бу курилган косачалар агарда табиатдан кўп шарбат келса ёки ариларнинг ҳаммаси иш билан банд бўлсалар, у ҳолда фойдаланилмай колади. Кўч чиқиши косачасига она ари тухум кўйса, шундагина ари оиласи кўчга чикишта тайёргарлик кўраётгани маълум бўлади.

Ариларнинг кўчга чикишга тайёрланиши

Кўч чиқиши косачасига она ари тухум кўйиш арафасида она арининг тухум кўйиши жадаллашиб кетади. Косачага тухум кўйилгандан кейин она арининг тухум кўйиши қобилияти сусаяди. Кўчга чикишдан олдин она ари тухум кўйишининг камайиши куйидаги оқибатларга олиб келади:

1. Она арининг тухумдони қискариб, корин қисмидаги ҳаво қопчалари кенгаяди, вазни камайиши натижасида она ари учиш қобилиятига эга бўлади.

2. Оила ичидаги куртчаларни боқиши иши бир қанча камайиши натижасида кўч чиккандан кейин ўша кўп сонли усти беркитилган куртчалар колади, мана шу куртчалар хисобига кўчга чиққан оила ариларнинг ўрни тўлади.

3. Оилада куртчалар етилгандан сўнг бокувчи ариларга иш қолмайди ва натижада уя ичида тўпланиб турган ариларни кўриш мумкин бўлади, оилада жамики ишларни бажариш камаяди.

Ари оиласида кўч чиқиш она арисининг ғумбаги тортилиши билан куртчаларни бокиши камаяди ва секин-аста бутунлай тўхтайди, мум ажратиш ҳамда мумкатақчалар куриш ҳам тўхтайди. Бу ариларнинг кўчга чиқишидан дарак беради. Оилада ариларнинг мум ажратмаслиги, янги мумкатақ инчалар курмаслиги, ариларнинг ишсиз ўтириши оқибатида кўч янги жойга учиб боргандан кейин жуда тез ўзларига мумкатақ инчалар куриш ва тез ривожланиш хусусиятига эга бўлади. Кўчга чиккан арилар қишдан омон-эсон чиқиш учун старли озиқ жамғаришлари ва кўп ёш ишчи ариларни етиширишлари керак.

Асалариларнинг кўч ажратиши. Асосий оиладан биринчи кўч ўзининг эски она ариси билан кўч чиқиш ғумбагининг устини беркитгандан кейин, кўпчилик ҳолларда кўч чиқиш косачасига тухум кўйганидан сўнг орадан 9 кун ўтгач чиқади. Об-хаво ўзгариб (совук, ёмғир, шамол) турса, у ҳолда кўч чиқиш бир неча кунга чўзилиши мумкин. Биринчи кўч арилари ўзларининг эски она ариси билан об-хаво хароратига жуда сезувчан бўлиб, улар асосан офтоб чараклаб турган пайтларда эрталаб соат 10–11 дан бошлаб 13–14 ларгача чиқади (26-расм).

Кўч чиқишидан олдинрок катта ёшдаги қидирувчи (разведкачи) арилар кўчга чиқкан арилар кўчиб бориши учун жой қидира бошлайдилар. Бундай қидирувчи (разведкачи) ариларни бўш қолган уялар, дараҳт каваклари, кичик кўчни ушлаш учун осиб кўйилган енгил кичик кутича каби жойларда учратиш мумкин бўлади. Улар ўша топган жойларни тозалаб, кўриклаб юради. Кўч чиқадиган кун яқинлашган сари жой қидирувчи арилар сони топилган жойда кўпайиб боради, бошка ариларни хайдаб туради. Кўч чиқадиган куни уянинг тешикчаси олдида учётган ариларни учратмаймиз. Қидирувчи арилар ўз оиласига қайтиб келиб, мумкатақ инчали рамкалар устида алоҳида кўринишда тез-тез харакат килиб, маҳсус ўзига хос товушлар чикариб, ўша кўчга чиқишига тайёрланган, танасида физиологик ўзгаришлар юзага келган, иш бажармай ўтирган ариларни кўчга чиқишига

жалб этади. Кўчга чикувчи арилар безовталаниб, катор-катор бўлишиб, асал копчаларига асал тўлдириб, уя деворларида югуриб, уя тешикчаси томон тез харакатланиб, ташкарига чика бошлайдилар. Уядан кўчнинг чикиши ари оиласининг кўчига боғлик бўлиб, 3 дакикадан то 10 дакикагача давом этади. Кўч чикиб бўлгач, безовталанишлар, товуш чиқаришлар тўхтаб, астасекин кўч чиқарган асосий оила арилари уча бошлайди. Кўчга чикувчи оиласининг она ариси охирда – охирги тўда арилар билан бирга чикади. Кўчга чиккан арилар уя олдида хавода товуш чиқаришиб учайётгандарни учун ҳам кўшни уяларнинг даладан шарбат, оёкларида гулчанг олиб келаётган учувчи арилари кўч ариларига кўшилиб кетади. Шунинг учун ҳам кўчга чиккан арилар орасида оёкларида гулчанг тўплаган ариларни учратиш мумкин. Кўчта чиккан арилар арихона атрофида қанча узок тўплансалар, уларга кўшни уя арилар шунча кўп келиб қўшилади. Агарда кўчни ушлаб узокроқ жойга олиб кетилса, шунчалик кўп ари кўч билан бирга колади; мабодо ушланган кўчни шу арихонанинг ўзида колдириб, бошқа уяга ўтказилса, унда келиб кўшилган кўшни уя арилари гераниола суюклигининг хиди йўколиши билан ўз уяларига учиб кетадилар ва натижада кўчнинг кучи камаяди.

Уядан чиккан арилар бир қанча вақт уяси устида ва арихона тепасида учиб айланиб юради. Ундан кейин арихона яқинидаги дараҳт шохчаларига унча катта бўлмаган тўда кўринишида тўпланади. Уядан охирги тўда билан чиккан она ари бирорта тўданинг ариларини топиб уларга қўшилади. Она ари бориб кўшилган тўда арилари катталашиб боради. Бу тўда арилари қанотлари ёрдамида кучли харакат килиб корин кисмини кўтариб, Насонова безининг йўлини очади ва без ажратган маҳсус хидни таркатади, натижада шу хид таъсирида бошқа учиб юрувчи арилар келиб она ари ёнига



26-расм. Дараҳт шохчаларига кўнган табиий кўч арилари.

тўпланади. Ариларда ўзига хос кам тухум кўядиган кари она аридан кутулиш йўллари ҳам мавжуд бўлиб, кўчга чикишга тайёрланётган пайтда арилар ўша сифатсиз она арининг қанотини кемириб, уча олмайдиган килиб кўяди ва натижада кўч чиқиш пайтида она ари уча олмай ерга йиқилади, она арисиз колган кўч арилари яна бошкатдан ўз уяларига кайтади ва иккинчи марта ёш, урчимаган она ари билан кўчга чикади.

Кўч арилари тўдага тўпланиб бўлгандан кейин бошқа жойга учеб кетиш олдидан она ари бор-йўклигига ишонч ҳосил килиш максадида мўйловларини она арига тегизиб кўрадилар, чунки кўч кўчиб борган жойда ҳаётни давом этириш, қуртчаларни етиштиришда она арининг аҳамияти катта. Бундан ташқари, янги кўчиб бориладиган жойга баҳо берадилар.

Кидирувчи арилар кўч арилари тўдаси устида ўйин тушиб, топилган жойнинг қайси тарафда ва қанча узокликда эканлигини кўрсатади. Топилган жой қанча яхши бўлса, кидирувчи арилар шунчалик жадал ўйин тушадилар. Бу ўйин тушиш бир неча соатдан бир суткагача давом этиши мумкин. Мана шундай жадал ўйин тушаётган кидирувчи арилар тўдасига бошқа кидирувчи арилар ҳам келиб кўшилишиб, секин-аста ўйин тушишлар тугаб, ҳамма кидирувчи арилар бир тарафга ўтиб йўналишни кўрсата бошлашса, кўчиб бориладиган аник бир жой танланган бўлади. Ва ниҳоят, кўч арилари янги топилган жой тарафга қараб учеб кетади.

Кўч арилари дарахтларда бир неча соатдан бир неча суткагача осилиб, тўдалашиб ўтириши мумкин. Биринчи кўч арилари чиқиб кетганидан кейин асосий оиласида (40–60% гача) кам ари колади. Аммо усти беркитилган қуртчалар ва она ари ғумбаги кўп бўлади. Мана шу усти беркитилган қуртчалар хисобига тез кунда ари оиласида арилар сони кўпаяди ва иккинчи кўчга чиқувчи арилар сонини ташкил килади. Иккинчи кўч чиқариш она ари ғумбагидан она ари чикиши билан (яъни, ўша кўчга чиқувчи она ари ғумбагининг усти беркитилгандан кейин орадан саккиз кун ўтгач) учеб чикади. Шундай килиб, агарда об-хаво салбий таъсир кўрсатиб, биринчи кўчга чиқувчи ариларни тўхтатиб қолмаса, у холда биринчи кўч чиқкандан кейин тўққизинчи куни иккинчи кўч арилари чикади. Иккинчи кўч арилари чиқишидан бир кун илгари уяда она ари чиқараётган ўзига хос товушни

эшитиш мумкин. Бу товушни асаларичилар она ари ашуласи деб аташади. Етилган биринчи она ари ғумбакни киркиб чикади. Шу вактда бошқа ғумбаклари ичидағи она арилар ҳам етила бошлайди, аммо уларни ишчи арилар ғумбакдан чиқармайдилар. Ғумбак ичидағи она ари ғумбакнинг бир четини тешиб, ундан ўз хартумчасини чикариб арилардан озиқ олиб туради. Биринчи бўлиб, ғумбакдан чиқкан она ари мумкатақ инчалар устида юриб, вакти-вакти билан уядан 1–2 м нарироқдан бемалол эшитса бўладиган ингичка товуш чикаради. Уни чиқарган товушига ҳали ғумбакдан чиқмаган она арилар бўғик товушда жавоб қайтарадилар. Она ариларнинг бундай оҳангда товуш чиқаришларидан кўч чиқариш пайти яқинлашаётганлигини билиш мумкин (асосан иккинчи кўч чиқкан куннинг эртасига учинчи кўч чиқиши мумкин).

Иккинчи кўч арилари, биринчи кўч ариларидан фаркли равишда об-ҳаво ҳарорати паст бўлиб, шамол эсаётган пайларида ҳам учиб чиқаверадилар. Иккинчи кўч ариларининг она ариси урчимаган, вазни енгил бўлганлиги учун ҳам унчалик тез бир жойга тўпланмайдилар. Иккинчи кўч ариларидан бир нечта урчимаган она ари бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда тўпланган кўч арилари тинчланмай, безовталашиб ўзига хос товушлар чикаради. Асаларичилар мана шу хусусиятларига қараб, кўч арилари тўдасида бир нечта она ари борлигини биладилар. Орадан кўп ўтмай кўч арилари ортиқча она ариларни ўлдириб, сўнгра тинчланади. Иккинчи кўч чиқкан куннинг эртасига ёки уч кун ўтгач яна учинчи кўч арилари битта ёки бир нечта она ариси билан бирга чикиши мумкин. Аммо бундай кўч арилари ариси кам бўлиб, кучсиз бўлади. Бир нечта кўч чиқаргандан кейин асосий оила жуда ҳам кучсизланиб қолади.

Ари оиласининг ҳолатига қараб бигта, иккита, айрим ҳолларда учта кўч чиқкандан кейин арилар кўч чиқарувчи она ари ғумбагининг ён тарафини кемириб, кейинги кўч чиқишини такиқлаб қўяди. Ана шундан кейин она ариси урчиб тухум кўя бошлиши билан оила арилари жадал уча бошлайди ва куртчаларни бокиб нормал ривожлана бошлайди.

Кўч ариларининг ишлаши. Кўч арилари янги жойга учиб бориб жойлашгандан кейин бошқа ари оиласига караганда жадал ишлади. Бунинг сабабини кўч арилари тўдасида ҳар хил ёшдаги ариларнинг бўлиши билан боғлаш

мумкин. Чунки асосий оила ёш арилари канчалик кўп бўлса, шунчалик кўп ёш арилар кўч билан қўшилиб кетади, шунинг учун ҳам улар кўч чикишига тайёргарлик кўраётган пайтда кам ёки сира ҳам иш бажармаганлиги учун уларнинг танаси физиологик жихатдан ёш бўлиб, куввати кўп бўлади. Улар янги жойга кўчиб боргач, кўп сонли куртчаларни бокини, шарбат тўплаш, янги мумкатақ инчалар куриш билан жадал шуғулланадилар. Янги жойга учеб борган кўч арилари янги жойлашган уясини яхши эслаб қолиб, кўч она ариси билан қолиб кетади. Кўчга чикувчи ариларнинг янги жойга учеб борганда ҳаво ҳарорати ёмонлиги туфайли бир неча кун давомида озиқланиши ўз асал қопчаларига тўлдириб олишган асал эвазига бўлади.

Ариларнинг учиши ва асал тўплаши

Арилар ҳаво ҳарорати $+8^{\circ}$ дан паст бўлмаганда уяларидан учеб чикиши мумкин, лескин ҳарорат $+15^{\circ}$ дан паст бўлмаганда шарбат ташишга яхши учадилар. Асалариларнинг эрта учишни бошлиши ҳамда учишнинг узок вакт коронғи тушгунча давом этиши кечасидаги ва эрталабки ҳаво ҳароратига, ўсимликларнинг шарбат ажратишига боғлиқ. Кечаси ҳарорат иссик бўлган кунлари арилар тонг отиши билан далага уча бошлайдилар, чунки ариларни кечаси билан ўсимлик гулларида тўпланиб колган шарбат ўзига жалб килади. Кечаси ҳарорат совукрок бўлган кунлари, ариларнинг уядан учеб чикиши кечикади, чунки ўсимлик гуллари ҳаво исиши билан шарбат ажратса бошлайди. Кундузи ҳаво жуда иссик кунлари ариларнинг учиши камаяди ёки бутунлайн тўхтайди. Бундай вактда ўсимлик гуллари кўпинча шарбат ажратмайди, ажратса ҳам ҳароратнинг иссиғидан куюқлашиб, арилар хартумлари билан ололмайдиган бўлиб колади. Айрим ўсимликлар асосан кечки пайт шарбат ажратади, натижада ариларнинг шарбат ташиши то коронғи тушгунча давом этади. Бундай пайтларда жанубий кисмларда коронғи тушиш арафасида далага учеб кетган арилар уяларига кайтиб кела олмай кечаси ўсимлик гуллари, япроқларида қолади, эртасига эрталаб ҳаво исигандан кейин уясига кайтиб учеб келади.

Асалари оиласининг учиши. Баҳорда асалари оиласирида куртчаларни жадал етиштириш даврида арилар ин-

чадан чиққандан кейин орадан 14–20 кун ўтгач, уядан ташкарида иш бажаришга киришади. Баҳорнинг иккинчи ярми ва ёз ойларидан табиатдан шарбат кела бошлиши билан оилада ёш арилар сони кўпайган вактда, ариларнинг бир кисми ҳаётининг 4–5 куни қуртчаларни бокиш каби ишларни тўхтатиб, далага шарбат ташишга учиб чиқади. Шундай килиб, арилар учун қуртчаларни бокиш мажбурий бўлмай колади, улар дархол учувчи арилар сафига кўшилади ва ўсимлик шарбатларини ташишга киришади.

Оилада шарбат ташиш учун учиб чиқувчи ариларнинг сони оиланинг кучи ҳамда ўсимликларнинг шарбат ажратиш кобилиятига боғлик бўлади. Агар шарбат ажратувчи гуллар бўлмаса, унда арилар далага учмайди. Аммо ўсимликлар қўп шарбат ажратса бошлиши билан кучли оилаларда шарбат ташувчи арилар турининг далага учиши ёш арилар хисобига ортиб боради. Кучсиз ари оилаларида эса шарбат ташувчи арилар сони кўпаймайди, чунки кучсиз ари оилаларида ёш арилар 14–20 кунгача уя ичидан ишларни бажаради, қуртчаларни бокади.

Ўсимликлар қўп шарбат ажратадиган пайтда далага шарбат ташиш учун бутун оиланинг 50–60% ариси учиб чиқади. Колганлари эса қуртчаларни бокишини давом эттиради ва келтирилган шарбатни шарбат ташувчи арилардан қабул килиб олиб, қайта ишлаб, асалга айлантиради. Шарбат ташувчи ари келтирган шарбатини шарбат қабул килиб қайта ишловчи ёш ариларнинг 2–5 тасига беради. Шарбатни қабул килувчи арилар шарбатни мумкатак инчаларнинг биридан-бирига кўчириб, қайта ишлаб етилтириб, сўнгра инчаларига кўядилар. Табиатда шарбат кўп пайтда ҳар бир шарбат ташувчи ари кунига 10–12 марта ва ундан ҳам кўп уядан далага шарбат ташиш учун учиб чиқади.

Даладан уяга келаётган арилар юкининг оғирлиги ўсимликларнинг шарбат ажратиш кобилиятига боғлик. Шарбат ажратувчи ўсимликлар қўп бўлиб, арилар бир нечта гулга кўниб асал копчаларини тўлгаза олсалар, у ҳолда арилар уясига 40–45 мг шарбат билан қайтади. Ўсимликларда шарбат кам бўлган вактларда минглаб гулларга кўниб, асал тўплайдиган арилар уясига 10–15 мг шарбат келтирадилар.

Табиатдан кўп шарбат келаётган пайтда арилар шарбат таркибидағи намликни тезда буғлантириш мақсадида

қанотларини кўп ҳаракатлантириб, уядаги ҳаво намлигини 70–80% дан 40–50% гача пасайтирадилар. Айрим пайтларда ўсимликларнинг барги ажратган шириңсизон суюклиқ, шудрингларни ҳам арилар сўриб уяларига келтирадилар. Ундан ташқари, арилар қишлок заараркунандалари – ҳашаротлари ажратган ширин ахлат суюкликлари (кора асал)ни ҳам оладилар.


Ариларни шарбат ташишга жалб этиш

Бирорта шарбат ажратадиган ўсимлик ёки идишга шакар шарбати қуийб қўйилган жойни аниклаган кидирувчи арилар ўз уясига қайтиб келиб, арилар зич ўтирган мумкатақ инчали рамкалар устида алоҳида кўринишдаги ўйинлар туша бошлайди. Арилар уясида 2 хил кўринишда, яъни айлана бўйлаб ва корин қисмини ликиллатиб ўйин тушади (27-расм).

Айлана бўйлаб ўйин тушашда ари ўзи олдин ўтирган мумкатақ инчалар устига келиб сакраб-сакраб тез ҳаракатланиб, айлана бўйлаб гоҳ у ёкка, гоҳ бошка тарафга караб, битта ёки иккита айлана ташкил килиб ўйин тушади. Бундай ўйин тушиш оркали зич ўтирган ариларни шарбат ташишга қўзғатади. Ўйин тушаётган арига якин турган арилар ҳам сакраб-сакраб, мўйловларини ўйин тушаётган арининг корин қисмига тегизиб, унинг кетидан ўйин тушиш йўлларини қайтариб ҳаракат кила бошлайди. Бундай айланиб ўйин тушиш бир неча секунддан то бир дакикагача давом этиши мумкин. Сўнгра ўйин тушаётган ари ўйин тушшини тўхтатиб, яна бошка мумкатақ инчали рамка устида ўшандай кўринишда ўйин тушишни давом этади. Ундан кейин уя тешикчаси томон юриб, яна ўша шарбат топган жойига учуб кетади ва уясига шарбат билан қайтиб келгандан кейин яна ўйин туша бошлайди.

Корин қисмини ликиллатиб ўйин тушиш ўзгачарок бўлади. Ари мумкатақ инчалар устида яримдоира шаклида ҳаракатланиб, сўнгра тез қайрилиб, тўғри чизик бўйлаб ўйин туша бошлаган жойига қайтади, ва яна яримдоира шаклида ўйин тушган тарафининг ёнида худди шундай ўйин тушади, яъни яримдоира шаклинни тўлик доира шаклига келтиради, кейин ўша ўйин тушишни бошлаган жойига қайтиб бориб ҳаракатини бошидан такрорлайди. Мана шундай ўйин ту-

шиш вактида ари яримдоира шаклигача ўйин тушиб, тезда қайрилиб түғри чизик бўйлаб харакат қилаётган вактда қорин кисмини тез ликиллатиб харакат килади. Бундай ўйин тушишлар ариларни топилган шарбат бор жойга учишга жалб этади. Ўсимликлар шарбат ажратмайтган бўлса ёки жуда кам ажратса, у холда арилар уясида ўйин тушмайди. Ўйин тушиш



27-расм. Асаларининг озиқ бор жойларни тонгапларида корин кисмларини ликиллатиб ўйин тушнинлари:

а, б, в, г, д, е – ўйин тушиш кетма-кетлиги; 1 ва 2 – устида ўйин тушадиган инчалар.

орқали арилар фактат озиқ бор жойни топилганини тушунтирибгина қолмай, балки у жой уядан қанча масофада эканлигини ҳам аниқ тушунтиради. Агарда топилган озиқ уядан кўпи билан 25 метр нарида бўлса, унда арилар айланна бўйлаб ўйин тушади. Озиқ топилган жой уядан анча узок бўлса, арилар иккинчи хил ўйин тушади. Озиқ бор жой уядан қанча узок бўлса, арилар шунчалик секин харакатланади. Ўйин тушишда түғри чизик бўйлаб харакатланишда корин кисмини ликиллатиш кўпайиб, арини юриши эса секинлашади. Ўйин тушиш вактида арилар түғри чизик бўйлаб мумкатақ инчалар устида пастдан тепага караб юрса, у холда озиқ офтоб чикадиган тарафда бўлади, агарда юкоридан пастга харакатланса, унда кун ботиш тарафда бўлади. Мабодо озиқ офтоб чикадиган тарафнинг ўнг томонида бўлса, у холда түғри чизик бўйлаб ўйин тушиш (харакатланиш) ўнг тарафга

эгилган бўлади. Агарда тўғри чизик бўйлаб ўйин тушишда арининг ҳаракати бир оз чапроқка эгилса, унда озиқ офтоб чикадиган тарафнинг чап томонида бўлади. Шундай килиб, ариларнинг топилган озиқ бор жойга учиши уядан офтоб чиккан тарафга учишдаги тўғри чизикнинг қайрилиш бурчаги оркали аниқланади.

Ариларнинг гулчанг, прополис тўплаши ва сув келтириши

Баҳор пайтларида арилар кўп гул чанги йиғиб, уяларига олиб келади. Ҳаво ҳарорати яхши, офтоб чиқиб турган кунлари учувчи ари турларининг деярли ярми оёкларида ҳар хил рангда тўпланган гулчанг билан уяларига кайтади. Гулчангларнинг ранги ҳар хил бўлиб, кокигул – момакаймок гулининг гул чанги тўқ сарик рангда, беданики жигаррангда, ёнғоқники кулранг, толники сарик рангда бўлади. Асалари чи ариларнинг оёкларидағи гулчангларга караб, ариларнинг учиш оралиғида қандай ўсимликлар гуллай бошлаганини билиши мумкин.

Арилар, асосан, гулчангларни эрталаб – гулчанг кобиклари ёрилганда йиға бошлайди. Гулчанг тўплаш вактида арилар ўсимлик гулларида ҳаракат қилганда гулчанг доначалари ариларнинг устидаги тукчаларга илашади. Асаларилар танасидаги тукчаларга илинган гулчанг доначаларини оёкларидағи тукчалар (чўткалар) ёрдамида танасини гулчанг доначаларидан тозалаб, шарбат ёрдамида бир оз намлаб орка оёкларидағи халтачаларига туширади. Арилар оёкларидағи халтачаларини бир хил микдордаги гулчангни билан тўлдирадилар, учиш вактида мувозанат саклаш учун бунинг аҳамияти катта.

Оёкларидағи гулчант тўпламларининг оғирлиги ўсимлик гулларидағи гулчангининг микдорига ҳамда ҳаво ҳароратига боғлиқ бўлиб, ҳаво яхши, шамолсиз пайтда тўпланган гулчангининг оғирлиги 16–20 мг гача, шамол пайтдагиси эса 8–12 мг гача етиши мумкин.

Кўпчилик арилар ё шарбат ёки гулчанг йиғиб қайтадилар.

Кузда кишга тайёргарлик кўраётган арилар кўпинча оёқчаларида, айрим дараҳтларнинг куртакларидан елимсимон моддаларни йиғиб келади. Бу ёпишкок елимсимон

модда ёрдамида улар уя ичидаги ортиқча тешикчаларни бекитади, мумкатақ инчали рамкалар сурилиб кетмасдан ёпишиб туришини хамда уя тешигини кичрайтириб, бошка ҳашаротларнинг кирмаслигини таъминлайдилар. Асаларилар сувни асал копчаларида келтиради.

Кузда арилар уяларига прополис деб номланган елимсимон модда келтириб, уядаги ортиқча кераксиз тешикчаларни суваб беркитади. Прополис, асосан, уянинг копкоғи тарафининг юқори қисмiga қўпроқ ёпиширилади. Жанубий зоналарда яшовчи арилар уянинг арилар кирадиган тешикчаларини хам прополис ёрдамида кичрайтиради, ортиқча тешикчалар суваб ташланади.

Асаларилар ёрдамида ўсимлик гулларининг chanгlаниши

Арилар гулдан-гулга қўниб, ўсимликларнинг гулчангини биридан иккинчисига ўтказиб, уларнинг чангланишини таъминлайди. Ариларнинг гулларни айrim турларига бориб қўнишида ва мўлжалга олишида улар хидларининг аҳамияти катта. Ҳар хил турдаги ўсимликларнинг гуллари ҳар хил хид ажратгани учун хам арилар уларни яхши мўлжалга олиб, тез кидириб топади.

Арилар қўпроқ бориб қўнадиган гулларга яхши мослашиб олиб, ҳар битта ари ўнлаб гуллар орасидан ўзи шарбат олаётган гулни топа олади. Ари доимо бир хил турдаги ўсимлик гулларига қўнмаганда чангланиш яхши бўлмас эди. Арилар ўсимлик гулларида шарбат камайиб колгандагина айrim тур ўсимлик гулларидан бошқа тур ўсимлик гулларига бориб қўнади.

Арилар озука кидириб гулларни чанглатиб, мева навларини яхшилаб, хосилдорликни оширсалар, гуллар ариларни гулчанг ва шарбат (оксил, углевод) каби озик билан таъминлайди.

АРИЛАРНИНГ ҚИШДАГИ ҲАЁТИ

Кўпчилик ҳашаротлар орасида асаларилар мувваффакиятли қишлиб чиқади, улар оила бўлиб яшаш эвазига оиласа яшаш учун етарли ҳароратни таъминлайдилар.

Асосий шарбат ажратиш вактидан бошлаб шарбатни кайта ишлаб етилган асални уянинг четки қисмларидағи мумкатақ инчаларнинг тела қисмидаги инчаларни тўлғазиб, қишида озиқланиш учун озиқ тўплаш давридан бошлаб ари оиласи қишлишга тайёрланади. Шарбатни кайта ишланганда у куюқлашади ва узок вакт сакланса хам ачимайди. Шарбат куюқлашиб, таркибидаги шакарнинг микдори 80–82% га келтирилганда ачитиш замбуруғлари ривожлана олмайди. Етилган, яъни пишган асалнинг устини юпқа мумпарда билан бекитилади, бунда намлик кўп бўлганда асал суюлиб қолмайди ёки уя ичидағи ҳаво намлиги куруклашганда котиб қолмайди. Қамиш ўсимлигининг шакари билан ари оиласи бокилганда, шарбат суюқлигидаги шакарнинг микдорини 80–82% гача келтириб бўлмайди. Асаларилар шарбатни кайта ишлаш ва қишлиш вактида кам харакатчан арилар озиқни яхши ҳазм қилиши учун мураккаб шакарни парчалаб, оддий шакарга айлантиради.

Шарбат ташиш тугаши билан эркак ариларни ишчи арилар уядан қувиб чиқарадилар. Дастреб уларни асалли мумкатақ рамкаларидан ҳайдаб, уяни бир четига сикиб қўядилар. Бу ерда озиқсиз колган эркак арилар кучсизланиб, мадори куригандан кейин ташкарига ҳайдалади ва улар очликдан ўлади. Эркак ариларни уядан қувиб чиқариш 3–7 кун давом этади. Бу пайтда ишчи арилар жуда ғазабланган бўлади.

Қишки озиқни тежаш максадида эркак арилар қувиб чиқарадилади. Эркак арилар факат қайси ари оиласида она ариси бўлмаса ёки она ариси урчимаган бўлсагина қишлишга оиласа колдирилади.

Асалариларнинг ғуж бўлиб яшши

Арилар кишида ғуж бўлиб яшашга мослашган, бунда улар уя хароратини биргалашиб яшаш учун нормал ҳолатга келтирадилар.

Уянинг четки кисмидаги ва атрофдаги арилар она арини ўртага олиб, уя марказига тўпланадилар. Ҳаво харорати пасайишини биринчи бўлиб энг четки мумкатақ инчали рамкалардаги арилар сезади ва улар иссикрок, яъни уянинг марказига караб интилади ва секин-аста ғуж бўла бошлайди. Уянинг четки ён атрофидаги ва мумкатақ инчали рамкаларнинг пастки кисмидаги арилар ғуж бўлиб тўпланган тўда ариларнинг ташки кисмини ташкил этади. Тўда арилари кечалари ғуж бўлиб тўдага тўпланса, кундузи кун исиши билан яна тарқалиб кетади. Аник совук тушиши билан арилар қишлиаш даври ўтгунча бир жойга доимий ғуж бўлиб тўпланади. Қишлиашга ғуж бўлиб тўпланган арилар тўдасининг юкори кисми мумкатақ инчали рамкадаги озикка тегиб турадиган бўлиб тўпланади. Қишлиашга ғуж бўлиб тўпланадиган жойни арилар кузда, ҳали ҳаво иссик пайтда куртчалар етиштирилган мумкатақ инчали рамкалар устида танлайди. Арилар, асосан, уяни арилар кирадиган тешикчаси каршисидаги мумкатақ инчали рамкаларга тухум қўйганлиги учун ҳам қишлиашга ўша ерда ғуж бўлиб тўпланади.

Агарда кузда ари уяларининг ари кирадиган тешикчаси уяни ўртасида бўлса, у ҳолда арилар қишлиашга ўртадаги мумкатақ инчали рамкаларда ғуж бўлиб тўпланади.

Кузда оиласида куртчалар йўқ пайтда улар ғуж бўлиб ўтирган жойидан ёнидаги бошка асалли мумкатақ рамкаларга ёки бўлмаса ташкаридан таъсир килаётган иссик тарафга караб енгил силжийди. Уя деворлари бир кават тахтадан бўлса, у ҳолда уянинг жанубий тарафи офтоб нуридан тез исиди. Бундай пайтда ғуж бўлиб тўпланган ари тўдаси кўпроқ жанубга караб силжийди.

Ари оиласининг қинилашга ғуж бўлиб тўпланадиган жойи, асосан, она ари турган жой оиласининг иссиклик маркази бўлиб, энг юкори харорат ўша ерда бўлади. Бу иссиклик маркази оила атрофидаги ариларни ўзига тортувчи куч хисобланади. Агарда уяда оила ариларига ташкаридан таъсир киладиган ҳеч кандай иссиклик бўлмаса, у ҳолда ғуж бўлиб

тўпланган арилар тўдаси худди думалок шар шаклида ёки иссиқлик марказидан бир оз чўзилганрок шаклни олади.

Тўпланган арилар тўдаси тўданинг ички ядро маркази ва устки кобик кисми каби тузилишга эга. Кобик кисмини ташкил килувчи арилар харакатланмай, бош кисми марказ тарафга караган бўлиб, бир-бирига зич ёпишиб ўтиради. Ички марказдаги арилар унча зич ўтирганлари учун харакатланиб, мумкатақ инчалар устида юра оладилар. Фуж бўлиб тўдага тўпланган арилар факат мумкатақ инчали рамкалар ораларига тўпланибина қолмай, балки улар рамкаларнинг ён ва пастки қисмидаги бўш инчаларга ҳам кириб жойлашади. Тўдага тўпланган арилар тўдасининг устки кобиги 2 см дан 10 см гача зич арилардан ташкил топади. Бундай тузилиш эвазига тўда ўртасидаги харакатланиш хусусиятига эга бўлган ариларнинг ажратган иссиқ ҳавоси тўдадан чиқиб кетмайди. Тўда ариларининг кобик кисми қалинлиги ҳамма қисмida ҳам бир бўлмай, ён тарафи ва орка девор тарафи қалинрок бўлса, тепа тарафи эса юпқа бўлади. Фуж бўлиб тўпланган арилар тўдасининг ички марказида озиқ истеъмол килиб харакатланиш натижасида оёқ, канотлари ва корин қисмини кимирлатиш эвазига иссиқлик хосил килинади. Арилар кишлаш даврида, кўп минг сонли ариларни тўда ўртасида харакатланиб, иссиқлик хосил килаётганда товуш чикараётганлиги эшитилиб туради. Ҳаво ҳарорати пасайганда ҳам тўда ўртасида бир хил ҳарорат ушланиб туради ва тўда ариларининг зичланиши натижасида устки кисми қалинлашиб, иссиқликнинг йўқолишига йўл кўйилмайди. Ташки муҳит ҳарорати 5° га пасайса, арилар тўдасининг ҳажми 12% га камаяди ва иссиқликни саклашга замин яратилади. Арилар тўдасининг марказида ҳарорат $28-32^{\circ}$ гача кўтарилади, тўданинг устки қисмida эса $6-10^{\circ}\text{C}$ атрофига бўлади.

Баҳор яқинлашиши билан ҳарорат кўтарилиб боради ва февраль ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунлигига тўда арилари марказида иссиқлик $32-33^{\circ}$ гача кўтарилиб, она ари тухум кўя бошлади.

Кишилашга тўпланган ишчи арилар тўдасининг ҳаётини олимлар мукаммал ўрганиб чикканлар. Тажриба олиб борилайтган оила арилари танасига бойланган микротермоэлементлар билан тўдада силжиган. Ишчи арилар танасининг ҳарорати ҳеч качон $+18^{\circ}$ дан пастга тушмаган, хатто уя ичи-

да тешикча олдидаги ҳарорат -5° гача пасайғанда ҳам. Таналарига микротермоэлементлар үрнатылған ишчи арилар бундай ҳолаттарда ҳам ғуж бўлган тўданинг устки қисмida колган. Ғуж бўлиб тўпланган арилар сезилмаган даражада жуда секин харакатланиб, ўрниларини алмаштириб туришади. Устки қисмидаги арилар 20 дакика ёки бир соат давомида тўда марказига ўтиб, у ерда бир неча соат, айрим ҳолларда 12 соатгача бўлади.

Алоҳида 25 та аридан ташкил топган арилар тўдасидаги арилар ҳам ҳароратни 36° гача кўтариш хусусиятига эга эканлар. Ғуж бўлиб тўпланган тўда ариларининг яшаш жараёни сескинлашиб, физиологик хусусиятлари пасайиши натижасида тежаб озик истеъмол қилиш эвазига уларнинг муваффакиятли кишлиши кузатилган. Профессор Г.А. Аветисяннинг (1946 й.) ўтказган тажрибасида табиий кўчга чиккан ғуж бўлиб тўпланган арилар асал қопчасидаги озик ҳисобига ҳаво ҳарорати $14-15^{\circ}\text{C}$ бўлганда 28 кун яшаган бўлса, худди шу арилардан алоҳида биттаси факат 2 кун яшаганлигини аниклаган. Йигирмата аридан ташкил топган арилар тўдасидаги ҳар битта ари бир суткада 22 мг дан 37 мг гача, алоҳида битта ари эса 46 мг гача озик истеъмол килар экан (Н.И.Калабухов, 1933 й.). Алоҳида якка ҳолда яшаган ариларнинг яшаш вакти икки маротаба киска.

Кишлиш вақтида ари оиласи безовталанмай, тинч яшаса, у ҳолда арилар истеъмол қиладиган кислород микдори ва ажратадиган карбонат ангидрид гази керакли микдорда бўлади. Агарда ари оиласи безовталанса, озик кўп истеъмол қилинади ва юкоридаги кўрсаткич микдорлари ўзгаради. Тинч ҳолатда 1 кг ари 1 соатда 457 куб см кислород истеъмол килса, безовталангандиган арилар эса 297 минг куб см ёки 650 маротаба кўп кислород истеъмол килар экан. Мана шунинг учун ҳам ари оиласини безовталантирмай қишлиши учун замин яратиш керак.

Модда алмашиниши факат ариларнинг ахволига эмас, балки уларнинг ёшига ҳам боғлик. Д. Шкробала (1957) тажрибасига кўра, 20 кун яшаган арилар 1 дакиқада 1 г оғирликка 56 куб мм, 11 кун яшаган арилар эса 25 куб мм кислород истеъмол килар экан. Бу кўрсаткичлар шуни кўрсатадики, ариларнинг ёши катталашиши билан ҳаётий яшаш жараёни ҳам тезлашар экан. Ваҳоланки, шундан кўриниб турибдикি,

ёш ариларда модда алмашишнинг жадаллашиши катта ёшдағи ариларга караганда секин бұлғанлиги учун хам ёш арилар танаси кам ишдан чикади ва кишлош вактида узок яшайды. Қишиш вактида арилар, асосан, углевод (асал; шакар) озиғи билан озикланади. Тұқималардаги озиқ хисобига модда алмашиш жараёнида иссиклик ажралып чикади. Арилар 1 кг асал озиғи истеъмол килса, 2720 калория иссиклик, 1448 г карбонат ангидрид ва 502 г сув ажралар экан. Демак, ари оиласи канча кучли бўлса, ҳаво ҳарорати шунча яхши ушлаб турилади, ариларнинг танаси кам ишдан чикади ва жами арилар вазнига нисбатан кам озиқ истеъмол қилинади.

Ташки мухит ҳарорати яхши бўлмагандан ёки ҳавода кислород микдори кам, яъни карбонат ангидрид гази ортикча бўлганда, ари оиласи узок кишлоши мумкин экан. Қишлошга туж бўлиб тўпланган арилар тўдасининг марказида карбонат ангидрид газининг микдори 3–4% бўлса, ҳаво кислороди 18% бўлади. Арилар карбонат ангидрид газининг микдори юкори бўлганда яшаётган мослашганлиги сабабли уларнинг танасида модда алмашиш жараёни секинлашади ва натижада озиқ истеъмол қилиш камаяди.

К.О.Михайлов ва Г.Ф.Тарановларнинг (1960) ўтказган тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳаво алмашиш ёмон бўлган вактда карбонат ангидрид газининг микдори кўпаяр экан, айниқса, очик ҳавода кишлоётган ари оиласарида, ташки мухит ҳарорати пасайган пайтда тўпланган ари тўдасида 3,6–4,9% гача карбонат ангидрид гази бўларкан.

Бундан ташки, арилар куз пайтида уядаги барча ортикча тешникларни прополис билан суваб ташлаганлари учун хам карбонат ангидрид газининг микдори ортади.

Ҳавонинг нисбий намлиги. Арилар керакли озиқни истеъмол қилиб, фойдали озиқ таналарига сўрилгандан кейин уларнинг тўқималарида модда алмашиш жараёни кетади ва бунда улар карбонат ангидрид гази ва буғ ҳолатидаги сув ажратиб чикаради. Ҳавода ушланиб коладиган буғ ҳолатидаги сув ҳавонинг ҳароратига боғлиқ бўлади. Ҳаво ҳарорати $+20^{\circ}$ бўлганда 1 л ҳавода 23 мг гача буғ бўлиши мумкин. Мана шундай ҳолатда ҳавонинг намлиги 100% га яқинлашади. Ҳавонинг намлиги модда алмашишига катта таъсир кўрсатади. Ҳаво етарлича нам бўлмаса, ҳашаротлар танасида сув мувозанати тенглиги бузилиб, куруклашади.

Г.Ф.Тарановнинг кўрсатишича, арилар 50% ли шакар шарбати билан бокилганда битта ари 1 суткада 0,075 г сув йўқотаркан ёки бошқача қилиб айтганда, бу ари вазнининг 70% ни ташкил этар экан. Ари танасидан ортиқча микдорда сув буғланиб чикиши унинг ҳаётини кискартириши мумкин. Танадаги сувни ари буғ ҳолатида нафас олиш тешикчалари оркали чикаради.

Ҳаво намлигининг ошиб кетиши ҳам ариларга салбий таъсир кўрсатади. Ҳаво намлиги 25–30% бўлганда бир тўдадаги ари 35 кун, намлик 51% бўлганда 31 кун, 73% бўлганда 24 кун, 93% намликда эса 8 кун яшаган.

Кичик тўда холида тўпланиб кишлаётган арилар ўзларига керак бўлган намлик тарафга караб сурилиб яшайдилар. Тўдасида 100 тагача ариси бор оила ҳаво намлигини ўзи учун етарли даражага етказиб олади.

Гуж бўлиб тўпланган ариларнинг харакатланиши. Қишлош вактида арилар кам харакатчанлигига қарамай, мумкатақ инчали рамкалар устида харакатланиб, бир жойдан иккинчи жойга сурилади.

Гужанак арилар бир мумкатақ рамгадаги озиқни истеъмол қилиб бўлгач, бошка мумкатақ рамкага сурилиб ўтади. Агар мумкатақ инчали рамкаларда озик етарли бўлса, арилар тўдаси ўша мумкатақ рамка орка деворининг тепа қисмига кўтарилади.

Оила ичидаги ва атроф-мухитнинг ҳарорати ноль градусдан паст бўлганда, арилар камҳаракат бўлганлиги учун ёнидаги озиғи бор мумкатақ рамкага ўта олмайди ва оқибатда очликдан ўлади. Шунинг учун асаларичи қишлош ва баҳорги ривожланиш даврига етарли микдорда ҳар битта рамкага 2–2,5 кг озик колдиради.

Асаларилар қўшни озиғи бор мумкатақ рамкага ўтаётганда безовталанади ва тўданинг ҳарорати қўтарилиб кетади. Оқибатда қўшимча озик истеъмол қилинади. Бу эса, ўз навбатида, ичакда ахлатнинг кўпайишига олиб келади ва арилар уя ичиди, қишлош вактида ичи кетиб, кучсизланиб ўлиши мумкин.

Тўдага тўпланган ариларнинг бир жойдан иккинчи жойга силжиб ўтишида уларнинг биринчи маротаба тўпланган жойининг ахамияти катта. Агар арилар қишлошга уянинг ўрта қисмида жойлашган бўлиб, оиланинг икки четида етарли озиғи бор рамкалар жойлаштирилган бўлса, у ҳолда улар

ўрта кисмдаги озикни истеъмол килиб бўлгач, ёнидаги рамкаларга ўтиб, муваффакиятли кишлаб чикади. Бундан ташкари, арилар тўдаси иккига бўлинниб, бири чап тарафга, иккинчиси ўнг тарафга караб силжиши мумкин. Ҳосил бўлган иккита кичкина тўдадаги ари оиласи совукка бардош бера олмай ўлиши мумкин.

Асалариларнинг кишда озикланиши

Киша усти беркитилган мумкатақ инчалардаги асалнинг устини очиб озикланадилар. Инчанинг усти очилгач, ундағи етилган асал ҳаводаги намлиқни тезда ўзига тортиб, арилар истеъмол килиш учун тайёр бўлади. Киш ойларининг биринчи ярмида ари оиласи кам озикланади – ўрта хисобда бир оила кунига 20–25 г ёки бир ойда 600–700 г озик истеъмол килади. Куртчалар пайдо бўлиши билан ари оиласининг озик истеъмол килиши ойига 1,0–1,2 кг гача кўпаяди, киши охирларига бориб 2 маротаба кўпаяди.

Ариларнинг киша озикланиши ташки мухит ҳароратига, уя каерда жойлашганлигига боғлиқ. Чунончи, ҳарорати 0° га якин бўлган очик ҳаво ёки ертўлада кишлаган арилар 2–3 кг ортикча озик истеъмол килар экан. Очик ҳавода кишилаётган ариларни жойлашган мухитдаги ҳарорати 0° дан +3°C гача бўлса, у холда арилар оиласи кишилашга кам озука сарфлайдилар.

Арилар факат эрта баҳорда, биринчи маротаба ташкарига учеб чикканларида орка ичакларини бўшатадилар. Бундай хусусият факат асалариларга хосдир. Ариларнинг танасида асал мукаммал сўрилишига қарамай, ундан 1,8% и чикинди сифатида орка ичакда тўпланади. Орка ичакда бутун киши давомида 40 мг гача ахлат тўпланади. Орка ичагидаги ахлат оғирлиги 40 мг дан ошса, ариларнинг ичи кетиши ёки безовталаниши мумкин. Орка ичак деворларида жойлашган ректаль бези ишлаб чиқарадиган каталаза суюклиги ичакда тўпланган ахлатни чиришдан саклайди.

Арилар танасида ҳар хил турдаги озикнинг сўрилиши ва ҳазм бўлиши тўғрисида олиб борилган илмий ишларнинг кўрсатишича, шакар энг енгил сўрилувчи озик бўлиб, Д.Майоровнинг (1929 й.) айтишича, ариларнинг танасида шакар 98,2% гача, асал эса 96,5% гача сўрилиб ҳазм бўлар экан. Шакар шарбати билан озикланган ариларнинг орка ича-

гида 43,3 мг, асал билан озикланган ариларда 65,6 мг ахлат түпланган. Лекин шакар шарбати билан озикланган ари оиласлари муваффакиятли қишлиб чиқишига қарамасдан, баҳор пайтида асал билан озикланган ари оиласига нисбатан уларнинг секин ривожланганлиги тажрибадан аникланган.

Америкалик мутахассисларнинг айтишича, шакар озиги ни асал озигига тенглаб бўлмайди, чунки таркибида оксил, витаминлар, минерал тузлар ва бошқа фойдали моддалар бўлмаганлиги учун ари оиласини шакар озиги билан қишлиши тажрибада синаб кўрилмаган. Олимларнинг кўрсатмалари ва тушунтиришларига қарамай, ҳозирги даврда арилар қишига қолдириладиган озигининг бир қисми шакар шарбатига алмаштирилмоқда. Айрим ҳолларда қишига қолдирилган асал озигига кора асал бўлади. Кора асал қишилок ҳўжалик зааркунанда ҳашаротлари ажратган шириксимон ахлатини арилар шира тушган дараҳтларнинг баргидан ташиб келтириб озикка кўпсалар, у ҳолда бундай озик шакар шарбатига алмаштирилади. Агар асал озигига кора асал кўпайиб кетса, ари оиласи қинилашига хавф туғилади.

Ари оиласининг муваффакиятли қишлишини таъминлаш максадида, кўпчилик туманларда қишига қолдирилган асал озигининг 6–8 кг ни шакар шарбати билан алмаштирилади. Қиши чўзилиб кетиб, арилар орқа ичакларини ахлатдан узок вакт тозалолмай юрган пайтларида шакар шарбатининг аҳамияти катта.

Ертёлаларда яхши шароитда муваффакиятли қишилаётган ариларнинг орқа ичагида түпланган ахлатнинг вазни таҳминан декабрь ойида 18 мг, январда 20 мг, февралда – 24 мг, марта – 32 мг ва апрель ойида, арилар биринчи учишга чиқишидан олдин, 34–36 мг га тенг бўлади. Агарда қишилаш вактида ҳаво ҳарорати илик келиб, арилар вакти-вакти билан учиб, орқа ичакларини бўшатиб турсалар, у ҳолда асалариларни орқа ичакларида кўп ахлат түпланмай, муваффакиятли қишилаб чиқадилар, качонки кузда ворроатоз канасига карши курашиш чора-тадбирлари ўз вактида бажарилган бўлса.

АСАЛАРИ ОИЛАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КҮПАЙТИРИШ

Хозир замонавий асаларичиликни ривожлантиришда, арихонада асалариларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун асаларичиликда асалари оиласарини уяларда бокиб, ривожлантириб, кўпайтириш ишларини бажаришда, асаларилар ёввойи холда табиат кўйнида яшаганларига нисбатан анча кулагайликларга эта бўлган керакли шароитлар мавжуд бўлиб, асалари оиласарини гуллаб турган серасал ўсимликларга кўчириб олиб бориш эвазига асал тўплаш даврини узайтириш, кишлок хўжалик ўсимликларини чанглантириш ишларини керакли вактда гуллаб турган мевали боғлар ва экилалигдан энтомофил ўсимликларга олиб бориши мумкин.

Агарда асалариларни ҳаётига аралашмай ўз ҳолица колдирилса, асалари оиласари шарбат тўплаш даврига кадар мисол учун 2–3 кг гача оғирликка тенг асалариларни тарбиялаб етиштирсалар; асаларичи асаларилар биологиясини, ривожланиш ва кўпайтиш, озуқа базасини яхшилаш, арихонада наслчилик ишларини олиб бориш, улар ҳаётидаги шартли ва шартсиз рефлекслар хамда инстинктлар орқали уя ичида ва учуб юрганида уларнинг ҳаёти учун биологик аҳамиятга эта бўлган ишларни ҳар битта ари ўз ёшига ва лаёкатига караб бажариши, битта бутун тўлик организмни эслатишини тушуниб етган холда асаларичи ўз маҳоратини ишга солиб, бокиб, ривожлантириш, кўпайтириш технологик қондаларига амал килганлиги учун арихонасидаги ҳар битта ари оиласида ривожланиб кўпаяётган арилар сонини 6–7 кг гача етказиб, кўп асаларичилик маҳсулотларини етиштиришга эришади.

Мисол учун асалари оиласидағи она ариси кўп тухум кўйиши учун оиласада сифатли асаларилар тозалаб кўйган мумкатақ рамкаси, она арисини кузатиб, озиқлантириб турувчи ёш ишчи арилари, уяни ичида мўтадил $33\text{--}35^{\circ}$ ҳарорат ва намликни бўлиши каби рефлекслар она арини тухум кўйишига ундейди.

Билимли, ўз касбини яхши билган тажрибали асаларичи асалари оиласини хар қандай ҳолатда ҳам яхши, ривожланиши учун керакли шароитлар яратиб бериб, асалари оиласини жадал ривожланишига замин яратади.

Асаларичиликни унумли ва даромадли бўлишини тъминловчи асосий омил ва шароитлардан бири бу арихонада кучли ари оилаларини қишлишга чидамли, озукани тежамили истеъмол қилиш, баҳорда жадал ривожланиш, баҳорги ва ёзги табиятда шарбат келиш давридан унумли фойдаланиш ҳамда кўп янги мумкатақ тортиш хусусиятларига эга бўлади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, кучли оилаларда етиштирилган ишчи арилар кучсиз оилаларда етиштирилган ариларга нисбатан 30% узок яшар эканлар.

Ёки кучли ари оилаларида тарбияланган ариларни хартумчаси 8% га узун, шарбат келтириши 82% га ортиқ бўлар экан. Шунинг учун ҳам кучли ари оилалари кўп асал тўплайдилар. Тажрибада кучсиз ари оилаларининг вазни 1 кг бўлганлари асосий шарбат ташиш даврида 7 кг дан, 2 кг кучга эга бўлган ари оилалари 20 кг, 4 кг кучга эга бўлган ари оиласи бир хил шароитда ва бир жойда 49 кг асал тўплаганлар, яъни кучсиз оилага нисбатан 7 маротаба кўп асал тўплаганлар.

Арихонадаги хар битта асалари оиласидан кўп маҳсулот олиш арихона юкори даромадли бўлади, дегани эмас. Агарда асаларичи арихонасида кам сонли ари оилаларини бокса, асалари оилалари кўп асал тўпласалар ҳам, барибир арихона кам даромади бўлиб қолади, чунки олган даромад арихонага сарфланган харажатни окламайди. Шунинг учун ҳам асаларичи арихонада кўп сонли ари оиласини бокиш, тарбиялаш ва ривожлантириш орқали хар битта асалари оиласидан кўп асаларичилик маҳсулотларини етиштириш орқали арихонанинг даромади юкори бўлади ва барча харажатларни коплайди ҳамда жамғарма даромадга эришади.

Ари уяларини жойлаштириш учун жой тайёрлаш

Асалари оиласи ёзги мавсумдан кейин кузда текис ва атрофида эрта баҳорда гуллаб, гулчанг ҳамда шарбат ажратувчи ўсимликлар бор жойларга жойлаштириллади, чунки арилар узок қиши давомида ўз таналарида йўкотган озик

моддаларни эрта баҳорда гуллайдиган ўсимлик гулларидан келтирилган гулчанг хисобига тұлғазадилар. Ари уялари ари кирадиган тешигини қүёш чикадиган тарафга каратиб жойлаштирилади. Жойлаштирилган ари уяларининг ораси бир-биридан бир метр, каторларининг оркаси эса 3–4 метр бўлиши керак. Улар ердан 40–45 см баландликда қозиклар устига ўрнатилади.

Ҳаво исиганда ариларнинг учиши кузатилганда, улар уядан юриб чиққандан кейин қорин қисмлари шишган бўлса, судралиб юрса ҳамда орка ичакларини уя ичида бўшатиб юборсалар, у ҳолда ари оиласи кишда сифатсиз озик билан озиқланганлигидан, яъни озикда нозематоз таёқчалари бўлиб, ичкетар касаллигига учраганлигидан далолат беради.

Арилар далага суст учеби чиқиб, секин учса, у ҳолда ари оиласи кам сонли бўлганини ёки озиғи етишмаганлигини билдиради. Уялардан чиккан арилар тартибсиз харакатланиб, бирор нарсасини қидираётгандек туюлса, у ҳолда улар она арисини йўқотган ёки она ари ўлган бўлади.

Ари уясини умумий текшириш қоидалари

Ари оиласини ташки ҳарорат салқин жойда 14° дан паст бўлмаганда умумий текширишга киришилади. Аммо ари оиласининг умумий ахволи қоникарли бўлса, у ҳолда тўлик текшириш ишлари ҳаво ҳарорати 16–18° даражада бўлгунча колдирилади.

Оилани ҳаво ҳарорати 10–12° атрофида бўлганда юзаки текшириш мумкин. Оилани кечки пайтлар жуда кечикиб текширишга йўл кўймаслик керак, чунки арилар безовталаниб, бутун уя деворларида, асаларичининг кийимларида ўрмалаб юриб, коронғи тушгандан кейин уяларига қиролмай колиши мумкин.

Асалари оиласини текшираётган вактда асаларичининг кўли тоза, оқ ёки қора ҳалат ҳамда қўланса ҳид келмайдиган (атир упа, пиёз, саримсокпиёз, бензин, керосин, тер ҳиди) кийимларни кийган бўлиши керак, шундай қилинганда арилар кам безовталанади ва чакишга ҳаракат қилмайди.

Ари оиласини текширишдан аввал маҳсус тутатгич (димар) ёрдамида ари уяси ари кирадиган тешикча орқали 2–3 марта тутатилади, орадан 1–1,5 дакика ўтгач уя копкоғи очи-

либ, ёпкичнинг бир чеккасини қайириб, секин-аста рамкаларни суғуриб олиб, текширишга киришилади.

Текшириш вактида асаларилар билан ишлаш коидасига (уяларни тақиллатмай, ариларни безовталантирмай) амал килиш керак. Оилани текшириш вактида асаларичи ари кирадиган тешикча олдини тўсиб кўймаслиги лозим, у уянинг ён тарафида туриб ишлаши зарур, акс ҳолда арилар безовтала-ниши мумкин. Бундан ташкари, асаларилар текширилаётган пайтда қўшни уя арилари ўғирликка кираётганини сезса ҳам арилар безовталаанди. Шунинг учун ҳам текширишни дархол арихонанинг нариги четидан бошлаши керак. Шундай йўл тутилганда ҳам арилар ўғирликка кираверса, у ҳолда оилани текшириш ишлари вактинча ёки батамом тўхтатилади.

Асаларичи иш бажаришга киришишдан аввал ишлаш учун керакли асбоб: кўтариб юрадиган кутича, чириган тўнка, тезаклар ва тутатгич курилмасини тайёрлаб кўйиши лозим.

Арихонада ари оиласи билан иш бошлашдан олдин оқ халат ва бошга кийиладиган турли қалпок кийиб олиш, сўнgra ишга киришиш керак.

Уядан суғуриб олинган инчали мумкатақ рамкаларни уя устида кузатиш тавсия этилади, шундай қилинганда рамкандан тўкилган ёш арилар уяга тушади.

Мумкатақ рамкаларни арилардан тозалаш керак бўлса, ғоз патидан тайёрланган супурги ёки бойланган бир тутам ўт ёрдамида арилар супуриб туширилади. Агар ўша рамкада ёш ари куртчалари ва янги келтирилган гул шарбати бўлмаса, у ҳолда рамканинг икки четидан маҳкам ушлаб ариларни сил-китиб тушириш мумкин.

Мавсум давомида куйидаги текшириш-кузатиш ишлари олиб борилади:

1. Баҳорги тафтиш ишларини ўтказиш (бир йўла оиласинг ичи ҳам тозаланади).

2. Оиланинг ички ҳажмини кенгайтириш мақсадида иккинчи кават кутини кўйиш (ётиқ уяда мумкатақ рамкалар кўйиб кенгайтирилади).

3. Оиланинг ички ҳажмини асосий шарбат ташиш бошла-нишдан аввал текшириб кенгайтириш ва шарбат келаётгандан мумпарда тарқатиш.

4. Асосий шарбат ташиш даври тугагандан кейин тафтиш ўтказиш.

5. Оиланинг ички ҳажмини кишлашга түплаш.

Бундан ташкари, режадан ортиқча ари оиласи күчга чиқмаслиги учун тадбирлар ўтказилади ҳамда күч чикиш вактида ёки ари оиласи бирорта касалликка чалинганилиги сезилса, она ари режали равишда алмаштирилаётган вактда оиласи очиб текшириш мумкин.

Оиланинг ички ҳажми кенгайтирилаётганда юзаки текширилади ва чеккадаги рамкаларни бир оз четга суриб, уларнинг ўрнига кенгайтиришга мўлжалланган инчали мумкатақ рамкалар кўйилади. Агар табиатдан шарбат келаётган бўлса, у холда асаларилар оиласининг керакли жойларига рамкаларга мумпарда ёпиштирилиб берилади.

Биринчи марта учишида суст учаётган ариларга ёрдам бериш. Арихонада ари оиласини ривожлантириш ва кўпайтириш ишлари аник бажарилса, етарли ҳамда сифатли озик моддаси бўлса, оила танаси физиологик ёш, кўп сонли арилар билан кишлашга кирса, у холда оиласар муваффакиятли кишдан чикади.

Акс холда баҳорда ариларнинг биринчи жадал учиш вактида суст учаётган, коринлари шишиб, уя деворларида сурдрагиб юрувчи, муваффакиятсиз кишлаб чиккан ари оиласари учрайди. Бундай муваффакиятсиз оиласини, биринчи навбатда, текшириб ёрдам кўрсатилади: уянинг таг кисми ахлат, ўлган арилардан тозаланади, инчали мумкатақ рамкаларнинг ариларнинг ахлати билан ифлосланганлари ажратиб олинади, озиги бор сифатли рамкалар кўйилади, оиласининг ички ҳажми кискартирилиб, иситкич ёстиқчалар билан ўралади.

Агарда мумкатақ инчаларда тухумлар бўлмаса, у холда оиласи ари бўлмайди ва тезда она ариси бор кичик оила ўша оиласига кўшилади.

Йирик арихоналарда кўп сонли ари оиласини асалари чиқорида айтиб ўтилган муваффакиятсиз оиласини тузатиш максадида бир-бирига кўшиб юборади, уларни ривожлантириб, күчга чикиш ҳолатлари юзага келмасдан аввал янги ёш оиласи ажратиб олинади ва кўшиб юборилган ари оиласининг ўрни тўлдирилади. Бундай пайтларда кўшни уя арилари ўғирликка кирмаслиги учун ари кирадиган тешикчалар битаккита ари кирадиган даражада кичрайтирилади.

Уянинг таг кисмини тозалаш. Бу иш ҳамма арихоналар ва аризорларда бажарилиши шарт, чунки уя таг кисмидаги ифлосликлар, ўлган ариларнинг чириши натижасида қўланса ҳид чикади, бу эса ариларни безовталантиради. Бундан ташқари, юкумли касалликдан ўлганлари бўлса, касаллик тарқалиб кетиши мумкин.

Арихонадаги уяларнинг таги алоҳида олинадиган бўлса, тозалаш анча қулай бўлади. Бунинг учун олдин 10–15 та шундай уя таг кисмлари тайёрлаб қўйилади. Тешикча оркали 2–3 марта тутун киритилиб, сўнгра уянинг устки кисмлари олиб қўйилади ва таг кисмлар асаларичилар уйчасига, вагонча ёки чодир ичига олиб кириб, ўша ерда тозаланади. Иш шундай гуруҳ ҳолида бажарилса, унумли бўлади.

Ари бокилаётган уяларнинг таг кисми алоҳида ажралмайдиган бўлса, у холда тозалаш ишларини баҳорги тафтиш ўтказиш вактигача колдириш мумкин.

Арихонада баҳорги тафтиш ўтказини. Баҳорги тафтиш ҳаво ҳарорати салқин жойда $+14^{\circ}$ дан кам бўлмаганда ўтказилади. Тафтиш, биринчи навбатда, асаларичида кандайдир шубҳа туғдирадиган оиласардан бошланади: аввал мавжуд ҳар битта оиласанинг кишилаб чиққандан кейинги аҳволи билан танишиб чикилади, сўнгра оиласани яхши ривожланиши учун шароит яратиб берилади.

Агарда ари оиласи 12 та рамкали ёки ётик уяларда бокилса, у холда оила тўлиқ текширилиб, унинг кучи, куртчали рамкалар сони, озиқ моддасининг миқдори ва уядаги мумкатақ инчали рамкаларнинг сифати аниқланади.

Оиласанинг кучи арилар тўлиқ коплаб ўтирган мумкатақ инчали рамкалар сонига қараб аниқланади. Оиласанинг текшириш ўтказиш вактида кучи 5–6 та инчали рамкада бўлади.

Куртчалар сони инчали рамкалардаги усти беркитилган куртчалар сонига қараб аниқланади. Агар она ари инчаларга бир текисда тухум қўяётган бўлса, у холда сифатли, агарда инчаларга онда-сонда тухум қўяётган бўлса, сифатсиз она ари бўлади.

Озуканинг миқдори инчали рамкалардаги асалга қараб чамалаб аниқланади. Катта ҳажмдаги 435x300 миллиметрли мумкатақ рамкаларда 3,5–4 кг гача, кўп каватли уяларнинг 435x250 мм инчали рамкаларида эса 3 кг гача асал бўлиши керак.

Оиланинг ичидаги инчали рамкаларнинг сифати она ари тухум қўйишига яроқлилигига қараб аниқланиб, мөғор босган, сичкон кемирган, ҳажми кичрайиб корайиб кетган ва эркак ари инчалари кўп бўлган сифатсиз мумкатақ рамкалар олиб ташланади.

Агарда оиласада баҳорда озуқа бўлмаса, у ҳолда она арининг тухум қўйиши камаяди. Чунки озиқ бўлмаса, куртчаларнинг ривожланиши сусаяди, ҳароратни кўтара олмайди. 10–12 кг гача озиқаси бўлган оила яхши ривожланади, ҳар бир оила арисининг 1 та кучига 1 кг озиқ керак бўлади.

Меъёрида яхши ривожланётган даврда 30 кг асал истеъмол қилинади. Шундан 8–10 кг озиқни асаларичи уяга солиб қўяди, 18–20 кг ни асалариларнинг ўзи эрта гуллайдиган ўсимлик гулларидан олиб келади.

Баҳор келиши билан оиласани иситиш мақсадида бўш рамкалар олиб қўйилади. Асаларилар нечта рамкани коплаб турган бўлса, шунча рамка қолдирилади. Оиланинг ички ҳажми қанча кисқартирилса, оила шунча тез ривожланади.

Баҳорда оила сунъий иситиш, яъни ёстиқчалар воситасида иситилади. Асалариларни кўчириш пайтида иложи бўлса, юкори ёстиқчаларни олиб ташлаб, ўрнига бўш рамкалар тўлдириш керак.

Ари оиласининг ахволини аниқлаётган бир вактда унинг ички ҳажми хам тартибга келтирилади, яъни ари оиласини жадал ривожлантириш учун шароит яратилади. Бунинг учун уянинг ички ҳажмини тартибга келтиришда оиласада етарли озиқ ва она ариси тухум қўйишига яроқли тоза хамда сифатли мумкатақ инчали рамкалар бўлиши таъминланади, ортиқча ва яроқсиз мумкатақ инчали рамкалар олиб қўйилади, уянинг ички ҳажми кераклигича кисқартирилиб, иситгич ёстиқчалар ёрдамида ўраб қўйилади. Айникса, кучсиз ари оиласаридан бўш мумкатақ инчали рамкалар ажратиб олинниб, керакли озиқ билан таъминланади.

Баҳорги тафтиш натижалари алоҳида рўйхатга ёзиб қўйилади.

Ари оиласини тўлик текшириб тафтиш қилиш йўли билан асаларичи ҳар қайси ари оиласининг ахволи ҳакида тўлик тушунчага эга бўлади. Лекин тўлик текшириш ишларини бажариш кўп вакт ва меҳнат талаб килганлиги учун бундай ишларни йирик арихоналарда бажариш кийинрок. Шунинг

учун ҳам йирик арихоналарда ари бокиш, ари оилаларини кишга тайёрлаш вактида, кучли, юкори маҳсулдор ари оилалари колдирилса, баҳорги тафтиш ишлари ва оиланинг ички хажмини тўплаш ишлари енгиллашади ҳамда асаларилар тез кўпаяди.

Асалариларнинг ўғирликка кириши ва унинг олдини олиш

Агарда ҳаво очик бўлиб, кун иссик бўлса ва табиатда шарбат берадиган хеч қандай ўсимлик бўлмаса, у ҳолда арилар албатта кучсиз, она ариси йўқ ёки уясининг ари кирадиган тешиклари кичрайтирилмаган оилаларга ўғирликка киради ва ўша оиланинг асал озигини ташиб кетади. Ўгри арилар уя атрофидаги қўшимча тешикчалар, уянинг ари кирадиган тешикчаси орқали киришга интилади. Уяни қўрикловчи арилар уларга каршилик кўрсатади ва тешикчаси олдидаги тахта устида кураш бошланади. Бу пайтда уянинг олдида ўлган ариларни учратиш мумкин; арилар жуда газабланиб кетади. Агарда ўгри ариларнинг сони уяни қўрикловчи арилар сонидан кўп бўлса, қўрикловчи ариларни босиб уя ичига киради ва она арини ҳам ўлдиради. Шундан сўнг бемалол ўғирлик килаверади. Ўғирликнинг олди олинмаса, арихонада жуда кўп ари оилалари ўлби кетиши мумкин.

Ўгри ариларга карши курашиш, ўғирликнинг олдини олишдан минг карра кийинрок бўлади.

Ўғирликнинг олдини олиш учун куйидаги коидаларга риоя килиш керак:

1. Арихонада кучсиз ва она ариси йўқ оилалар оиласининг ичидаги мумкатақ рамкалар сонини арилар зич – тўлик коплаб ўтирадиган бўлгунча камайтириллади; уянинг ари кирадиган тешикларининг диаметри 1–1,5 см гача торайтирилади.

2. Ҳamma оилаларнинг ари кирадиган тешиклари табиатда шарбат йўқ пайтда кичрайтириб кўйилади, агарда уяларда қўшимча тешикчалар бўлса, улар бутунлай лой ёки бошка бирор нарса билан суваб кўйилади.

3. Табиатда шарбат йўқ пайтда оилаларни факат арилар эрталаб жадал унишидан олдин, кечкурун ариларнинг жадал униши тўхтагандан кейин текшириллади. Кундуз кунлари эса бу ишлар маҳсус кўчма чодир остида бажарилади.

4. Арихонада ишләётганингизда уя атрофида, уянинг ташки томонида асал томган жой (асал хиди) бўлмаслиги кепрак. Шундай жой бўлса, дархол тупрок сепилади ёки керосинли латта билан артиб тозаланади.

5. Жамғарилган ортиқча мумкатақ инчали рамкалар, кесилган мумлар ҳамда асал хиди келадиган фойдаланилган асбоблар ёпик, арилар кира олмайдиган хоналарда ёки бирор идиш ичида сакланади.

Ўғирлик килинаётгани сезилса, асалари уялари тешикчаси олдига ўрнатилган арилар қўнадиган тахтачага керосин ёки вьетнам бальзами суртилади. Керосин тез куриб колиши сабабли уни тез-тез суртиб туриш лозим. Ҳавода уя атрофида ўралашиб учайтган ўғри ариларни эса сув пуфлагич ёрдамида сув сепиб ёки супурги билан ҳайдаб кетказилади. Шундай килиб, ўғирликнинг олди бир оз олинади, кеч киргандан кейин эса ўғирлаётганди оила ертўлага 2–3 кунга олиб бориб кўйилади. Ертўлага кўчирилган оиланинг ичига идишда ёки мумкатақ инчаларига сув қуйиб кўйилади. Ўғирлик эса факат табиатдан шарбат кела бошласа ёки тўсатдан ҳаво совиб, ёмғир ёғиши натижасида тўхташи мумкин.

Айрим ҳолларда ўғирлик кучайиб, юкоридаги кўрилган чоралар ёрдам бермайди. Бундай пайтда кечкурун ўша оила арихонадан 5 км узокроқка кўчирилади.

Арихоналарда ари оиласи сонини тўлғазиши – кўпайтириш талаб қилинганда кучсиз оилалар йўқ килиб юборилмасдан, уларнинг айримларини тузатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ҳолларда асаларичи ўша муваффакиятсиз ари оилаларини текшириб, уни кандай йўл билан тузатиш кераклигини аниклайди.

Эрта баҳорда она ариси йўқ оилаларни тузатишда янги она ари етиштиришга шошилиш керак эмас, чунки ҳали эркак ари бўлмаганлиги учун ёки харорат паст келганлиги сабабли ёш она арилар урчимаган бўлиши мумкин. Ундан ташқари, она ари етиштиришга киришилган кундан бошлаб то она ари кўйган тухумидан ишчи ари етишиб чиккунча орадан 45 кун ўтади (она ари 16–17 кунда инчадан чиқади), орадан 3–4 кун ўтгач, уяси билан танишиш учишини ўтказади ва яна орадан 3–4 кун ўтгач, урчишга учеб чиқади, урчиб бўлгач яна орадан 1,5–2 кун ўтгач тухум кўяди ва ниҳоят унинг кўйган тухумидан орадан 21 кун ўтгач ишчи ари етишиб чиқади (16 +

$3 + 3 + 2 + 21 = 45$ кун). Мана шу 45 кун ичида оила ёш ишчи ариларсиз япаши мумкин эмас. Шунинг учун хам она ариси йўқ оиласа тезда тухум кўядиган урчиган она ари кўйилади. Бундай урчиган она арилар нуклеусларда, яъни кичик оиласарда ўтган йили куз вактидан жамғарилган бўлиши керак.

Оиласа она ари беришдан аввал ўша оила синчиклаб текширилади. Агарда она ариси яқинда ўлган бўлса, у холда оиласаги инчали мумкатақ рамкаларнинг кўзга кўринадиган жойининг ўрта кисмидаги она ари ғумбаги тортилган бўлади. Она ари ғумбагининг хаммаси бирма-бир синдириб олиб ташланади. Шундай килинмаса, у холда улар янги она арини кабул килмай ўлдириб юборади. Она ари ғумбаги синдириб ташлангандан 3–6 соат ўтгач, у оиласа урчиган она ари тўрли тўртбурчак қафас ёки думалок элак шаклидаги қафасча остида берилади.

Айрим холларда оиласининг ахволи, ариларнинг хулкатори асаларичида она ариси бордек шубҳа туғдиради.

Бундай пайтда ари оиласининг ўртасига бошка она ариси бор оиласдан, очик-ёпик тухуми бор мумкатақ инчали рамка олиб кўйилади. Орадан 2 кун ўтгач ўша мумкатақ инчали рамка текшириб кўрилади, мабодо она ари ғумбагини тортилган бўлса, демак, оиласа она ари йўқ экан. Тортилган она ари ғумбагининг хаммаси синдириб олиб ташланиб, оиласа кечкурун урчиган она ари думалок элак шаклидаги қафасча остида берилади. Агарда берилган мумкатақ инчали текшириш рамкасида она ари ғумбаги тортилмаган бўлса, у холда оиласа она ари бўлади. Она ариси ахтариб топилиб, йўқ килинади ва оиласа юкорида айтилган йўл билан она ари берилади.

Она ариси йўқ тузатилаётган оиласа тузатиш вактида кичик оила (нуклеус)да ўтган йили кузда тайёрланган она ариси бор кичик оила кечкурун (она ариси борлиги аникланиб, қафасча остида рамкаси хамда арилари билан биргаликда) кўшиб юборилади. Ариларни кўшиш вактида тузатилаётган оила ичидаги мумкатақ инчали рамкалар четга сурилиб, ўртасига она ариси бор, қафасча остига олинган рамка кўйилади. Кўшилаётган арилар уришиб кетмаслиги учун уларнинг ҳар иккаласига хам бир хил ҳид берилади. Эртасига кўшилган оила текшириб кўрилади, оиласдан ортикча мумкатақ рамкалар олиб ташланиб, қафасча остидаги она ари чиқариб юборилади.

Оиладаги кам тухум кўядиган сифатсиз она арини алмаштириш керак бўлса, у кидириб топилади ва йўк килинади. Оилага она арисининг йўклигини (етимлик) хис килиш учун 6–7 соат вакт берилиб, сўнгра яна урчиган сифатли она ари ўтказилади.

Кучсиз трутовка (оилада узок вакт она ариси бўлмаганда ўзлари тухум кўядиган ишли арилар) оилани тузатишга киришмасдан аввал йўк килиб юборилади. Йўк килинадиган оила арилари уясига тутатгич ёрдамида тутун берилади, кейин арилар асал копчаларига асал тўлғазгандан сўнг бирор кути ёки ўт устига мумкатақ рамкалардан арилари силкитиб туширилади ва бўш уя ичидағи мумкатақ инчали рамкалари билан арихонадан олиб кетилади. Арилар силкитилган кутичанинг тешикчаси жуда кичик колдирилиб, ундан арилар бирин-кетин чиқиб кетади ва ўзларининг уялари турган эски жойларига учиб бориб, уяси жойида йўклигини кўриб кўшни уяларга кириб кетади. Кўшни уянинг арилари эса асал копчасида асали бор ариларни бемалол уяларига кабул килади.

Кучли трутовка оилаларини тузатиш учун албатта ўтган йилдан қолган она ари бўлиши керак. Бунинг учун яхши она ариси бор оила ажратилади ва шу оила ёрдамида кучли трутовка оила тузатилади. Трутовка оиладан ҳамма трутовка, яъни эркак ари куртчалари бор мумкатақ инчали рамкалар ажратиб олинади ва уларнинг ўрнига бояги яхши ривожланадиган она ариси бор оиладан З та ҳар хил ёшдаги куртчалари бор мумкатақ инчали рамка олинниб, кафасча остида трутовка оилага кўшиб кўйилади.

Учта мумкатақ инчали рамкаси олинган яхши оилага бошка жамғарилган нуклеусдаги (кичик оила) урчиган она ари тўрли кафасчада кўшилади (албатта кафасчанинг озиқ тешикчасида озиқ бўлиши шарт). Шундан кейин уяларнинг ўрни алмаштирилади.

Даладан кайтиб келган арилар тўппа-тўғри ўзларининг эски уяларига кирадилар, аммо уялардаги арилар ва куртчалар бошка оиланинг арилари бўлишига қарамасдан, тухум кўйишга киришган арилар ёш куртчаларни сут билан бокиб, тарбия кила бошлайди ва усти беркитилган инчалардан ёш арилар етишиб чиқиши натижасида трутовка оила ўзўзидан йўк бўлиб кетади.

Баҳорги тафтиш ўтказилгандан кейин оилани тарбиялаш – парваришлаш

Баҳорги тафтиш вактида қишлош даврида юзага келган камчиликлар бартараф этилиб, оиланинг нормал ривожланишига шароит яратиб берилгандан кейин, 2–3 хафта давомида оилани текшириб безовта килинмаса ҳам бўлаверади. Кейинги баҳорги ари оилаларини парвариш қилиш, асосан, уларнинг озиқ микдорини жамғаришдан ҳамда оиланинг ички ҳажмини мумкатак рамкалар ёрдамида кенгайтиришдан иборат бўлади.

Оилага качон озиқ қўшиш ёки бокиш кераклигини билиш учун асаларичи эрта баҳорда гуллаб, шарбат ажратадиган ўсимликларнинг гуллашини кузатиши керак. Бунинг учун битта ўрта кучли ари оиласи шарбат келтираётганини ёки уйдаги жамғарилган озиқнинг истеъмол қилаётганини билиш учун тарозига қўйиб текшириб турилади. Агар тарозининг кўрсатиши ўзгармаса, у ҳолда арилар бир оз шарбат келтириб ўзлари озиқланадиган бўлади. Мабодо тарозининг кўрсаткичи юкори бўлса, у ҳолда ари оиласи шарбат келтириб, озиқ микдорини жамғариб кўпайтираётган бўлади. Иккала ҳолда ҳам асаларичи ари оиласига асал, шакар, шарбат бермайди.

Айрим пайтларда баҳорда гуллайдиган ўсимликлар шунчалик кўп шарбат берадики, арилар ҳамма бўш инчаларга шарбат қўйиб, она ари тухум қўйишига жой ҳам қолмайди. Бундай пайтда арилар инчаларига шарбат қўйиб, она ари тухум қўйишини табиий чеклаб қўяди. Мана шундай ҳолат юзага келмаслиги учун табиатдан кучли шарбат келиш даврида ари уяларига ички ҳажмини кенгайтириш максадида бўш мумкатак инчали рамкалар қўйилади. Кучли ари оилаларига қўшимча қаватлар қўйиб, уянинг ҳажми кенгайтирилади (бу усулдан шарбат ажратувчи ўсимликларга бой туман ва вилоятларда фойдаланилади).

Табиатдан шарбат келмаган пайтда арилар уяларидаги тайёр жамғарилган озиқни истеъмол қилиб, унинг микдорини вакти-вакти билан оиланинг ички ҳажмини кенгайтираётган вактда тўлғазиб турилади.

Оиланинг ички ҳажмини кенгайтириш. Ари оилаларида қишлош чиқсан арилар ўрнига янги ёш арилар этилиб,

баҳорнинг биринчи кунлари исиши билан она ари кундан-кунга тухум қўйишни ошириб боради ва усти беркитилган куртчали рамкалар сони қўпайиб боради. Куртчалар етилиб, секин-аста инчалардан чиқиб, уяди ёш арилар сони қўпая бошиб, уянинг баҳорги тафтиш вақтида кенгайтирилган холати торлик килиб қолади ва ниҳоят оиласа мумкатақ инчали рамкалар қўшишга тўғри келади.

Оиланинг ички ҳажмини қўп қаватли уяларда кенгайтириш қулай бўлиб, оила арилари биринчи қаватни тўлик коплаши билан унинг устига янги қавати қўйилади. Факат иккинчи қаватни қўйиш вақтида мумкатақ инчали рамкалар оралаб мумпарда ёпиштирилган рамкалар аралаштириб берилади (фақат табиятдан шарбат келаётган бўлса).

Кўп қаватли рамкалар кичик ва уя ҳажми унчалик катта бўлмаганлиги учун ҳам оила ичидағи куртчалар шамоллаб колишдан холи бўлади.

Ари оиласи ётиқ уяларда бокилганда уянинг ички ҳажми мумкатақ инчали рамкаларни алоҳида-алоҳида қўйиб кенгайтирилади. Шунинг учун ҳам бу ишни бажариш кийин бўлиб, кўп вақт ва меҳнат талаб килади.

Агарда ари оиласи унча кучли бўлмай, унинг ички ҳажми кискартирилган бўлса, у ҳолда оиланинг ривожланиши мунтазам кузатиб борилади ва ўз вақтида оиласи кенгайтириш учун мумкатақ инчали рамкалар қўшилади. Шундай қилинса она арининг тухум қўйиши чекланиб қолмайди. Оила етарли даражада кучли бўлса, у ҳолда баҳорги тафтиш вақтида мумкатақ инчали рамкалар қолдирилади, улар ўзларича ривожланниб, асаларицидан кўп вақт ва меҳнат талаб килмайди.

Оиланинг ички ҳажмини кенгайтириш ишларини баҳорнинг биринчи кунларидан бошлаб 20 кунча ўтгандан кейин бажарса бўлади.

Оиланинг ички ҳажмини кенгайтиришни билиш учун у ёки бу оиласи охирги мумкатақ рамкаси кўтариб кўрилганда, унинг ички тарафини арилар тўлиқ коплаб ўтирган бўлса, оиланинг ички ҳажмини кенгайтириш вақти келганидан далолат беради.

Оиланинг ички ҳажмини кузги ва баҳорги кискартириш вақтида кўп сонли мумкатақ инчали рамкалар тўпланиб қолади. Бу тўплантган мумкатақ рамкаларнинг ичидан сифатли яхши тортилганларини ажратиб олиб, алоҳида яшик

ва хоналарда келажакда фойдаланиш учун саклаб кўйилади; ёмон, сифатсизлари эса эритишга ташланади.

Саклашга ажратиб олинган мумкатақ инчали рамкаларнинг юкори кисмида бир оз асал бўлса, бир йўла озиқ билан ҳам таъминланади. Табиатдан шарбат кела бошлиши билан уянинг ички ҳажмини кенгайтириш вактида мумпарда ёпиштирилган рамкалар берилади. Кучли ари оиласарига бир йўла 3–4 та мумкатақ инчали рамка бериш мумкин. Бундан кейин оиласинг ривожланишига караб кенгайтириш ишлари давом эттирилади. Об-ҳаво исиб кетиши билан ўша кенгайтириш учун бериладиган мумкатақ рамкаларни тўғридан-тўғри худди она ари тухум куяётган жойга, яъни оиласинг ўрта кисмiga кўшиш мумкин. Бунда инчаларни тозалаш ва она арининг тухум қўйиши тезлашади. Оиласинг ички ҳажмини кенгайтириш уянинг ичи мумкатақ рамкалар билан тўлгунча давом эттирилади.

Ётик уяда эса бутун мавсум давомида уянинг ички ҳажмини кенгайтириш учун жой етарли бўлади ва табиатдан келтирилган шарбатни жойлаштириш мумкин.

Уянинг ички ҳажмини бир маротаба кенгайтириш

Катта фермерчилик арихоналарида асаларичи кўп сонли ари оиласарини бокса, у холда ари оиласарини тез-тез текшириш, кузатиш ва парвариш килишга кучи етмай колиб, уянинг ички ҳажмини ўз вактида кенгайтира олмайди. Бундай пайтларда уянинг ички ҳажмини бир маротаба кенгайтириш тавсия этилади. Бунинг учун баҳорги ари оиласини тафтиш килиш вактида кучли ари оиласарига 10–12 кг асал ҳамда кучига караб етарли мумкатақ инчали рамкалар колдирилса, 2–3 хафта ари оиласини текширмаса ҳам бўлади. Шу муддат ўтгач, табиатда шарбат ажратадиган ўсимликлар гуллаши билан ари оиласига мумкатақ рамка ҳамда мумпарда берилб, мумкатақ рамкалар сони кераклигига етказилади. Ҳамма мумкатақ рамкалар арилар билан тўлгач, иккинчи маротаба кенгайтириш ишлари бажарилади. Арилар доимо уянинг ари кирадиган тешикчаларининг қарисида куртчаларини жойлаштиради ва шу мумпардаларни тезда тортадилар ва уларга она ари тухум қўяди. Бундай иш бажариш оркали ариларнинг кўчга (ройга) чиқишининг олди бирмунча олинади.

Уянинг ари кирадиган тешикчаси мавсум давомида гоҳ кенгайтириб, гоҳ торайтириб турилади. Эрта баҳорда табиатда шарбат йўқ пайтларда уянинг тешикчаси оиласининг кучига караб 2–3 см гача кичрайтирилади, шарбат кела бошлиши билан уянинг тешикчалари кенгайтирилади, шарбат келиши тўхташи билан яна кичрайтирилади. Ҳаво иссик кунлари арилар уянинг ички ҳароратини меъёрига келтириши учун уянинг тешикчаси кенгайтирилади.

Ариларни шакар шарбати билан бокин

Мабодо арихоналарда жамғарилган асалли рамкалар бўлмаса ёки табиатда шарбат ажратувчи ўсимликлар хали гулламаган бўлса, у холда ари оиласарига шакар шарбати тайёрлаб берилади. Шарбатнинг икки кисми шакар ва уч кисми сувдан иборат ёки бир кисми шакар бир кисми сув микдорида тайёрланади. Кўшиладиган сув сирли ёки шунга ўхшаш идишда қайнаш даражасига етгунча иситилади ва сув оловдан олиниб, унга ўлчангандай шакар кўшилиб, таёкча ёрдамида тўлиқ эригунча аралаштирилади.

Кузда ариларнинг озиғини тўлдириш вақтида шакар шарбати 1 литр ариқ ёки ёмғир сувига 1,5 кг шакар кўшиб тайёрланади. Шарбатнинг ҳарорати 35–40° гача пасайгандан кейин ариларга берилади. Мана шундай йўл билан шакар шарбати тайёрланганда арилар мураккаб шакарни оддий шакарга осон парчаласи мумкин бўлиб, берилган микдордаги шакар ўшанча микдорда шакар асалига айланади. Шакар шарбатини ари оиласига оиласининг озик микдори тўлгунча берилади. Оиласа берилаётган шарбатни ари оиласининг кучига караб 200; 250; 500; 1000 мл дан 2–3 литргача бериш мумкин.

Арихонада ариларнинг ўғирликка камрок кириши ёки бутунлай кирмаслиги учун шакар шарбатини кечкурун арилар учишни тўхтатгандан кейин, уяларидаги шарбат қуйиладиган идишларга юкорида кўрсатилганидек, арининг кучига караб берилади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, шарбатга кобальт микроэлементи кўшиб берилса, оиласа куртчаларнинг ривожланиши ва кўпайиши ортар экан. Шунинг учун 1 грамм хлорли кобальт 30 литр шакар шарбатига ёки 1 г кулранг нордон кобальтни 25 л шакар шарбатига ёки сувга кўшиб берилса,

ари оиласи асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллагунча катта кучга эга бўлади ва кўп махсулот тўплайди.

Шакар шарбатини уя ичидаги шарбат кўйиладиган идишларга қўйиш кийин ва мураккаб иш, шунинг учун агар арихона атрофида ари оилалари бўлмаса ёки ўз ари оилаларингизнинг юқумли касаллик билан касалланмаганлигига ишонч хосил қўлсангиз, у ҳолда шакар шарбатини арихонада очик ҳавода бирор идишга қўйиб, арилар чўқимаслиги учун идишнинг ичига ёғоч таёқча ёки бўз мато солиб кўйиб бокиши мумкин. Бундан ташкари, ариларнинг кўчадан озиқ олиб келиши натижасида оиланинг ривожланиши жадаллашади.

Мумкатақ инчали рамкаларни жамғариш ва мум етиштириш

Бутун мавсум давомида етиштирилган – жамғарилган мумкатақ инчали рамкалар доимо уядга фойдаланилмайди, балки уларнинг бир кисми жамғарилган ҳолда омборхонада сакланади. Асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллаш даврида уларнинг ҳаммаси уяларга жойланади. Кузда оилаларнинг ички ҳажми кискартирилганда, мумкатақ инчали рамкаларнинг ярмидан кўпроғи уялардан олиниб, саклаш учун омборхонага кўйилади.

Мумкатақ инчали рамкаларнинг эскириши. Янги тортилган мумкатақ инчали рамкалар сарғиш тусли окиш рангда бўлади. Бундай мум оловда эритилса, хеч қандай чиқиндисиз тоза мумга айланади.

Лекин вакт ўтиши билан мумкатақ секин-аста эскириб, фойдаланишга яроқсиз бўлиб колади. Инчада кўп сонли куртчалар етиштириш натижасида, куртчалар кўғирчок ҳолатга ўтишдан аввал инчанинг бир бурчагига ўз ахлатларини чиқариши ва ўз танасига сиғмай колиб, терисини алмаштириш вактида тери чиқиндилари хисобига мумкатақ яроқсиз бўлиб колади. 12–13 та авлод куртчалар етиштирилгандан кейин мумкатақ инчали рамкалар фойдаланишга умуман яроқсиз бўлиб, куйидаги ўзгаришлар юзага келади:

1) *Мумкатақ инчали рамкалар секин-аста қорайиб боради.* 2 та авлод куртчалар етишиб чикқандан кейин инчалар оч жигарранг тусга, 5 та авлоддан кейин – жигарранг рангга, 10 та авлоддан кейин корамтири жигарранг рангга, 15 та авлод

куртчалар етиширилгандан кейин қора рангга киради. Бундай мумкатақ инчалар киркилиб, эритишига юборилади, уларнинг ўрнига янги мумкатақ инчалар тортилади.

2) *Мумкатақ инчали рамкаларнинг оғирлиги ортиб боради.* Янги мумкатақ рамканинг оғирлиги 140–150 грамм бўлса, олтига авлод куртча етиширилгандан кейин унинг оғирлиги икки маротаба, 15 та авлод етиширилгандан кейин эса 3 маротаба ортади. Рамкаларнинг оғирлиги куртчаларнинг ахлати ва терисини алмаштиришда ташланган чиқиндилар хисобига ортиб боради.

3) *Инчаларнинг ҳажми қисқаради,* яъни инча олти киррали кўринишдан думалок шаклга ўтади. 15 авлод куртчалар етиширилгандан кейин инчаларнинг ҳажми шунчалик кичрайиб кетадики, ишчи арилар уларни тозалаш мақсадида жағлари билан кемириб, ахлат ва тери чиқиндиларини чиқарип ташлайдилар.

Эскирган мумкатақ инчалардан фойдаланганда юқумли касалликлар таркалиши билан бир каторда, инчалардан етишиб чиқадиган ишчи арилар майда бўлади.

Жамғарилган мумкатақ инчали рамкаларни янгилаш. Юкорида айтилган камчиликлар бўлмаслиги учун арихонада ҳар йили бир кисм мумкатақ инчали рамкаларнинг эскирган, корайганлари эритишига ташланниб, уларнинг ўрнига янги мумкатақ инчалар тортирилиб янгилаб турилади.

Асосан, ҳар йили баҳор ва куз пайтида жамики мумкатақ инчали рамкаларнинг эскирган, яроксизлари кирқилиб, мум олиш учун эритилади.

Асаларичи биринчи навбатда қорайган, ифлосланган, нотўғри тортилган энг яроксиз мумкатақ инчали рамкаларни ажратиб олади. Агарда эритишига ташланадиган инчали рамкаларда бир оз асал бўлса, у холда асалнинг устини пичок билан кириб, диафрагма оркасига кўйилса, арилар асалини ташиб кетадилар.

Тўғри тортилган, сифатли, оч жигарранг ва жигарранг инчали рамкалар фойдаланиш учун саклашга колдирилади. Оиланинг ички ҳажмини кенгайтириш вактида колдирилган сифатли инчали рамкалар яна ари оиласига кўйилади.

Бир хил ҳажмдаги уя – рамкалар, яъни кўп қаватли икки қаватли уяларда ари бўқилгандা, инчали рамкалар олдинмакетин хизматда бўлганлиги туфайли улар тез эскирмай-

ди. Бундай уяларда ари бокилганда инчали рамкаларнинг 1/4 кисми чикиндига чиқарилади.

12 та рамка сиғадиган ва ётиқ уяларда ари бокилганда, инчали рамкалар сони кам бўлганлиги учун улар тез эскиради ва бундай уялардаги инчали рамкаларнинг ҳар йили 1/3 кисми чикиндига чиқади.

Чикиндига чиқариш натижасида арихонада инчали рамкалар сони камайиб кетмаслиги учун ҳар йили янги мумпардали рамкалар тортилади.

Арихонадаги ари оиласининг сони ошиши билан инчали катак мумпардаларнинг сони ҳам бир текисда ортиб бориши керак. Чунки ҳар йили 1 январдан бошлаб янги ёш оилалар асосий оиласига ўтказилиб, улар ҳам хўжалик режасига киритилади. Агарда инчали рамкалар етишмаса, у ҳолда ари оиласининг ривожланиши секин ёки кучсизланиб кетади ва натижада арилар даромадсиз бўлади. Янги ёш оилалар ўзларига тўлиқ етарли янги катак мумпардали рамкалар торта олмайдилар, шунинг учун ҳам қишлиб чиккан асосий оилалар уларга мум тортишда ёрдам қилишлари керак. Янги тортилган катак мумпардалар юкори сифатли бўлиши лозим. Кийшик, нотўғри тортилган, эркак ари инчалари кўп ҳамда бир инчадан иккинчи инчага ўтувчи нотўғри инчалар кўп бўлса, у ҳолда бундай инчаларга она ари тухум кўя олмайди. Агарда мана шундай нотўғри тортилган инчалари бор рамкалар оиласига кўйилса, у ҳолда ишчи ари камайиб кетиб, эркак арилар кўпаяди.

Сифатли инчали мумпарда тортиш учун рамкаларни тўғри коқиб, таранг қилиб сим тортилади ва унга мумпарда ёпиштирилади.

Мумпарда. Агарда ари оиласига бўш рамкани кўйсак, у ҳолда арилар, кийшик, чўзилган, кўп сонли эркак ари инчаларини тортиши мумкин. Бундай сифатсиз холатнинг бўлмаслиги учун мум тортиладиган рамкага мумпарда ёпиштириб, бўлажак инчаларни тортишга асос яратилади. Уяга бундай мумпарда ёпиштирилган рамкалар кўйилганда, ариларнинг мум тортиши тезлашади ва кам меҳнат сарфланади. Шу билан бир каторда эркак ари етишиши чеклаб кўйилади. Рамкаларга мумпарда ёпиштириш, сим тортиш ишлари асаларичининг кўп вактини олади. Шунинг учун ҳам мумни қайта ишлайдиган заводда симли мумпарда ишлаб чиқарилмоқда.

Рамкаларга сим тортиш. Рамкаларга мумпарда ёпиштиришдан аввал рамкаларга зангламайдиган сим таранг килиб тортилади. Рамкаларга кўндаланг сим 4–5 катор килиб, биринчиси юқори елка таёқчасидан 15 мм пастда, колганлари тенг 4 га бўлинниб тортилади. Ёнидаги таёқчаларга (планкаларга) сим ўтказиш учун тешикчалар тешилади. Тешикчаларни бигиз ёрдамида тешиш мумкин, аммо кўп вакт ва меҳнат талаб килади. Ҳозирги пайтда тешикчалар маҳсус тешгич ёрдамида тешилади. Мабодо маҳсус тешгич қурилма бўлмаса, у холда тешикчаларнинг ўрнини белгилайдиган қурилма (андоза) тайёрланниб, ён планкаларнинг устига кўйилиб, бигиз ёрдамида тешилади. Бу тешикчаларнинг ўрнини белгилаш қурилмасини бўйи 270 мм, эни 40 мм бўлган тунука пластинкадан тайёрланади ва биринчи тешикчаси тепа тарафидан 15 мм пастда, колганлари эса тенг 4 га бўлинниб тешилади.

Тортилган сим шундай таранг бўлиши керакки, унга кўл тегизганда торнинг сими каби товуш чиқсин.

Рамкаларга мумпарда ёпиштириш. Бир қанча рамкаларга сим тортиб жамғарилгандан кейин мумпарда ёпиштиришга киришилади.


1 та рамкага электр токи ёрдамида мумпарда ёпиштириш учун 5–7 секунд сарфланади. Шу вакт ичидан ўтувчи ток таъсирида сим қизиб мумпарда ичига киради. Токни оптикча ушлаб туриш тавсия этилмайди, чунки мумпардани киркиб юбориши мумкин. Мана шундай қурилма ёрдамида 1 соат ичидан 120 та рамкага мумпарда ёпиштириш мумкин экан.

Арихоналарда электр токи бўлмаса, маҳсус мум ёпиштирувчи учидаги ғилдиракчаси бор ғалтак ёрдамида мум ёпиштирилади (28-расм).

Махсус тахта устига мумпардани кўйиб, унинг устига сим тортилган рамка жойлаштирилади ва ёпиштириш ғалтакчаси учидаги чўнқирчасини сим устига кўйиб юргизилади, натижада сим билан мумпарда бир-бирига худди тикилгандек ёпишади.

Хар битта мумпарда сифатли килиб ёпиштирилса, рамканинг пастки қисмига арилар кўп сонли эркак ари инчалари тортмайдилар.

Ари оиласига мумпарда ёпиштирилган рамкаларни мумкатақ тортириш учун ари оиласининг ички ҳажмини кенгай-



28-расм. Сим тортилган рамкаларга мумпардани кўйиб ёпиштиришига мўлжалланган мосламалар:

а – мумпардани кўйиб ёпиштирадиган тахта (лекала); б – лекалани устига мумпарда кўйиб сим тортилган рамкани жойланишининг кўриниши;
в – мумпардага симни ёпиштирувчи ғалтак; г – симни устига кўйиб суриб ёпиштирадиган мослама.

тириш, кўшимча уя қаватларини кўйиш вақтида (табиатдан бир оз бўлса ҳам шарбат келиб турган пайтда) она ариси урчиган ва тухум кўяётган инчаларга якин куртчали охирги рамкаларнинг ёнига ёки бўлмаса 2 та очик тухуми ва куртчаси бор рамкаларнинг орасига кўйилади.

Мабодо кўч (рой) ушланиб, уяга ўтказилиб, унга 435x300 мм ли рамкаларда бир вактнинг ўзида бир неча мумпарда бериладиган бўлса, у ҳолда мумпардалар мумкатакларга оралатиб кўйилади. Акс ҳолда ҳамма арилар мумпардага ёпишгандарида уларнинг ҳароратлари таъсирида мумпарда эриб, симлардан кўчиб, қийшайиб тушади, окибатда қийшик, тўғри тортилмаган сифатсиз мумпарда тортилади.

Кўп қаватли уяларда эса уянинг ҳажми кенгайтирилаётган пайтда қаватлар кўйиб кенгайтирилади. Табиатдан кўпроқ шарбат кела бошлиши билан кўйиладиган қаватларнинг ичига кўпроқ мумпарда ёпиштирилган рамкалар кўйиш мумкин. Бундай ҳажмли кўп қаватли уяларнинг рамкаларида мумпардалар деярли узилиб кетмайди. Табиатдан кучли шарбат келаётган пайтда арилар кўп мум ажратадилар, шунинг учун ҳам мум тортиш бутун мавсум давомида уя устида кўшимча қаватлари турган пайтда ҳам давом этаверади. Бундан

ташкари, доим 2–3 та ярим ҳажмдаги рамкаларга мумпарда ёпиширилиб асосий оиласа күйиб турилади, уларга мум тортилиши билан ўрнига бошкаси күйилади.

Жамғарилган катак мумпардаларни саклаш. Арихонада катак мумпардалар энг керакли маҳсулот бўлганлиги учун уни яхшилаб саклаш зарур. Ёмон сакланганда улар намлиқдан могорлайди, чанг босади, оқибатда уқаланиб, синиб кетиши мумкин. Катак мумпардаларнинг энг ашаддий душмани сичқон хамда мум куяси хисобланади.

Мумкатақ инчаларни озода саклаш керак. Агарда мумкатақ рамкаларнинг мумкатаклари ифлосланиб, уларга ариларнинг ахлати теккан, мөғор босган бўлса, у ҳолда бундай рамкаларни уяда қолдириб бўлмайди ва дархол эритиш учун ажратиб күйилади. Мумкатақ инчали рамкалардан асал олингандан кейин инчаларида колган, суркалган асални тозалаш учун албатта уларни ари оиласарига жойланади.

Йирик арихоналарда мумкатақ рамкаларни саклайдиган маҳсус курилмалар бўлади. Бундай курилма бўлмаса, зич ёпиладиган алоҳида шкаф ёки бўш уяларда саклаш мумкин. Кўшимча қават рамкалари ўз қаватларида бир-бирининг устига күйиб сакланади.

Саклашга олиб кўйилган мумкатақ рамкалар олтингугурт билан ишланади, агарда куя куртлари бўлса, ўлдирилади. 1 м³ жойни тутатиш учун 50 гр олтингугурт ёкилади. Бу операция 3 маротаба тақрорланади. 1-марта тутатилгандан кейин орадан 7–10 кун ўтгач 2-марта ва яна 15–20 кун ўтгач 3-марта тутатилади Агар мумкатақ рамкалар бўш уяларда сакланса, у ҳолда уянинг тешик ва қопкоғи яхшилаб беркитилиб, кўшимча тешиклари лой билан сувалиб, ҳар битта уяга 25 гр хисобида, тутатгич, кўмир билан ёкилади, унга олтингугурт сепилади ва уя тешиги оркали тутатилади. Тутатиб бўлингач, уя тешиги ёпилади. Кишда ҳаво ҳарорати –10° гача пасайганда мум куяси ҳар кандай ҳолатда ҳалок бўлади.

Мум етишириш

Маълум бўлишича, ўрта кучга эга бўлган ҳар бир ари оиласи мавсум давомида 2 кг га яқин ва ундан ортиқ мум ажратиши мумкин экан. Ариларнинг бу қобилиятидан мукаммал равишда мум етиширишда фойдаланиш мумкин. Аввал

мум ажратиш вактида асалариларнинг асал ташиш хусусияти камайиб кетади ва 1 кг мум ишлаб чиқариш учун арилар 10–12 кг дан 20 кг гача асал истеъмол килади, деб ўйлаганлар. Шундай килиб, мум етишириш иктисодий жиҳатдан фойдали деб хисобланмаган. Текширишларга кўра, 1 кг мум ажратиш учун, яхши шароитда, арилар 3,5–3,6 кг асал истеъмол килар экан. Бундан ташкари, мум тортиш пайтида ариларнинг шарбат ташиш учун учиш кобилияти камаймас экан. Агарда ари оиласига бирданига бир нечта мумпарда кўйилса, бу шарбат ташишга таъсир килиши мумкин. Бундан ташкари, асал кўйиш учун инчалар етишмаса ҳам шарбат ташиш камайиб, маҳсулдорлик пасайиб кетади. Шунинг учун ҳам шарбат ташиш вактида ари оиласида етарли мумкатақ рамкалар бўлиши шарт. Канчалик кўп янги мумкатақ тортирилса, шунчалик кўп мум етиширишга замин яратилади.

Асосий мум маҳсулоти эски мумкатақларни чиқиндига чиқариб эритиб олинади. 1 та (435x300 мм) мумкатақ рамкада 140–150 граммгача тоза мум бўлади. Шунинг учун 4 та шундай мумкатақ эритилганда 600 граммга якин, 6 тасидан эса 900 граммга якин тоза мум олинади. Лекин арихона шароитида мумкатақлар эритилганда, ҳар доим ҳам ўшанча мум олинмайди. Арихонада канчалик яхшилаб харакат килинмасин, мумнинг $\frac{1}{4}$ ёки $\frac{1}{5}$ кисми мум чиқиндиларида колиб кетади. Шунинг учун ҳам арихонада мум эритилганда, хосил бўлган мум чиқиндиларини маҳсус дўконларга топширилади, у ердан мум эритиш заводларига жўнатилади. Эритилганда ҳамма мум шу мумкатақдан олинади, деб бўлмайди, чунки унинг ярми, яъни 75 грамми, мумпарда ёпиширилгандаги мум хисобланади. Шундай килиб, арилар мумпардага ёпишириб торган инчалардаги мумнинг оғирлиги 75 грамм келади, 4–6 та катак мумпарда эритилганда 300–450 грамм мум олинади.

Арихонада рамкаларни тозалаганда чиккан мум зарражалари, асал олинганда унинг усти пичок билан киркилади, яъни 100 кг асал олинганда 1 кг мум чиқади. Бундан ташкари, асаларичи ҳар кайси ари оиласи билан ишлаган вактда арилар торган тилчаларни тўплаб, куёш нурида мум эритиладиган курилмада эритиб, 200–300 грамм мум олади. Куёш нурида эритилган мум юкори сифатли мум

хисобланади. Шундай қилиб, асаларичи ҳар битта оила хисобига арихонада кўшимча равишда 200–300 грамм мум олиши мумкин.

Юкорида айтиб ўтилгандек иш бажарилса, ҳар қайси ари оиласи бир мавсумда 600–700 грамм мум ажратиши мумкин экан.

Тажрибанинг кўрсатишича, мум маҳсулотини кўп етишириш учун ари оиласининг кучини доимо мум тортишга жалб этиш керак экан. Фараз қиласилик, арихонада ҳамма ари оиласи 36 тадан мумката билан таъминланган бўлсин, у холда ҳар қайси оила ўзига мумкатакларни янгилаш учун 9 тадан мум тортиши керак бўлади ва бунда кузда ҳар қайси оила ҳисобидан 9 тадан мумкатаклини чикиндига чикарса бўлади. Агар асаларичи ари оиласининг кучини кўп мум тортишга йўналтириб, ҳар қайси оила 14 тадан мум тортса, у холда кузда 14 та катак мумни чикиндига чикариб, кўп мум маҳсулоти олиши мумкин. Асаларичи жуда кўп катак мумларни чикиндига чикаришга берилиши керак эмас, чунки янги тортилган оқ рангли, ҳали қуртчалар етиштирилмаган мумката рамкаларни кишлишга колдириб бўлмайди, ундан ташкари, оқ рангли янги катак мумпардага эрта баҳорда она ари яхши тухум кўймайди. Айрим холларда кўч ариларининг кучидан мум тортишда фойдаланиш учун рамкаларга мумпарда тўлиқ ёпиштирилмайди.

Ёш ари оиласини етиштириш

Баҳорда арилар ривожлана бориб, баҳорнинг иккинчи ярмида йигилиб қолган кўп ишсиз ариларнинг кучидан асаларичилик хўжаликларида ҳар хил йўналишда фойдаланилади. Агарда ари оиласи етарли бўлиб, кўпайтиришнинг ҳожати бўлмаса, ариларнинг кучидан асал ва мум етиштиришда фойдаланилади. Асаларичиликда сунъий йўл билан ҳам ари оиласлари кўпайтирилади ёки табиий кўч чиқиши вактида ҳам ари оиласлари сонини кўпайтириш мумкин.

Сунъий йўл билан ари оиласини кўпайтириш. Бу ари оиласарини кўпайтиришнинг асосий йўли бўлиб, ундан режали равишда керак пайтда янги ёш ари оиласарини етиштиришда фойдаланилади. Бундай йўл билан арилар зотини яхшилаш ва табиий кўч чиқишини камайтириш мумкин.

Сунъий йўл билан ёш оила етиштиришга асосий ари оилалари кўчга чикишга тайёргарлик кўрмасдан аввал киришиш керак. Ёш оила канча эрта етиштирилса, у шунчалик тез ривожланади ва кўп маҳсулот тўплайди. Ёш оилани эрта етиштиришда ёш она ари бўлишининг аҳамияти катта, бунинг учун ёш она ари хам эрта етиштирилади ёки кишлаб чиккан бултурги ёш она ари, у хам бўлмаса, она ари етиштирувчи хўжаликлардан ёш урчиган она ари сотиб олинади.

Сунъий йўл билан ари оилаларини кўпайтиришнинг бир канча йўллари маълум бўлиб, улардан иккитаси асосий хисобланади:

1. Янги ёш кичик оила ажратиш.
2. Асосий ари оиласини тенг 2 қисмга ажратиш.

Биринчи усулда кучли асосий оиладан бир нечта рамка усти беркитилган қуртчалари ҳамда ариси билан ажратиб олиниб, бошқа уяга қўйилади ва арихонанинг нариги четига олиб бориб козикча устига жойлаштирилади. Учувчи кари арилар ўз эски уясига учеб кетади, колган ёш ариларга урчиган ёш она ари ёки она ари гумбаги қўйилади ва янги ари оиласи ҳосил қилинади.

Кичик ёш янги оила хам дастлаб нуклеусга ўхшаш бўлади, аммо она ариси урчиб тухум қўя бошлиши билан бошқа асосий оилалардан қуртчали мумкатак рамкалар олиниб, янги ташкил этилган ёш оилага қўшиб кучайтирилади. Она ариси урчиган янги ёш ари оиласига қуртчали рамкалар қўйиб кучайтиришни кечикириб бўлмайди, акс холда ёш она арининг тухум қўйиш кобилияти пасайиб кетиб, кичик оила секин ривожланади. Қуртчали рамкалар қўйиб кучайтиришда яхшиси дастлаб этилган, инчалардан айрим ариларининг мўйлаби кўриниб чикиб келаётган рамкалардан биттаси қўйилади. Ундаги арилар тўлиқ чиққандан кейин бир неча кун ўтгач, яна 2 та мумкатақ рамка қўйилади.

Ёш янги ташкил килинган оила асосий шарбат ажратиш вақтида яхши ишлаб, кўп асал маҳсулоти бериши учун унинг кучи асосий оилаларнинг кучига тенг бўлиши керак. Янги ташкил килинган оила шарбат ташиш вақтигача фақат кучайтириш учун қўйилган қуртчали мумкатақ рамкалар хисобига кучайтирилмай, балки ўзининг урчиган она ариси қўйган тухуми хисобига ҳам кучайиши лозим. Бунинг учун янги ари оиласини ташкил килишга эрта киришиш керак. Она ари


шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллашидан 30–40 кун олдин тухум кўя бошлиши зарур.

Шуни эсда тутиш керакки, она ариси шу баҳорда етиштирилган ёш оила асал ажратувчи ўсимликлари кеч гуллайдиган ерлардагина яхши маҳсулот бериши мумкин. Она ариси олдинги йили етиштирилиб қишлиб чиқкан янги оиланинг маҳсулдорлиги шарбат берадиган ўсимликлари эрта гуллайдиган ер шароитларида яхши бўлиши мумкин. Бундай ёш ари оилаларининг қишлиб чиқкан она ариси бор нуклеусларга усти беркитилган қуртчаси бор мумката рамкалар кўйилиб кучайтирилади. Она ариси қишлиб чиқкан нуклеусларни кучайтирип оркали етиштирилган ёш ари оиласи асосий шарбат берадиган ўсимликлар гуллагунча ривожланишига етарли вақти бўлиб, ўсимликлар эрта июнь ойларида гулласа ҳам асал тўплашда маҳсулдор бўлади.


Ари оиласини тенг икки кисмга бўлишнинг аҳамияти шундаки, иккала кисм ўзлари алоҳида-алоҳида ривожланади ва ўзларича оила бўлиб колади. Аммо бунинг учун тенг икки кисмга бўлинадиган оила эрта баҳорда жуда кучли бўлиб, май ойининг иккинчи ярмида уянинг ичи арилар билан тўлган бўлиши керак. Асосий кучли ари оиласи куннинг кок ўртасида арилар яхши учётган пайтда бўлинади. Кучли ари оиласи ёнига бўш уя кўйилиб, асосий оиладан мумката рамкалар асалариси, қуртчалари, асалли рамкалари билан бирга бўш уяга кўйилади. Ҳар иккала уяни бир-биридан яrim метр чапга ва ўнгга ёнлаб сурилганда уяларнинг тешиклари олдинги холатда, яъни бўлишдан олдин кандай баландликда турган бўлса, ўша жойда туриши керак, чунки даладан уясига қайтаётган арилар олдингидек тенг иккига бўлиниб, худди ўз уяларига кираётгандек кираверадилар.

Арилар кўчирилаётган бўш уя худди бўлинаётган уянинг рангида бўлса, арилар иккала уяга бир хил бўлиниб киради. Мабодо иккала уядан бирортасига кўпроқ ари кираётган бўлса, унда бўлинган асосий оила яна бир оз нарига сурилади (29-расм).


Агарда кўчириш вақтида она ариси қайси уяга тушганини билолмаган бўлсангиз, ариларнинг холатини кузатинг. Безовталангандай, тартибсиз, бирор нарсани қидираётгандай арилар оиласида она ари бўлмайди. Шу куни кечқурун урчиган тайёр она ари маҳсус думалок тўр кафасча (36-расм) ёки она




29-расм.



30-расм. Хар битта асосий оиласдан битта кичик ён оила ажратиш.



31-расм. Ҳар иккита асосий оиладан битта кичик ёш оила ажратиш.



32-расм. Хар учта асосий оиласдан битта кичик ёш оила ажратиш үсуллари.

ари ўтказиладиган Титов қафасчасида келтириб кўйилади. Бўлинган ари уяларини секин-аста бир неча кун ичиде тешикларини бошқа тарафга караб бурилади.

Бу йўл билан асалариларни кўпайтиришнинг афзаллиги шундаки, хар иккала оиласга хар хил ёшдаги арилар тушиб, тез ривожланади, орадан бир ой ўтгач, тўлик оила бўлиб етишади. Оила асосий шарбат берувчи ўсимликлар гуллашидан 30–40 кун олдин бўлинади.

Ҳозирги замонавий асаларичиликни ривожлантириш ва кўпайтириш технологиясида:

Бу учта усулдан фойдаланиб асосий оиласнинг ривожланиши ва кучига караб керакли вактда асалари оиласлари сонини кўпайтириш ёки кутили ари оиласларини етиштириш мумкин бўлиб, нуклеус оиласларидан урчиган она ари олиб келиб ўтказиш оркали ажратилган ёш асалари оиласини ривожлантириб, тезда ёш ишчи ариларни етиштириш оркали ажратилган янги ёш оила асосий шарбат келиш давригача тўлик кучга эга бўлиш эвазига кўп асал олиш мумкин ёки кутили ари оиласларини бошқа хўжаликларга сотиш оркали олинадиган даромад юқори бўлади.

Асалари оиласлари кўч арилари хисобига ҳам кўпайтирилади.

Агарда асаларичи кўч чиқмасликнинг олдини олмаса, у холда баҳор ойларининг иккинчи ярми, ёз ойларининг биринчи ярмида кўч чиқиши мумкин. Шу давр кўч чиқиш мавсуми дейилади.

Табиий кўч асаларичиликнинг режали ривожланиши учун нокулай ҳисобланади. Чунки айрим йиллари кўч жуда кўп чиқса, айрим йиллари жуда кам чиқади, ёки бутунлай чиқмайди. Бундан ташқари, табиий кўчлар ариларнинг зотини яхшилашга ҳам халақит беради, чунки айрим ҳолларда кўчларнинг бир нечтаси бир жойга тўпланиб колиб, уларнинг кайси оиласдан чикканини билиб бўлмайди ҳамда она арининг зоти ва улар тўғрисида ҳисоб-китоб олиб боришни чалкаштириб юборади.

Кўчга чиқишига тайёргарлик кўраётган ари оиласи аввалига жуда жадал ривожланади ва охирги бир хафта ичida жуда суст ишлайди, она ариси эса тухум кўйишни қискартиради: бу эса кўп асалари етиштиришни камайтириб, асал тўплашни пасайтириб юборади. Табиий кўчларнинг энг

асосий камчилиги шундаки, у асаларичини доимо арихонада кўч чикишини кутиб ўтиришини талаб килади ва шу билан бир каторда ари оиласлари билан ишлашда иш бажариш қобилияти юқори бўлишига салбий таъсир кўрсатади. Табиий чиккан кўчларнинг яхши тарафлари хам бўлиб, кўчга чиккан арилар кўп сонли ишчи ари инчалари билан мумкатаклар тортадилар ва асал тўплашда яхши ишлайди. Ўз ишини яхши билган кўп асаларичилар кўчга чиккан ариларининг кучидан мукаммал фойдаланиб, яхши кўрсаткичларга эришадилар.

Кўч чикишининг олдини олиш

Арихонада жадал кўч чикмаслиги учун куйидаги коидаларга риоя қилиш керак:

1. Ари оиласларида кам тухум кўядиган қари она ариларни (икки ёшдан ошган) ушлаш керак эмас. Ўзбекистон иклим шароитида бир йил.

2. Кўчга чикиш мавсумида арилар кўп асал ташиши учун уларни шарбат ажратувчи ўсимликлар кўп жойларга кўчириш ёки бўлмаса маҳсус асал ажратувчи ўсимликлар экиб, ариларни озиқ билан таъминлаш керак.

3. Ариларнинг кучини шарбат ташиш ва катак мумларни тортишга йўналтириш керак.

4. Оиласларни ички хажмини ўз вактида сифатли мумкатақ рамкалар билан кенгайтириб туриш зарур.

5. Ари оиласларининг уясини офтобда колдирмаслик керак.

6. Жазирама иссик кунлари ариларнинг уя тешикларини кенгайтириб, хаво алмашиб туришига шароит яратилиши лозим.

Бундан ташкари, арилар хажми кенг уяларда бокилса, уларнинг кучидан мукаммал фойдаланилади ва арилар кўчга чикишга кам интилади.

Юкорида айтилганларга амал қилинганда хам арихонада кўч чикишини бутунлай бартараф этиб бўлмайди. Шунинг учун кўч чикмаслигини олдини олишнинг энг қулай йўли ўз вактида янги ёш оила ажратиш ва она ариси ёш бўлиши хисобланади.

Асаларичилик яхши йўлга қўйилган арихоналарда хали хам кўчга чикиш ҳолатлари учраб туради. Бундай пайтларда асаларичи нима иш қилишни яхши билиши керак.

Кўчга чиқсан ариларни ушлашни енгиллаштириш мақсадида арихона атрофига кўч кўниши учун махсус одам бўйи баландлигида ёғоч, фанер кокилади ва унинг учига дарахтнинг шоҳларидан супургига ўхшатиб бойланади ёки 40x60 см ли қорамтири ғадир-будур тахтача ёки фанер кокиб кўйилади. Бунинг учун ўша тахтача куйдирилади. Яхшиси бирор дарахтнинг яхлит пўстлогини маҳкамлаб кўйган маъкул.

Кўч келиб кўнгандан кейин тахтача аста олинади, кўч солинадиган яшикнинг оғзи очилиб, унга кўч арилари силкитиб туширилади ва колган арилари шу идишга кириши учун пастрокка осиб кўйилади. Дарахтнинг йўғонрок танасига кўнгандан кўчни олиш кийинрок. Бундай пайтда ариларни яшикчага силкитишнинг иложи бўлмайди, шунинг учун ариларни чўмичга ўхашаш идиш билан сидириб олиб яшикчага солинади, колганлари яшикчага тутун билан хайдаб киритилади. Ҳамма арилар киритилгандан сўнг яшикчанинг усти беркитилиб, коронғи ертўла ёки салқин жойга обориб кўйилади ва кўч уяга жойлашгунча сакланади.

Ушланган кўчни уяга кундузи ҳам ўтказиш мумкин, аммо кечгача ертўла ёки салқин жойда сакланса, улар анча тинчланаб, ўзини яхши тутади.

Кўчни уяга ўтказишдан олдин уя қозик устига жойлаштирилади, уянинг ички ҳажмини тўплаб, сўнгра кўч ўтказилади. Бунинг учун уяга олдиндан тортилган мумкатақ рамкалар оралатиб кўйилади. Оила ички ҳажмининг бир четига асалли ва гулчангли мумкатақ рамка ва уянинг ўртасига 1–2 та очик куртчаси бор мумкатақ рамка кўйилади (шундай қилинмаса кўпинча ўтказилган кўч арилари учеб кетади).

Ушланган 1 кг кўч ариларига оила ичиға ҳаммаси бўлиб 4 та мумкатақ рамка кўйилади. Кўчни ўтказиш учун мўлжалланган уя салқин жойга кўйилади, чунки офтобда турган уялардан кўч арилари учеб кетиши мумкин. Уяга ўтказилаётган ушланган кўч ариларининг кучини билиш учун улар тарозида тортилади. Кўчга чиқсан ариларнинг кучи қай вактда кўч чиқишига боғлик бўлиб, май ойининг учинчи ўн кунлигига 1,5–2 кг гача кўч чиқиши мумкин. Улар киска вакт ичидаги тез ривожланиб, катта кучга эришади ва ўзларига озик тўплаб, яна хўжаликка асал маҳсулоти беради. Июнь ойлари-

да чикадиган күч кучли бўлиб, 3–4 кг гача бўлиши мумкин. Агарда күч кучли бўлмаса, маҳсулдор бўлмайди.

Күч арилари уядаги мумкатақ рамкаларга коқиб туширилгандан кейин колгани тутатгич ёрдамида тутун билан уяга ҳайдалади ва унинг усти дастурхонга ўхшаш калин мато билан беркитилади. Орадан 1 сутка ўтгач, уя очилиб, мумпардалар узилиб кетмаганлиги текширилади. Қолган ишлар асосий оила билан ишлаганда бажариладиган ишларга ўхшаш.

Күч чиқарган ари оиласи билан ишлаш. Күч чиқарган асосий оиласа бир нечта усти беркитилган она ари ғумбаги (маточник) бўлади. Агарда шу оиласи ўз ҳолига колдирилса, у ҳолда она ари ғумбагидан она ари чиқиши билан биринкетин урчимаган она ариси билан бирга яна күч чикади, бу ҳол оиласа ари колмагунча давом этаверади. Бундай кўчлар кучсиз, арилари кам бўлиб, келажакда яхши ривожлана олмайди.

Шундай бўлмаслиги учун кўч чиккан куни кўч чиқарган оила текширилади, усти беркитилган она ари ғумбагининг 1 та энг йирик тўғри тортилгани колдирилиб, колганлари синдириб ташланади. Гумбакдан она ари чикадиган куни яна бир бор оила текшириб кўздан кечирилиши керак, яна ўзи тортган она ари ғумбаклари бўлса, улар синдириб ташланади. Мабодо кўч чиқарган оиласининг маҳсулорлиги юқори бўлса, у ҳолда она ари ғумбаклари бузиб ташланмай, секинаста киркиб олинади ва она ариси йўқ нуклеус ёки она ариси алмаштирилмокчи бўлинган оиласарга қўйилади.

Ариларни ривожлантириш вақти. Ари оиласини асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллагунга қадар кучли килиб ривожлантириш учун она ариси бутун ривожланиш даврида тўхтовсиз тухум қўйиб туриши, ишчи арилар эса уларни бокишлари шарт. *Шундай қилиб, асалариларнинг баҳорги биринчи ривожланиши кунидан бошлиб асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллагунча бўлган даврга асалариларнинг ривожланиши даври дейилади.* Иклим шароитига караб шарбат ажратувчи ўсимликлар канча кеч гулласа, асаларичи ари оиласини шарбат ташишга кучли килиб тайёрлашга шунча кўп вақт сарфлайди. Масалан: жанубий туманларнинг кунгабоқар экиладиган ҳудудларида арилар ривожлана бошлагандан кейин, орадан 100 кун ўтгач

кунгабокар гуллайди. Демак, ари оиласини 100 кун давомида кучли килиб ривожлантириш мумкин экан. МДХ давлатларида, ўрмон зоналарида маржумак (гречиха) ва жўка-липа ўсимликлари шарбат ажратадиган шароитларда ари оиласини ертўладан апрель ойининг ўртасида очик ҳавога кўчирилади, асосий шарбат ажратувчи ўсимликлари эса июнь ойининг биринчи ўн кунлигига гуллайди. Бу жойда ҳам ари оиласи ривожланиши учун узок вакт – 80–85 кун керак бўлади. Аралаш шарбат ажратувчи ўсимликлари бор зоналарда ари оиласи ертўладан очик ҳавога апрель ойининг охирида ёки май ойининг бошларида кўчирилади. Беда – малина, малина – кипрей ўсимликлари аралаш гуллайдиган шароитларда ўсимликлар июнь ойининг биринчи ярмида шарбат ажратади ва натижада ари оиласининг ривожланиши учун 45–50 кун вакт колади.

Шундай қилиб, ари оиласи узок вакт – 80–90 кун ривожланадиган худудларда асаларичи табиатдан келаётган кам шарбат хисобига ҳам ариларини бемалол ривожлантириши мумкин. Бундан ташқари, бундай шароитларда баҳорда ўсимлик гуллашидан 50–55 кун олдин она ари етиширилиб, ёш оила ажратилса ҳам, ёш оила шу йили ҳам маҳсулдор бўлиши мумкин. Бунинг учун асосий ари оилалари ўтган йили кучли бўлиши, кўп сонли ёш арилар билан кишлиши керак. Ари оилаларини кучли килиб ривожлантириш учун кисқа вакт, яъни 45–50 кун талаб килинса, у ҳолда оилани ривожлантиришнинг ўзига хос йўллари мавжуд бўлиб, асаларичи олдинги йили кузда кўп сонли ёш ариси билан кучли ари оиласини қишлишга тайёрлайди.

Ўзбекистон иқлим шароити ари оилаларини кисқа ва узок ривожланиш хусусиятига мос бўлганлиги учун ҳам юкорида айтилган иккала йўлдан фойдаланса бўлади.

Шундай килмаса ривожланиб бораётган арилар 45–50 кун ичиди тўлик кучга эга бўла олмай қолади ва айни шарбат ташиб вакти улар жадал ривожланаётган пайтга тўғри келиб қолади ҳамда шу йили маҳсулдорлик паст бўлиши мумкин. Эрта баҳорда ари оиласи тез ривожланиши учун уларни эрта бокиш, сифатли мумкатақ инчалар бериш, оила ички ҳажмида керакли рамкаларни колдириш, ортиқласини кисқартиш, ёстиқчалар ёрдамида иситиш керак бўлади. Эрга баҳордан бошлаб асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар гул-

лагунча бүлган вакт киска бўлиб, ари оилаларини ривожлантириш учун ҳам вакт кам қолади. Шунинг учун ўтган йили ёзниг иккинчи ярмида табиатда бир оз бўлса ҳам шарбат бор пайтда янги кичик ёш оила ажратилиб, мана шу оила-да она ариси келаси йили баҳоргача сакланса, шу она аридан фойдаланиб, янги оила етишириш ёки шарбат ташишга қўшимча арилар етишириш мумкин. Олдинма-кейин гулловчи, табиий шарбат берувчи ўсимликлари бор айрим жойларда кузгача унча кучли бўлмаган шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллаб туради ва натижада ари оиласи асосий шарбат берувчи ўсимликлар гуллагунча катта кучга эришиб олади, натижада кўп маҳсулот тўплайди.

Асосий шарбат ташиш даврида она арининг тухум қўйинини, куртчалар етиширишни чеклаб қўйини

Асаларичи маҳсулдорлиги юкори оилаларни тайёрлаб, уларнинг кучи шарбат ажратиш даврида бир текисда бўлиши учун шароит яратиб бериши керак.

Бизга маълумки, асосий шарбат ташиш вақтида асаларичи таналари тез ишдан чикиб, кундан-кунга камайиб боради. Агарда уларнинг ўрнини ёш арилар тўлғазиб турмаса, у холда ари оиласи жуда кучсизланиб қолади. Шунинг учун асосий шарбат ташиш даври бошлангунга кадар кўп сонли ишчи арилар билан бир каторда, иложи борича куртчаларнинг сони ҳам кўп бўлиши керак. Лекин асосий шарбат ташиш даврида она арининг кўп тухум қўйиши оиланинг кўп шарбат ташишига таъсир кўрсатади, чунки ариларнинг бир кисми куртчаларни бокиш билан банд бўлади, кам сонли ари далага учади ва уяда колганлари кўп озик истеъмол килади. Натижада арихонанинг даромади камаяди. Шарбат кўп келаётган пайтда арилар ҳамма буш инчаларга шарбат қўйиб, она арининг тухум қўйинини табиий равиша чеклаб қўядилар. Табиатдан шарбат келмаса, бу хол куртчаларни етиширишга салбий таъсир кўрсатади. Табиатдан бир оз шарбат келиб турса, оиланинг тез ривожланиши учун яхши шароит яратилади: она ари кўп тухум қўяди. Арилар шарбат ташишга кўпроқ учеби чикиши учун шарбат келиш даврида она арининг тухум қўйиши чеклаб

кўйилади. Бундай йўлларни қўллашда асосий шарбат берувчи ўсимликларнинг хусусиятигина эмас, унинг неча кун шарбат бериш қобилиятини ҳам хисобга олиш керак, акс холда ари оиласининг кучи камайиб, асал тўплаши озайиб кетипи мумкин.

Биз биламизки, ариларнинг куртчалари 21 кундан кейин инчадан чиқади ва орадан 3–4 кун ўтгач, яъни 25-кундан бошлаб уя ичидаги иш бажаришга киришади.

Агар яхпи қаралган оиласада асосий шарбат ажратувчи ўсимлик гуллагунча она ари тўхтовсиз тухум кўйган бўлса, у холда асосий шарбат ташиш вактида оиласада 25 кун ичидаги ёш арилар етишиб чикиб туради ва ўлиб бораёттан кари ариларнинг ўрнини тўлдириб туради.

Мабодо арихонада арилар сони етарли бўлса, у холда ариларнинг ҳамма кучини кўп асал йиғишга қаратилади. Ари оиласида ариларнинг сони кўпайиши билан уларни асал йиғиш, мумкатақ инча торгтириш ёки бўлмаса асосий асал ажратувчи ўсимликлар гуллагунга қадар кўп сонли ёш ари куртчаларини бокиши билан банд килиш зарур.

Шарбат ажратувчи ўсимликлари эрта гуллайдиган жойларда ва ариларнинг ривожланиш вакти киска бўлган МДХ худудидаги ерларда (беда ва малина ёки бўлмаса малина – кипрей туридаги асал ажратувчи ўсимликлари бор ерларда) ариларнинг бор кучидан асал йиғинида фойдаланиш лозим.

Бундай ерларда арилар оиласи кучли бўлиб етилгунга қадар асосий асал ажратувчи ўсимликлар ҳам гуллай бошлиди ва арилар кунига 2 – 3 кг асал келтиради.

Ариларнинг ривожланиши учун жуда кўп вакт етарли бўлган жойларда эса асосий асал ажратувчи ўсимликлар гуллагунга қадар арилар ишсиз колиб, кўч чикиш ҳолати юзага келади. Бундай пайтда ривожланиб етилган арилар кучидан янги ёш ёрдамчи она ари оиласари ажратилиб, асал ажратувчи асосий ўсимликлар гуллагунга қадар ёш ишчи арилар сони кўпайтирилади ва кўп асал йиғиш максадида фойдаланилади. Агарда ривожланган ва ишсиз ўтирган ари оиласидан 1 кг ари ажратиб олинса, шу ёш оила асосий асал ажратувчи ўсимликлар гуллагунга қадар 2 – 2,5 кг га етади ва кўп асал йиғилади, шу билан бирга кўч чикишининг олди олинади.

Тұлға күндеңін күндеңін ари оиласынан

Катта хажмдаги уяларда ари оиласынинг кучи қандай бўлмасин, кўч чикишининг олдин олиш борасида замин яратилган энг асосий омиллардан ҳисобланади ва бунда асаларики кам меҳнат сарфлаб, кўп сонли ари оиласарини бокиб, юкори кўрсаткичларга эришиши мумкин. Аммо кўчма асаларичилик характеристига эга бўлса бироз кийинчилик туғдиради.

Бундан ташқари, ҳажми кенг уяларда дурагай зот арила-ри бокылса (күчга кам чиқувчи) мақсадға мувофиқ бўлади.

Хажми кенг уяларда бокиладиган ари оиласлари доимий равишда асал ажратувчи ўсимликлар ўсадиган ерларга ёки бўлмаса олдинма-кейин гуллайдиган сершарбат ўсимликлар экилган ерларга кўйилади ёки кўчирилади.

Ариларни кўп қаватли уяларда бокиши усули ҳам асаларичилик соҳасида энг кулай усул бўлиб, асаларичиликнинг барча талаб ва коидаларини кондиради. Бу усулнинг кулай томони шундаки, асалари чам меҳнат ва вакт сарфлаб, кўп сонли ари оиласишини бокиши мумкин. Арихоналарда кўп қаватли уяларда ари бокилганда асалари чам оиласишини текшириш, оила хажмини кенгайтириш, мумпарда тортиш, асал олиш, кишга озиқ жамғариш каби мавсум давомида килинадиган ишлар уя қаватларини алмаштириш оркали ба-жарилади ва олинадиган даромад юқори бўлади.

Ари оиласарини кўп қаватли уяларга кўчириш учун энг қулай вакт эрта баҳор пайти бўлиб, бу даврда ари куртчалари унча кўп бўлмайди. Бундан ташкири, омборларда сакланаетган мумпардали рамкаларнинг ўлчамларини кичрайтириш, яъни рамканинг ён устунчаларини 70 мм га кискартириб, кўп қаватли уялар хажмига тенглаштирилиши мумкин. Катак мумпардаларнинг пастки кисми киздирилган пичок билан қиркилса, мумкатақ осон ва тез кесилади. Агар ётиқ уя рамкаларида хали ари куртчалари бўлиб, рамканинг ўлчамини қискартиришнинг иложи бўлмаса, у ҳолда бундай рамкалар шундайлигича кўп қаватли уяларнинг қаватларида вактинча (куртчалар инчалардан чиккунга кадар) 4 тарафига планка қокиб сақланади.

**Асалариларни кўп қаватли уяларга кўчиришда қўйи-
дагиларга амал қилинади:** яъни, оддий ётиқ уя ичидан
ҳамма куртчаси инидан чиккан катак мумпардали рамкалар
чикариб олинади, уларнинг ариси ўша эски уясига қошиб ту-
ширилади ва уларнинг ўрнига олдиндан тайёрланган кичик
уянинг хажмига тўғри келадиган озиғи етарли бўлган катак
мумпардали рамкалар қўйилади ҳамда ари оиласи тинчигун-
ча ўз холига кўйилади. Эртасига ёки хаво ҳарорати тўғри
келмай қолса, кейинрок эски уя оёқчалардан олинади, унинг
ўрнига кўп қаватли уянинг бир корпуси (қавати) қўйилиб,
корпус ичига эски уядан ҳамма ўлчами кичиклаштирилган
рамка ариси билан бирга олиб жойлаштириллади. Эски уяда
эса ўлчамлари кичиклаштирилмаган куртчалари бор рам-
калар қолдириллади. Улар ўша жойнинг ўзида пастки кисми
кирқиб кўйилади.

Агар асаларичи ариларни ётиқ уялардан кўп қаватли уя-
ларга кўчиришга улгурмай қолган бўлса, у холда ари оиласи
кучайган даврда, куртчалари йўқ рамкалар олинади, ётиқ
уянинг устига олдиндан тайёрланган кўп қаватли уянинг кор-
пуси ўрнатилади. Ётиқ уянинг ичидаги қолган куртчали рамка-
лар етилиб ари бўлиб чиқкандан кейин, улар ҳам кирқилиб,
кўп қаватли уялар хажмига тўғриланади. Ётиқ уянинг очик
колган ёнлари ёғоч планкалар билан беркитилади ва ётиқ уя
рамкаларида сиқилиб қолган (оила ичи кискариши билан) она
ари ҳамда ишчи арилар иккинчи қаватга кўчиб ўтади. Паст-
ки қаватдаги рамкалар куртчалардан бўшаши билан олиниб,
қават устига иккинчи қават кўйилиб, оила ҳажми кенгайтири-
лади, ётиқ уя эса олиб ташланади. Кўп қаватли уянинг иккин-
чи қавати биринчи корпус – қават ўрнига, биринчи қаватни
тепага суриб кўйилади.



Кўч чиқиши вактида ҳам ариларни ётиқ уялардан кўп
қаватли уяларга кўчириш мумкин, бунда ажralиб чиқкан
кўч кўп қаватли уяларнинг битта қаватига кўчирилади ва кўч
чиқарган оила ўрнига ўрнатилади. Кўч чиқарган оила ари-
хонанинг бир четига кўчириб қўйилади. Бунда ҳамма учув-
чи арилар ўша жойлаштирилган уяга киради ва арилар сони
кўпайиб, кейин иккинчи қават кўйилади. Эски (ётиқ) уядаги
ариларнинг ари куртчалари чиқиши билан янги она ариси ур-
чиб тухум кўйишни бошлагунча кўп қаватли уяларга кўчириб
ўтказиш мумкин бўлади.

Кўп қаватли уяларда бокиладиган арилар киши давомида жамғарилган озиқни истеъмол қилиб бўлгач, биринчи қаватдан иккинчи қаватга кўтарила бошлайди, чунки иккинчи қаватда олдинги йилда жамғарилган озиқ бўлади. Баҳорда ариларни қишлишдан кейинги даврида бўшаб қолган уянинг биринчи қавати олиниб, омборга топширилади, 10-рамкалар хажмидаги қаватда арилар тез ривожлана бошлайди ва она ари кўп тухум қўяди. Биринчи қават олиниб ташланаётган пайтда бир йўла оила аҳволи билан ҳам танишиб чиқилса, она арининг тухум қўйиши, жамғарилган озиқ микдорининг етарли эканлигига ишонч хосил қилиб, ари оиласини текшириш ишлари тутатилади (33-расм).

Кўп қаватли уянинг 10 та рамкасида 64 мингта якин мумкатақ инчалар бўлиб, ундан $\frac{1}{3}$ кисми 10 кг озиқ асали саклаш учун старлидир, қолган $\frac{1}{3}$ кисм инчада 2 хафта давомида куртча етишириш имконига эга бўлинади. Шундан сўнг 20 кун давомида ари оиласини безовта килмаса ҳам бўлади. Бундан ташкари, ёз давомида бошқа ишларни бажариш учун арихонада жамғарилган катак мумпардали рамкалар билан тўлдирилган қаватлар бўлиши керак. Жамғарилган қаватлар ичидаги озиғи бор мумкатақ инчали рамкалар ҳамда улар орасида мумпарда ёпиширилган рамкалар аралаш холда тайёр туриши зарур.

Баҳорнинг иккинчи ярмида, агарда табиатдан шарбат келаётган бўлса, иккинчи қават мумкатақ инчали рамкалар орасига 2–3 та мумпарда ёпиширилган рамкалар аралаштириб қўйилади. Устки қават тўлик куртчаларга тўлгач пастдагиси билан ўрни алмаштирилади. Шундай қилинганда доимо устки қаватда бўш катакчалар бўлади. Иккинчи қават ариларга тўлиши билан она ари ҳам унга кўтарилади ва тухум қўя бошлайди.

Баҳорнинг охирига бориб иккинчи қават ҳам куртчаларга тўлади, пастки қаватдаги куртчаларнинг ҳаммаси етилади, усти беркитилган холда бўлгани сабабли яна янги қават қўйилади. Учинчи қаватни қўйиш даври эрта шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллаш даврига тўғри келганлиги сабабли мумкатақ инчалар орасига мумпардали рамкалар аралаштирилиб қўйилади (5 тадан: 5+5–10 рамка).



33-расм. Мумкатақ рамкалар орасига мумпарда аралаштириб оиласинг ички хажмини кенгайтириш:

1, 2, 3, 4, 5 — мумпарда;
9, 7, 8, 9, 10 ~~~~~ мумкатақ рамка.

Она ари юкори қаватга ўтиб тухум қўймаслиги учун иккинчи ва учинчи қават орасига она ари ўта олмайдиган тўр ўрнатилади. Бу асал олишни осонлаштиради.

Қаватларнинг ўрни алмаштирилганда арилар яхши ривожланади. Агар ари оиласи қаватлар алмаштирилмасдан бокилса, биринчидан, юкори қаватда она ари тухум қўйишни давом эттираверади, натижада асал қўйиш учун жой қолмайди; иккинчидан, қуртчалар арига айланиб инчалиридан чиқканидан сўнг, шу инчаларни ишчи арилар гулчанги билан тўлдириб ташлайди, чунки асаларилар пастки қаватга асал қўйишдан четланади. Учинчидан, она ари тухум қўйишга тепа қаватдан пастга тушмайди, чунки юкори қаватда доимо иссиқ ҳаво сақланади.

Бундан ташқари, арилар буш колган жойни ёки рамкалар орасининг кенгайишини ёктирумайди ва шу кенгликни торайтириш мақсадида берилган ўртадаги янги қаватга кўтарилиб тез мум торта бошлайди, яъни буш колган арилар иш билан таъминланади, натижада кўчга чикиш ва кўчга тайёрланишнинг олди олинган бўлади. Бундан ташқари, ари оиласи дурагай зотдан бўлса, кўч чикмайди. Тўртинчидан, қаватни қўйиш даври келганда асаларичи учинчи қаватни тепага кўтариб, унинг ўрнига янги тўртинчи қаватни ёки энг тагидаги қаватни қўяди. Учинчи қаватни тепага кўтаришдан мақсад энг тепадаги қаватда шарбат кўп тўпланади. Шунинг учун шарбат – асал тўпланган қаватни асал олиш пайтида, ишни енгиллаштириш мақсадида тепага кўтарилади.

Асал тўплаш учун қўйилган қаватга она ари тухум қўймаслиги учун пастки иккинчи қаватнинг устига ари ўтмайдиган тўр қўйилади. Агар табиатдан кўп микдорда, кунига 4–5 кг (беда, пахта каби ўсимликлардан) шарбат келиб турса, тепага буш мумкатақ инчаларни шарбат қўйиб банд килади. Окибатда, она арининг тухум қўйиши табиий равиша чекланиб колади.

Табиатдан асосий шарбат келиш даврида тепа кисмдаги иккита қават етишмай қолади, шунинг учун кўпроқ яна асал тўплаш учун учинчи, яъни бешинчи қават юкоридаги 2 та асалли қават тагига қўйилади.

Асосий шарбат таиниш даврида асал тўлдирилган қаватлардан 1 таси омборда саклаб қўйилади. Саклаб қўйиладиган

асалли рамка жигаррангда бўлиши керак, чунки бундай рамкада арилар яхши кишлайди.

Асосий шарбат ташиш даври тугагандан кейин асалли қаватларнинг ҳаммаси ари оиласидан йиғиштириб олиниди. Энг пастки қавати колдирилади, олдиндан олиб кўйилган асалли гулчангли рамкалар пастки биринчи ва иккинчи қаватга кўйилади. Мабодо қишига қолдирилган озикнинг бир кисми шакар шарбатига алмаштириладиган бўлса, у холда қисман асал тўпланган мумкатақ инчали рамкалар оиласа кўйилиб, пастки қисмидаги инчалар шакар шарбати билан тўлдирилади. Арилар қишининг биринчи ярмида факат шакар асали билан овқатлангани учун хам уларнинг орка ичагида қиши давомида кам ахлат тўпланади. Икки қаватли уялар хам кўп таркалган. Бундай уяда ари бокишининг аҳамияти шундан иборатки, уянинг биринчи қавати арилар билан тўлгандан кейин унинг устига арилар кўчга чикиш ҳолатига келмасдан олдинрок иккинчи уя қавати кўйилади. Оиласининг ички ҳарорати бирданига пасайиб кетмаслиги учун иккинчи уя қаватига 5–6 та мумкатақ инчали рамкалар кўйиб, уянинг қолган бўш кисми ёстиқча ёрдамида тўсиб кўйилади ва ари оиласининг ривожланишига қараб секин-аста мумкатақ инчали рамкалар кўйиб кенгайтириб борилади. Шундай килиб, уянинг иккинчи қавати биринчи қаватининг давоми хисобланиб, у кисмга арилар асал тўплайдилар. Бундай икки қаватли уянинг ҳажми кенг бўлганлиги учун она арининг кўп тухум кўйишига яхши шароит яратилади, кўп сонли куртчалар етиширилади ва арилар сони 6 кг гача етади. Арилар кўп сонли бўлганда ҳамда асал тўплашда уянинг ички ҳажми торлик килганда асосий шарбат ташиш даврида унинг устига учинчи қават ёки кичикрок ҳажмли (435x145 мм) кўшимча қават ўрнатиш мумкин.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, иккинчи қават кўйилганда пастки қаватдан куртчали мумкатақ рамкаларни олиб тепа қаватга кўйиш шарт эмас экан. Куртчали мумкатақ рамкалар пастдан тепага кўчирилганда факат асаларичининг иши кийинлашар экан. Юкори қаватга сифатли килиб тўғри тортилган ва аввал куртчалар етиширилган ҳамда бир оз асали (асал ва гулчангли тахминан ҳар битта мумкатақ рамкада 1 кг гача) бор мумкатақ рамкалар жойлаштирилади. Ҳаммаси бўлиб 5–6 та мумкатақ рамка жойлаштирилса, шулардан бит-

таси мумпарда ёпиштирилган рамка бўлиши керак. Иккинчи қаватда мумкатақ рамкалар қаватнинг бир тарафига жойлаштирилиб, четига тахтачалар ёки фанердан ясалган тўсқич (диафрагма) кўйилади, буш колган жойи латтача ҳамда ёстиқча ёрдамида тўсиб кўйилади. Шундан сўнг она ари иккинчи қаватга ўтиб тухум кўя бошлади. Бундан кейинги иккинчи қаватнинг ички ҳажмини мумкатақ рамкалар билан кенгайтириш ишлари худди олдинги қаватларида ётиқ уяларда кенгайтириш ишларига ўхшашиб бўлиб, факат бу ишларни бажариш об-хаво бир оз исиган пайтга тўғри келиб, бемалол бир маротаба кенгайтириш ишини бажарса бўлади (33-расм).

Асосий шарбат берадиган ўсимликлар гуллагунча ари оиласини тайёрлашда асосий асал тепа қаватда жойлашиши учун тепа қаватдаги куртчали мумкатақ рамкаларнинг ўрни пастки қаватдагиси билан алмаштирилади. Инчаларини киркиб чиқаётган арилари кўриниб турганлари эса тепа қаватга кўчирилади.


Ари оиласининг ривожланиши ҳамда шарбат ажратувчи ўсимликларнинг шарбат ажратиш кобилиятини билмай турриб икки қаватли уяди ари бокиб бўлмайди. Акс ҳолда ари оиласининг маҳсулдорлиги пасайиб кетади. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, асаларичи иккинчи қаватни маълум муддатдан кечикиб кўяди. Иккинчи қаватни кўйиш муддати, асосан, ари оиласининг ривожланиши ва асосий шарбат ажратувчи ўсимликларнинг гуллашига қараб аниқланади. Ари оилаларида кўчга чиқиш ҳолати юзага келмасдан иккинчи қават кўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Агар ари оиласи кишдан кучли чикса, у ҳолда иккинчи қават баҳор ойининг ўрталарида, боғлар гуллаган ёки гуллаш давридан илгариrok кўйилади. Мабодо ари оиласининг ривожланиши чўзилиб кетиши натижасида уянинг иккинчи қавати баҳор ойининг охирлари ёки ёз ойининг бошларида кўйилиб, биринчи қават арилар билан тўлик тўлгунича кутилса, у ҳолда ари оилаларининг кўчга чиқиш ҳолати юзага келиши мумкин. Биринчи қаватнинг 12 та мумкатақ рамкаларидан 9–10 таси ари билан тўлса, иккинчи қаватни кўйиса бўлади. Мабодо асаларичи иккинчи қаватни кўйишга улгурмасидан олдинрок арилар оиласи кўчга чиқиши косачасини тортиб, хали унга она ари тухум кўймаган бўлса, оила ариларини кўч чиқиш ҳолатидан тўхтатиш мумкин. Бунинг учун кўч чиқиш косачалари бу-

зид ташланади, сўнгра иккинчи қавати мумпарда рамкалар билан аралаптириб қўйилади. Агар кўч чиқиши косачаларига она ари тухум қўйган бўлиб, ичида куртчаси бўлса, у холда оиласининг кўчга чиқишига халакит килинмайди.

Иккинчи қаватни арилар тўлиқ тўлдириши керак. Шунинг учун ҳам асосий шарбат берадиган ўсимликлар гуллашибдан бир ой олдин иккинчи қават қўйилади. Агар иккинчи қават кечикиброк қўйилса, у холда ари оиласи катта кучга эга бўла олмайди (кўп сонли куртчаларнинг тўпланган даври бўлиши мумкин), инчалардан арилар шарбат ажратиш даври тугагандан кейин чикадилар. Бундай холат табиатдан келаётган шарбатни тўплапшига салбий таъсир кўрсатади.

Эрта шарбат берадиган ўсимликлар бор жойларда май ойининг 15–20-кунлари иккинчи қават қўйилади. Ҳамма ари оиласлари бир хил ривожланмаганлиги учун ҳам иккинчи қаватни кечрок қўйса бўладими, деган савол туғилади. Бу ари бокилаётган жойдаги июль ойида шарбат берадиган ўсимликларга боғлик.

Айрим эрта гуллайдиган ўсимликлардан шарбат ташиш тугагандан кейин пахта, беда, кунгабоқар, эспарцет каби ўсимликлар бор жойларда иккинчи қаватни июнь ойининг бошларида қўйиш мумкин (34-расм).



34-расм.

Май ойининг ўрталарида иккинчи қават кўйилган оиласарда эрта ёзда гуллайдиган ўсимликлар гуллагунча арилар иккала қаватни тўлиқ эгаллади. Аммо арилар унча кўп шарбат ажратмаган ўсимликларда ишлашларини хисобга олган ҳолда она арининг тухум кўйишини чеклаш максадида асосий шарбат берадиган ўсимликлар гуллаши олдидан тухум кўяётган она арини усти берк она ари ғумбагига алмаштириш мумкин (бунда албатта шарбат берадиган ўсимликларнинг 1 ойгача гуллаши хисобга олинади).

Арилар кўчга чикиш мавсумида, яъни ёз ойининг биринчи ярмида ўсимликлари қунига 2 кг атрофида шарбат бераб, унинг кетидан июль ойида кучли шарбат ажратадиган ўсимликлари бор жойлар икки қаватли уяларда ари бокиш учун энг кулай хисобланади. Бундай ҳолларда ёз ойининг биринчи ярмида ариларнинг шарбат ташиши кўп сонли куртчаларни бокиш билан кўшилиб кетади. Натижада оиласада арилар асал тўплаш ва кўп сонли куртчаларни етиштириш эвазига иш билан таъминланиб, уларнинг кўчга чикиши бартараф этилади.

Ари оиласини ётиқ уяларда бокиш. Ётиқ уя хам катта ҳажмга эга бўлиб, кўрсаткичлари худди икки қаватли уяники кабидир.

Она арининг тухум кўйиши ва оиласининг ривожланиши ётиқ уяларда хам чекланмаган. У ерда худди икки қаватли уялардаги каби шароит яратилган бўлиб, кўп сонли куртчалар етиштириш мумкин. Ётиқ уяларда етиштирилган кучли ари оиласари кўп асал тўплаб, маҳсулдорлиги икки қаватли уялардаги ариларнидан кам бўлмайди.

Ётиқ уяларда ари оиласини ривожлантириш оддий бўлиб, уянинг ичи қуидагича тузилган. Куртчали мумкатақ рамкалар арилари билан уянинг хаво алмаштириш тешикчалари каршисида жойлашса, асал ва гулчангли мумкатақ рамкалар оила жойлашган кисмининг иккита четки тарафида жойлашади. Секин-аста куртчалар сони ортиб, она ари нечта мумкатақ инчали рамка бўлса, шунча тухум кўйиши мумкин.

Оиласининг ҳажмини кенгайтиришда куртчаларга керагидан ортиқча кўйилган мумкатақ рамкаларга ривожланаётган арилар хамда жамғарилган асал тўпланади.

Шарбат ажратувчи ўсимликларнинг хусусиятига караб она арининг тухум кўйиши чеклаб кўйилмоқчи бўлинса, ўргадаги куртчали мумкатақ рамкалар она ариси билан икки ён тарафга – асалли рамкалар билан ўрни алмаштирилади ёки асалли рамкалар ўрнига она ари ўтолмайдиган (ишчи арилар ўта оладиган) маҳсус чеклаш тўри кўйилади. Шундай қилингандা она арининг тухум кўйиши чекланиб, асал жамғариш ортиб боради. Табиатдан шарбат кўп келаётган бўлса, ишчи арилар ҳар битта инчанинг учдан бир кисмига шарбат тўлдириб банд қилиш оркали она арининг тухум кўйишини табиий чеклаб кўядилар. Асосий шарбат ташиш даври тугагандан кейин она арининг кўп тухум кўйиши учун шароит яратиб берилади, ари оиласининг кучли ва кўп сонли ёш арилар билан киплашига замин яратилади.

Ари оиласарини ётик уяларда бокиб, улар маҳсулдорлигининг юкори бўлиши учун ари оиласининг кўчга чикмасдан ишchan ҳолатда саклаш максадида бир канча тадбирлар ўtkазилади. Кўчга чикмаслик юзасидан ўtkазилган тадбирларнинг кўпчилиги вактинча ари оиласарини бўлишга асосланган бўлиб, тўпланган кўп сонли ишчи арилар битта она арининг тухуминигина эмас, оилани бўлиш натижасида ташкил этилган иккинчи оиласининг она ариси кўйган тухумларни ҳам тарбиялайдилар.

Тўлик кучга эга бўлган ари оиласари ётик уяларда бокилганда оила арилари кўчга чикишга тайёргарлик кўрмаслиги учун оиласининг ички ҳажмини бир маротаба кенгайтириш, яъни баҳор ойининг охирларида ёки ёз ойининг бошларида оиласининг яхши ривожланишини таъминлаш максадида, худди кўч ариларини ушлаб уяга ўtkазилган вактдагидек шароит яратилиб, бўш мумкатақ рамкалар ва мумпарда ёпиштирилган рамкалар уянинг тешикчалари каршисига жойлаштирилади. Арилар кўйилган мумкатақ ва мумпардали рамкаларни ўзлаштириб, мум тортадилар, эрта ёз ойларида гуллайдиган ўсимликларнинг гулидан шарбат тўплайдилар ҳамда бир қанча ишлар билан банд бўлиб, кўчга чикишдан сакланадилар.

Вақтингча ажратилған ёрдамчи она ариси бор оиласынан фойдаланиши

Юкорида айттылганидек, шундай жойлар борки, эрта ёз ойларыда шарбат ажратадиган ўсимликлари бўлмаганлиги учун ҳам тўплантган ишсиз ариларни асал ташиш, янги мумкитлар инчалар тортишишнинг иложи бўлмаганлиги учун ёз ойнинг биринчи ярмида ари оиласарини кўчга чиқармай ушлаб туриш қийин бўлади. Мана шунинг учун ҳам ари оиласарини ишчанлик ҳолатида саклаб, шарбат ташиш давригача кўшимча ишчи арилар етиштирилиб, вақтингча ёрдамчи она ариси бор оила ажратилиди. Бундай оиласи ташкил қилиш учун эрта баҳордан ёш урчиган она ари етиштириш ташкил қилинади. Яхшиси бундай оиласи ташкил қилиш учун бошқа она ари эрта етиштириладиган хўжаликлардан ёздириб олинса, мақсадга мувофик бўлади.

Вактингча ёрдамчи она ариси бор оиласи шундай вактда ажратиш керакки, ҳар кайси ажратилған вактингча она ариси бор оила асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллаш даврига кадар кучли бўлиб етилсин ва ўзича алоҳида оила бўлиб шарбат тўплай оладиган бўлсин (асосий оила билан кўшиб юборилмасдан). Бунинг учун, биринчидан, асосий шарбат тўплап давридан 40 кун олдин вактингча она ариси бор оила ажратилиди, иккинчидан, ўша ажратилған оиласага урчиган она ари ўтказилди, учинчидан, уни шундай кучли қилиб ажратиш керак бўладики, она ари биринчи кундан бошлаб яхши тухум қўйишга киришсин, унинг қўйган тухумини тарбияладиган арилар етарли бўлсин.

Ортиқча ҳарражат ва меҳнат сарфламаслик ҳамда ажратилған оиласи қўчлантирмаслик учун оиласи тенг иккига бўлиб, иккала бўлинган тарафларга бир хил сонда қуртчалар ҳамда озиғи тенг қилиб бўлинади. Мабодо асаларичи ўзининг қандайдир режасига кўра тўлик кучга эга бўлган оиласи тенг иккига бўлишни номаъкул хисобласа, у ҳолда асосий оиласи нинг учдан бир кисмини ажратиш мумкин. Бунинг учун янги уяга ёки асосий оиласи тенг четидаги – ёнидаги чўнтак кисмiga бўлинган учдан бир кисм ҳар хил ёшдаги қуртчали ва озикли рамкалар ариси билан олиб қўйилади. Кейин иккала уя турган жойидан икки тарафга тенг узокликка суриб қўйилади. Ажратилған вактингча она ариси бор ёш оила учувчи арилар

камрок кириши учун бир оз узокрокка суреб күйилади. Ажратилган ёш оиласда учувчи арилар бўлгани учун она ари тухум кўйишни жадаллашибтиради. Ташкил этилган ёш оиласнинг арилари учиш ҳолатига келиши билан уя секин-аста тешикчаси бошқа тарафда бўладиган қилиб айлантирилади. Кейинги оиласи текшириш, кузатиш, ривожлантириш каби ишлар одатдагидек олиб борилади.

Ҳар иккала оила озиқ, бўш мумката рамкалар ҳамда мумпарда билан таъминлангач, уларнинг ривожланниши меъёрида давом этади. Яхши ривожланган она арили ёрдамчи оиласи асосий оиласга кўшиб юборишнинг хожати бўлмай колади, чунки асосий оила кучайиб кетиб, ишсиз арилар тўпланиб, кўчга чикиш ҳолати юзага келиши мумкин. Тажрибаларнинг кўрсатишича, ажратилган кучли ёрдамчи она арили оиласи, асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллашидан олдинроқ асосий оиласга кўшиб юбормасдан алоҳида ривожлантириб бокилганда, унинг асал тўплашда маҳсулдорлиги юкори бўлар экан.

Вактинча ажратилган она арили оиласи арихонада арилар оиласининг сонини кўпайтириш учун эмас, балки асал тўплаш учун ажратилгани хисобга олиниб, кузда шарбат ташиш вакти тугагандан кейин тўпланган асални олиб, куртчалари ҳамда асаларилари асосий оиласга кўшиб юборилади. Бу ишлар кузда иккита она аридан кўп сонли куртчалар етишибтириб кўпайтириш орқали, ёш ишчи арилар сонини икки маротаба кўпайтириш мақсадида, ари оиласининг ички ҳажмини кишлашга тўплаш ишлари олиб борилаётган вактда бажарилади. Иккала оила кўшиб юборилаётган вактда иккала она аридан энг яхшиси қолдирилади.

Маълумки, асосий шарбат ташиш вактида ишчи арилар кўп ишлаш эвазига тез ишдан чикади ва натижада ари оиласи кучсизланади; кузда кари арилар секин-аста ўлиб, кишаляшга оиласнинг ички ҳажмини тўплаш даврига келиб яна ҳам кучсизланаб колади. Шундай бўлишига қарамасдан, иккита оила бир-бирига кўшилганда жуда кучли оила ташкил бўлиб, кучли кўп сонли ёп ишчи арилар кишаляшга киради. Кўп қаватли уяларнинг иккита қаватида ари бокилганда арилар сони кўпайиб, бир кисм арилар баъзан ўз тешикчаси олдида – арилар кўнадиган тахта устида тўпланиб ўтиради. Ариларнинг бундай тўпланиб ўтиришидан хавотирланиш керак эмас, чун-

ки кузда ҳаво ҳарорати пасайипши билан ғуж бўла бошлашлари натижасида охирги четдаги айрим мумкатақ рамкалар арисиз бўш колади. Мабодо ари оилалари салқинлаштирилган қурилиш ичидаги бокилиб, иккита оила бир-бирига қўшилган бўлса, салқинлаштирилган қурилиш ҳарорати 4°C дан ошмаслиги керак.

Вактинча ажратилган она арили оилаларда фойдаланишнинг қуйидаги афзали тарафи бор: 1) ари оилаларининг табиий қўчга чиқишининг олди олинади; 2) умумий асал тўплаш $1,5\text{--}2$ маротаба ортади; 3) кузда вактинча ажратилган она арили кичик оила асосий оилага қўшилганда озик учун тўпланган асалнинг ҳаммаси хўжалик фойдасига топширилиши эвазига асосий оиланинг асал маҳсулдорлиги $2\text{--}3$ маротаба ортади; 4) кузда вактинча ажратилган она арили оилани асосий оилага қўшиб юбориш натижасида жуда кучли кўп сонли ёш ишчи арилар қишлишга киради ва эрта баҳорда яна янги ёш она арили оилани ажратиб етиштириш мумкин; 5) кузда етиштирилган она арили оила қўшиб юборилганда ҳар йили 2 та она аридан, ариларнинг зотини яхшилаш билан бир каторда, қишлишга кўп тухум қўядиган битта она ари олиб қолинади.

Асаларичиликда бундай йўллардан, яъни вактинча она арили оилани асаларичи ўз арихонасида эрта баҳорда сунъий она ари етиштириш орқали ташкил килиши мумкин. Об-ҳаво шароитининг куляй келмаслиги оқибатида эрта баҳорда она ари етиштириш кечикиппи мумкин, етиштирилган она арилар асосий шарбат берадиган ўсимликларнинг гуллашидан 40 кун илгари эмас, балки кечроқ тухум қўйишга киришади. Бундай ҳолларда вактинча ажратилган она арили оилалар тўлик кучга кириб, ўзича алоҳида оила бўлиб, асосий шарбат ташиш даврида мукаммал шарбат тўплай олмайди. Шунга қарамасдан, вактинча она арили оила ташкил этилади ва асосий оилаларнинг табиий қўчга чиқиш ҳолати чекланиб, етиштирилган арилар асосий оилани кучайтириш максадида унга қўшиб юборилади.

Мабодо ари оилалари арихонада икки қаватли уяларда бокиладиган бўлса, вактинча ажратилган она арили оила биринчи қават иккинчи қаватдан фанер ёрдамида тўсилиб, иккинчи қаватда ташкил этилади ва иккинчи қаватнинг орка тараф деворида ари кирадиган тешикча очилади. Тарбия-


ловчи оилада она ари ғумбаги етилиши (ғумбакнинг устини беркитиши) билан кучли асосий оилалар ариси 10 та мумкатақ рамкаларни тўлик қоплагандан кейин 2–3 та мумкатақ рамкаларнинг усти берк куртчалари ҳамда озиги билан ажратиб олиниб, асосий оиланинг устига, иккинчи тайёрланган каватга кўчирилади (каватнинг ари кирадиган тешикчасини орка тарафга қаратилади). Кечрок ажратилган кичик оилага усти берк она ари ғумбаги берилиб, четки мумкатақ инчали рамкага сув қуиб қўйилади.

Асосий оила ривожланиб кучайиши билан ундан 2–3 та усти берк куртчали мумкатақ рамкалар арисиз олиниб, иккинчи каватдаги ташкил этилган янги оилага қўйилади. Шундай килинганда асосий оиланинг кўчга чикишининг олди олинади ва ажратилган оиланинг ривожланиши тезлашади. Асосий оилага эса куртчали мумкатақ рамкалар ўрнига 2–3 та мумпардали рамкалар мум тортириш учун берилади. Ажратилган кичик оилага она ариси урчиб тухум кўя бошлагандан кейин мумпарда берилади. Ташкил этилган оиланинг она ариси урчигунга қадар она арининг урчишга учеб чикишига халақит қилмаслик учун текшириш ишлари жуда эрта ёки кечки пайтлар бажарилади.

Ташкил этилган кичик оиланинг она ариси тухум кўйишни бошлагандан кейин орадан бир қанча вакт ўтгач, оилада 2 та она арининг кўйган тухумидан куртча ҳамда арилар тўпланиб колади. Асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллай бошлиши билан пастки қаватдаги эски она ари йўқотилиб, каватлар ўртасидаги фанер тўсик олиб ташланади; иккала оилани кўшиб юбориш натижасида асал ташийдиган кучли оила ташкил килинади. Иккита оилани кўшиб юбориш ишларини асосий шарбат берадиган ўсимликлар гуллапидан олдин бажариб бўлмайди, чунки ари оиласи кўчга чикиш ҳолатига келиши мумкин. Оилаларни кўшиш вактида ҳамма усти очик куртчали мумкатақ рамкалар она ариси билан иккинчи каватдан олиниб, пастки каватга қўйилади, иккинчи каватга эса асосан бўш мумкатақ рамкалар ҳамда усти берк етилган (арилари бирин-кетин инчаларидан чиқиб келаётган) куртчали рамкалар асал тўплаш учун қўйилади.

Вактинча ажратилган она арили оила ётик уяларда ташкил этилганда эса асосий оила жойлашган уянинг ён тарафида чўнтак шаклида фанер тўсик ёрдамида вактинча курилган

кичик хонага асосий оиладан ажратиб олинган құртчали ва арилик мумкатақ рамкалар күйилади. Ташкил этилған кичик оиланинг ари кирадиган тешикчаси асосий оиланикига нисбатан қарама-карши тарафдан очилади. Бу иккита оила бир-биридан фанерли түсік билан ажратилиб яшаши натижасыда бир-бирини иситиб, уларнинг ривожланиши тезлашади. Уларни бир-бирига құшиб юбормокчи бўлинса, ўртадаги фанер түсікни сугуриб олиш кифоя (35-расм).



35-расм. А – асосий қишлиб чиқкан оила.

Б – янги оила ташкил килинадиган асосий оиланинг ёнидаги чүнтак.

Кўпинча асаларичилар асосий шарбат ташиш даврига-ча кўшимча ишчи арилар етиштириш максадида (нуклеус) оилада қишлиб чиқкан она ари ҳисобига янги оила ташкил киладилар. Аммо айрим жойларда эрта баҳорда ари оиласининг ривожланиш вактидан то асосий шарбат берадиган ўсимликларнинг гуллаші вақтигача 80–100 кун ўтади. Бундай пайтда кичик (нуклеус) оилада қишлиб чиқкан она аридан фойдаланиб, ёрдамчи она арили оила ташкил килиш тавсия этилмайди, чунки ташкил этилған она арили оиланинг асосий оила ҳисобига, усти берк қуртчали мумкатақ рамкалар билан кучайтириш ҳисобига иккала оиланинг кучи тенглашади ва асосий шарбат берадиган ўсимликлар гуллагунча кўчга чиқиш холатига келиб қолиши мумкин. Бундай бўлмаслиги учун иккала оилада ҳам кичик оила ташкил килиш керак.

Табиий күч ариларининг кучидан асал тўплашда фойдаланиш

Арихоналарда күч чикмасликнинг олдини олиш ишлари олиб борилишига қарамасдан, барибир күч чикиш холатлари учраб туради. Арилар узок вакт ривожланадиган жойларда она арини эрта етиштиришнинг иложи бўлмаганлиги учун ҳам вактинча ёрдамчи она арили оила ажратиб бўлмайди. Бундай шароитларда күч чикиши табиийдир. Тажрибали асаларичилар шундай кўчларнинг кучидан юкори асал маҳсулоти олишда фойдаланадилар.

Асосий шарбат ажратувчи ўсимликларнинг гуллашидан 40–45 кун аввал чиккан күч ариларининг ҳам, асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллаш арафасида чиккан күч ариларининг ҳам маҳсулдорлиги юкори бўлади. Эрта чиккан күч ариларининг афзаллиги шундан иборатки, улар шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллагунча яхши ривожланиб, тўлиқ кучга эришади ва уларнинг кучи кўп янги мумкатақ инчалар тортишга каратилади. Кўч чикарган асосий оила ҳам шу вакт ичидаги чикишга тайёргарлик даврида жадал етиштирилган усти берк куртчалар хисобига кучайиши мумкин.

Шарбат ажратиш арафасида чиккан кучли күч арилари ўзларининг асосий кучини шарбат ташишга йўналтиради. Агарда мана шундай кучли күч арилари оиласига мумпарда ва мумкатақ инчали рамкалар кўйилса, айни вактда кўп мумкатақ тортиши ва кўп асал тўплаши мумкин. Асосий күч чикарган оила ҳам 2–3 ҳафта иш бажармай, куртчаларни боқмай ўтиргани учун асал тўплашда яхши ишлайди. Арилар ривожланиш даврининг ўрталарида чиккан күч арилари (асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллагунча 10–30 кун вакт колгандан) шарбат ташиш учун керакли ёш арилар етипитира олмайди ва натижада күч ариларининг кучи сусаяди. Бундай күч арилари шарбат тапишда суст қатнашади, чунки бу даврда оиласида жуда кўп куртчалар бўлади. Асосий кўч чикарган оиласида ҳам янги ёш она ариси кўйган тухумлар куртча кўринипшида бўлиб, шарбат ташишда қатнашмайди. Шунинг учун ривожланиш даврининг ўрталарида күч чикишга йўл кўймаслик керак. Мабодо кўч чикиб колса, у ҳолда уларнинг кучини янги мумкатақ инчалар тортишга йўналтирилади, шарбат келиши олдиндан улар асосий оиласи қўшиб юборилади.

Ўсимликларнинг шарбат ажратиш кобилияти ва кўчнинг чиқиши вактига қараб уларнинг кучидан фойдаланишнинг куйидаги йўллари бор: 1) табиий кўч ариларига асосий кўч чиқарган оила ариларини қўшиш орқали асал тўпловчи оиласи ташкил қилиш; 2) майда кўчларни ушлаб, уларни бир-бирига кўшиб, йирик, кучли оила ташкил қилиш; 3) кўч ариларининг кучини янги мумкатақ инчалар тортишга йўналтириш.

Оила асосий шарбат ажратадиган ўсимликларнинг гуллашидан 10 кун илгари кўчга чиқсан бўлса, табиий кўч ариларига асосий оила ариларининг келиб қўшилиши натижасида ҳосил бўлган оиласдан фойдаланиш мумкин. Кўчга чиқсан ари оиласи ушланиб, кўч чиқарган асосий оиласининг ўрнига олиб бориб кўйилади; асосий оила ариси эса арихонадан бошқа жойга кўчирилиши натижасида кўч чиқарган асосий оиласада колган учувчи ариларининг хаммаси уянинг ўрни алмаштирилгандан кейин ўзларининг уяси турган эски жойига учеб бориб, кўч ариси ўтказилган оиласа қўшилади. Бундай оиласи, асосан, учувчи арилар ташкил қилгани учун хам кучли шарбат тўпловчи ари оиласи бўлиб ҳисобланади, улар кўп асал тўплашлари билан бошқа ари оиласаридан ажралиб туради. Агар ушланган кўч арилари ётиқ уяларга ўтказилган бўлса, у ҳолда унинг устига кичик ҳажмли мумкатақ рамкали (кўшимча) кават кўйилади. Кўч чиқарган асосий оиласи да битта энг йирик она ари ғумбаги қолдирилиб, қолганлари синдириб ташланади ва бу уя кўч чиқарган ари уясининг ёнига ари кирадиган тенгикчаси тескари тарафга каратиб кўйилади. Асал тўплаш учун мўлжалланган кўч арисининг кучи асал тўплаш ва мум тортишга йўналтирилади. Асосан кўч чиқарган оила эса ғумбакдан она ари чикиб урчигандан кейин ишлай бошлайди. Мабодо хўжаликка ари оиласининг сонини кўпайтириш керак бўлмаса, у ҳолда шарбат ташиш даври тугагандан кейин ари оиласарининг ҳажми, иккала оиласи қўшиб юбориб, киплашга кучли қилиб кетказилади.

Кўпчилик холларда асосий шарбат ташиш мавсумидан олдинроқ унча кучли бўлмаган (майда) кўч чиқиши мумкин. Бундай хол, асосан, ари оиласи киска вакт ривожланганда асосий шарбат ташиш мавсуми бошланишдан олдинроқ юз беради. Бунда кўч ариларининг бир нечтаси қўшиб юборилиб, кучли асал тўплайдиган ари оиласи ташкил килинади.

Она арилари ушланиб, махсус она ари сакланадиган кафасчага солинади. Энг яхши, йирик она ари қафасчада мумкатақ рамкалар орасига күйилади, колганларини эса латта ёпкіч тәгіга – рамкалар устига күйилади. Кейинги кунда мумкатақ рамкалар орасига күйилған қафасчадаги она ари чикариб юборилади ва қолган она арилар олиб ташланади. Агарда ортиқча она арилар күч ариларни ўтказған заҳоти олиб ташланса, күшилаётған айрим күч арилари учеб кетиши мүмкін.

Мабодо күч арилари асосий шарбат ташиш мавсумидан 40–20 кун илгари унча қулай бўлмаган вактда күчга чиқса, у ҳолда уларнинг кучини мум тортишга йўналтирилади. Айрим ҳолларда бундай күч арилари ушланиб, күч чикарган асосий оиласа қайтарилади (асосий оиласининг она ари ғумбаги синдириб ташланади). Аслида бундай қилиш тавсия этилмайди, чунки ари оиласи она ари ғумбагини тортиб, иккинчи маротаба күчга чикиши мүмкін. Қайтадан күч чикмаган тақдирда ҳам арилар жуда сусткашлик билан ишлайди.

Шунинг учун күч ариларини дархол күч чикарган оиласа қайтармай, мум тортишда фойдаланиб, сўнгра эски күч чикарган жойига қайтарилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун күч чикарган асосий оила ёки ётиқ уяларнинг ён тарафида фанер тўсик ёрдамида чўнтак ҳосил килиб, ушланган күч арилари ўша жойга ўтказилади. Икки қаватли уяди эса биринчи қаватнинг устига махсус фанер тўсик күйилиб, иккинчи қаватга күч арилари ўтказилади. Иккала ҳолда ҳам күч ўтказиш учун ташкил этилган жойнинг ари кирадиган тешикчаси қарама-қарши тарафга қаратиб күйилади. Күч ариларининг кучини асосан мум тортишга йўналтирилади. Мум тортилган инчали рамкалар олиниб, ўрнига мумпарда күйилганда, күч арилари 2–3 ҳафта ичиде 10–15 та мумкатақ рамка тортади. Күч арилари мум тортаётған пайтда күч чикарган асосий оиласидаги она ари ғумбагидан она ари чикиб, урчишга улгуради. Шундан кейин вактинча күйилған фанер тўсик олиниб, иккала оила арилари кўшиб юборилса, күчга чикиш ҳолатидан холи бўлган ишchan асал тўплайдиган ёш она арили ари оиласи ташкил бўлади.

ПАКЕТЛИ (ҚУТИЛИ) АСАЛАРИЧИЛИК

Ўзбекистоннинг жанубий районларида икlim шароити юмшоқ, иссиқ бўлиб, эрта баҳорда ари оиласарининг ривожланиш муддати узок бўлганлиги учун ҳам, ҳар битта асосий ари оиласидан баҳорда битта кичик оила етишириш мумкин. Аммо шарбат ажратадиган ўсимликлар кам бўлганлиги учун ҳам, уларни ривожлантириб асал тўплашнинг иложи бўлмаганлигини ҳисобга олиб, етиширилган қутидаги ариларнинг шарбат ажратиш кобилияти кучли бўлган серасал ўсимликларга бой бўлган районларга жўнатилади. Уларнинг кучидан кўп асал тўплашда фойдаланилади.

Юкорида айтилганларни амалга ошириш учун қутили асаларичиликни ривожлантириш керак. Қутили асаларичиликнинг маъноси жанубий районларда етиширилган асалариларни фанердан ясалган қутиларда шарбат берадиган ўсимликларга бой бўлган жойларга жўнатишдан иборат. У ерларга келтирилган арилар ривожлантирилиб, асал тўпланади ва жамики асали олиниб бўлингач, медицина саноатида қўлланиш учун ариларнинг заҳари олинади, сўнгра улар ўлдириб юборилади. Чунки шимолий туманларда ариларнинг қишлиши жанубий районлардан келаси йили баҳорда янги қутили ари оиласини сотиб олишдан кўра қимматга тушади.

Қутидаги ари оиласи керакли жойларга асал тўплаш учун май ойининг 10–12-кунлари келтирилсагина қутили асаларичилик юкори даромад бериши мумкин. Бунинг учун жанубий туманлардан қутидаги ари оиласарини апрель ойининг учинчи ўн кунлигига ёки май ойининг бошларида жўнатилиши керак. Жанубий районларда баҳор эрта келса ҳам, кузнинг узок чўзилиши ҳамда қишининг юмшоқ келиши натижасида арилар қишлиш вактида кўп учеб харакат килиши ва безовталаниши окибатида қишдан кучизланиб чикади. Шунинг учун ҳам ари оиласарини эрта кучайтиришнинг иложи бўлмаслигини ҳисобга олиб, ўтган йилги мавсумда кўп сонли

ёш арилар билан кучли ари оиласини қишлашга кетказиш зарур бўлади.

Кутили ари оиласини ташкил этиш учун янги оила етиширишда уларни жўнатилган жойларда ёз ойларининг иккинчи ярмида кўп асал берадиган, яъни кунгабоқар, маржумак – гречиха, жука – липа ўсимлиги, каштан ва чўлдаги хар хил асал берадиган ўтларни ҳисобга олиб, кўп асал тўплаш мақсадида кутили ари оиласини куйидагича ташкил килиш мумкин.

Ёз мавсумининг иккинчи ярмида хар кайси асосий оиласдан 3 та мумкатақ рамкали урчиган она арили, ёш кичик оила ташкил килинади. Ётиқ уяларнинг орка тарафидан тешикча очилади, фанер тўсик ёрдамида 4–5 та мумкатақ рамкага мўлжалланган чўнтак ҳосил килинади ва шу ерда кичик ёш оила ташкил этилади.

Бундай ётиқ уяда асосий оила ва кичик ёш оиласининг ривожланишига шароит етарли бўлади ва 4–5 та мумкатақ рамкада ариси ҳамда етарли озиғи билан қишлашга кетади. Келгуси йили баҳорда асосий оиласдан 2 та усти беркитилган куртчали рамкалар ариси билан олинниб, кичик ёш оиласи қўшилса, ёш оила тез кучаяди (кичик ёш оиласи она арисини вактинча, арилар ўлдириб қўймаслиги учун думалок симли кафас тўр остига беркитиб қўйилади). Шундай килиб, баҳорда ётиқ уяда бир вактнинг ўзида иккита оила, яъни асосий оила ва кичик ёш оила ривожланиб, орадан 4–5 ҳафта ўтгач, кичик оиласининг кучи етти-саккиз рамкани тўлдиради.

Кутили ари оиласини етишириш вактини олдиндан билиб, жанубий туманларда боғлар, бутазорлар гуллаши ҳамда эркак ариларни март ойининг охири ва апрель ойида етишишини ҳисобга олиб, она ари етиширишга киришилади. Кутили ари оиласини ташкил этиш вактигача она ари ғумбаги етилиши керак, чунки яхши ривожланган ёш ари оиласарининг арилари қутили ари оиласини ташкил этиш учун фанерли кутига кўчирилади ва керакли жойларга жўнатилади. Фанерли кутига ёш арилар кўпроқ тушиши учун кундузи арилар яхши учайдиган пайтда арилар ва мумкатақ рамкалар кутига кўчирилади. Ёш оиласидаги ариларнинг кутили ари оиласини ташкил этиш учун фанерли кутиларга 1,1 кг ари кўчирилганда ёш оиласи яна бир оз ариси ҳамда куртчалари колади. Ўша қолган ёш оиласидаги ариларга етил-

ган она ари ғумбаги ёки урчиган она ари берилади ва яхшилаб ёстикча ёрдамида ўраб иситилади; келажакда ёзда гулладиган ўсимликдан шарбат тўплашда арилар сонини кўпайтириш учун ёрдамчи она арили оила сифатида фойдаланилади.


Асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллаши олдидан ёрдамчи она арили оиладан 2 та мумкатақ рамкада куртчалари ҳамда она ариси билан ариси ажратиб олиниб, уянинг ён тарафидаги фанер тўсик ёрдамида ажратилган чўнтақ кисмига кўчирилади, ариларнинг асосий кисмидан асал тўплашда фойдаланиш учун асосий оилага кўшиб юборилади. Асосий шарбат вақти тугагандан кейин ажратилган кичик оилага асосий оиладан етилган куртчали мумкатақ рамкалар қўйилиб кучайтирилади, озиқ билан таъминланади, кишга кўшимча она арили оила сифатида кетказади.

Жанубий туманларда мана шундай йўл билан асосий ари оилаларининг ривожланиши ҳамда шарбат тўплашига салбий таъсир кўрсатмай, хар кайси асосий ари оиласидан биттадан янги ёш оила (кутида) ажратиш мумкин бўлади.

Кутиларда етиштирилган ариларнинг совук иклимли туманларга жўнатиш тавсия килинади, чунки у ерларда факат ёз мавсумида келтирилган арилар ривожлантирилиб, асал тўплашда фойдаланилади, сўнгра эркак ариларнинг она арилар билан қўшилиши натижасида ариларнинг кишга чидамлилиги сусаяди. Аммо у ерларда шарбат берадиган ўсимликлар кўп бўлгани учун кутиларда ари келтирилиб,

кўп асал тўплаш мумкин. Юкорида айтилган муаммони ҳал килиш учун жанубий районлардаги она ари етиштирилган арихоналарда алоҳида маҳсус чекланган арихоналар ташкил килиниб, ўша арихонага ўрта рус зот она арисини келтириб, урчиган она ари етиштирилади ва жўнатиладиган кутидаги арилар оиласига ўтказилади.

Фанерли кутиларга (пакетларга) арилар бир оз қийин бўлса ҳам тунукдан ишланган тўр тўсикдан ўтказиб кўчирилади. Акс ҳолда жанубий район-



36-расм. Янги ёш она арини оилага ўтказишда фойдаланиладиган сим тўрли кафасча.

ларда кўпайтириладиган ари зотининг эркак арилари тушиб, қутили арилар жўнатилаётган шимолий туманлардаги ари зотига аралашиб кетиши мумкин.


Қутили ари оиласини тайёrlаш ва уларни жўнатиш

Узок жойларга арилар 4–6 та мумкатақ рамкали пакет (кути)ларда жўнатилади.

Жўнатиладиган кичик ёш ари оиласари баҳор ва ёз мавсумида ётиқ уяларда ташкил этилади. Техник талабларга кўра 4 та рамкали пакет (кути)га 4 та мумкатақ рамка жойланади, шундан 2 тасида усти берк куртчалари ва яна 2 тасида 3 кг гулчанг ва усти беркитилган инчаларда асал озиғи ҳамда 1,1 кг ёш арилари ва урчиған она ариси бўлади; олтига рамкалигида эса 4 та мумкатақ рамкада усти беркитилган куртчалари, 2 тасида гулчанг ва усти беркитилган инчаларда 4 кг асал озиғи ҳамда 1,4–1,5 кг ариси билан урчиған она ариси бўлади. Мумкатақ рамкасиз пакет (кути)да эса 1,2 кг ариси ҳамда 1 та урчиған она ариси алоҳида кутининг устки бир чеккасига Титов кафасчасида ўрнатилиб жўнатилади.

Пакет (кути)ларга ариларни кўчириш вактида вактни тежаш максадида тажрибали асаларичилар ариларнинг ҳажмини тарозида тортмасдан кўз билан чамалаб аникладилар. Битта ётиқ уя (435x300 мм) рамкасида зич ўтирган арилар 200–250 гр келади. Шунинг учун техник стандарт талабларига риоя килиш максадида тўрт рамкали пакет (кути)ларга 4–5 та мумкатақ рамкадаги арилар силкитиб туширилади (37-расм).

Пакет (кути)лар жўнатишга кўйидагича тайёrlанади: дастлаб 2 та оч жигарранг мумкатақ, рамка асал озиғи билан пакет (кути)га кўчирилади. Уларнинг хар биттаси усти беркитилган инчаларда 1,5 кг дан асал озиғи ёки арилар кайта ишлаган шакар шарбати бўлади (усти беркитилмаган инчалардаги озиғи бор рамкани жўнатиш мумкин эмас). Сўнгра 2 та тўк жигарранг мумкатақ рамкада усти беркитилган куртчалар ариси билан қўйилади. Бунда албатта она ариси топилиб, пакет (кути)га тушганлигига эътибор берилади ва яна кўшимча 2–3 та мумкатақ рамкадаги арилар силкитиб туширилади.




37-расм. а – ариларни жўнатишга мўлжалланган олти рамкали кути (пакет); б – тўртта мумкатақ сиғадиган қутининг ташки кўриниши: (1 – ари кирадиган тешикча; 2 – устки ва пастки мумкатақ рамкаларни кимирллатмайдиган мослама); в – тўртта мумкатақ рамка сиғадиган қутининг узунасига кўриниши; г – қутининг кўндалангига кўриниши.

Мумкатақ рамкали пакет (кути)ларни олд ва орка тарафидаги тахта деворларида хаво кирадиган тешик ёки тиркиш килинади. Тўртта рамкали пакет (кути)да 200×100 мм ўлчамли тешик кўзининг ўлчамлари 2–3 мм бўлган сим тўр билан тўсилади. Пакет (кути)ларнинг олд тарафидаги деворининг пастки ва орка тарафидаги деворининг устки кисмидан тешик очилади.

Мумкатақ рамкасиз (38-расм) пакет (кути)лар каерга ва қандай транспортда жўнатилишига қараб маълум миқдорда озиқ билан таъминланади. Агар самолётда жўнатиладиган бўлса озиқ ўрнида шакар шарбати берилади, йўлда – аэропортларда шакар шарбати қуюкрок ҳолда сим тўр оркали чўтка ёки бирор латта ёрдамида арилар устига силкитила-

ди, арилар бир-бирининг устини тозалаб озикланади. Бошка транспорт воситаларида жўнатиладиган бўлса, кутиларга шакар шарбати (2 кг шакарни 1 л сувда эритиб) 1 литрли шиша банкаларда, банкаларни полиэтилен копқок билан зич килиб беркитиб, копқоқда 2 та 0,8 мм диаметрли тешикча очиб қўйилади. Кейинги пайтларда мумкатақ рамкаларсиз пакет (кути)ларни канд уласи ва асалдан тайёрланган хамирсимон озик (канди озиғи)дан ҳар кутига 0,6 кг солиниб, унинг ёнида 1 литрли банкада сув қуйиб жўнатилади. Шиша банкаларнинг копқоқларини юкорида айтилгандек тешилиб, кичкина пилик қўйилади.



38-расм. Суюқ озука билан жўнатиладиган рамкасиз кути (пакет):
а – ажратилган ҳолидаги кўриниши; б – йиғилган ҳолидаги кўриниши.

Канди озиғи 4 кг канд уласи, 1 кг тоза тоғ асали ва 100 мл сув кўшиб тайёрланади. Уларнинг ҳаммаси яхшилаб бир хил масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Бу масса қўлга ёпишмаслиги керак. Қўшиладиган асал олдиндан 55°C гача ҳароратдаги сув ҳаммомида иситилади. Кутига ариларни силкитиб туширишдан аввал хамирсимон озик қўйилади. Она ариси, албатта, иложи бўлса ёғочдан тайёрланган маҳсус она ари жўнатиладиган кафасчада, 8–12 та кузатувчи ари билан жўнатилади.

Мана шундай тайёрланган кути арихонада тарози устига қўйилади, унинг устидаги тешикчасига қўйилган воронка билан бирга вазни тортилади ва ари оиласининг ўрта кисмидаги мумкатақ рамкалар олиниб, арисини 1,1 кг бўлгунча кутига силкитилади. Она арисини кўшиб силкитиб юбормаслик учун олдиндан она ари топилиб, думалок сим тўр кафасча остига беркитиб қўйилади. Кутига керакли микдорда ари олин-

гандан кейин қафасча остидаги она ари чиқариб юборилади. Күти ичидаги арилари билан бирга силкитилади, сүнгра унинг устидаги воронка олиниб, копқоғи мих билан қокиб кўйилади.

Мумкатақ рамкали ва рамкасиз пакет (кути)лар почта оркали жўнатилаётганда кутиларнинг копқогига жўнатилаётган жойнинг манзили аниқ килиб ёзилиб, «Эҳтиёт бўлинг! Тирик ари», «Юкори кисми», «Тўнтарилмасин», «Офтобда турмасин» деб ёзилган варакалар ёпиширилади.

Мумкатақ рамкалар кутиларни жўнатишга кулай бўлиши учун ҳар биттасининг ўртасида 8–10 см дан жой колдирилиб, ёғоч рейкалар ёрдамида бир-бирига туташтириб қокиб кўйилади.

Мумкатақ рамкали кутилар манзилга етиб келгач, кўчириб ўтказиладиган уялари турадиган жойларга мўлжаллаб кўйиб чиқилади ва арилар учиб чиқиши учун дархол уларнинг тешикчалари очилади. Кутичадаги ариларнинг биринчи учиши тугагандан кейин кутилар турган жойларга буш уялар кўйилади ва кутилардаги мумкатақ рамкалар ариси билан олиб кўйилади. Кутиларда колган арилар уянинг ари келиб кўнадиган тахтаси олдига қокиб туширилади. Мумкатақ рамкасиз кутиларни эса копқофини очиб, ичига 5–6 та мумкатақ рамкалар солинган уянинг ичига кўйилади ва орадан 10–12 соат ўтгач, кутидаги ариларнинг хаммаси уя ичидаги мумкатақ рамкаларга ўтади. Уя ичидаги мумкатақ рамкаларнинг қаршисида арилар учиб чиқиши учун тешик очиб кўйилади. Кутидаги арилар хаммаси мумкатақ рамкаларга ўтиб тинчлангандан кейин уя ичидаги кути олиб ташланади ва она ариси қафасчадан мумкатақ рамкалар устига чиқариб юборилади.

Келтирилган арилардан жойларда фойдаланиш

Кутидаги арилар кабул килиб олинадиган жойларда олдиндан тайёргарлик ишлари кўрилади. Уларга кўп шарбат берадиган ўсимликларга бой жойлар танланади, уялар, иситикич ёстиқчалар, мумпарда, янги рамкаларнинг кисмлари, сим, мумкатақ рамкалар хамда асал солинадиган идиш ва бошка асбоб-анжомлар тайёрлаб кўйилади. Кутили асаларичилик маҳсулдор бўлиши учун битта асаларичи ёрдамчиси билан

200 тадан ортик оилани бокса максадга мувофик бўлади. Келтирилган арилар уяларга кўчириб ўтказилгач, уларнинг биттаси 6 кг хисобидан шакар шарбати билан боқиб турдиди.

Кутидаги арилардан фойдаланиш бўйича кўпчилик тажрибаларнинг кўрсатишича, кутидаги арилардан ташкил этилган ари оилалари ўз кучи билан асосий шарбат ажратиш мавсумига кадар кучайиб, катта кучга эга бўлолмас экан. Чунки кутидаги арилар келтирилгандан кейин биринчи хафталарда куртчаларнинг сони ортиб бориб, кари арилар эса кундан-кунга камайиб боради. Кутидаги арилар уяларга кўчирилганидан кейин 2–3 ҳафта ўтгач, куртчаларни боқиш, иситиш учун арилар етишмаётганлиги сезилиб колади, она ариси эса тухум кўйишни кундан-кунга камайтириб боради. Оилани мана шундай қийинчилик билан ривожлантириш даври бир ойгача давом этади, ундан кейин шу жойнинг ўзида она ариси кўйган тухумидан етишиб чиккан ёш арилар хисобига ишчи ариларнинг кўпайиши натижасида она ари яна секин-аста тухум кўйишни кўпайтиради. Она ариси неча кун кам тухум кўйган бўлса, оиланинг ривожланиши, ўсиши хам шунча кунга кечикади ва натижада асосий шарбат ташиш мавсумида оиланинг энди ривожланаётган даври бўлиб, кўп шарбат тўплашга улгура олмай колади.

Махсус ўтказилган тажрибаларнинг кўрсатишича, юкорида айтилган камчиликларни бартараф этиш учун оиланинг бир текис ўсиши ва унинг кучсизланниб кетмаслиги ҳамда она арисининг тухум кўйишни камайтирмаслигига эътибор бериш керак.

Кутидаги ариларга ўз вақтида ари қўшиб кучайтирилса, у ҳолда яхши кўрсаткичга эришиш мумкин. Айтайлик, кутидаги ариларни уяларга кўчирган заҳоти уяларга иккинчи кутидан ари қўшиб кучайтирилса ҳам, барибир, юкорида айтилган қийинчиликни бартараф этиб бўлмайди, чунки она ари узок йўлдан қийналиб кслади ва анча вакт тухум кўймаганлиги учун унинг тухумдони торайиб, тезда кўп тухум кўя олмайди ва натижада кучайтириш учун қўшилган арилар ишсиз колади. Ундан ташкари, вақт ўтиши билан арилар қариб, ўла бошлайди, иш билан банд бўлмаган арилар бекорга учиб, уларнинг танаси ишдан чиқади ва оқибатда қути арилари кучсизланади, орадан уч хафта ўтгач, кутида личин-

калар сони кўпайиб, уларни тарбиялайдиган арилар етишмай колади, она ариси эса тухум кўйишни камайтиради. Шундай килиб, кераксиз вактда кўшилган арилар кутидаги ариларнинг сонини керакмас пайтда кўпайишига олиб келади ва зарур булган даврда уларнинг кўпчилиги ўлиб тугайди.

Келтирилган кутидаги ариларни кийналиб ривожланиш вактидан олдин ва биринчи маротаба кучайтирилгандан кейин икки ҳафта ўтгач кучайтирилса, яхши натижа олиш мумкин. Кутидаги ари оиласини кучайтиришнинг аник вакти кандай йўл билан, яъни усти беркитилган куртчали мумкатақ рамкалар биланми ёки ари билан кучайтириладими – шунга қараб аниқланади. Агар арилар кўшиб кучайтирилса, у холда кутидаги ари оиласининг ривожланишига яхши таъсир кўрсатади. Усти беркитилган куртчали мумкатақ рамкалар ёрдамида кучайтирилса, унда секин-аста куртчаларнинг инчадан чикишига караб, орадан 12 кун ўтгач ари оиласига арилар кўшилади.

Агарда кутидаги арилар арихонага кўшимча асал маҳсулоти олиш максадида келтирилган бўлса, у холда кутига арихонадаги асосий оиладан усти беркитилган куртчали рамкалар кўшиб кучайтирилади. Кутидаги ари оиласи кўчирилган уяни кишилаб чиқкан кучли ари оилаларининг ёнига кўйилиб, улардан куртчали рамкалар олиб берилади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, кутидаги арилар икки маротаба кучайтирилганда, кучайтирилмаган кути арилари га нисбатан икки марта кўп асал тўплар экан. Асосий оиладан 2–4 та мумкатақ рамкада усти беркитилган куртчалар олинганда асосий оила куртчали рамкалар олинмаган оиласига караганда 4% кам асал тўплар экан.

Мабодо биринчи маротаба арихона ташкил этиб, бошқа жойлардан кутида ёш оила келтирилган бўлса, у холда уларни кучайтириш учун кўшимча мумкатақ рамкасиз кутиларда она ариси йўқ ари ёздириб олинади. Бундай холларда она ари йўқ мумкатақ рамкасиз кутиларнинг бир гурухини (партиясини) мумкатақ рамкали кутилар олингандан кейин орадан 2 ҳафта, иккинчи партияси эса орадан бир ой ўтгач буюртма оркали ёздириб олинади.

Арихонага мумкатақ рамкасиз кутиларда ари келтирилса, у холда уларни биринчи маротаба 1–2 та куртчали рамкалар билан кутидаги ариларни уяларга кўчирилган захоти ку-

чайтирилса, иккинчи маротаба эса уяга кўчирилгандан кейин орадан икки ҳафта ўтгач кучайтирилади.

Шарбат ташиш. Асаларичи кўчга чиқиш ҳолатидан холи бўлган ари оилаларини тайёрлаб, кучли шарбат ташиш вактида ариларга яхши ишлаши учун шароит яратиб бериши керак. Бунинг учун ари оилаларини шарбат ажратадиган ўсимликларга бой ерларга якинроқ олиб бориб жойлаштиради, уяларга эса кераклича шарбат – асал кўйиш учун мумкатақ инчали рамкалар қўяди. Бунда ари оиласига ҳаво стишмай, иссиқдан кийналмаслигига эътибор бериш керак.

Ари оилаларини кўчириш. Ўрга Осиё иклими шароитида ари оилалари эрта баҳордан то кеч кузгача шарбат ташиш ва ривожланиши учун шароит бўлмаганлиги туфайли вакти-вакти билан бир жойдан иккинчи жойга кўчириб, шарбат ташишига шароит яратилади. Масалан, эрта баҳорда арилар кайрағоч, терак, момакаймок, тол ва бошқа ўсимлик, ўтлардан гулчанг ташигандан кейин ариларни мевазор боғларга, боғлардан эса ўсимликлари эрта гуллайдиган чўл зоналарига ҳамда уруғлик олинадиган бедапоялар ва тоғларга кўчирилиб, июнь ойларининг охирида пахтазорларга, пахтазорлардан тўқай, дарё ёкаларига кечки озик учун экиладиган жўхорипояларга олиб борилади. Бир жойдан иккинчи жойга кўчириш орқали тўхтовсиз шарбат ташишига замин яратилади.

Ариларни кўчириш, саноат-фермерчилик асосида ари бокиши омилларидан бири бўлиб, фактагина асал тўплаб-гина қолмай, балки қиплок хўжалик ўсимликларини чанглантириш йўли билан ҳосилдорликни опиришга катта хисса кўшилмоқда. Ари оилаларини кўчиришдан аввал, кўчириладиган жой кидириб топилади ва жой танланади ҳамда ари оиласини кўчиришга тайёрланади.

Ари оилаларини кўчиришга тайёрлаш. Агарда ари оилаларини кўчиришга нотўғри тайёрланса, у ҳолда арилар ҳаво стишмаслигидан, мумкатақ рамкаларнинг узилиб кетиши ёки рамкаларнинг сурилиши оқибатида эзилиши мумкин. Шунинг учун ариларни кўчиришдан олдин оғир асали бор мумкатақ рамкалар ҳамда шарбат кўйилган рамкалар узилиб кетмаслиги максадида ари оиласидан олиб кўйилади. Рамкалар йўлда силкиниб сурилиб кетмаслиги учун уларнинг ҳар биттаси орасига елка тарафидан пона кўйилади. Агар-

да рамкаларнинг тепа тарафи кенгайтирилган бўлса, у холда пона қўйилмайди. Рамкаларнинг орасига қўйиладиган поналар 10x15x100 (мм) ўлчамда ёғочдан тайёрланади.


Уя ичидағи рамкалар бир тарафга сурилиб, уя девори ҳамда охирги рамка орасига йўғонрок пона қўйиб сикиласди ёки охирги рамканинг ён тарафидан уя деворига мих кокиб, сурилмайдиган килиб котирилади.

Ҳаво иссик пайтларда ари оиласали кўчириладиган бўлса, ари уяларининг юкори кисмида, яъни копқок кисмида ҳаво алмашиш тешикчалари бўлиши шарт. Бунинг учун копқок кисмининг таг тарафига сим тўр кокиласди. Ари оиласалини кўчиришдан олдин уялардан ёстикчалар олиб ташланади.

Ари оиласини кўчириш вактида улар силкинишлардан безовталаниб, оила ичидаги ҳарорат $34\text{--}35^{\circ}\text{C}$ ўрнига $37\text{--}38^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиб кетади. Кўтариленгандаги ҳароратни арилар ҳавони ҳайдаб чикириш орқали пасайтира олмайдилар, чунки биринчидан, улар каттик безовталанган, иккинчидан, уядаги ариларни кўчириши билан алоқадор бўлган умумий холат бузилган. Жазирама иссик кунлари уядаги ҳарорат кераклигидан ортикча кўтариленганда, арилар ҳароратни меъёрига келтириш учун асал копчаларига асал тўлдириб, уядан ташкарига чикиб, уянинг таг кисмида тўда бўлиб тўпланиб туради. Кўчириш вактида хам ариларнинг безовталаниши натижасида ҳарорат кўтариленганда куртчали рамкалар ҳамда оиласининг асосий кисмини ташлаб копқок остидаги кисмга кўтарилиб, тўда бўлиб қимирамай туришлари учун уянинг асосий кисмининг устида копқок ости кисмини ташкил қилиш керак (39-расм).

Арилар копқок остидаги кисмга кўтарилиб, тўдага тўплангандаридан кейин асосий оила қисмидаги ҳарорат меъёрига келиб, ариларнинг безовталаниб товуш чикириши тўхтайди. Агарда шундай пайтда уянинг тешиги очилса, бир неча ари тинч холатда чикиб, маҳаллий жой билан таниша бошлайди.

Хозирги тайёрлананаётган ари уялари копқок кисмининг остидаги кисми (баландлиги 15 см) ариларни кўчириш вактида уларни тўпланиб ўтиришлари учун зарур жой хисобланади. Бундай уяларда ариларни кўчираётган пайтда матодан тайёрланган ёпқич ва иситкич ёстикча олиб қўйилади. Агарда арихонада копқок остидаги кисми йўқ уяларда ари



39-раси.

бокилаётган булса, у холда асосий оила бокиладиган кисм устига (435×145 мм) магазин деб номланган қўшимча каватлар кўйилади, шунда арилар кўчириш вактида кийналмайди.

Ариларни кўчириш вактида уялардаги ҳаво алмасиш тешикчалари катта аҳамияга эга, чунки безовталангандар кўп микдорда кислород истеъмол килади. Шунинг учун асаларичилар ариларни кўчириш вактида уянинг тепа тарафини бутунлай копладиган сим тўрдан фойдаланадилар.

Келтирилган асалари уяларини жойлаштириш ва шарбат тўплаш

Ҳамма жойда ҳам асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар бўлиб, улар мавсумнинг маълум вактида шарбат ажратади. Ана шу ўсимликлар гуллаган вактда ари оиласидар асосий шарбатни тўплайдилар ва бу мавсум асосий шарбат тўплаш даври дейилади. Мана шу давргача асаларичи кучли ари оиласидарини етиштириб, ариларнинг жадал шарбат тўплашига шароит яратиши керак.

Кўп асал тўплаш ва кишлок хўжалик ўсимликларини чанглатиш мақсадида ари оиласидарини мавсум давомида бир неча маротаба гуллаётган ўсимликлар бор жойларга кўчирилади. Айрим холларда ари оиласидар гурӯх холида, атрофдаги шарбат ажратувчи ўсимликлар кобилиятини хисобга олиб, бутун мавсум давомида бир жойда колдирилади. Аммо бундай мавсум давомида шарбат ажратиб талабга жавоб берадиган жой-

лар кам булгани учун ҳам ари оилаларини бир жойдан иккинчи жойга кўчириб туриш орқали ҳар хил жойларда ҳар хил вактда гуллайдиган ўсимликларнинг шарбатини тўплашга эришиш мумкин. Айрим пайтларда бир хил ўсимлик жанубий қояларда эртароқ гулласа, шимолий қояларда кечрок гуллайди. Шунинг учун ари оилалари мавсум давомида бир неча марта кўчирилади.

Ари оилалари янги келтирилган жойда кам безовталаниши учун кўйидагиларга риоя килиш керак:

1) ари оилалари кўчирилаётган пайтда уяларни иложи борича камроқ тақиллатиш, туртиш, силкитиш керак;

2) уялар ичига нур тушмасликка ҳаракат килиб, кўчириш вактида офтобда колдирмаслик зарур;

3) янги жойда ари уяларини иложи борича бутазорлар орасига жойлаштириш керак (агарда бутазор, дараҳтлар бўлмаса, у ҳолда уяларнинг қаторлари орасига мўлжалга олиш учун шохлар тикиб, уларга ўтларни боғлаб қўйиш керак);

4) ари уяларини шарбат ажратувчи ўсимликларга картиб, узунасига перпендикуляр эмас, кўндалангига жойлаштирилса, олдинги қатордаги ари оилалари кучайиб, орка қатордагилари кучсизланиб кетмайдилар. Арилар асал тўплаш даврида бир жойдаги ўсимликларнинг шарбат ажратиши тугамасдан, шарбат ажратувчи ўсимликлари бор янги жойни кидириб топиб кўчишга тайёрланиши керак.

Асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллаш даврига кадар асалари чи керакли асбоб-ускуналар ҳамда мумкатақ рамкаларни жамғараб кўяди. Ўсимликларнинг шарбат ажратиши бошлаганини уя ичидағи мумкатақ рамкаларнинг тепа тарафидан оқара бошлаганидан, ариларнинг жадал унишидан ёки назорат тарозисида текшириб билиш мумкин. Тарозининг кўрсаткичи кунига 0,5–1 кг кўрсатса, бу асосий шарбат ажратувчи ўсимликларнинг гуллай бошлаганидан далолат беради.

Асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллаганда ҳамма ари оилалари ўша ўсимлик гулига бирданига бормай, балки айрим оила арилари 2–3 кун олдинроқ шарбат ташишга киришади. Шунинг учун ҳамма оила арилари бирданига шарбат ташишга киришиши учун биринчи гул ғунчалари очила бошлиши билан ўша ўсимлик гулидан иложи борича шакар шарбатига кўпроқ кўшиб, ари оилаларининг ҳар

уясига 0,25–0,5 л дан ёки ташқарига умумий идишда кўйиб кўйилади. Шуни эсда тутиш керакки, агар шарбат берадиган ўсимликларнинг шарбат ажратиши кучли бўлса, у холда кўчада бериладиган умумий идишдаги шакар шарбатига арилар келмай кўяди. Шарбат ташишга жалб этиш учун шакар шарбати билан бокилгандан кейин арилар далага жадал учадилар.

Асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллаш даврида мумкатақ рамкаларнинг етарли бўлиши катта аҳамиятга эга. Ари оиласи ҳар куни уясига олиб келган бир неча килограмм ўсимлик шарбати асалга айлантирилганда, 2–3 маротаба кам жой эгаллади, чунки шарбатнинг таркибидаги сувни буғлантириб чикариб юбориши учун арилар даладан келтирилган шарбатни инчаларнинг учдан бир кисмига жойлаштирадилар. Шундай килиб, шарбатни жойлаштириш учун етилган асални жойлаштиришга нисбатан олти маротаба кўп инча (жой) керак бўлар экан. Ўсимлик шарбати 5–6 кун ўтгач етилган асалга айланади. Арилар ҳар куни олиб келаётган шарбатни инчаларга жойлаштириш учун жуда кўп мумкатақ рамкалар керак бўлади. Агарда даладан шарбат келаётган пайтда мумкатақ инчалар етишмаса, у холда арилар беиш колишиб, арихонанинг даромади пасайиб кетади. Асалари чи шошилиб, етилмаган асални олса, у холда асални узок саклашнинг иложи бўлмайди.

Даладан қанча кучли (кўп) шарбат келса, уяда шунча кўп мумкатақ рамка бўлиши керак. Тажрибалар шуни куреатадики, кунига арилар уясига 2 кг шарбат олиб келсалар, шарбатни жойлаштириш ҳамда асалга айлантириб уни саклаш учун 435x300 мм ўлчами мумкатақ рамкадан бешта ёки кунига 4 кг шарбат келтиришганда эса ўшандай мумкатақ рамкадан 10 та керак бўлар экан. Кўп каватли уяларда ари оиласи бокилгандга кунига 2 кг шарбат келганда 7–8 та, 4 кг шарбат келганда эса 14–15 та (435x230 мм ли) мумкатақ рамка керак бўлади. Ўн олти ва ўн саккизта мумкатақ рамкали уяларда эса кучли шарбат келиш даврида уяннинг асосий қисмидаги жой етишмай колса, уларнинг устига (435x145 мм ли) мумкатақ рамкали уя каватларидан кўйиб фойдаланилади. Бундай пайтларда она арини тепага ўтказмайдиган қилиб тўсиб кўйиш керак.

Ари оиласини шарбат тўплашга тайёрлаш даври

Ҳамма жойнинг ўзини шарбат ажратувчи ўсимликлари-нинг гуллани даврига қараб, ари оилаларини ривожлантириш, кучайтириш йўллари ва вақти бўлади. Жуда эрта етиштирилган арилардан асосий шарбат ташиш даврида шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллашидан 51 кун олдин она ари кўйган тухумидан чиккан арилар камида беш кун давомида шарбат ташишда катнашади (ишли арилар инчадан 21 кундан кейин чикканидан сўнг шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллагунча 30 кун яшаган бўлса). Энг кеч етиштирилган, яъни шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллаши тугашига 28 кун колганда она арининг кўйган тухумидан чиккан арилар охирги беш кун давомида шарбат ташишда катнашиши мумкин (21 кунда ишли арилар инчадан чиқса, орадан 3 кун ўтгач, улар кучга киради ва охирги шарбат ташиш кунларида 5 кун катнашади). Етиштирилган арилар келажакда асал тўплашда катнашадилар. Куйидаги график чизиклар хам шундан далолат беради (40-расм).

Илмий тажрибаларнинг кўрсатишича, мана шу кўрсатилган даврда қуртчаларнинг ривожланиши, кўчга чикмаган ари оилалари қуртчаларининг сони асал тўплашига тенг.


Асаларичи ҳар доим хам асосий шарбат ажратувчи ўсимликларнинг качон гуллани ва гуллашининг тугашини аник била олмайди. Аммо ари оилаларини асосий шарбат ташишга тайёрлаш вактини билиш учун ўсимликларнинг ўртacha кўп йиллик гуллаш даври ва асал ажратиш кобилияти аникланса, ари оиласини кучли килиб ривожлантириш мумкин. Уша иқлим шароитида график чизикларининг кўрсаткичига суюнилган холда, зарур вактда ёш оила ажратиб, кўп асал тўплаш борасида максадга эришин мумкин. Она ари тухум кўйишни оиласининг ривожланиш даврида кўпайтиrsa, ташкил этилган ёш оилалар асал тўплаш маҳсулдорлигини оширади.

МДҲ худудларининг жанубий районларида ари оиласини ривожлантириш учун 100 кун (кунгабоқардан асал тўплашда), ўрта қисм туманларида 80–90 кун (маржумак – гречихадан асал тўплашда), шимолий туманларда 40–50 кун (ок беда, малина ҳамда далаҷой каби ўсимликлардан)

керак бўлиб, улар асал тўплашда яхши ишлайди. Тоғли туманларда асосий асал ажратувчи ўсимликлар аввалига тоғ олди водийларида, кечрок тоғ коялари ҳамда юкорирок чўққиларда гуллай бошлайди. Жанубий тоғ кояларида гуллар эртароқ, шимолий тоғ кояларида эса кечрок гуллайди. Ўрта Осиё, Ўзбекистон ҳудудларида ҳам ари оиласини ривожлантириш учун 80–90–100 кун вакт керак бўлиб, ари оиласарини аввал боғлар, сўнгра чўл зоналарига (куёнсуяк, оқдўрай, ковул, гулхайри, исириқ, янток), кейинрок эса тоғли туманларга (хар хил табиий ўсимликлардан: кийик ўти, гулхайри, тоғ райони, далачойи, кучала, карикиз, дўлана ширач (эремурус), охирида пахта экиладиган туманларга кўчириш мумкин.

Жанубий вилоятларда ари оиласарини ҳар хил пайтларда гулладиган шарбат ажратувчи ўсимликлар ўсадиган жойларга 4–5 марта; шимолий кисмларда ўсимликларнинг гуллаш вегстацияси қисқа бўлганлиги учун факат 2–3 марта кўчириш мумкин.

Асалари оиласарини асал тўплаш давригача ривожлантириш график бўйича хисоблаш чизиги



40-расм.

Она арининг сифати ва оиланинг кучли бўлишининг ахамияти

Кучли ари оилаларининг арилари бақувват, йирик бўлади, кучли оиласда тарбиялаб етиштирилган арилар даладан асал копчасида кучсиз ари оиласида етиштирилган ариларга караганда кўпроқ шарбат олиб келади ҳамда шарбат ташиш ва шарбатни кайта ишлашда кўп сонли арилар катнашади. Шунинг учун ҳам бундай оилаларда кучсиз оилаларга нисбатан куртчаларни бокишида кам арилар иштирок этиб, кўпроқ кисми далага шарбат ташишга учеб чиқади. Ари оиласининг кучи ошиши билан оиланинг асал тўплаши ошиб боради ва шу билан бирга ариларнинг оғирлиги ортади. Кучли ари оилаларида ёш арилар хаётининг тўртинчи кунидан бошлаб шарбат ташишга учеб чиқади ва шарбатни кайта ишланади катнашади.

3-жадвал

Ари оиласининг кучига караб тўпланадиган асал

Асалари оиласи	Оиладаги арилар оғирлиги (кг)				
	1	1,5	2	3	4
Битта оила	7,0	14,0	20,0	34,0	49,0
1 кг арига	7,0	9,0	10,0	11,0	12,2
% миқдорида	100,0	128,0	143,0	161,0	176,0

Бир килограммли ари оиласида ариларнинг кўпчилиги куртчаларни бокиши, тарбиялаш билан банд бўлганлиги учун кам асал тўпланади, лекин оиланинг кучи ошиши билан кундан-кунга ариларнинг сони кўпайиб, оиланинг шарбат тўплашга ва кайта ишлашга кучи етарли бўлади. Аммо асосий шарбат ажратиш даври олдидан иккита оила кўшиб юборилиб, катта 5–6 кг ли кучли оила ташкил этилганда ариларнинг жадал ишлаши сусаяди. Бунда арилар шарбатни кабул килиб оловчи ариларга топшириш учун кўп вакт сарфлайдилар, кабул килиб олган арилар эса шарбатни керак жойга кўйиш учун кўп вакт сарфлайдилар. Шунинг учун ташкил этилган ёш оилалар ёки асосий оилаларнинг кучи 12 та мумкатақ рамкада тўла бўлса, уларни иккинчи оила билан кўшиб кучайтириш яхши натижада бермайди. Асосий шарбат ажратув-

чи ўсимликлар гуллаши олдидан кучсиз оиласа ўртача кучли оила кўшилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Асал копчасида шарбат олиб келган ари шарбатининг оғирлиги ўша ари танасининг катталигига, мускуллари нинг ривожланишига, қанотлари ҳамда унинг кучига боғлик бўлади. Озиғи етарли бўлган кучли оиласа яхши ривожланган йирик арилар кучсиз оиласа етиштирилган майда ариларга нисбатан ҳар гал уясига кўп шарбат олиб келади. Ари оиласининг умумий асал тўплаши оиласа етиштирилган ишчи ариларнинг сифатига боғлик (Г. Ф. Таранов, 1987 й).

Асосий шарбат тўплаш мавсумида оиласа жуда кўп очик куртчалар тарбияланса, у холда оила арилари кам асал тўплайди ва аксинча, кам куртчалар бокилса, кўп асал тўплайдилар. Оиладаги усти берк куртчалар шарбат тўплашга халакит бермай, балки ҳар куни кариб ўлиб бораётган ариларнинг ўрни тўлдириб турилади.

Асосий шарбат тўплаш даврида кучли ари оилалари кўп шарбат келтираётган даврда арилар она арининг тухум кўйишини чеклаб кўядилар, ўртача шарбат келаётган даврда эса она арининг тухум кўйишига ҳам, шарбат тўплашга ҳам инчалар етарли бўлгани учун куртчаларни тарбиялашда кўп арилар банд бўлгани учун шарбат тўплашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай холат юзага келмаслиги учун асаларичилар она арининг тухум кўйишини сунъий равишда чеклаб кўядилар.

Тухум кўйиш даврида она арини қафасчага камаб кўйиб, кейин чиқариб юборилса, унинг тухумдони ва тухум найчалари торайиши окибатида у бир текис жадал тухум кўя олмайди ва сифати бузилади. Бундай пайтда она ари алмаштирилади. Бундан ташкари, она арисининг сифати сусайганини сезган ишчи арилар шарбат тўплашдаги жадаллигини пасайтиради.

Агар оиласдан она ари бутунлай олинса, у холда ариларнинг шарбат келтириши тўсатдан камайиб кетади. Оила арилари она ари ғумбагини тортиб, сўнгра тинчланади. Шундан сўнг оиласа шарбат келтириш бирмунча ортиб боради, лекин она ариси бор оиласа нисбатан кам шарбат келтиридалар. Факат янги инчадан чиккан она ариси урчиб, тухум кўйишга киришгандан кейингина оила ариларнинг шарбат келтириши 2–3 маротаба кўпаяди.

Она ариси олинган оиласында етилган она ари ғумбаги берилсагина оила арилари мөмкүнчелігінде ишлай бошлайды. Она ари ғумбаги берилган оила арилари 18 кун, она ари ғумбаги берилмаган оила арилари эса 27 кун давомида суст ишлайды.

Шарбат ташиш даврининг бошланиши олдидан оила она арисини алмаштириш ёки олиб қўйиш тавсия этилмайди. Чунки, биринчидан, уни кучли ари оиласидан кидириб тошиш кийин, иккинчидан, янги қўйилган она ари жадал тухум қўйишга киришиб кетгунча оила кучсизланиб кетади. Факат оила ариларининг зоти эътиборга олинниб, она арисининг тухум қўйишини чеклаб қўйиш мумкин.

Ўрта рус арисининг зоти асал етилиши билан асални мумкатақ инчали рамкаларнинг юкори кисмидан бошлаб тұлғаза бошлайди ёки уя устига қўйилган кўшимча қаватидаги инчали рамкаларга шарбат куйиб, оиласын асосий кисмидаги мумкатақларнинг ўрта кисмини она ари тухум қўйиши учун бўшатиб беради. Кулранг Кавказ тоғ арисининг зоти эса, биринчи навбатда, оиласын асосий кисмida куртчаларга якин турган инчаларга асал жойлаштиради, сўнгра уя устига қўйилган кисмидаги мумкатақларга шарбат қўяди. Шунинг учун шарбат ажратиш даври бошланиши билан кулранг Кавказ тоғ ариси оиласида она ариси табиий тухум қўйишини камайтиради. Ўрта рус ариси ва уларнинг дурагай зотлари оиласида кам шарбат келаётган пайтда она арисининг тухум қўйишини чеклаб қўйиш яхши натижа беради. Асосий шарбат келиш мавсумида она арининг тухум қўйиши учун факат оиласын асосий кисмida жой ажратилиб, унинг тепа кисмларга ўтмаслиги учун сим түр тўсик килинади.

Арилар уяларига олиб келаётган ўсимлик шарбатининг таркибида 50–70% гача сув (намлик) бўлади. Арилар шарбат таркибидан сувни буғлантириб чиқариб юбориши натижасида намликни 18–21% гача камайтирадилар. Бунинг учун ҳаво иссик кунлари арилар каторлашиб канотларини жадал ҳаракатлантиришади ва нам иссик ҳавони уяларидан ҳайдаб чиқардилар.

Ҳаво алмашиш тешикчаси кичкина ва уянинг факат пастки кисмida бўлса, у ҳолда шарбатнинг етилган асалга айланиш муддати узайиб кетади ва кўп вақт инчаларни банд килиб туради. Натижада уянинг ички ҳарорати хаддан ташқари кўтарилиб кетиб, кўчга чиқиши ҳолатлари юзага

келиши мумкин. Асаларичи ари уяларини ҳаво алмашадиган ва ари кирадиган тешикчаларини тўлиқ очиб кўйиши ёки кўп қаватли уяларнинг қаватлари ўртасига пона кўйиб, қаватларни бир оз кўтариб, ҳаво яхши алмашинишини таъминлаши керак. Табиатда шарбат бор пайтда арилар ўғирликка киришга мойил бўлмайди. Шунинг учун ҳам уя копқоғини бемалол бир оз кўтариб, унинг устидаги латта ёпкичнинг уя олди тарафини 4–5 см кайириб ёки копқок остида ёпкич ўрнига тахтачалар қўйилган бўлса, уларнинг орасини бир оз очиб кўйилади. Агар ари уялари дарахт, бутазорлар йўқ очик жойда жойлаштирилган бўлса, ҳаво жуда иссик пайтларда уяларнинг усти ҳашак билан ўраб қўйилса, мақсадга мувофик бўлади.

Ариларга озиқ жамғариш

Ари оиласининг маҳсулдор бўлиши ўтган (олдинги) йили ариларнинг қишилаш учун жамғарилган озиқка, келаси йили ари оиласининг асал тўплаши эса шу йили асосий шарбат тўплаш мавсумида канча кўп ва сифатли озиқ жамғарилганлигига боғлик бўлади.

Етарли ва сифатли озиқ жамғарилгандага ари оилалари муваффакиятли қишлиб чикиб, баҳорда яхши ривожланади. МДҲ давлатларининг шимолий туманларида қишилаш учун ҳар битта ари оиласига 28–30 кг, бошка туманларда 25 кг дан, Ўрта Осиёда эса 16–18 кг озиқ колдирилади. Кузда асал озигининг бир кисми шакар шарбати билан алмаштирилади. Бунда шакар шарбатини арилар қайта ишлаб, шакар асалига айлантириб, инчаларга қўйиб, устини беркитипга улгуришлари лозим.

Озиқ сифатида шакар шарбатидан фойдаланилгандага, биринчидан, шакар асалга нисбатан бир неча маротаба арzon туради, иккинчидан, шакар асали билан озикланган арилар қишлоқ хўжалиги зааркунандаси бўлган шира ҳашаротларининг ахлат тариқасида ажратган ширинсимон суюкликларидан ташкил топган кора асални истеъмол килишдан холи бўлади. Қишилаш давомида кора асал истеъмол килган арилар ичкетар касалига учраб, кишдан кучсизланиб чикади, айрим холларда жуда кўп кора асал истеъ-

мол килган ари оиласи бутунлайн кирилиб кетади. Шунинг учун табиий асал озигини шакар шарбати асалига айлантириш ишларини арилар хали харакатчан пайтларида бажарсалар, кишлиш вақтида кам ҳаракатчан бўлгандаридан мураккаб холатдаги шакарни парчалаб, танага енгил сўриладиган оддий шакарга айлантирадилар. Бу оддий шакар асалини улар уянинг ари кирадиган тешиклари қаршисидаги мумкатақ рамкалардан она арининг кеч кузда қўйган охирги тухумидан чиккан куртчаларнинг ўрнига қўядилар.

Кузда ташки харорат пасайганда арилар она ари тухум қўяётган уя тешикчаси қаршисидаги мумкатақ рамкаларга; яъни иссиқлик марказига тўда кўринишда тўпланиб оладилар ва кишининг биринчи ярмида ўша уя тешиги қаршисидаги мумкатақ рамкалардаги шакар асалини истеъмол килиш эвазига муваффакиятли киплаб чикади ва баҳорда жадал ривожланади.

Ўзбекистон шароитида, асосан, ари оиласи ётик уяларда бокилгани учун асосий шарбат тўплаш даврида яхши кишлиш учун ярокли бўлган сифатли асал берувчи ўсимликлар гуллаши даврида мумкатақ рамкаларнинг ярмida ёки ярмидан кўпроқ қисмида асали бор рамкалар ажратиб олиниб, алоҳида зич ёпиладиган уяларга солинади. Кузда ари оиласининг ички ҳажмини кишлишга тўплаш даврида оила ичидаги пахта ёки қишлишга яроксиз деб хисобланган асалли рамкалар ажратиб олиниб, уларнинг ўрнига маҳсус ёник уяларда сақланётган сифатли гулларнинг асали бор рамкалар кўйилади. Алоҳида ажратиб кўйилган асалли рамкаларда гулчангларнинг борлигига эътибор бериш керак.

Асал олиш учун асалли мумкатақ рамкаларни ажратиш

Ҳозир саноат асосида ривожланган фермер асалари-чилик хўжаликларида асаларичи кўп сонли ари оиласири ни бокишини хисобга олган холда, мумкатақ рамкаларга тўпланган асални тез-тез олиш йўлларини кўллаш тавсия этилмайди. Ўзи яшайдиган иклим шароитида шарбат ажратувчи ўсимликларнинг шарбат ажратиш қобилиятини назорат тарозисининг кундалик кўрсаткичига суюниб, ари уясига олдиндан керакли сонда мумкатақ рамкалар бутун

шарбат келиш даврига мүлжаллаб қўйилади ва тўпланган асални шарбат келиш мавсумининг охирида бир маротаба олинади. Иш бундай ташкил этилганда, ортиқча ишдан холи бўлиб, этилган сифатли асал олиш мумкин бўлади. Аммо ҳар доим ҳам асал олишини мавсум охирига қолдириб бўлмайди. Айрим кўп шарбат берадиган ўсимликлар бор жойларда мумкатақ рамкалар етарли бўлган тақдирда ҳам инчалар этишмай қолиши мумкин, бунда ўсимлик гуллари ажратаетган шарбатини йўқотиш мумкин. Бундай пайтда асаларичи вакти-вақти билан мумкатақ рамкаларнинг асалга тўлишини текшириб туриши ва шарбатга тўлган мумкатақ рамкалар ўрнининг уя қаватлари ёки қўшимча қаватларини алмаштириб туриши керак. Асаларилар ҳар доим этилган асални уянинг юқори кисмидаги инчаларга жойлаштиради, шунинг учун асал қўйилган инчаларнинг устини мумпарда билан ёпишни юқори кисмлардан бошлайдилар. Мумкатақ рамкалардаги инчаларда асал тўлиб, уларнинг усти беркитилгач, асалини олиш учун олинади. Ажратиб олинган асалли рамкалар ўрнига бўш мумкатақ рамкалар қўйилади. Кўп қаватли уяларда ёки асосий оила устига 435×145 мм ли кичик хажмдаги асал тўплашга мүлжалланган (магазин) қаватда ари бокилганда ҳар доим янги қаватлар асосий оила ёки она ариси тухум қўйиш учун чеклаб қўйилган қаватлар устига қўйилади. Шундай килиб, асал қўйилган мумкатақ рамкали қаватлар, асалнинг этилишига қараб, ўрни алмаштирилиб туриласди. Пастки қаватда доим этилмаган асал, энг пастки қаватда эса даладан келтирилган шарбат бўлади.

Асал тўпланган мумкатақ рамкали қаватларни асал олишга ажратиб олиш учун уларнинг устидаги ариларни тутун ёрдамида ҳайдаш анча вактни олади. Ариларни пастки, она ари ва куртчалари бор қаватларга ҳайдаш мақсадида карбол кислотаси буғидан фойдаланилади. Бунинг учун икки хил – 50% ва 70% ли карбол кислотаси тайёрланади. Иссик икlim шароитида 50% ли карбол кислотасидан фойдаланилади. 5 кисм карбол кислотаси корамтиришиша идишга солинади, устига 5 кисм сув куйилади, шиша идишни қайнок сув ичига тушириб, карбол кислотасининг заррачалари тўлик эригунча ушлаб туриласди. Салқин икlim шароитида корамтиришиша идишда 7 кисм карбол кислотаси заррачаларига З кисм сув қўшилиб, худди юкоридагидек тайёрланади. Ари уясининг

копкок остидаги қисміга канор коп матосидан таранг килиб тортилади ва унинг устига докани тайёрланган суюкликка ботириб сикиб ташлангач, коп устига ёйилади, сўнгра уянинг қолқоғи ёпиб кўйилади. Орадан 3–5 дақика ўтгач, асалли рамкалардаги арилар пастки асосий қисмга тушиб кетади. Айтилган вактдан ортикча ушлаб туриш тавсия этилмайди, чунки арилар уяларидан ташкарига чикиб кетиши мумкин. Агар копкок остидаги қисм бўлмаса, у холда тахтадан уяга тўғри тушадиган килиб копкок остидаги қисмга ўхшатиб қокилади. Тутатгич ёрдамида ҳам ҳайдалади ёки уядан асалли мумкатақ рамкалар сугуриб олинниб, арилар уясига кокиб туширилади, асалли рамкаларни рамка ташладиган маҳсус кутига солинади ва уларнинг ўрнига асали олинган бўш мумкатақ рамкалар қўйилади.

Ётик уялардан этилган асалли рамкалар ажратиб олингандан сўнг, уларнинг ўрнига бўш мумкатақ рамкалар куртчаси бор рамкалар билан четга сурилган этилмаган асалли рамкалар ўртасига қўйилади. Бундан ташкари, ётик уялардан асал олишдан олдин енгил бўш кути ёки ари уясини асали олинаётган ари оиласининг орқасига қўйилади. Асали бор ҳамма мумкатақ рамкалар ажратиб олинади ва уяни орқасига қўйилган енгил бўш кутига қўйилади. Қидириб топилган она арининг канотидан авайлаб ушланади, очик тухуми ва куртчалари бор рамкалардан бирига ўтказилиб оиласада колдирилади. Ажратилган асалли рамкалардаги арилар бирин-кетин оиласадаги бўш жойга қокилади.

Асал тўплаш учун берилган рамкаларга она ари тухум қўймаслиги учун охирги куртчаси бор рамкаларнинг ёнига она ари ўтмаслиги учун зич тортилган тўрли рамка қўйилади.

Ариларнинг ишлашига халақит бермаслик учун асал куннинг иккинчи ярмида олинса максадга мувофик бўлади.

Асал олиш. Уядан ажратиб олинган асалли рамкалар арихонадаги уяга ёки фанердан ясалган хужрага келтирилади. Хужрага арилар кирмаслиги учун ортикча тешиклар ва эшик-ойналар зич килиб ёпилади. Хона ҳарорати кўтарилиши билан мумкатақ рамкалардан асал тез сизиб чикади. Асалли рамкалар уядан асал олишдан бир неча кун илгари ажратиб олинган бўлса ёки $20\text{--}25^{\circ}\text{C}$ ҳароратли хонада 7–8 соат ушлаб турилса, асал тез сизиб чикади. Асал олиш учун асал олинидиган қурилма (мёдогонка), асалли рамкаларнинг инчалаган

ри устини киркиш учун 4–5 та яхшилаб чархланган пичок, пичокни сувда киздириш учун идиш, юваниш учун сувли идиш, совун ва сочиқ, асал қўйиладиган идишлар бўлиши керак. Асал олинадиган қурилма (мёдогонка) яхшилаб ювилади, офтобда қуритилади. Асал олинадиган қурилмани шундай ўрнатиш керакки, унинг жўмраги остига асал оқадиган чепак ёки бирор бошқа идиш бемалол сиғсан. Айлантириш қўл ушлагичининг баландлиги ишлаётган одамнинг қўл тирсаги баландлигига бўлиши лозим. Қурилманинг асал оқадиган жўмрагига тўр симли сузгич осиб қўйилса, идишга тозаланган асал тушади. Асалли мумкатақ инчаларнинг усти қайнок сувга солиб киздирилган ва суви силкитиб ташланган пичок ёрдамида эҳтиёткорлик билан қиркилади.

Рамкалардаги асалли инчаларнинг усти қиркилгач, мумкатақ рамканинг пастки қисми рамка солинадиган кассетанинг айланадиган тарафига туширилади.

Асалли рамка солинган қурилма айлантирадига ўқидан ушлаб аввалига секин айлантирилади, сўнгра тезлаштириб борилади. Инчалардан асал чикиши тугагач, рамканинг иккинчи тарафи асал олинадиган қурилманинг девори тарафига айлантириб қўйилади ва қурилма (мёдогонкани) инчалардаги асал тўлиқ сизиб чикқунча айлантирилади. Янги тортилган мумкатақ инчалардаги асал олинмокчи бўлса, мумкатақ инчаларнинг мум заррачалари юлиниб кетмаслиги учун асалли рамкалар кассетага солингач, секин айлантирилади, иккинчи тарафи ўгириб қўйилади. Асал олишда иш унумли ва тўхтовсиз бўлиши учун тўрт киши керак бўлади: икки киши уядан асалли рамкаларни ажратиб олиб, хужрага келтиради ва бўш рамкаларни уяларга элтиб қўяди; бир киши мумкатақ рамкалардаги асалли инчаларнинг устини пичок билан киради; тўртинчи киши эса асал олинадиган қурилманинг (мёдогонканинг) ўкини айлантириб туради.

Рамкалардан асал олингач, уларни жойларига олиб бориб қўйишдан олдин мумкатақ инчаларга бир оз сув сачратиб сепилади, шундай килинганда инчаларни арилар тозалаб қуритиши осон бўлади.

Мумкатақ асалли рамкаларни уядан ажратиб олишда адашиб кетмаслик учун ҳар битта рамканинг тепа қисмини исказна билан кириб, кора қалам ёки бўр билан оиланинг ракамсони ёзиб қўйилади.

Асалли рамкалардан асал ажратиб олингач, бирор катта хажмдаги идишда бир неча кун ушлаб турилса, асал ичидаги мум заррачалари, мумкатақ рамкалардан тушган чикиндилар ва асал пуфакчалари асалнинг юзига сузуб чикади. Ифлосликлар ажратиб олингандан кейин асал маҳсус копкокли идиш (фляга)ларга қуишиб, омборхоналарга жўнатилади.

Марказлаштирилган усулда асал олини. Йирик асалари хўжаликларида асал марказлаштирилган усулда олинади. Асаларичилик хўжаликларининг марказий участкасида маҳсус асал олиш электр мосламаси (электромёдогонка), асалли инчаларнинг устини кирқадиган электр пичок ва асал тўпланадиган катта хажмдаги идишлар ўрнатилади. Асал олишга жўнатилаётган асалли рамкаларнинг тепа кисмига қалам ёрдамида арихонанинг ва ари оиласининг рақами ёзиб қўйилади. Агарда хўжаликда асални идишларга қуювчи мослама қўйилган бўлса, у ҳолда асални бир йўла майда идишларга қуишиб, копкок билан беркитиб кетилади.

Асалли рамкалар уя қаватлари ва ётик уяларда автомашиналарга ортиб, хўжалик марказига асалини олиш учун жўнатилади. Ҳар иккала ҳолда ҳам куртчали рамкалардан асал олиш тавсия этилмайди.

Марказлаштирилган усулда асал олингандан меҳнат унумдорлиги юкори бўлади.

Асосий асал тўплани даври тугагандан кейин уя устки қаватлари ва ётик уядаги ортиқча мумкатақ рамкалар олиниб, охирги маротаба асали олинади. Асали олингандан рамкалар ари оиласарига тозалаш-қуритиш учун берилади ва эртаси куни мумкатақ рамкалар сакланадиган бўш уялар ёки хоналарга жойлаштирилади.

Табиатдан шарбат ташиш даври тугагандан кейин оиласи текшириш

Асосий шарбат ташиш даври тугагандан кейин арихонада ари оиласари кўздан кечириб текшириш ўтказилади. Бунда оиласининг аҳволи кузатилади, кишлишга кетадиган ёш ариларни кўпайтириш учун шароит яратишга аҳамият берилади. Текшириш ўтказиши ишларини табиатдан бир оз шарбат келиб турган пайтда ўтказиш керак, акс ҳолда қўшни уя арила-ри ўғирликка кириб, асаларичининг ишлапнига халақит беради.

ди. Оилани текшириш вактида, унинг кучи, қуртчаларининг сони, жамғарилган озик миқдори аникланиб, сифатсиз, эскирган мумкатақ инчали рамкаларни ишлатишга яроксизлари ажратиб олинади ва мум етиштириш учун эритишга юборилади. Мабодо мумкатақ инчали рамкаларда қуртчалар бўлса, у холда вактинча қуртчалар арига айлангунга қадар рамка оиланинг бир четига суриб кўйилади. Агар шу мумкатақ инчали рамкаларда бир оз асал бўлса, унда асалли инчаларнинг устини пичоқ билан кириб, оиланинг четидаги тўсик тахтачанинг оркасига, арилар асалини ташиб кетиши учун кўйиб кўйилади. Она ари тухум кўйиши учун бир-иккита авлод арилар етиштирилган оч жигарранг мумкатақ инчали рамка оила ўртасида колдирилади. Оила текширилиб, ички ҳажми кичрайтириб бўлингач, иситкич ёстиқчалар билан ўраб кўйилади.

Шуни эсда тутиш керакки, кузги ариларнинг баҳорги ариларга нисбатан ўғирликка мойиллiği юкори бўлади.

Кузда ариларни ривожлантириш. Ҳар бир асалари чи кузда ари оиласини кучайтириб, кўп сонли ёш арилар кўпайтиришга харакат қилиши керак. Кучли ёш арилари кўп бўлган ари оиласи киша яхши қишлиб, ўлган ариларнинг сони кам бўлади ва улар қишлиш вактида кам безовталанади. Бундан ташқари, ари оиласи қанчалик кучли бўлса, озикни шунчалик тежаб истеъмол килади ва орка ичакларида кам ахлат тўпланади. Кучсиз ари оилалари оила ичидағи ҳароратни бир меъёрда ушлаб туришга ҳам қийналади. Ёш арилар қишлиш вактида узок яшашига қарамасдан, уларнинг танаси «физиологик» ёш бўлиб, ёш ариларга хос бўлган ишларни бажаришга (қуртчаларни бокиш, мумкатақ инча қуришга) кодир бўлади.

Текширишларнинг кўрсатишича, қишлиш вактида ўлган ариларнинг сонини асосан, ёз вақтида, яъни Россияда июль ойининг охирида, Ўрта Осиё шароитида сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигига етиштирилган арилар ташкил этар экан. Шунинг учун асосий шарбат ташиш даври тугагандан кейин ари оиласига она арининг кўп тухум кўйишига ва ариларнинг қуртчаларни бокиш учун яхши шароит яратиб бериш керак. Ёш арилар сонини жадал кўпайтириш учун оиласи она ари ёш бўлиши лозим. Аникланишича, шу йили чиқарилган она ари икки йиллик она арига караганда 10 кун, уч йил-

лик она арига қараганда 17 кун ортиқ тухум күйиши мүмкін экан. Шунинг учун бизнинг шароитда ҳар йили ўз вактида оиланинг она арисини сифатли она арига алмаштириш керак, чунки она ари Ўрта Осиё шароитида йилнинг 8–9 ойи давомида тухум күяди.

Оилада ёш арилар сонининг жадал күпайиши учун кузда бир оз шарбат келиб туриши керак. Тажрибаларнинг кўрсатишича, ари оиласи кузда уяга кунига 100–300 г шарбат келтириб турган оила она ариси шарбат келмаётган шароитдаги оила она арисига нисбатан 40–50 фоиз кўп тухум кўяр экан. Шунинг учун Россия ҳудудларида ари оиласи кеч кузда шарбат ва гулчанг берадиган (гречиха, верск ва бошка кеч гуллайдиган) ўсимликлар экилган жойларга кўчирилади. Бундан ташқари, кеч кузда гуллайдиган шарбат ва гулчанг берадиган ўсимликларни экиш мүмкін. Ўрта Осиё шароитида асалари уялари кеч кузда пахта, полиз экинлари, жўхори экиладиган жойларга кўчирилади.

Кунига табиатдан келиб турган бир оз шарбатдан ташқари, уя ичиди етарли микдорда асал ва гулчанг ҳамда она ариси кўп тухум күйиши учун сифатли буш мумкатақ инчалар бўлиши шарт. Асаларичи шарбат ташиш даври тугагандан кейин ўтказилган текшириш вактида ҳар қайси оилани етарли мумкатақ рамкалар билан таъминлаб кўйиши зарур.

Ёш она арили кичик оилаларни қишлишга тайёрланаш

Ёш кичик оилаларда колдириладиган урчиган она арилардан қишлиш вактида она ариси ўлган оилаларни она ари билан таъминлаш ҳамда эрта баҳорда ёш оила ажратишида фойдаланилади. Арихоналарда ҳамма арилар сонига нисбатан 20–30% ҳисобида, яъни ҳар 10 та ари оиласига 2–3 та ёш она арили кичик оила қишлишга тайёрланади. Айрим ҳолларда ёш она арили кичик ари оилаларини қишлишга колдириб, эрта баҳорда кўшимча ёрдамчи она арилик оила ажратишида фойдаланилади. Қишлишга колдириладиган кичик оиланинг она ариси ёзда етиштирилади ва ари кирадиган тешикчаларини уянинг олд тарафида килинади, 12 та рамкали уянинг 2 та чекка қисмида 4 та дан, ўрта қисмига эса 3 тадан мумкатақ рамка сиғадиган қилиб 3 қисмга бўлинади. Агарда 20 та рамкали ётиқ уя бўлса, у холда уяни 4 та мумкатақ рамка

сиғадиган килиб тенг 4 кисмга бўлинади ва ажратилган ёш кичик оила шу ерга ўтказилади. Она ариси урчиб, тухум кўя бошлиши билан ажратилган кичик оила уз кучи билан ривожланиб, озиқ тўплайди, кеч кузгача ривожланиб, 3–4 та тўлик рамкада ариси билан қишлиди. Қишлишга колдириладиган кичик оиласарнинг ҳар бирида 6–8 кг дан озиқ колдирилади. Қишига рамкаларнинг ярмигача гулчанг озиғи бор мумкатақ инчали рамкалар танлаб қолдирилади. Қолдириладиган ҳар битта рамкада 2–2,5 кг дан озиқ бўлиши керак.

Уянинг олд тарафидаги ари кирадиган тешикчаларни бир-биридан фарқлаш учун уянинг олд деворига тахтacha тик ҳолатда кокилиб тўсиб кўйилади ва ҳар битта бўлим алоҳида рангда бўлади. Шундай килинганда она ари ҳамда ишчи арилар адашмай ўз уясига киради.

Қишлишга кетказилаётган она арили кичик оиласарнинг асосий оила уасининг ёнида чўнтак тарикасида кичик 4–5 рамка сиғадиган бўлинма ташкил қилиниб, ўша чўнтак кисмидаги киплатиш мумкин (35-расм). Уянинг чекка кисмидаги тўскич тахта ёки фанер суғуриб олинадиган ва суриладиган қилинса, кичик оиласи баҳорда ривожлантириш вактида оиласарнинг ички ҳажмини мумкатақ рамкалар ёрдамида кенгайтиришга кулайлик яратилади. Бундан ташкари, уянинг орка деворида қишлиш вактида нам ҳаво ортиқча тўпланмаслиги учун 5 мм ли тирқиш қолдирилиб, у тешикчанинг олдига бир оз похол ёки сомон солинган ёстиқча осиб кўйилса, максадга мувофик бўлади. Чунки ари оиласи инчали рамкалари устига мато ёпкич ёпилганда, арилар ёпкични прополис (елимсимон модда) билан суваб ташлайдилар ва натижада ёпкич намликини ўтказмай кўяди. Уянинг орка деворидаги 5 мм ли тирқиш эса ҳаво яхши алмашишини таъминлайди, уянинг олд тарафидаги 2 та ҳаво алмашиш тешикласига караганда унинг аҳамияти катта.

Жамғарилган озиқнинг сифатини текшириш. Асаларичи қишига колдирилган озиқ таркибида кора асал, тез котадиган пахта ва каноп асали каби сифатсиз озиқларнинг бўлмаслигига эътибор бериши керак. Чунки бундай сифатсиз озиқлар арининг қишлишига салбий таъсир кўрсатади, ҳатто кўпчилик ҳолларда ари оиласари кирилиб кетади. Ари оиласари кора асалда қишимаслиги учун қишлишга колдирилган озиқнинг бир кисми ёки айрим ҳолларда

озикнинг жами шакар озиғига алмаштирилади. Мабодо асал озиғи шакар шарбатига алмаштирилмаса, у холда, мавсум давомида ариларнинг қандай ўсимлик гулларидан шарбат келтираётганини кузатиб бориш керак. Оиланинг ички ҳажмини кишлашга тўплаш вактида жамғарилган сифатсиз озиғли мумкатақ рамкалар ажратиб олиниб, уларнинг ўрнига аввалдан асосий асал тўплаш даврида ажратиб кўйилган сифатли асали бор мумкатақ рамкалар кўйилади. Баъзан асосий асал тўплаш даврида ҳам арилар шира ҳашаротлари ажратган ширасимон ахлат суюклиги – кора асални уяларига олиб келадилар. Шунинг учун оиланинг ички ҳажмини кишлашга тўплашдан олдин мумкатақ рамкалардаги асал озиғининг таркибида кора асал бор-йўклигини билиш учун мумкатақ рамкалардан чой кошик билан асал олиб, спирт ёки оҳак таъсир эттириб текшириб кўрилади.

Спиртли реакция ёрдамида аниқлаш. Бир кисм асалга бир кисм сув кўшиб, унга 96 градусли этил спиртидан 8–10 кисм кўшилади. Оксил моддалар ажратилиб аралашма лойкаланса, асал озиғига кора асал (сифатсиз асал) бўлади (гречиха ва верск ўсимликларининг асалидан ташқари).

Оҳакли реакция ёрдамида аниқлаш. Пробиркага бир кисм асал, бир кисм сув, унинг устига икки кисм оҳакли сув кўшилади. Бу аралашма аланга устида қайнагунча киздирилади. Агар киздирганда пробиркадаги суюклик ичидаги кўнғир рангли парча-парча бўлакчалар пайдо бўлса, озиғ таркибида кора асал бўлади. Оҳакли сувни тайёрлаш учун бир кисм куйдирилмаган оҳак тошига бир кисм дистилланган сув кўшиб, 12 соатга колдирилади. Идиш тубига чўкинди чўқади, устидаги тиник сув бошқа идишга куйиб олинади. Шу сувдан реакцияга кўшилади.

Асал озиғини шакар шарбатига алмаштириш. Ари оиласидаги мумкатақ инчалардан куртчалар чикиши тугаши арафасида ҳали арилар харакатчан ҳолатда бўлиб, шакар шарбатини қайта ишлаб инчаларга кўйиб, устини беркитишига улгурадиган пайтда кишга колдириладиган асал озиғи шакар шарбатига алмаштирилади. Кўпгина жойларда бу ишлар сентябрь ойининг ўртасида бажарилади. Ўрта Осиё территориясида эса сентябрь ва октябрь ойининг биринчи ўн кунлигига алмаштириш керак. Бу муддатдан кечикса, арилар шарбатни қайта ишлаш, инчаларнинг устини

беркитишиш ишларига кўп меҳнат сарфлаб, уларнинг танаси физиологик жиҳатдан қариган ҳолда қишлишга киради. Окибатда қишлиш даврида унда арилар тўдага тўпланган арилар орасида безовталаниб, ортиқча озиқ истеъмол қилиш натижасида қишдан муваффакиятсиз чиқади ёки бутунлай кирилиб кетади. Озиқни алмаштиришдан аввал оилани керакли мумкатақ инчалар билан тъминлаш зарур. Агар асал озиқнинг ҳаммаси алмаштириладиган бўлса, у ҳолда оиладаги куртчали рамкалардан ташкари, ҳамма асалли рамкалар ажратиб олиниб, уларнинг ўрнига 2–3 авлод куртчалар етиштирилган жигарранг мумкатақ инчали рамкалар керакли микдорда кўйилади. Асал озиғини шакар шарбатига алмаштириб боқишиш ишлари тугаллангач, ўша бокилаётган вактда она ари тухум кўйган мумкатақ инчали рамкалар оила ўртасидан ажратиб олиниб, оиланинг бир четига кўйилади ва куртчалари чикиб бўлгач, бутунлай олиб кўйилади. Ҳар кайси оилада, албатта, иккитадан гулчанг озиғи бор мумкатақ рамка бўлиб, улар оиланинг четки кисмидан саналганда иккинчи бўлади.

Мабодо асал озиғининг бир қисми алмаштириладиган бўлса, унда тўлиқ асалли рамкалар уядан ажратиб олиниб, 1 кг гача асали бор мумкатақ рамкалар оиласида колдирилади. Ажратиб олинган тўлиқ рамкадаги етишмаган асал озиғининг ўрни шакар шарбати билан тўлдирилади. Шакар шарбатини кайта ишлаб асалга айлантирилган озиқ асосий озиғи бор мумкатақ рамкаларнинг пастки кисмига жойлаштирилгани учун ҳам арилар қишлиш даврида шакар озиғи билан озикланади. Баҳор яқинлашганда эса асосий асал озиғи билан овқатланганлиги учун шира ҳашароти ажратган ширасимон ахлат суюклиги билан озиқланганда катта зарар етмайди.

Шакар шарбати майда шакар, қанд солинган қопларнинг тагида тўпланиб колган тоза майда қанд кукунидан тайёрланади (Ифлосланган чикинди холатидаги қанд-шакар, кум-шакар куқунларидан фойдаланиб бўлмайди). Шакар шарбати 1,5 кисм шакар: 1 кисм сув нисбатида тайёрланади. Шакар шарбати сирланган идиш ёки озиқ тайёрлашга мўлжалланган алюминий идишларда тайёрланади. Шакарни эритиш учун ўлчаб олинган сув кайнаш даражасигача иситилади, сўнгра оловдан олинади ва ҳар килограмм шакарга 0,4 см³ хисобида овқатга ишлатиладиган 80%

ёки 70% ли сирка кислотаси қўшилади ва ҳаммаси тўлик эригунча яхшилаб аралаштирилади. Тайёрланган шакар шарбати 30°–40°C гача совитилади ва уя ичидаги шарбат куйиладиган идишларга 2–3 литрдан куйилади.

Шакар шарбати юкорида айтилган нисбатда тайёрланганда арилар шакар шарбатини тўлик парчалаб, оддий шакарга айлантиради, уни кайта ишлашга кам озик сарфлайди ва б қг шакардан б қг шакар асали тайёрлайдилар. Тайёрланаётган шакар шарбатига сирка кислотаси қўшилганда арилар яхши қишлийдилар ва озикни тежамли истеъмол киладилар.

Шакар шарбатини ари оиласарига тарқатишдан олдин оиласанинг ички ҳажмини кискартириб, фактат колдирилган мумкатақ рамкани арилар тўлик қоплаб ўтириши керак. Шакар шарбатини яхиси мумкатақ рамкаларнинг устига ёғоч тахтадан тайёрланган идишга кўйилса, шарбат кечаси совиб қолмайди.

Маълумки, кузда етиштирилган қишлишга қоладиган арилар ўзларининг таналарида озик моддаларнинг тўпланиши, ёғ моддаларининг йиғилиши ҳамда таналарида сувнинг камайиши билан ёзда етиштирилган арилардан фарқ килади. Шакар шарбатини кайта ишлаш учун улар ўз таналарида қишлишга тўпланган озик моддаларининг бир кисмини сарфлайдилар. Агарда арилар таналарида тўпланган озик моддаларнинг ҳаммасини кузда шакар шарбатини кайта ишлашга, куртчаларни бокишига ва бошқа ишларни бажаришга сарфлаб тугатсалар, у холда қишлиш вақтида ёки эрта баҳорда арилар кирилиб кетиши мумкин.

Айникса, ворроатоз канаси билан заарланган арихоналарда кузда ариларни шакар шарбати билан озиклантиришга алоҳида эътибор бериш керак, чунки асосий шарбат ташиш даври тугагач, ари оиласарида куртчаларни етиштириш камайиб, эркак ариларни етиштириш бутунлай тўхташи натижасида каналар ишчи арилар куртчасига ўтиб, уларни заарлантиради. Мана шу пайтда инчалардан чиккан арилар қишлишга кетувчи арилар бўлиб, улар каналардан заарланиб, таналарида қишлишга тўпланган озик моддалари камайиб кетади. Агар шу оиласарни шакар шарбати билан бокилиб, кўп меҳнат килишга жалб этилса, улар шунчалик кучсизланиб коладики, қишлишга ҳам кучлари етмай

қолади. Шунинг учун ворроатоз канасига карши олиб бориладиган кураш ишларини асосий шарбат ташиш ишлари бошланмасдан олдин тугаллаш керак. Ворроатоз канаси билан заарланган ари оиласарида қишига колдириладиган озик сифатсиз ва шира зааркунандаси ажратган ширасимон ахлати аралашган озиқлар бўлса, ҳар битта ари оиласига айрим ҳолларда атиги 6–8 кг шакар озиғи бериб бокилади.

Текширишларнинг кўрсатишича, ари оиласарини оз микдорда – 6–8 кг шакар озиғи билан (арилар ҳали харакатчан ҳолатда бўлганда МДХ худудларида август ойида, Ўрта Осиё худудларида сентябрь ва октябрь ойининг биринчи ўн кунлигига) бокилганда (агарда куз иссик келса), шакар шарбатини қайта ишлашга сарфланган танасидаги жамғарилган озиқ моддаларни арилар табиатдан келтираётган гулчанг хисобига тўлдирадилар. Ари оиласари шакар шарбати билан кеч, арилар кам харакатчан пайтида бокилганда уларнинг танасидаги сарфланган озиқ моддалар микдори қайтадан жамғарилмайди.

Ари оиласида қишлишга 2 кг дан кам бўлмаган асали бор мумкатақ рамкалар колдирилади (асосан 435x300 мм ҳажмдаги мумкатақ инчали рамка асал билан тўлдирилган бўлса, унда 3,5–4 кг асал бўлади).

Ҳар қайси оиласида қишлиш учун кузда МДХ худудининг ўрта кисмларида 25–30 кг, Ўрта Осиё худудларида эса 16–18 кг асал колдирилиб, шундан 6–8 килограммини шакар шарбатига алмаштириш мумкин.

Оиласининг ички ҳажмини қишлишга тўплаш

Она ари тухум қўйишини тўхтатиши ва оиласида куртчаларни етиштириш охирлаши, усти беркитилган мумкатақ инчалардан ёш арилар етишиб чикиши тугагач, асаларичи кузги оиласи (шу йилги мавсумда охирги маротаба) текшириш ишларини ўтказиш билан бир вактда оиласи қишлишга тайёрлайди. Оиласининг ички ҳажмини қишлишга тайёрлаш кўйидаги ишлардан ташкил топади: оила ичидаги озиғи кам колган, куртчалари чикиб бўлган мумкатақ инчали рамкалар ажратиб олиниб, уларнинг ўрнига сифатли, ёзда тайёрлаб кўйилган асали бор мумкатақ рамкалар қўйилади. Оиласининг ички ҳажмини қишлишга тўплаш вактида колдириладиган

мумкатақ рамкаларда озик 2 кг дан кам бўлмаслиги ке-
рак. Оилада қишлиш учун қанча мумкатақ рамкани арилар
тўлик коплаб ўтирган бўлса, шунча мумкатақ рамкада озик
колдирилади. Юкорида айтиб ўтилгандек, ок рангли янги
торттирилган, хали қуртчалар етиширилмаган мумкатақ ин-
чили рамкаларни қишлишга колдириб бўлмайди. Қишлишга
тайёрлаётган ари оиласида асали кам ва қуртчалари бор мум-
катақ рамкалар бўлса, бундай мумкатақ рамкаларни дархол
олиб ташламай, оиланинг бир чеккасига суриб қўйилади ва
инчалардаги қуртчалар етилиб чиқкач, бўш мумкатақ рам-
калар бошқа бўш уяларга ёки алоҳида хонага саклаш учун
олиб қўйилади. Ари оиласи ва омборда ҳаммаси бўлиб
қишлишга колдириладиган озик миқдори белгилангандан кам
бўлмаслиги керак.

Ари оиласини қишлишга тайёрлашда, албатта, оилада
гулчанг озиғидан 1–2 та мумкатақ рамкада ва омборда ҳар
битта оила учун 2 та мумкатақ рамкада жамғарилган гул-
чанг озиғи бўлишини таъминлаш керак. Қишлишга тайёрлан-
ган оила иситкич ёстиқчалар билан ўралади, уя тешикчалари
сичкон кирмаслиги учун маҳсус курилмалар ёрдамида берки-
тиб қўйилади.

Асаларичи ари оилаларини қишлишга тайёрлаб бўлгач,
асбоб-ускуналарни саклашга, сифатсиз мумкатақ инчаларни
киркиб мум олиш учун эритишга топширади. Эритилган тай-
ёр холдаги мумлар мумпардага алмаштирилади.

Ариларнинг қишдаги ҳаёти

Агарда асаларичи олдиндан кучли ари оилаларини тай-
ёрлаб, етарли ва сифатли озик билан таъминлаган бўлса, у
холда ари оилаларининг муваффакиятли қишлиши учун за-
мин яратган бўлади. Кишнинг муваффакиятли ўтишини таъ-
минловчи энг биринчи замин бўлиб, уяни ҳаво алмашиб
тешикчалари билан таъминлаш ҳисобланади.

Арилар $0\text{--}2^{\circ}\text{C}$ ҳароратда яхши қишлийдилар, ҳарорат
 $4\text{--}6^{\circ}$ дан ошиб кетса, арилар тўдаларидан тарқалишиб, безов-
талана бошлайди ва кўп овқат истеъмол килади, окибатда уя
ичида ахлат чиқариши натижасида кўп арилар ўлиб кетади.

Очик ҳавода қишлоғчи ари уяларида ҳарорат $+4^{\circ}\text{C}$ дан
пасайиб кетса, арилар тўдасининг зичлашиши 12% га ошади

ва шундай холатда уяларда хаво алмапишиш тешикчалари ўз жойида бўлмаса ёки ари оиласининг ички ҳажми кишлашга нотўғри тўпланган бўлса, арилар таналаридан ажратган буғ холатидаги нам хаво уядан ташқарига чиқиб кета олмай, уя деворларида, мумкатақ рамкаларда тўпланиб, кировга айланади. Бу киров хаво иссик кунлари эриши оқибатида, моғор замбуруғлари ривожланиб, мумкатақ рамкаларни ишдан чикаради ва келажакда фойдаланишга яроксиз килиб кўяди. Ўзбекистон шароитида киш мавсумида иссик ва офтобли кунлар тез-тез бўлиб туради. Уяда намлик ошиши натижасида моғор замбуруғлари кўпайишидан ташқари асал озиғи суюлиб, ачий бошлайди. Бундай озиқни истеъмол килган арилар иҷетар касалига учраб, кишдан жуда кучсизланиб чикади ёки кирилиб кетади. Арилар кишлаётган жойда намлик 85–88% бўлиши керак. Намлик психрометр аппаратининг хўлланган ва курук термометрларининг кўрсаткичига караб маҳсус жадвал ёрдамида аникланади.

Масалан, курук термометр $2,5^{\circ}$ ни, хўллангани эса $1,5^{\circ}$ ни кўрсатса, иккала кўрсаткичининг учрашган жойидаги 82 ракам ўлчанаётган жойнинг намлигини кўрсатади.

Кишлаётган ари оиласарининг уяларига сичкон кириб колса, жуда катта зарар етказади. Улар ари уясидаги мумкатақ рамкаларнинг инчаларини кемириб майдалайди, иситкич ёстиқчаларни майдалаб, пахта орасига ин кўяди ва ўша ерда болалаб, кўланса хид таркатади, бундан кишлаётган арилар безовталанади ва кўпчилик холларда ари оиласари кирилиб кетади.

Бахор якинлашган сари уларнинг орка ичакларида тўпланган ахлатнинг миқдори кўпайиб, арилар безовталана бошлайдилар ва оқибатда йўғон ичагида тўпланган ахлатни уя ичидаги чикарига юборишга мажбур булади. Натижада арилар кишдан кучсизланиб, мадорсизланиб чикади ва баҳорда уларнинг ривожланиши кийин бўлади. Шунинг учун ҳам кишлаш вактида ариларнинг тинчлигини таъминлаш керак.

Кишлиш вактида ариларни кузатиш. Кишлишга тўғри тайёрланган ари оиласари заҳ босмайдиган жойларга – козиклар устига жойлаштирилган бўлса, ари оиласари киш мавсумида ортиқча меҳнат килмайди.

Ҳавонинг намлигини (%) психрометр кўрсаткичига қараб аниқлаш

Курук термометр кўрсаткичи	Хўлланган термометр кўрсаткичи °C																
	0	0,5	1	1,5	2,0	2,5	3,0	3,5	4,0	4,5	5,0	5,5	6,0	6,5	7,0	7,5	8,0
0	100	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
0,5	90	100	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
1	81	90	100	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
1,5	72	81	91	100	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
2	64	73	82	91	100	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
2,5	56	65	74	82	91	100	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
3	50	57	68	74	83	91	100	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
3,5	45	51	58	67	75	83	92	100	—	—	—	—	—	—	—	—	—
4	36	44	52	59	67	75	84	92	100	—	—	—	—	—	—	—	—
4,5	30	37	45	53	60	68	76	84	92	100	—	—	—	—	—	—	—
5	25	32	39	46	54	61	70	76	84	92	100	—	—	—	—	—	—
5,5	20	27	34	40	48	55	62	70	77	85	93	100	—	—	—	—	—
6	18	21	28	35	42	49	56	63	70	78	85	93	100	—	—	—	—
6,5	—	16	23	29	36	43	50	58	64	71	78	86	96	100	—	—	—
7	—	12	18	24	31	37	44	51	57	65	71	78	88	92	100	—	—
7,5	—	—	14	20	26	32	39	45	52	59	65	72	79	86	93	100	—
8	—	—	—	16	22	28	34	40	46	54	59	65	72	79	86	93	100

Кишининг биринчи ярмида асаларичи арихонага бир ойда бир-икки маротаба келиб, арилардан хабар олиб кетади. Кишининг биринчи ярмида арилар ўзларини тинч тутадилар. Кишлаш мавсумининг иккинчи ярмида ариларнинг орқа ичакларида тўплланган ахлат кўпайиб бориши ҳамда мумкатақ рамкаларда куртчалар пайдо бўлиши билан арилар безовталана бошлади. Бундай пайтда асаларичи ҳар ойда уч-тўрт маротаба арихонадан хабар олади. Баҳор яқинлашиб, ердаги корлар эрий бошлиши билан ҳафтасига икки маротаба, февраль ойининг охири ва март ойининг бошида ҳар куни хабар олинади. Бунда ариларнинг озиғи текширилади, озукаси камларига озуқа берилади, кучсиз ари оиласларига қўпимча иссик тутадиган ёстиқчалар қўйилади, уя тешикчалари кичрайтирилади, она ариси йўқ оиласлар она ариси бор оиласларга кўшиб юборилади. Арихонадаги камчилик ва баҳорда дастлаб бажариладиган ишлар арихона журналига ёзиб борилади.

Агар ари уясида ҳарорат меъёрида бўлишига қарамасдан арилар товуш чиқараётган бўлсалар, арилар нимадандир безовталаниб, муваффакиятсиз кишкаётган бўладилар, асаларичи дарҳол ҳамма ари оиласларининг қандай товуш чиқараётганига кулоқ солиб (ёки апескоп аппарати ёрдамида) текширади. Мабодо ҳамма ари оиласлари баланд товуш чиқараётган бўлса, у холда мумкатақ рамкаларда колдирилган асал озиғи котиб колган бўлади. Буни билиш учун симнинг учи илмок килиб букилади ва уянинг тагига тушган ахлатлар уя тешигидан ўша букилган илмоқли сим ёрдамида сидириб қоғозга туширилади. Ахлат орасида шакар заррачалари бўлса, асал озиғи котиб қолган бўлади. Бундай ҳолларда арилар ғуж бўлиб жойлашган мумкатақ рамкаларнинг устига кичкина ёстиқча ҳўллаб қўйилади ёки консерва банкага 150–200 мл сув кўйилиб, унинг оғзига бўз латта маҳкам бойланади ва тезда тўнтариб қўйилади.

Тез котишга мойил бўлган асалларга пахта, каноп, рапс, оқ курай, горчица ҳамда курукгарчилик йиллари кунгабокар ўсимликлардан олинадиган асалларни мисол килиб кўрсатиш мумкин. Шунинг учун бундай ўсимликларнинг асаллари ҳаво ҳарорати ўзгарганда тез котишга мойил бўлишини хисобга олиб, асалли рамкаларни ҳаво ҳарорати бир хил хоналарда саклаш керак.

Қандайдир сабабларга кўра котиб коладиган ва сифатсиз асал қишлишга колдирилган бўлса, арилар безовталанмасдан ҳамда ичкетар қасалига учрамасдан олдинрок 1 кг шакарга 1 л сув қўшилиб, шакар шарбати тайёрланади. Шу шарбатдан банкаларга 0,5–1 л қуиилиб, оғзи буз билан беркитилади ва тўпланган арилар рамкасининг устига тезда тўнкариб қўйилади. Агар шакар шарбати қуюклаштирилса, латта юзасини қуюк шакар коплаб, арилар сўра ололмай колади. Шакар шарбати 2–3 ҳафтада бериб турилади. Лекин арилар бундай йўл билан мумкатақ рамкаларда жамғарилган асал бўлмаган тақдирдагина бокилади.

Бундан ташкари, ариларнинг озиғи тугаб колганда ёки озиқнинг сифатсизлигидан арилар безовталангандага қанд упасини сифатли тоғ асалига кориштириб хамирсимон озиқ тайёрланади ва қиши фаслининг ўртасида, эрта баҳорда антибиотикили озиқ бериш вактида берилади. Хамирсимон озиқнинг афзаллиги шундан иборатки, уни кундузи таркатса ҳам бўлади, қўшни уяларнинг арилари ўғирликка кирмайди. Бу озиқ 0,5–1,0 кг ли бўлаклар кўринишида, ариларнинг кучига караб тайёрланади. Ҳар битта оиласга қофозга ўраб, қофознинг 5–6 жойидан тешиб, арилар тўдасининг устига 2–3 см қалинликда оби нон кўринишида қўйилади ёки кўзларининг ўлчами 3Х3 мм бўлган тур устига қўйса ҳам бўлади.

Ўзбекистоннинг иклим шароитини эътиборга олиб, хамирсимон озиқни 3:1 нисбатда, яъни 3 кг қанд упасига 1 кг сифатли тоғ асалидан қўшиб тайёрланади. Бу масса бир хил кўринишига эга бўлган, кўлга ёпишмайдиган аралашма хосил бўлгунча яхшилаб аралаштирилади. Бундан ташкари, ҳар 10 кг қанд упасига 200 мл қайнок сув ҳамда 70–80%ли сирка кислотасидан 3 грамм қўшилади. Шундай тайёрланган озиқни арилар инчаларига қўйиб, қайта ишламасдан тўғридан-тўғри истеъмол киладилар. Ўлчаб олинган тоғ асали сув ҳаммомида 50–55°C гача иситилади, асал суюлиб, унинг таркибидаги шакар заррачалари тўлиқ эригунча колдирилади. Суюлтирилган асалга ўлчангандаги сув ҳамда сирка кислотаси қўшилади.

Арилар қуйидаги холларда ҳам безовталангандаги товуш чикаради:

1. Кучли ари оиласлари офтоб чикқан кунлари ҳарорат бир оз кўтарилиши билан, бундай оиласлар қалин иссик ту-

тадиган ёстикчалар билан ўралган бўлса, ёстикчалари олиниб, бир оз енгиллаштирилади ёки бутунлай олиб ташланади ҳамда ҳаво алмашиш тешикчалари каттарок очилади.

2. Кучсиз ари оилалари меъёрдаги ҳароратда совигани пайқалганда бундай оилалар кўшимча иссик тутадиган ёстикчалар билан иситилади ва ҳаво алмашиш тепикчалари кичрайтирилади.

Ари уяларига сичкон кириб қолганда, сичкон кирганини тешикчасидан келаётган сичкон ҳидидан, уянинг тагига тўкилган ахлатлар ичида сичкон ахлати борлигидан билиши мумкин. Сичконлар буғдой, арпа, сули каби донларни маргумушда заҳарлаб, ари уясининг таг кисмига бирор идишга солиб кўйиш йўли билан йўқотилади ёки уянинг ари кирадиган тешикчаларига сичкон кирмайдиган маҳсус мосламалар кокилади. Булардан ташкари, ариларнинг уялари, ари кирадиган тешиклар куёп нуридан тўсиб қўйилади.

Ариларни оқсилли озиқ билан таъминлаш

Арилар гулчангдан ҳаёт учун зарур бўлган оксил, ёғ, минерал тузлар, ҳар хил витаминларни оладилар. Шунинг учун арилар гулчанг билан озиқланганда кўп қуртчаларни тарбиялаб ўстиради, кўп мум ажратади ҳамда бошқа ишларни бажарипда харакатчан бўлади.

Арилар, биринчи навбатда, янги келтирилган гулчангларни истеъмол қиласи ва ундан кейингина мумкатақ инчаларида жамғарилган гулчангларни истеъмол қиласи. Эрта баҳорда ариларга оксил озиғи етишмаслиги натижасида қуртчаларни кам бокиб тарбиялайдилар, чунки қайрагоч, кокигул, терак, ўрик, олхўри ва бошқа йўл четига экиладиган дарахтлар гуллайдиган пайтда ёмғир-кор кўп ёғади. Баҳорда арилар қуртчаларни жадал тарбиялаши учун ҳар қайси ари оиласини ўтган йили кузда ички ҳажмини кишлишга тўплаш вактида 2–3 та мумкатақ рамкаларда гулчанг қолдирилиши керак. Арилар шу қолдирилган гулчангларни февраль ойидан бошлаб истеъмол кила бошлайди. Эрта баҳорда доимо гулчанг етишмайдиган жойларда, ёз мавсумида ариларни текшириш вактида гулчанг кўп мумкатақ рамкалар бўлса, уларнинг ичидан қуртчалари йўкларидан 1–2 таси танлаб, арилар билан копланган рамкаларнинг энг четига олиб қўйилади. Гулчангига

бор мумкатақ инчаларни арилар гулчанғ билан түлдиради, узок сақлаш учун устига асал қүйіб, юпқа мум парда билан бекитиб құяды. Гулчанги бор мумкатақ рамкалар олинган жойига янги мумпарда ёпиширилған рамкалар қўйилади.

Кузда ари оиласининг ички ҳажмини кискартириш вактида тўлик гулчангли рамкалар ажратиб олиниб, улар асалли ва буш мумкатақ рамкалардан ташкари алоҳида $+2^{\circ}$ дан то $+8^{\circ}$ гача ҳароратли жойда сакланса, гулчанғ тарки-бидаги фойдали озик ҳамда витаминалар яхши сакланади. Буш мумкатақ рамкаларга эса совук таъсир килмайди, ҳарорат 8° дан паст бўлгандага эса уядаги мум куяси куртчалари ривожланмайди ва бутунлай кирилиб кетади.

Гулчангли ва асалли мумкатақ рамкалар зич ёпиладиган алоҳида қутилар ёки буш уяларда сакланади.

Гулчанг инчаларда ортикча намлиқ ҳамда куруқ хаво таъсиридан тез бузилиб, моғор босади ва арилар уни истеъмол килмайди. Шунинг учун ҳам гулчангли мумкатақ рамкалар сакланадиган яшиклар, қутилар зич ёпиладиган бўлиши лозим. Зич ёпиладиган идишнинг ичидаги ҳарорат ўзгармайди ва гулчанг яхши сакланади.

Мумкатақ инчаларга канд упаси сепиб қўйилса, гулчанг нам таъсиридан бузилмайди. Баҳорда эса бундай гулчангли мумкатақ инчаларга сув пуркаб турилади. Арилар аввал канд упасини, сўнгра гулчангни истеъмол килади.

Гулчангли мумкатақ рамкаларни уяларга тарқатишда улар чеккадаги куртчали рамкалар ёнига такаб қўйилади.

Оиласининг тез ривожланишини таъминловчи озиклар

Арилар уяларига даладан келтирилған шарбат ҳамда гулчанг оиласида куртчаларнинг ривожланиши учун омил (замин) хисобланади. Аммо ари оиласарини асосий шарбат тўплашга тайёрлаш даврида шарбат ажратувчи гуллар бўлмаса, кўпинча ҳар 3–5 кунда бир маротаба 1 кг шакарга 1 л сув аралаштириб тайёрланган шакар шарбати билан озиклантириб турилади. Маълум вактдан кейин ариларнинг учиш қобилияти тезлашади ҳамда куртчаларни етиштириш жадаллашади. Шунинг учун бундай пайтда оиласида етарли (8–10 кг) озик бўлиши керак.

Тайёрланган шакар шарбати целлофан халтачаларга қўйилади, халтачанинг оғзи дазмол билан ёпиширилади ва 3–5 жойига игна санчиб қўйилади. Арилар зарур пайтда шарбат билан озиқланиб, етишмаган озиқ миқдорини тўлдиради. Шакар шарбатига ариларнинг танасига енгил сўриладиган, таркибида оксил ҳамда витаминалар бор бўлган нон хамиртуруши ёки пиво хамиртурушини қўшиб берилса ҳам бўлади. Янги тайёрланган нон хамиртурушидан 250 грамми олиниб, 0,5–1 л шакар шарбатида яхшилаб аралаштирилади, кейин уни идишдаги кайнатилаётган шакар шарбатига қўшиб юборилади ва кайнатиш натижасида ачитки замбуруғлари ўлган 5% ли шакар хамиртурушли озиқ тайёр бўлади. Куритилган нон хамиртурушидан ҳўлига нисбатан 4 маротаба кам, яъни 60–65 грамм олиниб, ним ширин сувда эритилиб, бир сутка давомида илик жойда ушлаб турилса, хамиртуруш замбуруғлари (бактериялар) тез ривожланиб кўпаяди. Тайёр бўлган хамиртурушли суюклик шакар шарбатига қўшиб қайнатилади ва совиганидан кейин ариларга берилади.

Табиатда гулчанг берадиган ўсимликлар кам бўлиб, ари оиласи ичидаги мумкатақ рамкаларда ҳам жамғарилган гулчанглар тугаб колган бўлса, ариларни қўйидаги оксил аралашмаси билан боқиш мумкин. Уч кисм ёғи олинган соя донининг уни, бир кисм ёғи олинган сут ва бир кисм пиво ёки нон хамиртурушидан тайёрланган озиқ (Гайдак аралашмаси). Агарда куртчаларни 100% десак, шундан 65%ини арилар оксил аралашмаси билан бокади. Бундай хамирсимон оксилли аралашма қўйидаги нисбатда тайёрланади: асал – 22%, канд уласи – 64%, пиво ёки нон хамиртуруши – 5%, гулчанг – 5%, сув – 4% ва сирка кислотаси – 0,04%. Бу озиқ эрта баҳорда, об-ҳаво ёмон пайтларда арилар ўсимлик гулларидан гулчанг келтирмайтган пайтда берилса мақсадга мувофик бўлади.

Ариларга соғломлаштириш озиғи бериш. Арилар касалланмаслиги учун уларни соғломлаштириш озиғи билан боқиш катта аҳамиятга эга. Бундай озиқ арилар касалланмасидан олдин берилади. Мисол учун, ўтган йили ариларнинг чириш ёки нозематоз касали билан касалланган бўлса, у ҳолда шу йилги мавсумда ари оилаларига оксилли озикка дори қўшиб бериш зарур.

Хамирсимон озиқнинг ҳар килограммига 1–2,5 млн. бирлик хисобида биомицин, тетрациклин, стрептоцид дориларидан кўшиб ариларга берилса, улар чириш касаллигидан холи бўлади. Кўрсатилган дориларнинг қайси биридан қанча кўшиш кераклигини хўжалик ветеринар врачи айтади ёки дорини аннотация варагида ёзилган бўлади.

Арихонадаги арилар нозематоз касаллиги билан кучли зааралланган бўлсалар, у холда озиқнинг 1 килограммига 4–8 г фумагиллин (канча микдорда кўшилиши арилар қай даражада хавфли касалланганлигига караб аникланди) кўшиб берилади.

Ари оиласирига соғломлаштириш максадида берилган асал ва канд упасининг аралашмасидан тайёрланган ва дори кўшилган хамирсимон озиқнинг 1 килограммини кучли ари оиласари 7–10 кун давомида истеъмол килиб тугатади, демак, шунча кун давомида арилар даволанади. Арилар хаётида сув ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар йил давомида сув истеъмол килади, аммо баҳорда кўп сонли куртчаларни тарбиялаб етиштираётган вактда кўпроқ сув истеъмол килади. Она ариси бир суткада 1200–1600 тагача тухум кўядиган – ўртacha кучга эга бўлган ари оиласи кунига 40–50 грамм сув истеъмол килади. Табиатда шарбат ажратувчи ўсимликлар бўлмай колган иссик кунларда арилар уясига 200 граммгача сув келтиради. Келтирилган сувнинг кўп кисми уянинг хароратини меъёрига келтириш учун сарфланади. Ўсимликлар гуллаб, арилар уяларига шарбат келтира бошлишлари билан ариларнинг уяларига сув келтириши камаяди. Агарда табиатдан кучли шарбат келиб турса, у холда арилар уяларига бутунлай сув келтиришни тўхтатади, чунки улар шарбат таркибидаги сувнинг хисобига ўзларининг сувга бўлган талабини қондиради.

АСАЛАРИЧИЛИК ЖИҲОЗЛАРИ ВА МОСЛАМАЛАРИ

Ари уяларига қўйиладиган асосий талаблар ва ари уясининг тузилиши

Арилар табиатда ўрмонларда дараҳт кавакларида яшаб ривожланиб кўпайганлар. Ҳозирги кунга қадар, яъни ари оиласарини кисмларга бўлинган уяларда бокилгунча улар ҳар хил турдаги ёғоч ва саватдан ясалган уяларда яшаганлар.

Шунинг учун ҳам асалариларни яшаш ҳолатини табиатдаги ҳолатига яқинлаштириш максадида ёғочдан ясалган уяларда ари ушлаш – бокиш анъанага айланган. Аммо бошка материаллар, яъни пластмасса, полизтилен, пенопласт каби уяларда ҳам ари бокиш тажрибалари амалда кўлланилмоқда.

Асалари уяси қурук, иссик ҳамда кишлаш вактида ва ёзда ҳаво алмашиш учун тешиклар билан таъминланган бўлиши керак. Ҳар кандай уя турида уя девори билан рамкаларнинг ён тарифидаги тахтачалари ўртасида 7,5 мм рамкани тепа елкасидан устки кават рамкаси ўртасида 8 мм гача бўш жой бўлиши керак.

Ари уяларини давлат стандарт намуна талабларига кўра алоҳида кўрсатилган ёғоч тахталардан, яъни ёғсиз ва ширасиз қарағай, арча, ель, пихта, кедр, жўка, қайрағоч дараҳтлари ёғочларининг намлиги 15% дан ошмаган ёғоч тахталардан тайёрланади.

Уянинг тахталари бир-бирига ёпиштириш учун сувга чидамли ширарчдан фойдаланилади, уянинг қопкоқ ва таг кисмларини алоҳида калинликдаги ёғочлардан тайёрланади. Уя ташки тарифдан алиф мойи билан мойланади. Уянинг бурчакларига мустаҳкам бўлиши учун букилган тунука тизимчаси кокилади. Уянинг қопкоқ кисми тунука билан копланади.

Уянинг тузилиши.

Уянинг тузилишига асосий кисмлардан 1 та ёки бир неча уя каватлари, қопкоқ ости кисми, қопкоқ таг кисми, ари ке-

либ күнадиган тахтаси, уя ичидаги тўсқич тахтаси, катта хажмдаги рамка ва кўшимча қават ярим рамкасидан ташкил топади.

Копқоқ қисми: бу қисм уяни ҳар кандай ҳаво шароитида намлик, ёмғир, корлардан саклайди. Копкоқни ён тарафидаги тахталарда ҳаво алмаштириш тешиклари бўлади.

Уянинг асосий қисми: бу қисм ҳудди кути кўринишига эга бўлиб, 4 тарафга эга. Бу кути ичига ариларни асосий оиласи жойлашади. Уянинг тузилишига караб 10 тадан 20 тагача рамка сифиши мумкин. Уяни олди деворида ари кирадиган ҳамда ҳаво алмашишга мўлжалланган тешиклари бўлади. Таг қисми ажраладиган бўлиб, тўрсимли рамка билан копланган. Таг қисми олди тарафидаги тахтасини бир оз олдига чиқариб арилар келиб кўнадиган майдонча ясалади.

Агар уянинг таг қисми ажратиб олинадиган бўлса, у холда арилар кирадиган тешикчаси олдинги деворни энг пастки тахтасини киркиб ясалади.

Копқоқнинг остики қисми: бу қисм унча қалин бўлмаган 20 см ли тахтачалардан тайёрланиб, уни асосий қисм ёки кўшимча қават устига қўйилади. Бу қисмни қўйишдан мақсад копкок остида, ёстикчалардан фойдаланмасдан арилар бемалол юришига замин яратилади.

Кўшимча қават: бу қават билан ҳамма турдаги уялар таъминланади. Кўшимча қаватни – ичидаги ракамлар асосий қават ракамларидан анча фаркланиб, баландлиги 145 мм ни ташкил қиласи. Кўшимча қаватнинг қисмларини керак бўлмаган вактда 2 таси бир-бирига уланиб, уянинг асосий қисмини ташкил килиши мумкин. Арилар қишлаш вактида кўшимча қаватларни асосий қават уясига қўйиб, уни ичига иситкич ёстикчалари жойлаштирилади.

Кўшимча қаватнинг тепа тарафида рамкаларни қўйишга мўлжалланган ўйилган маҳсус жой бор. Кўшимча қават асосий қаватда зич жойлашиши учун ҳам ўйилган жой бор.


Рамкаларнинг тузилиши: уяларнинг ичига қўйиладиган мум пардали ёки мумкатакли рамкаларни тепа тарафи 37 мм ли, пастки қисми тепа елка ён қисмлари 25 мм ли рамкалардан тайёрланади. Рамкани 1 та пастки ва 2 та ён қисмлари бўлади. Тепа елка қисмининг узунлиги 470 мм, ён қисмининг баландлиги 290 мм, тепа елка қисми қалинлиги 22 мм, 2 та

ён кисми пастки қисми билан биргаликда 435 мм ни ташкил килади. (40-расм)

Ён ва пастки кисмининг қалинлиги 8–10 мм га teng.

Кўп қаватли уялар рамкаларининг ҳажми 435x230 мм га teng бўлиб, ён тарафидаги кисмни баландлиги 230 мм ни ташкил қилади.

Тўсқич тахта: бу кисм тепа елка ва 2 та ён кисмiga тахтачалар тулаштириб тайёрланади, ён елкаларига қокиладиган тахтачаларнинг қалинлиги 15 мм га teng. Тўсқичнинг эни ва бўйи уянинг ички ҳажми кенглигига teng бўлади (41-расм).




41-расм. Ари уяларига қўйиладиган рамкалар тузилиши (ҳажм кўрсаткичи mm да).

а – кўп қаватли ари уясининг рамкаси; б – ари уясининг стандарт рамкаси; в – кўшимча қаватига қўйиладиган рамкаси.

20 рамкали ари уянинг қўшимча қавати билан тузилиши

Уянинг асосий кисми чўзинчок кутига ўхшаш бўлиб, таг кисми ажраладиган бўлади. Бу уянинг ичига 20 та катта ҳажмдаги 435x300 мм рамкалар сиғади. Уянинг ички ҳажми узунлиги ва эни 810 x 450x320 мм бўлиб, олди ва орка девор тахасининг қалинлиги 37 мм бўлса, ён деворининг қалинлиги 30 мм га teng. Олдинги девор тахтаси 4 та чизиксимон ари кирадиган 10–15 см ли баландлиги 1 см ли тешикларга эга. Олдинги девор тагидаги таг кисмидан 20 мм чиккан арилар келиб қўнадиган тахтача майдонидан иборат.

Бу уя асосий қисмининг устига қўйиладиган қўшимча қисмнинг баландлиги 165 мм га тенг бўлиб, унинг ичига 435x145 мм ли кичик ҳажмли рамкадан 20 та сиғади (42-расм).



42-расм. 20 та рамка сиғадиган ётиқ ари уясини қўшимча қавати билан тузилиши:

а – уянинг кўндаланг кўриниши; б – уянинг олди тарафидан узунасига кўриниши:

1 – уянинг таг тахтаси; 2 – ари келиб қўядиган темирли тиркама;

3 – ари кирадиган тешикни суриб ёпишга мўлжалланган мосламаси;


4 – ари келиб кўнадиган тахтаси; 5 – уянинг тепа қисмидаги ари кирадиган тешиги ёпкичи; 6 – уянинг ичига қўйиладиган катта ҳаждаги рамка; 7 – қўшимча қаватига қўйиладиган кичик рамка; 8 – копкок ости қисми. Уянинг копқоғи. 9 – копкок қисмидаги хаво алмашиб тешиги;

10 – ари уясининг асосий қисми.

20 та рамкали уянинг ичидаги асосий оилани ён тарафини зич тўсиб, чўнтақда яна қўшимча оила ушлаб, асосий шарбат тўплаши даврида оилани кучли килиш учун қўшиб юборилади. Кузда эса шу ташкил килинган асосий оиланинг ён тарафидаги кичик бўлимида жамғарилган она ари сакланиши мумкин. Бу уяни ясаси учун биринчи навли ёғочдан $0,211\text{m}^3$ михдан $0,73\text{ kg}$, зангламайдиган тунукадан 10 kg , 3 mm ли симтўрдан $0,52\text{ m}^2$, ок бўёқдан $0,35\text{ kg}$, темир мустаҳкамлагичдан 5 kg , алиф ёғидан $0,43\text{ kg}$, крамкадан, рангли бўёқдан 1 kg , мелдан $0,1\text{ kg}$ ишлатилади.

Үн олтита рамкали ари уясининг қўшимча қавати билан тузилиши

Бу уя 16 та катта ҳажмдаги 435×300 мм ли рамка-га мўлжалланган бўлиб, унинг устига кичик ҳажмли 435×145 мм ли қўшимча қават рамкасидан ҳам 16 та қўйилади. Уянинг таг кисмидаги тахтаси 35 мм ли бўлиб, унинг асосий кисмга кокилганда уянинг олди тарафига ари келиб қўниши учун 35 мм ли чикариб қокилади. Олди ва орка деворлари 40 мм, ён деворлари 30 мм бўлиб, уянинг ва қўшимча қаватининг ички ҳажми 615×450 мм ли, баландлиги эса 320 мм, қўшимча қаватининг баландлиги 165 мм ни ташкил килади. Уянинг олди тарафига пастки ва устки ари кирадиган тешикчалари бўлиб, уянинг тўлик кисмига тўскич тахтаси ҳам киради. Қўшимча қаватни тахталарини қалинлиги ҳам асосий қават тахтасига ўхшаш бўлиб, 40 ва 30 мм ни ташкил килади. Уя 25 мм ли тахтадан ясалган копкок ости кисм билан таъминланган, копкок кисми 15 мм ли тахталардан ясалиб, ён кисмлари асосий деворлардан 20 мм чиқиб




43-расм. 16 рамка сигадиган ари уясини қўшимча қавати билан тузилиши:

- 1 – уянинг асосий қавати; 2 – уянинг асосий кисмига қўйиладиган катта ҳажмдаги рамка; 3 – тўскич тахтаси; 4 – уянинг қўшимча қавати;
- 5 – қўшимча қават рамкаси; 6 – копкокнинг ости кисми; 7 – уянинг копкок кисми; 8 – ари кирадиган пастки тешиги ёпқичи; 9 – ари уясининг ари кирадиган тела тешигининг ёпқичи.

туради. Қопкоғи тунука билан копланган. Қопқоқнинг ички тарафидан ҳаво ўтиб туриши учун 30 мм ли тўр қокилган. Ён тарафида ҳам ҳаво кириб турадиган тепикчаси бор (43-расм).

Ўн иккита рамкали ари уясининг иккита қўшимча қавати билан тузилиши

Бу уя асосий кисмининг ички ҳажми 450×450 мм ли 12 та 435×300 мм ли рамкаси, 2 та қўшимча қавати ҳамда қопқок остики ва қопқок қисмдан ташкил топади. Таг кисми ажратиб олинадиган килиб ясалган. Олдинги деворига ари келиб



44-расм. Ўн иккি рамкали ари уясини иккита қўшимча қавати билан тузилиши:

- 1 – уянинг ажralадиган таг кисми сурilадиган симтўрли кисми;
- 2 – уянинг 2 та асосий кисми; 3 – 2 та қўшимча қавати; 4 – горизонтал жойлашадиган тўскич тахтаси; 5 – уянинг қопқок остики кисми; 6 – уянинг қопқок кисми; 7 – асалариларга озука берадиган идиши; 8 – қўшимча қават рамкаси; 9 – уянинг асосий кисмига кўйиладиган рамкаси;
- 10 – варроатоз канасига карши курашиш мосламаси.

кўнадиган 20 мм ли тахтача қоқилган. Замонавий уяларда ворроатоз канасига қарши курашиш мақсадида уянинг таг кисмига тўр сим қоқилган. Бу махсус кисм уяни орқа томонидан таг кисмига кийгизилади. Уянинг асосий, қўшимча ва таг қисмлари 37 мм ли тахтадан ясалган. Олдинги деворининг тепа тарафида ҳам ари кириши учун тешикчаси қархисида узунасига ҳаво кириши учун сим тўр қоқилган. Сотиб олувчиларнинг талабларига кўра уянинг устига 2-қаватини ҳам ясаб беринг мумкин (44-расм).

Икки қаватли уянинг қўшимча қавати билан тузилиши



Бу уя икки қаватдан ташкил топиб, ҳар бир қаватига ўта кичик ҳажмли, яъни 435×230 мм ли рамка ҳамда 3 та қўшимча қаватига 30 та 435×145 мм ли кичик рамкалар сигади. Бу уя унча асал кўп бўлмаган районларда жуда қулай келади, чунки 2 та асосий қаватининг устида асал тўплаш учун 3 та қўшимча қавати бор. Ариларни ривожлантиришта эса 2 та асосий қисмдаги 20 та рамка етарли бўлади. Агарда ари оиласи ўта кучли бўлса, у ҳолда 3-қаватни қўйиб фойдаланилса бўлади.

Уянинг таг кисми алоҳида ажратиб олинадиган бўлиб, 35 мм ли тахтадан ясалган ҳолда олди тарафида 10×250 мм ли ари кирадиган тешикчаси бор. Бу тешикчани бир оз очиш ёки бутунлай ёпиш мумкин. Ворроатоз канасига қарши курашиш мақсадида таг кисмига тўр сим қоқиб мослаштирилган. Асосий ва қўшимча қисмлар деворлари 35 мм ли бўлса, копкок ости кисмининг девор калинлиги 25 мм га teng. Ҳар кайси қават кисмida 1 тадан 10×120 мм ли ари кириши тешикчаси бор.

Копкок остки кисмининг девор баландлиги 80 мм. Бу уянинг жамланган кисмига рамкалар устига 3 литр шарбат сигадиган ҳажми / $440 \times 360 \times 30$ мм/ ли ёғоч идиш ҳам киради.

Қопкоғи текис 10 мм ли тахта билан қоқилган бўлиб, унинг ҳажми / 520×445 мм/.

Уяни ясаши учун биринчи навли тахтадан 0.22 m^3 , мих 1,1, кг занкламайдиган тунука 5 кг, симтўр 2×3 мм ли 0.26 m^2 , темир мустаҳкамлагич 5,2 кг, алиф мойи 0,5 кг, ок бўёк 0,54, каттиқ бўёқ 0,09 кг, мел 0,06 кг керак бўлади (45-расм).




45-расм. Икки қаватли ари уяининг күшимча қаватлари билан тузилиши:

1 – уяининг таг кисми; 2 – уяининг асосий қавати (2 дона); 3 – катта ҳажмдаги стандарт рамка; 4 – күшимча қават кисми; 5 – күшимча қават кисмининг рамкаси; 6 – копқок остки кисми; 7 – тўсқич; 8 – озука бериш идиши; 9 – копқок кисми.

Ўн рамкали уяининг күшимча қавати билан тузилиши

Бу уяининг жамланган кисмига ажратиладиган таг кисми 10 тадан рамка кетадиган 2 та кисм, рамканинг ҳажми 435×300 мм ҳамда 2 та кичик ҳажмли 435×145 мм ли рамка сиғадиган күшимча кисм ва копқок остки кисмдан ташкил топиб, уяининг ички ҳажми 450×375 мм, баландлиги 320 мм. Девор ва таг кисми тахтасининг қалинлиги асосий ва күшимча кисм 35 мм. Копқок остки кисмининг девор қалинлиги 25 мм. Уяга ворроатоз канасига карши курашиш мосламаси ўрнатилган (46-расм).

Мосламани уяининг таг кисмига орка томонидан жойлаштирилади. Копқок кисмининг тузилиши худди 2 қаватли уяининг копқок тузилишига ўхшаш.



46-раси. Ўн рамкали икки қаватли ари уясининг қўшимча қавати билан тузилиши:


- а – Уянинг кўндаланг кўриниши; б – Уянинг узунасига кўриниши.
 1 – уянинг асосий кисми; 2 – қўшимча қавати; 3 – ариларни озиклантириш идиши; 4 – уянинг копкок кисми; 5 – қўшимча қават рамкаси; 6 – уянинг асосий кисмiga кўйиладиган рамкаси.



46-раси (б). Ўн рамкали икки қаватли ари уясининг умумий кўрининши.

Кўп қаватли ари уясининг тузилиши

Бу турдаги ари уяларига икки қаватли ва ундан ортиқ қаватлари бор ари уялари киради. Унинг тўлик қисмига 10 та /435x230 мм/ рамка сиғадиган 4 та қават қисми, копқок ва уянинг таг қисми киради. Уянинг таг қисми 35 мм ли 3 та тахтани бир-бирига ёпиштирилган қисмдан ташкил топган бўлиб, уя тагидаги қисмининг орка тарафи баланд, олди тарафи эса паст килиб ишланган. Унинг ари кирадиган тешигини беркитиб турадиган тахтаси бир йўла арилар келиб кўнадиган тахта вазифасини бажаради. Уя таг қисмининг олди тарафига 100 мм ли узунасига ва 8 мм баландлиги эса бўлган ари кирадиган тешикчаси бор. Уя қаватларини бир-бирига тушадиган деворлари 35 мм тахтадан ясалган. Ҳар бир қаватнинг олдинги девор тарафига ари кирадиган ва ҳаво алмашадиган думалок диаметри 23–25 мм ли тешиги бор.



47-расм. Кўп қаватли ари уясининг тузилиши:

- а – кўндаланг кесма кўриниши; б – узунасига кесма кўриниши.
1 – уянинг таг қисми; 2 – уянинг асосий қисми; 3 – рамкаси; 4 – уянинг копқок қисми; 5 – уянинг копқок остиқи қисми; 6 – уянинг ҳаво алмасиши тешиги; 7 – уянинг копқок қисми.

Қаватларининг ички ўлчами 375x450 мм ва баландлиги 250 мм. Қопкок кисми 5 та 20 мм ли тахтадан қокилган. Уянинг остики кисмига ҳаво алмаштириш роми (ариларни қўчиш вактида фойдаланилади) киради.

Қопкок кисмининг баландлиги 105 мм га teng. Уяни куриш учун 0,265 м³ тахта, 1,5 мих, 1,06 кг тунука, 0,2 м² 3х3 мм ли симтўр, 0,134 кг алиф мойи, 0,243 кг бўёқ мойи керак бўлади (47-расм).

Асаларичиликда ишлатиладиган жиҳоз, курол ва мосламалар

Асаларичининг маҳсус кийими.

Ари оиласини текшириш вактида улар безовталаниб чака бошлайди ёки кийим остидан кириб, ишлашга халақит берадилар. Мана шундай ҳолатлар юзага келмаслиги учун асаларичилар ўз иш қобилиятини ошириш маҳсадида маҳсус кийимларда ишлаши керак бўлади (48-расм).

Асаларичилар киядиган кийимлар енгил ва очик рангли матолардан тикилган бўлиб, улар ишлаш учун кулай ва кенг қилиб тикилади. Кийиладиган маҳсус кийимнинг енг уни ва бошқа кисмлардан арилар ўрмалаб кирмаслиги учун бўғиб кўйиладиган боғлагичи бўлади.



Асаларичининг
маҳсус кийими
(комбинзон)



Оддий ип тўрли
бошга кийиладиган
кийим.



Олди тарафидаги
ип тўри очиладиган
бош кийими.

Асал олиш вактида кийиладиган махсус кийимлар ўрнига халатдан фойдаланиш мумкин.

Бошга кийиладиган ип тўрли қалпок.

Бу қалпок арилар бош қисмни чакишдан ҳимоя килиш учун мўлжалланган бўлиб, уни рангли чит матодан ва кора рангли ип тўрдан (ип тўрнинг эни 500 мм, баландлиги 300 мм) тикилади. Қалпокнинг ҳамма қисми ип тўрдан тикилса, бизнинг шароитда ишлашга, кўришга ҳамда ҳаво алмашишга қулай бўлади.

Ип тўрли қалпоқнинг 2 та доира шаклидаги сим асосий қисми хисобланади. Тўр қалпоқнинг олди тарафи тепа қисмини резинали килиб, тўр пастга туширилади. Тўрли қалпоқнинг пастки қисмидаги бўйинни қисиб турадиган тасмаси бўлади (49-расм).

Тутатгич. Бу мослама ариларни тинчлантириш учун фойдаланилади. Бундан ташкари, тутатгич арилардаги касалликларга карши қурашишда ишлатилади. Мослама ташкини ва ички цилиндр шаклидаги қават қисмидан ташкил топиб, ички стакан шаклидаги цилиндр таг томонидан ҳаво ўтадиган тешикчалар билан таъминланган. Устки цилиндр қисмини копкоғида тутун чикадиган тешикча ва тумшукчаси бор (50-расм).



50-расм. Асаларини тинчлантирувчи тутатгич.


Арихона исказа-стамескаси. Бу мосламадан уялар каватини бир-биридан күчиришда, рамкаларни турган жойидан күзгатишда, уя таг кисмини тозалашда, рамкалардан прополис ва мумларни тозалашда фойдаланилади. Унинг ишлайдиган кисмлари ўткирланган бўлади. Арихона исказаси зангламайдиган пўлатдан ясалган бўлиб, ёғочдан дасталанган холда, унинг узунлиги 200 мм, кенглиги эса 45 мм бўлиб, оғирлиги 160 гр га тенг (51-расм).



51-расм. Арихонада фойдаланиладиган исказа (стамеска).

Рамкаларни тозалагич. Бу мослама мумкатаклари четларини мум ва прополис кисмлардан тозалашда фойдаланилади. Мослама кисмлари пўлатдан тайёрланган бўлади. Унинг узунлиги 16 см, кенглиги 11 см, баландлиги 15,5 см бўлиб, оғирлиги 600 гр га тенг.

Она ари қафасчаси. Бу қафасчани мутахассислар томонидан ясалган хар хил формаси бўлиб, бу мосламадан она арини вактинча ушлаб туриш ва бир жойдан иккинчи жойга жўнатиш ҳамда она арини янги оиласга ўтқазишида фойдаланилади. Мослама симли тўр ва зангламайдиган тунукадан тайёрланади. Тунукадан ясалган устки кисмига она ари ғумбагини осиб кўядиган илгак ясалган. Она арига бериладиган овкатни қафасчанинг пастки тарафидан ёғочдан ясал-



52-расм. Янги она арини оиласга ўтқазишида фойдаланиладиган қафасча.


ган кисмини ўйилган чўнкирчага солинади. Кафасчанинг эни 36 мм, калинлиги 28 мм баландлиги 58 мм бўлиб, оғирлиги 15 гр га тенг (52-расм).

Симтўрдан ясалган думалоқ она ари ўтказиладиган мослама. Бу мосламадан она арини оиласга ўтказишда фойдаланилади. Мослама атрофи оқ тунукадан ясалган бўлиб, устига симтўр тортилган бўлади. Мосламани мумкатак рамкага ёпишириладиган тарафида 3 та ўткир ўсимтаси бор. Думалок симтўр қафасини диаметри 141 мм, ён деворчани баландлиги 16 мм, ўткир учли ўсимтасини баландлиги 9 мм бўлади (53-расм).



53-расм. Сим тўрдан ясалган она арини оиласга ўтказадиган думалоқ қафас.

Панжарали тўскич оиласда она арини тухум қўйишини чеклаш мақсадида ва оилани тенг иккига бўлмоқчи бўлсангиз ёки бўлмаса она арини бир кунлик тухумини ажратиб олиша фойдаланилади. Панжарали тўскич оқ тунука ёки алюминийдан тайёрланиб, унинг хажми 448x250 мм, оғирлиги 250 гр га тенг (54-расм).




54-расм. Зангламайдиган тунукадан ясалган тўскич панжара.

Тозалагич куракча. Бу куракчадан уяларнинг таг кисмини тозалашда фойдаланилади. У зангламайдиган тунукадан ясалиб, ёғочдан дастаги бўлади. Куракчанинг узунлиги 230 мм, эни 80 мм, баландлиги 45 мм, оғирлиги 130 гр га teng.

Ариларга шарбат берадиган идиши. Бу мосламадан ариларга шакар шарбатини бериш вактида, ариларнинг озукаси етмай қолган пайтларида ёки сифатсиз озукани шакар шарбатига алмаштиришда фойдаланилади.

Ариларга энг кулай идиш ёғоч ёки фанердан тайёрланади. Асаларичиликда ёғочдан тайёрланган рамкага ўхшаган озука берадиган идиш кенг тарқалган. Бу идишнинг умумий кўриниши ва уни ичига 4 л гача шакар шарбати сифади. Арилар шарбатга чўкмаслиги учун унинг ичига ёғоч таёкчалар ташлаб қўйилади. Озука бериладиган идишнинг узунлиги 470 мм, эни 60 мм, баландлиги 220 мм бўлиб, оғирлиги 900 г га teng.

Асалари парваришлашда 1–3 литрли темирдан ёки пластмассадан ясалган, шарбат берадиган идишлардан хам фойдаланилади. Идишнинг устини майдада ёки пластмасса копкок билан ёпилади. Шарбат куйиладиган идишнинг узунлиги 360 мм, 257 мм, эни 185–245 мм, баландлиги эса 46–63 мм га teng бўлиб, уларнинг оғирлиги 0,5 ва 1,2 кг га teng (*55-расм*).



55-расм. Ариларни озукалантирувчи идишлар:

a – рамка шаклидаги озукалантириш идиши; *b* – рамкаларнинг устига кўйиб озукалантирадиган идиш; *c* – пластмассадан ясалган озукалантирадиган идиш.




*56-расм. Күч ариларини
ушлайдиган күти.*

Күч ариларни ушлайдиган күти. Бу кутидан күч ариларни ушлаш ва вактинча ариларни ушлаб туришда фойдаланиб, фанердан тайёрланади. Икки ён тарафдан очишга мўлжалланган. Кутичанинг тепа тарафида кўтариб юриш дастаси бўлиб, мана шу дастасидан күч ариларини ушлашда фойдаланилади. Унинг узунлиги 490 мм, эни 310 мм, баландлиги 220 мм бўлиб, оғирлиги 1250 гр га teng (56-расм).

Арихонада фойдаланиладиган пичоқ. Арихонада пичокларнинг хар хил турларидан фойдаланилади. Пичокни электр куввати ёрдамида, сув буғи ёрдамида ва қайнок сувда киздириб, асалнинг устидаги юпка мумпарда киркилади. Арихонада фойдаланиладиган умумий пичоқ занглашадиган пўлатдан тайёрланиб, киркадиган қисми пастки тарафдан чархланади. Бундай кўринишдаги чархлаш хисобига асал устидаги мумпардани киркиш енгиллашади. Пичокнинг киркадиган юзасининг узунлиги 200 дан то 250 мм гача, эни 30 мм, калинлиги 1,2 дан 1,5 мм гача бўлиб, хар битта асаларчиликда бундай пичоқдан 2 тадан 4 тагача бўлиши керак.

Арихона буғли пичоги. Бу буғли пичокнинг умумий арихона пичогидан фарки шундаки, буғли пичок бутун асал олиш вактида хароратни ушлаб туриши натижасида рамка-



*57-расм. Мумката инчали рамкалардаги асалли инчаларни
устидаги мумпардаларни кесишга мўлжалланган арихона
буғли пичоги.*

1 – сув қайнайдиган бачок (идиш); 2 – бачокка уланган трубкалар;
3 – буғли пичок; 4 – резина шланглар.



ларнинг инчаларини сурмасдан бир текис килиб киркишга мўлжалланган (57-расм).

Пичокниң кирқадиган кисми узунлиги 250 мм, қалинлиги 2,5 мм бўлади, орқа томонига буғ келадиган резина найча туташтирилади. Сув иситкич идишнинг диаметри 210 мм, баландлиги 215 мм, оғирлиги 1 кг га тенг.

Асалли мумкатақ инчалар мумпардасини қирқадиган бугли титраб турувчи пичоқ Бу пичокни қирқадиган ўткир кисми 2,5 мм қалинликдаги пўлатдан ясалган бўлиб, пичокни электр куввати ёрдамида (180 вт кувватли) электр мотор харакатга келтиради. 5 л сув кетадиган идиш газга кўйилиб, унданги сув буғи резина шланг ёрдамида пичокни киздириб, совиган буғли сув яна резина шлангда бирор бўш идишга кайтиб тушади. Доимо идишда сув бўлишини таъминлаб турриш керак. Резина шлангнинг узунлиги 3 м. Пичок узунлиги 340 мм, эни 165 мм, баландлиги 475 мм, умумий оғирлиги 15,5 кг га тенг (59-расм).



58-расм. Асал устидаги мумпардани қирқадиган электр пичоқ.




59-расм. Мумкатақ рамкалардан асал олишида фойдаланиладиган титраб турадиган бутли пичоқ:

Чапда: пичокни ишлатиш вақтида умумий кўриниши.

Ўнда: пичоқ тўпламининг умумий кўриниши.

- 1 – электрмотори;
- 2 – эксцентрик (пичокни титраб ишлатадиган ўки);
- 3 – пичоқ кисми;
- 4 – пичоқка буғ кирадиган найча (трубка) кисми;
- 5 – пружинаси;
- 6 – рамаси;
- 7 – пичоқдан буғ чикадиган найчаси (трубка);
- 8 – сув кайнайдиган идиш (бачок).



60-расм. Асални сузиш учун икки кисмли фильтр.

Күйиладиган фильтрни симтүр катакчалари 2 мм ли, пасткисининг симтүр катакчалар 1 мм ли бўлиб, устидаги фильтрда йирикрок мум заррачалари ва ўлган арилар тўпланса, пастидагисида эса майдарок заррачалар тўпланишига мўлжалланган. Фильтрга сурилиб кенгаядиган ва тораядиган мослама котирилган бўлиб, бу мослама ёрдамида фильтр асал солинадиган фляга ёки оғзи катта идишлар устига қўйиб фойдаланилади (60-расм).

Уя тешигини беркитадиган тўскич. Бу мослама алюминий ёки ацинковий тунукадан тайёрланиб, у котиб турадиган ва харакатланадиган кисмдан ташкил топади. Бу курилма ёрдамида ари кирадиган тешикчани катталаштириш ёки кичрайтириш мумкин. Ариларни кўчириш вактида тешикчасини бутунлай ёпиб кўшиш имкони ҳам бор. Унинг узунлиги 250 мм, эни 30 мм, қалинлиги 3 мм, оғирлиги 50 гр га teng (61-расм).




61-расм. Уянинг ари кирадиган тешигини беркитадиган тўскич.

Рамкаларнинг ён тарафини тешадиган мослама (диракол). Бу мосламадан рамкаларни ён тарафига тахтачаларни тешиша фойдаланиб, тешикчалардан сим ўtkазилади. 435x300 мм ли рамканинг ён тарафидан 5 та тешик тешилади: 435x230 мм ли рамканинг ён тарафидан 4 та тешик теши-

Асални сузиш учун икки қисмли фильтр. Мумкатақ инчали рамкалардан асални олиш вактида тушган мум заррачалари, прополис, ўлган арилардан тозалаш учун мўлжалланган бўлиб, бу фильтр икки кисмдан ташкил топади. Уни бир кисмiga иккинчи кисми зич тушиб туради. Устига

лади. Бу мослама бирорта кенг тахта ёки стол устига яхшилаб котирилиб, сўнгра ундан рамкаларни тешишида дастасини тепага-пастга кўтариб фойдаланилади.

Мосламанинг узунлиги 282 мм, эни 380 мм, баландлиги 65 мм бўлиб, оғирлиги 4,2 кг (62-расм).




62-расм. Рамканинг ён тарафини тешадиган мослама:

1 – мум парда ёпиштиришта мўлжалланган тахта (лекало); 2 – сим устидан юргизиладиган ғалтак; 3 – рамканинг ён тарафини тешадиган мосламанинг умумий кўрининиши.

Рамкага тортиладиган сим. Бу сим 0,5 мм ли пўлатдан ясалган бўлиб, темир ғалтакларда ўралган ҳолда 250–500–1000 г қилиб чиқарилади.

1 та 250 г ли ғалтакдаги сим 65 та 435x300 мм ли рамкага тортишга етса, 500 г лиги 130 та рамкага тортишга етади.

Мум ёпиштирадиган тахта (лекала). Бу мосламадан рамкаларга мум ёпиштиришда фойдаланилади. Бу мослама қалинлиги 18 мм бўлган тахтадан ясалиб, унинг тагига 2 та тахтадан 25–30 мм чиқиб турадиган оёққа кокилади. Тахтачанинг эни 260 мм, узунлиги 410 мм бўлади (63-расм).



63-расм. Сим тортилган рамкаларга мумпардани қўйиб ёпиштиришга мўлжалтанган мосламалар:

a – мумпардани қўйиб ёпиштирадиган тахта (лекала); *b* – лекаланинг устига мумпарда қўйиб сим тортилган рамканинг жойланишини кўриниши; *c* – мумпардага симни ёпиштирувчи фалтак; *d* – симни устига қўйиб суриб ёпиштирадиган мослама; *e* – симни устига бир йўла қўйиб босиб ёпиштирадиган тунукали пластинка.


Мумпарда сақланадиган яшик. Бу яшик қалинлиги 1,5 мм ли алюминийдан тайёрланади. Яшик устига темирдан копкор ясалган. Кутининг ички ҳажми узунасига 350 мм, эни 44 мм, баландлиги 350 мм бўлиб, оғирлиги 5,6 кг га teng. Кути ичига 5 кг ли 4 та бўлак ўрам мумпарда сифади.

Ворроатоз канасига қарши курашиш мосламаси (иссиклик камераси)

Бу курилма фанер ёки юпка ёғочдан узунлиги ва энига 750 мм, баландлиги 1200 мм бўлади. Иссиклик камера-сида ҳарорат электр иситкич ёки юкори вольтли лампочка ёрдамида 46–48 гача кўтарилади. Электр иситкичларнинг

куввати 1,5–2 кВт га тенг бўлиб, уни ўша мосламанинг пастки кисмига қўйилади (64-расм).

Иситкич камерасининг тепа тарафига 1,5 кг гача ари сигадиган 2,5–3 мм ли симтўр қафасга ўрнатилади. Симтўр қафасчанинг узунлиги 554 мм, айланаси 390 мм бўлиб, оғирлиги 0,5 кг га тенг. Симтўр қафасчага ариларни маҳсус воронка ёрдамида кокилади. Иссиқлик камерасининг таг кисмидан 450 мм баландликда 0,5x0,5 мм ли катакчалари бор симтўрдан маҳсус суриладиган ворроатоз канасини ушлаб колувчи тўскич тўсилади. Симтўрдан иситкич иссиғи бемалол ўтиб, тепага тарқалади.




64-расм. Ворроатоз касалига қарпи иссиқлик камераси ёрламида қураши мосламаси:

1 – иссиқлик камерасининг асосий кисми; 2 – арилар силкитилгандан кейин чикмаслиги учун ёпкич; 3 – мумкатақ рамка асаларилар билан; 4 – воронка; 5 – кассета.

Арихоналарда фойдаланиладиган мум эриткичлар. Мум маҳсулотини, асосан, эскирган мумкатақ инчаларни эритиб ёки бўлмаса арихонада тўпланган мумкатақ тилчалар ҳамда асални олиш вактида инчалар устидан киркиб олинган мумпардаларни эритиш оркали олинади. Мум маҳсулотларини мум эритиш заводларида олинадиган бўлса, юкумли касалликларини тарқалишига, мумкатақ инчаларни

заводда жұнатыш вактида йўлда мум күялари кўп инчаларни ишдан чиқариб, мум маҳсулотини йўқолишига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам мумкатақ инчаларни хўжаликлар арихоналарида эритиб олиш учун куйидаги мум эриткич курилмаларидан фойдаланилади.




65-расм. Кичик ҳажмли буғли мум эриткич.

Кичик ҳажмли буғли мум эриткич. Кичик ҳажмли буғли мум эриткич ташки ва ички баки, мум маҳсулотини соладиган атрофлари кўп теникчалардан иборат кассетаси, копкоғи, сув куядиган ўрни, икки ёнида ушлайдиган ўриндиғи, мум оқиб тушадиган жўмраги ва узун буғ кирадиган трубкадан ташкил топган (65-расм).

Арихона буғли мум эриткичи. Бу мослама ёрдамида рамкалардаги мумларни эритишда ҳамда ҳар қандай мум олишга ярокли бўлган мум парчаларини эритиш мумкин бўлиб, у ташки пўлат бак ва қопкок қисмдан ташкил

топиб, ички тарафида алюминийдан ясалган яшик билан таъминланган. Мум ва сувни тўкиш жўмрагига клапан ўрнатилган. Жўмрагига ўрнатилган клапанни мум эритувчи киши синчковлик билан кузатиб туриши керак, чунки бу клапан $0,2 \text{ кг}/\text{см}^2$ буғ босимига мўлжалланган бўлиб, буғ манометрини мўлжалланган кўрсаткичигача кизил белги кўйилади. Бундай мум эриткичдан арихонада шакар шарбатини тайёрлашда, сув иситишда, рамкаларни дорилашда фойдаланилса бўлади. Бу мосламанинг узунлиги 1000 мм, эни 800 мм, баландлиги 600 мм бўлиб, оғирлиги 72 кг га teng (66-расм).

Офтобда мум эриткич мосламаси. Ишга яроксиз рамкаларни ва арихонада тўпланган мум пардаларини эритиб сифатли мум олиш учун арихонада фойдаланилдиган офтобда мум эриткич мосламасидан фойдаланилади. Бу мослама худди кути шаклидаги кўринишда бўлиб, орка тарафидаги девори олдинги деворидан баланд бўлиб, устки тарафидан ойна билан зич килиб ёпилади. Мосламанинг ички тарафида 30–40 бурчакда бир томонга эриган мум оқадиган килиб, зангламайдиган ялтирок тунуқадан тўрт бурчак шак-




66-расм. Кагта ҳажмдаги мумкатақ рамкаларни жойлаштириб мум олишга мүлжалланган буғли мум эриткич: а – буғли мум эриткичининг умумий кўришиши; б – мум эриткичининг тузилиши:

1 – мум окиб тушадиган жўнраги; 2 – мум эриткичининг ташки қавати; 3 – буғ тақаладиган кисм; 4 – копқоги; 5 – копқок кисмининг резинали зичлагичи; 6 – ички қаватини ушлаб турадиган курилмаси; 7 – буғ кирадиган жой; 8 – кассета кисмининг кўл ушлагичи; 9 – копқоғининг кўл ушлагичи; 10 – мумкатақ рамка; 11 – кассета; 12 – ички қавати; 13 – касетанинг тўрли таг кисми.

лида ясалган мослама коқилади. Офтоб нури ойнадан ўтиб, кути ичидаги ҳарорат $80\text{--}95^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиганда мумкатақ инчалар эриб, окиб идишга тушади. Кути нам ўтмайдиган, иссик хаво чикиб кетмайдиган килиб зичланади. Кути айланадиган килиб мослаштирилган ва офтобни йўналишига караб керак тарафга бурилади. Таганрог заводи томонидан чикариладиган офтобда мум эритиш мосламасининг тахминий ҳажм кенгликлари қуйидагича бўлади: узунлиги 680 мм, эни 600 мм, орка деворининг баландлиги 380 мм, олди деворининг баландлиги 80 мм га тенг бўлади. Ҳаво ҳарорати 30°C иссик бўлган қуёшли ҳавода бу мослама ёрдамида 1 соатда 1 кг мум олиш мумкин (67-расм).

Мумкатақ рамкалардан асал оладиган мослама ва қурилмалар. Асаларичиликда асалли рамкалардан асал олиш ва асал устидаги юпка пардани киркиш ишлари анча кийин ҳамда машаккатли хи-




67-расм. Офтобда мум эриткич.

собланади. Мана шу ишларни бажаришида харажатларни камайтириш мақсадида юқори маҳсулдор иш бажаришга мұлжалланган буғли пичок, марказдан қочиш кучи таъсирида асал олиш мосламаси «мёдогонка», мумкатақ рамкалардан ариларни ҳайдайдиган курилмалар ва карбон кислотаси ҳамда бошқа курилмалардан фойдаланиб иш бажарылса, бажарилған иш унумли бўлади. Мутахассислаштирилган асаларичилик фермаларида асал олишда электр кувватида айланадиган мёдогонкалар, титраб турадиган пичок ёки буғли пичок, асални сузадиган мосламалардан фойдаланиб асал олинади.

Асалли рамкалардан ариларни ҳайдайдиган мослама

Бу мослама кўп қаватли уялардан асал олишда фойдаланилса жуда кулай бўлиб, уни асалли қаватлар билан асосий арилар ари куртчалари ҳамда она ари тухум қўяётган қаватлар орасига жойлаштирилди. Бу мосламада арилар устки қаватлардан факат пастки қаватларга ўта оладилар. Пастки қаватдаги арилар тепа қаватга ўта олмайдилар. Шундай килиб, асаларичини аралашувисиз асалли рамкалардаги арилар 1 сутка ичида пастки қаватга ўтиб кетадилар. Мослама оқ тунукадан ясалган бўлиб, майда-майда тунукачаларни тешикчаларига осиб кўйиладиган симли ўки бор. Унинг узунлиги 145 мм, эни 56 мм, баландлиги 11 мм, оғирлиги 40 г (68-расм).



68-расм. Кўп қаватли ари уяларидан асал олиш вақтида ариларни пастки қаватга ҳайдайдиган мослама.

Рамкалардан асал оладиган мослама-мёдогонкалар

Хозир асал олишга мұлжалланган мосламаларни хар хил турлари ишлаб чиқарылмоқда. Уларнинг ичига иккитадан то элликтагача рамка сиғади. Асал олиш мосламалари асаларичилик хўжаликларида арилар оиласининг сонига караб катта ва кичигидан фойдаланилади. Мумкатақ рамкаларда-

ги асал бу мосламада айлантирилиши натижасида марказдан кочувчи күч таъсирида инчалардан сачраб чиқади. Рамкаларнинг жойлашишига караб мосламалар хордиал ва радиал хилларга бўлинади. Хордиал асал олиш мосламасига мумкатақ рамкаларни асал олиш учун мосламанинг ички деворига рамкалар юза тарафи билан ёнлаб жойлаштириш эвазига факат мумкатақ рамкаларнинг бир тарафидан асал олиниб, сўнгра рамкаларнинг иккинчи тарафи рамканни ушлаб турувчи кассетани 180° гача буриш оркали олинади.


Энди радиал асал олиш мосламасига келсак, рамкалар мослама ўкига караб кўндаланг килиб, рамканинг елка қисми мосламанинг ички деворига қаратиб бир нечтаси, яъни 50 тагача жойлаштирилиб, мосламани ўз ўки атрофида айлантириш таъсирида мумкатақ рамкаларнинг иккала тарафидаги инчалардан асал сачраб чиқади ва бир йўла иш бажарилиши унумли бўлиб, хордиал асал олиш мосламасидан устун туради. Ҳозир радиал ҳамда хордиал йўналишда ишлайдиган асал олиш мосламаси чиқарилмоқда. Бундай мослама мёдогонкага 24–32 тагача магазин, яъни қўшимча қават рамкалари ёки 4–8 та катта ҳажмдаги рамкалар хордиал шаклда жойлашади. Асал олиш мосламаси умумий асосий бак қисми, кассеталарни енгил айлантирадиган ротор ҳамда темир тишли редуктор ва редуктор жойлаштириладиган устун, мосламанинг 2 та яримта ҳолдаги копкоғи ва асал оқизиш учун жўмрак қисмлардан ташкил топади. 50 та рамкага мўлжалланган радиал асал олиш мосламаси электр қувватида ишлашга мўлжалланган бўлиб, зангламайдиган пўлат тунукадан тайёрланса, колган кичик асал олиш мосламаси алюмин текис варақ (лист)дан тайёрланади.

Электр қувватидан ишлайдиган 20–50 та рамкага мўлжалланган радиал асал олиш мосламаси.

Бу мосламага бир йўла 435x145 мм ёки 435x230 мм ли мумкатақ рамкалардан 50 таси ёки 435x300 мм лигидан 25 таси сугади. 1 соат ичиди бу мосламада 75–150 та мумкатақ рамкадаги асални олиш мумкин бўлса, 8 соат иш вактида 2–3 т асал олиш мумкин. Бундай мёдогонка йирик арихоналарда, марказий участкаларда асал олишда фойдаланишга мўлжалланган. Бу ерга мумкатакларни арихоналардан машиналарда олиб келинади. Мослама редуктор билан таъминланган бўлиб, ўзи роторнинг харакатини автоматик

равиша бошқарыб туради ва 1 дакикада 86 дан 270 маротабагача айланиши мүмкін. 0,6 кВт ли электр күвватда ишлайдиган мотор асал оладиган мослама роторини ҳаракатта келтиради. Роторнинг айланишини секинлаштиришда маҳсус калодкали тормоздан фойдаланилади (69-расм).

Мосламанинг баландлиги 970 мм, айланаси 1000 мм, оғирлиги 110 кг. Мосламанинг (жойлаштириладиган) рамкалар айлантириладиган курилмаси остига 140 кг асал тўпланади.



69-расм. Электр күвватида ишлайдиган 20–50 та рамкага мұлжалланған радиал асал олиш мосламаси:

а – 20 та рамка сиядиган радиал мёдагонканинг умумий тузилиши;

б – мёдагонкани тузилиши.

1 – алюмин баки; 2 – электр мотори; 3 – фрикцион узаткич; 4 – бак копкоги; 5 – ротор; 6 – мотор айланишини ошириб-камайтирувчи реостат; 7 – вактни белгиловчи реле.

Электр күвватли М-8–32 асал олиш мосламаси.

Бу мосламага 32 та күшимча кават 435x145 мм рамка ёки катта ҳажмдаги 435x300 мм ли рамкалардан 8 таси хорда бўйлаб осилиб турадиган кассета сиғади. Рамкалар радиал ҳолатда жойлаштирилганда 1 соат ичиди 150 та рамкадан ёки хордиал ҳолатда жойлаштирилганда 80 та рамкадан асал олиш мүмкін. Мослама 0,27 кВт ли электр күвватли мотор ёрдамида ҳаракатта келади. Мослама бакининг ташки айланаси 852 мм, баландлиги 1150 мм, оғирлиги 100 кг, бакига 80 кг гача асал сиғади.

M-4/32 РЭ электр қувватли мёдогонка.

Бу мосламага бир йўла 32 та кўшимча кават рамкалардан радиал ҳолатда жойлаштирилганда ёки 4 та катта хажмдаги 435x300 мм рамкадан хордиал ҳолатда жойлаштирилиб асал олиш мумкин. Мосламанинг баландлиги 1132, бакининг айланаси 660 мм, оғирлиги 60 кг, бак остига 45 кг асал сиғади.

M-4/32 Р асал олиш мосламаси.

Бу мослама ремен ёрдамида айлантирилади. Мосламага радиал йўналишда 32 та кўшимча кават рамкалари ёки хордиал йўналишда 4 та катта хажмдаги 435x300 мм ли рамкадан асал олиш мумкин бўлиб, ротори 1 дакикада 350 маротабагача айланиши мумкин. Мосламанинг баландлиги 885 мм, бакини айланмаси 660 мм, оғирлиги 23,7 кг.


M-4/24 Р мосламаси.

Ремен ёрдамида ротори ҳаракатга келтирилади. Ра-диал йўналишда 24 та кўшимча кават рамкаси ёки хордиал йўналишда 4 та катта хажмдаги рамка сиғади. Мослама 1 соат ичидаги 120 та 435x145 мм ли ёки 60–70 та 435x300 ли рамкадан асал олиши мумкин. Мосламанинг баландлиги 800 мм, бакининг айланаси 595 мм, оғирлиги 26,4 кг.

Электр мотор ёрдамида ёки қўл орқали ҳаракатга келадиган 4 та мумкатақ рамка сиғади.

Хордиал мослама (мёдагонка)

Саноат асосида чиқарилаётган хордиал ҳолатда 4 та мумкатақ рамка сиғадиган мёдагонка роторини электр ёрдамида ёки қўл орқали ҳаракатга келтириш мумкин. Бу кўринишдаги мёдагонка тўрттала кассетани бир йўла айлантириб, асал олиш ишларини тезлаштиришга мўлжалланган. Тезлигини камайтириш ёки тўхтатишга мўлжалланган муфтаси бор (70-расм).



70-расм. Хордиал холатда 4 та рамка сиғадиган асал оладиган мослама (мёдогонка):

1–3 – кассетани ушлагич; 2 – қўл билан айлантирадиган ушлагич;
 4 – кассеталар; 5 – айлантирадиган шкив; 6 – ротор ўки (вал);
 7 – айлантирадиган шестерня; 8 – айлантирадиган яримойсизмон
 шестерня; 9 – электр мотор; 10 – йўналтирувчи шкив; 11 – ротор;
 12 – торткич; 13 – мосламанинг асосий кисми (бак); 14 – мослама
 турадиган оёклари; 15 – бир йўла хамма кассетани айлантирадиган ричаг
 механизим; 16 – суриладиган оёклари.

АСАЛАРИЛАРНИНГ ОЗУҚА БАЗАСИ

Асалариларнинг инстинкти, шартли ва шартсиз рефлекслари эрта сахардан то кечгача уяларидан учиб чикиб, арихона жойлашган худуд атрофида ўсадиган ва гуллаб шарбат хамда гулчанг берадиган ўсимликларни кидириб, улар ажратган ширин шарбатини уяларига олиб келадилар. Кучли ари оиласлари арихона атрофида ўсадиган сершарбат ўсимликлар кўп бўлганда, улар уяларига кўп асал жамғарib тўплашга улгурадилар.

Айрим худудлар борки, бутун баҳор ва ёз мавсуми давомида ўша худудларда ўсадиган ёки маҳсус экиладиган серасал ўсимликларнинг гуллаб туриши эвазига асаларилар мавсум давомида шарбат олиб келадилар ва бундай шарбат келиб туришини узлуксиз шарбат келиши ёки гуллайдиган ўсимликларнинг кетма-кет гуллаб туриши дейилади.

Асаларилар хаётини давом этиши, куртчаларни етишириши, ўсимлик шарбатини асалга айлантириши, мумкатақ инча тортиши ва ариларнинг учиш фаолияти каби эҳтиёжларига асаларилар бир қанча микдорда озуқа сарфлайдилар. А.Ф.Губин томонидан ҳисоблаб чиқилганда иссиқхонадан ташқарида шарбат ажратувчи ўсимликлар арихонадан 1 чакирим узоқда бўлганида асаларилар учиш эҳтиёжларига 23 кг, шарбатни асалга айлантиришга 25 кг 150,000 та куртчаларни озукалантириб тарбиялашга 17 кг, кишлишга ариларнинг кучига қараб 8–10 кг, баҳорги ривожланишига 20 кг, 1 кг мум ажратиши учун 3,5–4 кг, яъни арилар ўзларини эҳтиёжларига 90–95 кг асал истеъмол килар эканлар.

Юкорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, асалари оиласларидан асаларичилар режа бўйича асал маҳсулотини топширишлари асалариларнинг озуқа базалари, яъни табиий серасал ўсимликларни кўп бўлиши хамда режали равишда кишлик хўжалик ўсимликларини экиш ёки алмашлаб экишда чорва моллари учун озукабоплиги ва асал ажратишини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Республикамиз худудларида асалариларнинг озука базасини яхшилаш мақсадида асаларичиликни ривожлантириш ҳакидаги карорда таъкидланганидек, фермер-дехқон ҳўжаликлари ерларига кунгабоқар, эспорчет, беда ва гречихаларни серасал навлари экилса, асалариларни озука базасини кенгайтириб, кўп асал маҳсулотини тўплашга замин яратилган бўлади.

Асаларичилик даромадли тармокка айланиши учун худудларимизда ўсадиган, шарбат, гулчанг берадиган ўсимликлар флорасидан унумли фойдаланиб, керак бўлса айрим вилоят ва туманлар худудларида қишлоқ ҳўжалик ўсимликларидан шарбат ажратувчи навларини кўшиб ёки алоҳида экиш орқали асалариларнинг озука базасини яхшилаш мумкин.

Асалариларнинг озука базасини яхшилашни ташкил қилишда қўйидаги асосий тадбирларни амалга ошириш лозим:

Асалариларнинг озука базасини кенгайтириш

1. Асал тўплаш учун режали равишда арихоналар атрофидаги ҳамма табиий ўсаётган шарбат ажратувчи ўсимликлардан унумли фойдаланиш билан бир каторда маҳаллийлаштирилган шарбат ажратувчи ўсимликлар, боғлар орасига, далаларга экиладиган ўсимликларнинг кобилиятидан ҳам фойдаланиш лозим.

2. Шарбат ажратувчи ўсимликларни экишни кўпайтиришида донга, чорва молларига озукабоп, толага ёки далаларни тупроклари кучли бўлиши учун алмаштириб экиладиган экинларни экишда ҳўжаликлар йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ўша худудларнинг иклим шароитлари эътиборга олиниши керак бўлади. Бошқача килиб айтганда, шу худудда юкори хосил берадиган ва кўп шарбат ажратадиган экин турларини экиш тавсия этилади.

3. Экиладиган экинлар ва алмашлаб экиладиганлар орасига шарбат ажратувчи экинлар кўшиб экиш, ўрмон ҳўжаликларида, кояларга, паст-баланд жойларга дарахт ва бута дарахтларини экиб, асалариларга кетма-кет гуллаб шарбат беришини таъминлаш орқали асаларилар оиласларини жадал ривожланиши ва кучли бўлиши эвазига ёввойи ҳолда

ўсадиган ҳамда экиладиган ўсимликлардан унумли фойдаланиб, кўп асал тўплашга эришиш мумкин.

Кишлок хўжалик мутахассислари, ўрмон хўжаликлари нинг мутахассис ходимларини ҳаракат ва интилишлари бир вактнинг ўзида жамики экилаётган кишлок хўжалик ўсимликларининг хосилдорлигини оширишга каратилиб, балки етиштирилаётган хосилнинг таннархини камайтиришга йўналтирилган бўлиши керак. Бундай кўрсаткичга эришиш мумкин, качонки ҳар бир худуднинг иклим шароитини хисобга олиб экиладиган кишлок хўжалик экинларини шу муҳитга мослаштирилган навларини танлаб экиша асаларичиликни ривожлантириш ва уларни озука базасини яхшилашга эътибор берилса, ўшандагина режа учун экиладиган экинлар маҳсулдорлиги ошади ва асаларилар учун экиладиган ўсимликлардан кўшимча даромад олиб, асалариларнинг озука базаси ҳам яхши бўлади.

Асаларилар ариларни гулчанг ва шарбат билан таъминлайдиган ўсимликларга жадал катнайдилар ва ўсимликларни оралиқ чанглантиришда гулларнинг биридан иккинчисига чангларини олиб ўтиб, экилган ўсимликлар хосилдорлигини оширадилар, экиладиган дуккакли ўсимликлардан беда, эспарчет, сарик беда, ок беда ва кунгабокар каби ўсимликларнинг яхши чангланишига ва уруғ ва донларни пуч бўлмаслигига замин яратилади. Шундай килиб, ҳамма ўсимлик ва экиладиган кишлок хўжалигида ўсадиган дараҳт ва бутазорлар асаларичиликка алоқадор хисобланади.

Бундан ташқари, ўсимликуносликнинг боғдорчилик, сабзавотчилик, уруғчилик, полизчилик, пахтачилик тармоқлари асаларичиликнинг озука базаси бўлиб хизмат килади ва кетма-кет шарбат, гулчанги келиб туришини таъминлайди.

Мева ва уруғчилик хосилдорлигини оширишдан ташқари асаларилар чанглантириши хисобига мевалар ва сабзавотларнинг харидорбоплик кўриниши яхши бўлади. Асаларилар чанглантирган ўсимликларни уруғидан экилган ўсимлик ва мева ҳамда сабзавот, полиз экинларининг ўсиш қобилияти юкори бўлиб, маҳсулдорлиги ҳам ортади. Яна шуни айтиш жоизки, асаларилар ёрдамида чанглантириш айни ўз вақтида гулчанги кўп бўлганда ўтказилган бўлса, у ҳолда факат етиштирилган уруғчилик хосилдорлиги юкори бўлиши билан бир каторда етиштирилган хосилнинг таркибида про-

тейн ва канд моддаси ҳам юкори бўлади. Ўсимликларни оралиқ чанглантиришни асаларилар ёввойи ҳашаротларга нисбатан фойдалирок бажарадилар, чунки асаларилар оила бўлиб яшайдилар, баҳор ва ёз мавсумида ҳар битта асалари оиласида 35000 дан то 60000 гача ишчи асаларилар бўлади. Ёввойи ҳашаротлар эса якка-якка ҳолда ёки кичик оила бўлиб яшайдилар. Ариларни чанглантиришлари чорва моллари учун экиладиган озуқабоп ўсимликларига ҳам тааллукли бўлиши учун чорвачиликка ва етиштириладиган чорва озуқаларига ҳам фойдаси катта. Бундан ташқари, асалариларнинг озука базасини яхшилаш орқали чорва моллари озукаси ошишига таъсир этади. Мисол тариқасида экилаётган маккажўхорилар орасига бир йиллик оқ беда (донник белый), рапс, кунгабоқар кўшиб экилса, силос етиштириш микдори ортади ва бир йўла озука таркибида протеин моддаси ортади.

Ўсимликларнинг шарбат ажратиши юкори бўлиши ва ҳашак микдори кўп бўлиши учун далаларга алмашлаб экиш вактида беда орасига эспарцет кўшиб экилса амалга мувофиқ бўлади. Тажрибалардан маълумки, асаларичиликнинг озука базасини яхшилашда шарбат тўплаш кўпайиши билан бир йўла чорва молларининг озуқалари ҳам кўпаяди ва асаларилар қишлоқ хўжалик ўсимликларини чанглантириш ишларини ҳам ўтказадилар. Илғор хўжаликлар тажрибаси шуни кўрсатадики, доимо асалариларнинг озука базасини яхшилашда сершарбат ўсимлик турларининг асал ажратиш қобилияти юкори бўлган навларини экиб, арихоналарда кучли ари оилаларини парваришлаб, кўп асал маҳсулотларини олиш мумкин.

Айrim ҳолларда асалари оилаларини кўшни вилоят ва туманларга серасал шарбат ажратувчи қишлоқ хўжалик ўсимликларига кўчириб олиб бориш орқали асал тўплашда яхши натижаларга эришилади.

Тоғли ва тоғ олди вилоятлари ва туманлари жойлашган худудларда асаларилар қишлаш жойларидаги боғлар ва шудгорларга экилган рапслар гуллаб бўлгач ари оилаларини тоғ олди кирларига ёввойи ҳолда ўсадиган гулчанги ва ариларни ривожланиши учун стадиган мадат шарбат ажратувчи ўсимликларга, лалми, буғдой экиладиган худудларга, дарё ёкаларидаги тўқайзорлар ҳамда ўрмон хўжаликларига ёввойи

холда ўсадиган тол, карағай, оқ акас, уч тикан, учқат, ёввой маймунжонларга күчириб борилади. Асалари оиласарини тоғ худудларига, водийларда экиладиган кунгабокар, пахта каби асосий шарбат берувчи ўсимликларга асал түплаш учун олиб борилса бўлади.

Юкорида айтилган асалариларнинг озука базасини яхшилаш учун экиладиган экинлардан ташкари арихоналар жойлашган худудларда йўлларнинг ёқаларига, зовур ва ариқ бўйларига оқ акас, айлантус, япон сафораси экилса асалариларни озука билан таъминлайди. Асалари оиласарини шакар шарбати билан боқишига эҳтиёж қолмайди.

Асаларилар озукаси хисобланган шарбатнинг (нектарни) таркибий тузилиши

Шарбат бу ўсимликларни маҳсус тўқима ва органлари орқали ажратиладиган ширин суюқ модда бўлиб, ўсимлик гулларини шарбат ажратиш органлари (гулида жойлашган шарбат ажратиш органи ва гулдан ташкари жойлашган шарбат ажратиш органлари гулнинг гултожибарг асослари ёки оталик ва оналик органлари орқали ҳамда айрим гулларда шарбат ажратувчи органлари бўлмаган такдирда тўғридан-тўғри гулнинг ўзи ажратади (олча, гилос кабиларда гул тўқималари шарбат ажратади).

Шарбат таркибига, асосан, сахароза, глюкоза ва фруктоза киради. Бу арилар хаёти учун керакли бўлган озука хисобланиб, танада иссиқлик манбаига айланади. Глюкоза ва фруктоза бир хил империк формулагага эга бўлган $C_6H_{12}O_6$ моносохоритлар хисобланади ва факат улар тузилиши бўйича молекуласидаги атомларнинг жойлашишга қараб фарқланади.

Шарбат таркибидаги сахароза мураккаб шакар хисобланган иккиласми шакар таркибида кириб, глюкоза ва фруктоза молекулаларининг бирлашиши ва удан битта сув молекуласи чиқиб келиши эвазига юзага келади.

Шарбат таркибидаги шакарнинг қуюклиги ўша ўсимликларнинг турига боғлик бўлиб, 5 дан то 70% гача: айрим холларда бир турдаги ўсимликнинг ажратган шарбатини қуюклик миқдори бир сутка ичидаги ҳам ўзгариши мукин. Зарралари таркибидаги 50% гача қанд бўлган шарбатларни яхши

оладилар, агарда шарбат таркибидаги шакар 5% ни ташкил килса, у холда арилар шарбат олишдан воз кечадилар. Шу билан бир каторда шарбатнинг суюклик микдори 70% дан ошса ҳам арилар шарбатни ёмон оладилар.

Эндигина ўсимлик гулларидан йигиб уяга олиб келинган шарбатни таркибида сув микдори кўп бўлгани учун инчаларда узок саканса у ачитки замбуруғлари таъсирида ачиб колиши мумкин. Шунинг учун ҳам, арилар келтирилган шарбатини инчани 1/3 кисмига қўйиб, унинг таркибидаги сувни буғлантириб кетказиб, мураккаб шакарни инвертаза ферменти тасирида оддий шакарга парчалаб, сўнгра асалга айлантиради. Пишган асални таркибида 18–21% гача сув қолади ва бундай асални узок саклашга замин яратилади. Эфир мойи ўсимликларни совукдан ҳамда асални котиб колмасликдан саклайди.

Ўсимликлар шарбат ажратишига таъсир этадиган шароитлар

Ўсимликларнинг шарбат ажратиш микдори, ўсимликларни карбонат ангирид кислотасини истеъмол килишига боғлик бўлиб, шу билан бир каторда ассимиляция жараёнига боғлик, бу жараён албагта куёш нурига, ҳароратига, ҳавога, тупрокка ҳамда ўсимликларни сув ва озука моддалари билан таъминланишига боғлик. Ўсимликлар карбонат кислотасини ютиши натижасида ва ўсимлик баргларида келажакда шарбат шакарини юзага келтирувчи крахмал ёруғликда хосил бўлади. Шунинг учун ўсимликларнинг шарбат ажратиш ҳарорати ҳар хил бўлади.

Кечасидаги ҳароратнинг совиши ҳам шарбат ажралинишига салбий таъсир кўрсатади ва кўпчилик ўсимликларни шарбат ажратиши бутунлай тўхтайди. Масалан, кечаси 10°C дан пастга тушиб кетса ёки 28°C дан ошиб кетса шарбат ажратиш сусаяди. Ҳавонинг иссик бўлиши, ўсимликларни яхши ёруғ билан таъминланиши ҳамда кераклигича ҳаво ва тупрок намлиги хисобига шарбат ажратиши кучли бўлади.

Масалан: жўка дарахти, маржумак (гречиха) ўсимлиги ҳаво намлиги 80–90%, сарик беда эса 50–60% бўлганида шарбатни яхши ажратади. Шарбат ажратишига совук шамол ҳам, иссик ҳаво ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Кечаси ёмғир ёғиши ва намликтарнинг етариши бўлиши таъсирида ўсимликлар яхши шарбат ажратади. Арилар эса кўп асал тўплайдилар. Ҳамиша шарбат ажратувчи ўсимликлар хосилдор, маҳаллий ўғит (гўнг) солинган ва калий азот (селитра) солинган ерларда кучли асал ажратади. Ўсимликлар яхши шарбат ажратиши учун улар ҳудудларида ўз вактида экилса, асаларилар кўп шарбат тўплаши мумкин. Ўсимлик экилган жойларни ўз вактида бегона ўтлардан тозалаб культивация килинса амалга мувафик бўлади.

Ўсимликларга солинадиган кимёвий ўғитлардан фосфор гидролиз жараёнини тезлаштиrsa ўсимликларда шарбат ажратишни тезлашади. Калий ўғити меъёрида солингандага ўсимликларда шарбат тўпланиши кўпаяди. Азот – селитра эса кучсиз тупрокларга ўз вактида ва меъёрида солинса шарбат ажратишни ортади.

Тупрокка оҳак, марганец, мис, рух солингандага хам ўсимликларнинг хосилорлиги ошади хамда шарбат ажратишга яхши таъсир килади. Бундан ташқари, шарбат ажратиш ўсимликлар навларига хам боғлиқ бўлади. Мисол учун олайлик: Г.В.Копелькиевскийнинг кўрсатишича, маржумак (гречиха)ни «Багатар» нави 1 га дан 144 кг шарбат ажратган бўлса, Вознесенский маҳаллий сорти факат 1 га дан 20 кг гача шарбат ажратган ёки бўлмаса, Внимик 8081 нави 1 га дан 31 кг гача, Шортандўм 41 сорти эса 1 га дан 18,6 кг шарбат ажратган.

Шунинг учун асалариларни экилган экинларга кўчиришдан олдин ўша экиладиган ўсимликларнинг навини суриштириб билиш керак.

Ўсимлик гулларини шарбат ажратувчи органлар кўриниши ва тузилишига қараб таснифлаш

Шарбат ажратиш органлари ўсимликларнинг хар хил қисмларида жойлаши мумкин, лекин асосан улар гул қисмларининг гулкосаси, гултожибарги, тугун ва устунча асосида ва гул бандида учрайди. Масалан, оқ ханталда (белая горчица) шарбат ажратиш органи оталик органининг асосида ва гул косабаргининг асосида жойлашган. Кунгабоқар гули гултожибарларининг икки тарафида, маржумак ўсимлиги гул ўринлиғининг чангдон или асосида шарбат ажратувчи органи жойлашган. Смородина, маймунжон (крижовник),

ўткир баргли заранглар гулининг гул ўринлиғида шарбат ажратиш органи жойлапган, ковок гулининг гул ўринлиғида ўсимта шаклида шарбат ажратиш органи бор. Дуккаклилар оиласига мансуб ўсимликлар гултожбарги оталик органи хамда тугун туғиши органи оралиғида чўнкир найда бўлади. Пахта гулида ва гулидан ташкари шарбат ажратувчи органи бўлади. Гули ичидаги шарбат ажратувчи органи гултожбарги асосининг ички ва ташки тарафида сўргич кўринишидаги тўқималардан ташкил топади.

Пахтада гулидан ташкари, шарбат ажратиш органлари баргининг орка тарафида марказий томири ва унинг икки ёнидаги томирлари оркали шарбат ажратилади.

Айрим хил ўсимликларда ўсимлик гулининг бирор тўқимаси оркали шарбат ажратади масалан: жўка (липа), ўсимлиги гулчаси баргининг асосида шарбат ажратиш тўқимаси бор. Айрим сувўтлари шарбат ажратиш органи гул бандида жойлашган.

Бурчок ва ем-хашакка экиладиган дуккакли ўсимликларнинг шарбат ажратиш органи баргбандида жойлашган.

Ўсимлик гулларида шарбат ажратиш органлари кандай тузилиши ва канчалик химояланишига В.Н.Фомин томонидан шарбат ажратувчи ўсимликлар таснифи тавсия этилган.

Ўсимликларнинг шарбат ажратувчи органлари гулларида очик ёки ёпик жойлашишига караб қўйидагича таърифланади.

1. Шарбат ажратувчи органи бўлмаган гуллар: яъни жўка (липа). Олча, гирослар гулининг тўқималари шарбат ажратади.

2. Шарбат ажратувчи органлари бор гуллар. Бу турдаги гулларни маҳсус ширин суюклик ажратадиган безлари бўлиб, шулардан:

- а) шарбат ажратувчи органи очик гуллар (маржумак-гречка, хантал-горчица);
- б) ярми кўринадиган шарбат ажратувчи органи бор гуллар (фацелия, бодиинг ўти)нинг шарбат ажратувчи органи гултожбарлари асослари чўнкирчасида жойлашган;
- в) шарбат ажратувчи органи кўзга кўринмайдиган гуллар (бинафша, синяк)нинг шарбат ажратувчи органи чўзилган гултожбарги чўнкирчасида жойлашган;

д) шарбат ажратувчи органи бутунлай кўзга кўринмайдиган гуллар (кизил беда, бурчок, кузги бурчок) нинг шарбат ажратувчи органи ингичка гултожбарги найчаси чўнкирчасида жойлашган.

3. Шарбат ажратувчи органи гулидан ташкарида жойлашган гуллар (экиладиган бурчок, пахтани барги), яъни шарбат ажратувчи органи – гулқўргон барги атрофида ёки баргининг орка томонида – ўртадаги барг томирида жойлашган.

Ҳашаротлар томонидан чангланадиган ўсимликларнинг 250 хилига якини шарбат ажратади. Аммо ҳар хил ҳудудларда шарбатнинг асосий қисмини айрим ўсимликлар ажратади. Масалан: бизнинг шароитда асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар турига ширач, сарик акас, беда, сарик беда, оқ курай, пахта ҳамда тоголди ва тоғли туманларда қариқиз, кийикўти, қашқарбеда ва бошқа шарбат ажратувчи ўсимликларни киритиш мумкин.

Ўсимликларнинг шарбат ажратишини аниклаш (методлари) йўллари

Қишлоқ хўжалик ўсимликлари ва ёввойи ҳолда ўсадиган шарбат ажратувчи ўсимликларнинг шарбат ажратиш қобилиятини ўргатадиган бир неча йўллари бўлиб, улар қуйидагича номланади ва бажарилади.

Ўсимликларнинг шарбат ажратишини 2 хил йўли билан ўрганилади:

1. Унча аниқ кўрсаткич бермаса ҳам тажриба ўрганишда аҳамияти бор бўлган йўли:

- а) текшириш тарозисининг кўрсаткичи бўйича кучли ари оиласини тарозига қўйиб, бир кунда ари оиласининг уясига олиб келган шарбат микдорини билиш мумкинлиги;
- б) арихонадаги ариларнинг жадал ёки суст учишини кўриб, уларнинг қай даражада шарбат тўплаётганини билиш;
- в) 1 м² ли майдон ичидаги ўсимлик гулига келиб кўнаётган арилар сонига караб аниклані;
- г) ариларни ўсимлик гулида узок ўтиришига караб улар шарбат оляпти деб хисоблаш;

- д) гулинини узиб олиб, шарбат ажратиш органи атрофида ёки чүнқирчасида түпланган шарбат микдорига караб билиш мумкинлиги;
- е) даладан қайтиб келаётган ари уя тешикчаси олдида ушлаб, корин кисмини күкрак кисмидан ажратиб, асал копчаси ичидаги суюклигини ялаб билиш йўли.

Аммо бу методларнинг ҳаммасини ўзига яраша камчилиги ва машаккатли томонлари бор.

Мисол тарикасида: эспарцет ўсимлигининг шарбат ажратиш кобилиятини текшириш тарозисида ўрганмокчи бўлсак, унда уни экилган майдони 60 га десак, келтирилган ари оиласи сони – 80 та бўлса, 1 га эспарцетга 3 ари оиласи тўғри келади, деб хисобласак, текшириш тарозисининг ўртacha кўрсаткичи 1 кг ни кўрсатса, эспарцет 20 кун гуллаб туради – 20 кунда x 1 кг = 20 кг шарбат. Арилар 20 кг шарбатни 50% ни уяларида тўплайдилар – 10 кг.

$$\begin{array}{r} 80 \text{ --- } 100\% \\ 10 \text{ кг --- } x \\ x = \frac{100 \cdot 10 \text{ кг}}{80} = 12,5 \text{ кг} \end{array}$$

Ҳар қайси ари оиласи 1 суткада 750 гр асал истеъмол килса, $750 \text{ гр } x 20 \text{ кунга} = 15 \text{ кг}$ асални истеъмол килади. $15 \text{ кг} + 12,5 \text{ кг} = 27,5 \text{ кг}$ асални ари оиласи уясига 20 кунда тўплайди.

Агарда 1 га эспарцетга 3 та ари оиласи тўғри келса:

$27,5 \text{ кг } x 3 \text{ ари оиласи } 1 \text{ га га} = 82,5 \text{ кг}$ ни арилар икки марта кам олади.

$$\begin{array}{r} 82,5 \text{ кг --- } 50\% \text{ ари олиб келса.} \\ x \text{ --- } 100 \\ 82,5 \cdot 2 = 165 \text{ кг} \end{array}$$

Эспарцет 1 га дан 165 кг шарбат ажратар экан.

2. Тўғри йўл билан аниклаш варианти бўйича 1879 йили Бонье томонидан майда ингичка найча орқали аниклаш йўлини ўрганилган бўлса, 1952 йил Б. К. Ливинцова томонидан бу йўл такомиллшлирилган.

1) Найча методи (метод капилляри Бонье) найчалар юпка енгил эрийдиган шиша найчалардан ясалган бўлиб, унинг узунлиги 5–6 см, диаметри эса 0,2 мм бўлади. Найчаларни 30–40 тадан килиб, унча катта бўлмаган номерли пробирка

ичига солиб, бирга аналитик ёки торсион тарозида тортилади. Үсимлик гули шарбатини эхтиёткорлик билан найча учини секин шарбатга ёки шарбат ажратувчи түкимага тегизилиб, худди буралгандек қилиб олинади. Ҳар битта гулли шарбатини алоҳида найчага олинади ва умумий шарбат олинаётган гуллар сони саналиб аникланади. Шарбат билан тўлдирилган шиша найчалар пробиркага солиб, сўнгра тарозида тортилади. Олдинги найчалар бўш вазни ҳозирги шарбат билан тўлган вазнидан айрилиб, ҳамма хисобланган гулдан олинган шарбат оғирлиги билинади. Умумий гуллардан олинган шарбат вазнини гуллар сонига бўлиб, 1 та гул ажратган шарбат оғирлигини биламиз. Гулдаги шарбат таркибидағи шакар микдорини билиш учун шарбатли шиша найчани ўлчаб олинган сув ичидаги эзиб, синдириб, кейин суюкликтини шиша синигидан тозалаш учун фильтрлаб, суюклик таркибидағи шакар микдорини Берtrand ёки иссенкунтца методи бўйича аникланади.

2) Ўта майда найча йўли: бу ўта майда найча ҳам юпка шишаларни эритиб тайёрланган бўлиб, узунлиги 5–6 см ли найчанинг учлари ихчамлашган, узуунлиги 10–15 мм ли найча тешикчасининг диаметри 0,25 мм ли бўлади. Бу ўта майда найчани тайёрлашда унинг шарбат сурадиган учини текис қилиб ишланади ва белги нукталари кўйилади. Бу метод билан факат үсимлик гули ажратган шарбатнинг ҳажм кўрсаткичини билиш мумкин.

3) Такомиллаштирилган ўта майда найчалар билан аникланаш йўли: бу йўлни умуман МДХ давлатлари бўйича АИТИнинг илмий ходими Е.К.Ливенцова 1952 йили жорий этган. Бу йўл билан шарбатни шиша найча учига резина найча кийгизилиб, оғиз ёрдамида сўриб олинади.

Гулдаги шарбат сўриб олингандан кейин шиша найчадаги шарбатни олдиндан ўлчаб кўйилган шарбати бир учи ингичкалашган 3–4 см шиша найчага куйилади. Гуллардаги шарбатлар олинниб бўлингач, шарбат солинган идиш ўлчаниб, ҳозирги вазнидан бўш вазни айрилиб, олинган шарбатнинг оғирлик вазни гуллар сонига бўлинниб, ҳар битта гул ажратган шарбат микдорини билиб, сўнгра идишдаги шарбатни резина найча ёрдамида рефрактометр призмасига пуфлаб чиқариб, унинг таркибидағи шакар микдорини рефрактометр РЛ асбоби ёрдамида аникланади.

4) Коғозча билан аниклаш йўли: ўсимликлар шарбатини олиш учун учбурчак килиб киркилган майда 2 мм фильтрли коғоз олинади. Мана шундай учбурчак фильтр коғоздан ясалган қоғозчани 40–50 тасини бюкс шиша идиш ичига солинади, бюкс шиша идишини номерлаб, унинг ичига солинадиган учбурчак қоғозчалар куритиш шкафидаги куритилиб, кейин бюксга солинади. Учбурчак қоғозчалар солинган бюкс эксикатор ичига куйилади. Шарбат олиш олдидан қоғозчалар солинган бюкс яна ўлчанади.

Гулдаги шарбатни олиш учун бюксдаги қоғозни пинцет ёрдамида олиб, гул шарбатига тегизилади. Кўп шарбат берадиган гуллар шарбатини бир нечта шундай қоғозчага шимдирилади. Гулдаги шарбатни бутунлай тугаганини билиш учун янги қоғозча намланганда когозга шарбат шимишмаса, шарбат колмаганидан далолат беради.

Гулдаги шарбатни олиш вактида бюкснинг оғзи ёпик туриши керак. Шарбат олиш ишлари тугагандан кейин бюкс дарҳол тортилади ва куритиш шкафига кўйилади. Куритиш тугагач, бюкс яна тарозида тортилади ва шарбат шимдирилган қоғоз оғирлиги билан куритилгандаги оғирлигини айирилади. Ҳосил бўлган фарки гуллардан олинган шарбат оғирлиги бўлади. Шу колган оғирлик шакар миқдори деб хисобланади, чунки шарбат таркибидаги сув бўғланиб чишиб кетади.

5) Гулларни ювиб аниқлаш йўли. Урганилаётган ўсимлик гулларини узиб, ўлчаб солинган дистилланган сувли идишга солинади ва идишнинг оғзи маҳкам беркитилиб, 20–30 дакиқа давомида чайкаб турилади. Гулнинг шарбат ажратиш органи ёпик бўлса, унда узокрок чайкатилади. Ана шундан сўнг идишдаги гулнинг шарбати ювилган сувни тортиб, чиккан оғирлигидан олдинги сувнинг вазни айрилиб, фарки ўша гуллардан чиккан шарбат оғирлиги бўлади. Шу колган оғирлик миқдорини гулларнинг сонига бўлинади ва ҳар битта гул ажратган шарбат оғирлиги билинади.

Қора асал – пад ва шудринг суви

Ўсимликлар ажратган шарбатдан ташкари арилар уяларига шира капалаги ажратган ширасимон ахлат суюклигини ўсимлик баргларидан тўплаб олиб келадилар. Чунки шира капалаги ўсимлик баргини истеъмол қилганда унинг таркибидаги суюклиги билан озукланадилар ва ўз таналарида

сўрилмаган мураккаб шакар суюклигини танасидан ахлат сифатида чикариб ташлайдилар.

Шира капалаги липа, эман (дуб), заранг, терак, олча, ёнгок, смородина, ўрик, тол қайрагоч ўсимликлариға қўнади ва ўша ерда яшаб, дарахт пўстлоғи орасида, куртаги орасида, тухумлари кишлаб чиқади ва эрта баҳорда яна ривожланади.

Кора асал бошқа асалларга нисбатан таркибий тузилиши бошқачароқ бўлиб, унда минерал тузлар, калий ва декстририн моддаси кўп бўлади. Азот моддалари тузлар, декстриналар кўп бўлгани учун ҳам қишлош вактида уларнинг орка ичакларида танага сўрилмаган минерал моддалар кўпайиб кетиши натижасида арилар безовталарадилар, ичи кетади ва ҳалок бўлишлари мумкин. Ташки кўринишидан қора асални бошқа асаллардан ажратиш қийин, унинг ранги рангли ва қора бўлиши мумкин, шунинг учун қишига колдириладиган озукалари таркибини кимёвий анализ килиш керак. Кора асал таркиби жадвалда кўрсатилган. Таркиби бўйича қора асал гул асалидан фарқланади ва декстририн моддаси ҳамда минерал тузлардан калий бир оз ортикча бўлади.

4-жадвал

Гул асали ва қора асал (пад асали) таркиби.

(кўрсатма В.Г. Чудаковники)

	Гул асали	Қора асал (пад асали)
% хисобида жами ташкил этадиган қандлар	75	68
Шу жумладан:		
Фруктоза	39	37
Глюкоза	36	31
Сахароза	2	4
Декстриналар	3,5	11
Азот бор моддалар	1,2 гача	3,5
Кул	0,17	0,7

Бундан ташкари, айрим пайтларда ўсимлик баргларида эрталаб кечасидаги салқин ва иссик ҳавонинг алманиш ҳароратидан кейин таркибида бир оз шакари бор суюкликлар тўпланади. Биз бу суюклини шудринг деб атаймиз. Арилар шу суюклини ҳам уяларига олиб келадилар.

Гул чанги

Гул чанги бу гулчанг заррачаларининг тўплангани бўлиб, уруғли ўсимликларда оталик органи ҳисобланади. Гулчанг заррачалари тўқима ва ядрочадан ташкил топади. Гулчанг тўқималари юпқа интина қобиғини усти қалин экзина пўстлоғи билан ўралган. Экзина пўстлоғида тешикчалар бўлиб, шу тешикчаларни биттасидан оналик органи ривожланниб ўсаётганда найча чиқади (71-расм).

Гулчанг заррачалари ҳар хил гулларда кўриниши ва ранги ҳамда формаси ҳар хил бўлади. Арилар оёқ халтачаларидан уяларига олиб келаётган бу гулчанг заррачаларини микроскоп остида кўришимиз мумкин.

Арилар оёкларида олиб келган гулчанг тўпламида 3–4 мл гулчанг заррачалари бўлади. Шунча гулчангни тўплаш учун арилар 200–500 тагача гулга кўнади. Битта ари оиласи 1 кунда 100 г дан 400 граммгача гулчанг олиб келса, бир мавсумда 25–30 кг ва ундан кўп гулчанг тўплайди.

Ўрмонда ўсадиган шарбат ажратувчи ўсимликлар


Энг кўп асални МДҲ давлатлари худудида, арилар асосан, дараҳтлар, бутазорлар ва ўтлар ўсадиган ўрмонлардан ҳар хил шарбат ажратувчи ўсимликлардан тўплайдилар. Ўрмонлар шарбат ажратувчи ўсимликларга бойлиги билан ажралиб туради, айниқса, сийрак ўрмонлар орасида бўш ерлар кўп бўлса ва ўрмон узилиб-узилиб ўрмонли ерлар эгилиб-чўзилиб кетган бўлса шарбат ажратувчи ўсимликларга бой бўлади.

Игнабаргли ўрмон дараҳтлари асаларилар учун унча аҳамиятга эга эмас.

МДҲ давлатлари худудини жанубий вилоятларида асаларилар шамол тўсиш учун экилган ок акация, гледичи дараҳтларидан кўп асал тўплайдилар.

Асаларичиликда, асосан, ўрмон дараҳтлари ва бутазорларида ўсадиган липа, заранг, тол ва бутазорлардан малина, крушина, учкат (жимолост), верск ҳамда ўт ўсимликлардан иван чой, дягик ўсимликлари катта аҳамиятга эга.

Майда баргли жўка (липа). Бу йирик баланд дараҳт бўлиб, баландлиги 30 мертгача, у 300–400 йилгача яшайди ва 20 йиллик бўлганда гуллайди ва шарбат ажрата бошлий-



71-расм. Асосий асал ва гулчанги берадиган үсімліктер заррачалари:

- 1 – жұка (липа); 2–3 – фацелий; 4 – гречиха; 5 – күжнори; 6 – кизил беда;
- 7 – ок беда; 8 – акас; 9 – афғон бедаси (эсперцет); 10 – ок кайин;
- 11 – ўрмон ёңғоғи (лецина); 12 – күйпек (вьюнок); 13 – кунгабокар;
- 14 – момақаймок; 15 – кипрат; 16 – тол; 17 – бодринг; 18 – медуница;
- 19 – хантал (горчица); 20 – бүтакүз; 21 – сурепка – пилла курти учун дастак тайёрланади; 22 – будра; 23 – маврак, зигирак, мармарак (шалфей)
- 24 – пахта; 25 – ковок.



72-расм. Ўрмон ва истироҳат боғларида ўсадиган шарбат ажратувчи ўсимликлар:

1 – тол; 2 – майда баргли жӯқа; 3 – ўрмон ёнғоги (лешина); 4 – верск; 5 – кипрэй; 6 – медуница; 7 – ўткир баргли заранг; 8 – ок акас.

ди. 100 ёшли липа дарахти жуда кўп шарбат ажратади. Жўка (липа) дарахтини шапалок баргли ўрмонлар орасида МДҲ давлатларининг Европа кисмларида ўрмон-чўл зоналарида ҳамда Урта Урал ва Урал олди туманларида, Башкирдистон, Татаристон ва Узок Шарқ ўлкаларида ўсади. Жўка кора тупрокли ерларни ёқтиради ва у июнь, июль ойларида гуллаб, гули 10–12 кун туради. 1 га дан 40 ёшдан ошган жўка 500–1000 кг гача шарбат беради. 1 кунда назорат тарози 10–15 кг асал келганини кўрсатади. Агар экиладиган бўлса майда кўчатлари 1 га ерга 5000 туп кўчат экилади.

Клён – заранг. Бу турни МДҲ давлатлари худудининг Европа кисмларида 5 хили ўсади. Улар жуда ноёб дарахтлар хисобланади ва шарбат беради.

1. Ўткир баргли зарангнинг бўйи 25 м баландликкача ўсади. Гули сарик – кўкранг, ўрта ер зоналарида май ойларида 7–10 кун гуллаб туради. 15 йилдан кейин гуллайди. Шарбатни гулбанд айланаси (дискаси)дан ажратади. Меваси икки қанотли.

Кора тупроқни ёқтиради. Қўёш ёруғига мойил, шамол тўусич сифатида ҳам экилади. 1 га дан 200 кг гача асал беради. Заранг уруғидан кўпаяди.

2. **Дала заранги.** Бу тури 10 м баландликкача ўсиб, гули сарик, гулкўрғон баргли. У МДҲ давлатларининг жанубий ва ўрта ер зоналарида таркалган. 1 га дан 1000 кг гача шарбат беради.

3. Татаристон заранги бу бута ёки унча катта бўлмаган дарахт бўлиб, 1 га дан 100 кг гача асал берди.

Тол – ива. Толлар авлодига кириб, тол оиласига мансуб бўлиб, 200 тагача тури бўлади. Ҳамма толлар икки уйли ўсимлик, барги чиккунга қадар гуллайди. Толларнинг айримлари 20 – 25 м баландликкача ўсади. Жуда кўп жойларда таркалган.

Ўзбекистон иклим шароитида ҳам коратол, октол, мажнунтол, самбиттол навлари кўп тарқалган.

Ёнгок. Бу асаларилар учун жуда катта гулчанг берадиган ўсимлик хисобланади ва ок қайнинлар оиласига мансуб. Барги чикмасдан 6–7 кун давомида гуллаб туради. Эркак гули узун тасма шаклида. Кавказ, Урта Осиёда кўп тарқалган.

Малина – жайдари малина. Май, июнь ойларида гуллайди. Карпат ўрмонлари ва Сибирда 1 га дан 35 кг гача асал беради. Узбекистонда ҳам малина кўп экилади.

Шамол тўсиш учун экиладиган дарахтлар ва бута дарахтлари

Шамол тўсиш учун экиладиган ўсимликлардан ок акас, сарик акас, глидичиларнинг асалари учун аҳамияти катта.

Ок акас бу дуккакли ўсимликлар оиласига мансуб бўлиб, баландлиги 12 м гача етадиган дарахт МДҲ давлатлари худудининг жанубий зоналари ҳамда Ўрта Осиёнинг айрим худудларида кўп экилади. Кора тупроқ ерларни ёқтиради. Жанубда 50 йилгacha яшайди. Гули узум бошига ўхшаш бўлиб, шарбатни мева тугадиган тугун асосидан ажратади. Жанубда май ойларида боғлар гуллаб бўлгач гуллай бошлайди. 1 га дан 300 кг дан то 1000 кг гача шарбат беради. Ок акасни кишлок хўжалигига шамол тўсиш учун экилади.

Уч тиканли глидичи: бу 15 м ли баланд дарахт бўлиб, совукдан кўркади, шунинг учун ҳам Украинанинг жанубий районларида ва Ўрта Осиёни айрим худудларида кўпроқ экилади. Курукгарчиликка чидамли. Меваси корамтири дуккакли бўлиб, устида пўстлоғи билан мевасининг бўйи 20–30 см етади. Шоҳ ва баданида узун–узун тикани бўлиб, тиканининг учида учта кичкина тикан ўсимтаси бор. Бу ўсимлик экилгандан кейин 10–12 йил ўтгач май ойининг охиридан то июнь ойининг ўрталаригача гуллаб, 1 га дан 200–250 кг шарбат беради.

Сарик акас. Ўрта бўйли бута дарахт бўлиб, дуккаклилар оиласига мансуб. Курғоқчиликка чидамли бўлганлиги учун ҳам Ўрта Осиёнинг чўл зоналарида кўпроқ учрайди. Гули сарик рангли бўлиб, экилгандан кейин 4 йил ўтгач гуллай бошлайди ва иккни хафта давомида гуллаб туради. 1 га дан 150–250 кг гача асал беради.

Алмашиб экиладиган шарбат ажратувчи ўсимликлар

Хозирги даврда ҳайдаладиган дала шудгорлари кайта шудгорланадиган туманларда табиий ўсадиган шарбат ажратувчи ёввойи ўсимлик бутунлай колмаган. Шунга қарамасдан боғлар ва кишлок хўжалик энтомофил ўсимликларини чанглантириш учун ари оиласлари керак бўлади ва бундай ҳолларда ҳайдаладиган шудгорли туманларда асаларичиликни жадал ривожлантириш ҳамда алмашлаб экиладиган

қишилек хўжалик ўсимликларининг гулидан шарбат олишда арилардан фойдаланиб асал жамғарадилар, аммо алмашлаб экадиган бу ўсимликларни факат асал олиш учун экилса, унинг таннархи баланд бўлиб кетади. Шунинг учун ҳам бу ўсимликларни хўжаликлардан ёғ, ип, газлама ва чорва моллари учун ем-хашиб олиш максадида экилади. Бундай ўсимликлардан рус бедаси, сарик беда, кизил беда кунгабокар, эспаршет, кориадра, пахта, хантал (горчица), рапс.

Экиладиган маржумак (гречиха). У гречихалар оиласига мансуб бўлиб, бир йиллик ўсимлиkdir. Урта Осиё тароитида ўриб олинган ғалла ерларига экилса ҳам бўлади. Маржумакни етишириш вегитация даври 2,5–3 ой бўлиб, экилгандан кейин 30–40 кун ўтгач гуллай бошлайди. Яхши шарбат ажратиши ва дон тугипи учун ҳарорат биринчи гуллаш бошлинипида 20° – 23° бўлса меъёрий ҳарорат ҳисобланади. Шунинг учун буғдой ўриб олингач ерни ҳайдаб, бир оз ерга дам бериб, сўнгра экилса 30–40 кун ўтгач кузги ҳарорат ҳам меъёрида бўлиб қолади.

Хосилдор юмшоқ тупроқларни ёқтиради. Курук ҳамда кечки совукларга чидамсиз. Шунинг учун яхши гуллаши ва мева тугипи ҳарорати $+19^{\circ}$, $+20^{\circ}\text{C}$ бўлиб, намрок тупрокни ёқтиради. Кечасидаги салқин-совук тушишида шарбат ажратиши сусайиб кетади. Гречиха ўсимлиги гетростил гуллаш типига киради, яъни айрим гулларда калта бандли оталиги ва узун оналиқ тумшукласи бўлса, бошка гулида узун бандли оталиги, калта устунчали оналиги жойлашган бўлади. Гречихадан факат юкори хосилдорликка качонки арилар уларни бир-бири билан чанглантирса эришиш мумкин.

Гречиханинг шарбат ажратадиган органи оталик органи бандининг асосида жойлашган бўлиб, июль ҳамда август ойларида 30 кун давомида гуллаб, 1 га дан 70–100 кг гача шарбат беради.

Пахта ўсимлиги. Бу бир йиллик ўсимлик бўлиб, гулхайригул оиласига киради. Гули оқ ёки нозик пушти рангли бўлиб гуллари йирик бўлади. Шарбат ажратувчи органи гулкўрғон баргининг ички ва ташки тарафида жойлашган бўлиб, оталик органи кўп, оналиги эса битта бўлади. Меваси етилиб пишганда очиладиган кўсак ҳолида. Чигити тукчалар билан копланган. Пахта чигитидан ёғ ҳамда ҳалк хўжалигига фойдаланиладиган маҳсулотлар ҳамда кора молларга шулҳа



73-расм. Шудгор, далада ўсадиган ва асал ажратадиган алмашлаб экиладиган ўсимликлар:

1 – гречиха; 2 – кунгабокар; 3 – ок беда; 4 – кашнич; 5 – афгон беда (эспарцет); 6 – ок донник; 7 – ок хантал (горчица белая); 8 – фацелий.

ва кунжара тайёранади. Пахта гулидан ташқари баргининг ўрта томирларида шарбат ажратувчи органлари бор. Арилар эрталабки соатларда пахта баргининг орка тарафидаги шарбат ажратувчи органидан, кун исиган пайтда эса баргидаги шарбатлар котгач, арилар пахта гулидаги шарбат ажратувчи органларидан шарбат тўплайдилар. Пахтанинг шарбат

ажратиш кобилияти унинг навига боғлиқ бўлиб, гектарига 50–60 кг га тенг. Ингичка толали шойи пахтаси эса оддий пахта навига караганда 2–3 маротаба кўпроқ шарбат ажратади. Пахта июль, август ҳамда сентябрь ойлари (дефолияция килиш, яъни пахта баргини тўкиш) давригача гуллайди.

Пахтанинг шарбат ажратиш кобилияти ер унумдорлиги, яъни қайта ишлаш, сугориш ишларига боғлиқ. Пахта гулидан арилар гулчангни жуда кам оладилар, чунки унинг гулчанг заррачалари жуда йирик бўлиб, пахтага ўхшаб чўзилади ва таркибида госсипола заҳари бор. Бундан ташқари, пахта ўсимлигини тез-тез қишлоқ хўжалик заараркунандаларига карши заҳарли моддалар билан дорилаб турилади. Шунинг учун дорилашдан олдинроқ ариларни заҳарланишдан саклаш мақсадида кўчириб юрилувчи кўчма арава – павильонларда бокилса мақсадга мувофик бўлади.

Сабзавот, полиз ва резавор ўсимликлар

Сабзавот, полиз ва резавор ўсимликларни асаларичиликда аҳамияти жуда катта бўлиб, улар шарбат ва гулчанг берадилар. Асосан бу ўсимликларнинг уруғ олиш учун экиладиган навлари яхши аҳамиятга эга. Мисол учун:

Қовун жуда иссик севадиган ва курукликка чидамли экин бўлиб, ковокгуллилар оиласига мансуб бўлган ҳолда июль – август ойларида жадал гуллайди. 1 га да 25–30 кг шарбат беради. Полиз экинлари гулидан шира бериб шарбатни оталик ва оналик органларининг асос оралиғидан ажратади.

Полиз экинларининг гули бир уйли бўлиб, ягона жинсли хисобланади. 2 ойгача гуллаб туради.

Бодринг. Бу ҳам ковокгуллилар оиласига мансуб бўлиб, иссик иклим ва сувни яхши кўрадиган ўсимликдир. Бодринг, асосан, дала, ёпик ерларда кўп олинади ва 2 ойгача гуллаб туради. Далада экиладиган навлари 1 гадан 30 кг гача шарбат берса, иссиқхонада экиладиган навлари 1 гадан 13 кг гача шарбат беради.

Уруглик ниёз. Бу сабзавот экин бўлиб, лилия гуллар оиласига мансуб. Уруғ олиш учун кузда тайёр пиёзи экилади. 1 та гул бошида 300 тагача гуллари бўлади. Ҳар бйтта гули 3–5 кун яшайди. Май ойининг охири – июнь ойларида 25 кун давомида гуллаб туради, 1 га дан 70–100 кг гача шарбат беради.

Уруғликка экиладиган карам, турп, редиска, шолғом каби ўсимликлар

Бутгуллилар оиласига мансуб уруғликка экиладиган карам, шолғом, турп, редиска каби сабзавот ўсимликларнинг шарбат ажратувчи органлари тузилиши, асосан, бир хил бўлиб, тулларида иккита ёйсимон шарбат ажратувчи органи тугун ва оталик органи чангдон орасида жойлашган бўлади. Шу еридан шарбат ажратади. Уруғликка экиладиган бу экинларни асаларилар чанглантириши натижасида улар ҳосилдорлиги юкори бўлиб, уруғлари сифатли бўлади.

Уруғликка экиладиган сабзавот экинлари май ойининг охири – июнь ойларида гуллаб туради ва 1 га майдондан 19 кг дан 50 кг гача шарбат ажратади (Ф.Н.Стешенко. Олмата асаларичилик тажриба майдони. М.М.Глухов. 1974 йил. «Шарбат ажратувчи ўсимликлар» китоби).

Яйловда ўсадиган шарбат ажратувчи ўсимликлар

Яйловда ўсадиган пичанга тайёрланадиган, шарбат ажратувчи ўсимлик-ўтлар МДХ давлатлари ҳудудида 20% ни ташкил қилади. Яйлов зоналарида ўсадиган шарбат ажратувчи ўсимликларнинг кўпчилиги иклим шароитига, ернинг ҳосилдорлигига ҳамда ернинг намлигига боғлик бўлади. Ҳайдаб экиладиган яйлов зоналаридан яхшигина пичан ва кўп кўк ўт олинини мумкин бўлиб, бир вактнинг ўзида яйловлар асалариларга кўп шарбат беради. Айрим зона яйловларида кўпчилик ерлар ариларга, асосан, шарбат берувчи ҳисобланади ва М.М.Глуховнинг кўрсатишича, 1 га яйлов ўсимликларидан 80 кг дан ўртача то 50 кг гача, боткоқларда ўсадиган ўсимликлардан 20 кг гача шарбат ажратиш мумкин.

Яйловлар икки хил бўлиши мумкин: яъни сув тошадиган – босадиган тўқай ва нотекис жойлашган баланд-пастликлар, тоғликлар, чукурликлар, киялар, ҳамда боткоқ жойлар.

Бизнинг мамлакатимизда сув босадиган – тўқай яйловларини ҳалк хўжалигига асаларичилик учун аҳамияти катта бўлиб, жамики яйловларнинг 10% ини ташкил қилади.

Унча сув босмайдиган дарё ёқасидаги яйловларда дуккакли ўсимликлардан: ок беда, пушти беда, ўрис бедаси каби

шарбат ажратувчи ўсимликлар кўпроқ ўсади. Сув босадиган яйловларни текислиги бир хил эмас, шунинг учун ҳамма ўсимликлари бир текис гулламайди ва узок вакт шарбат келиб туради. Яйловлардаги гуллар июнь ойида 3-4 хафта давомида гуллаб туради.

Куруқ қир яйловлар. Куруқ қир яйловларида беда, рус бедаси, девор ўти (чирмовик ўт), ингичка баргли бурчок, яйлов герани, яйлов какраси ва момакаймок (кокигул), бойчечак ва чучмомалар кўп ўсади. Айрим жойларда ок ва сарик бедалар (донник) ҳам учрайди. Мураккаб гуллилар оиласидан эчкисокол, кульбаба, лабгулликлардан шалфей жуда яхши асал беради. Сарик андиз, кийикўти, ҳўкиз тили, сарик чой, тоғ райхони каби ўсимликлар кўп ўсади.

Пастқам яйловлар. Бу ерларда намлик жуда кўп бўлиб, дуккакли ўсимликлар камрок ўсади. Асосан саватгуллилардан июнда чиетец, атиргуллилардан табулға (таволга) сувга якин жойларда бурачниклар оиласидан зағчакўз (незахужра) ва баҳорда купальница, сердечниклар, ёзда эса дербенник – плакун кўпроқ ўсади.

Ўрмон яйловлари. Ўрмон яйловларига киркилган ўрмон ўрни, ўрмон орасидаги бўлак-бўлак бўш қолган ерлар орасида ўсадиган ўтлардан: ок беда, пушти беда, ўрмон герани ва хар хил бошқа шарбат берадиган ўсимликлар киради. Ўрмон яйловларида ўсадиган буталардан маймунжан, малина, учкат, сарик чой, ирғай, бодринг, карикиз (репий – лопух).

Сув босадиган тўқайлар ва ботқоқликлар. Ботқоқликларда ўсадиган яйлов герани, сув ялпизи, ботқоқ чистеци, дербенник – плакун, велеръяна, кипрей, ботқоқ бинафшаси ўсади. Ботқоқда ўсадиган юқори ўсимликлардан мевали ўсимликлар черника, клюква, багулниклар шарбат беради.

Тўқай ўсимликлари. Бизнинг тўқайзорларимизда асосан юлғун буталари март ойидан сентябрь ойигача тўхтовсиз гуллайди. Ок чингил тиканли бўлиб, 1,5 м баландликда ўсади. Ҳаво ҳарорати $+25^{\circ}$ бўлганда яхши шарбат ажратади.

Қора чингил ҳам тиканли бўлиб, 1,5 м баландликда ўсади. Юлғун ва чингил ўсимликлари Наманган, Фарғона, Бухоро, Самарканд, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари ва Коракалпогистоннинг шўр ва тўқай ерларида кўпроқ ўсади.

Курук чўл ва ярим чўл яйловларида ўсадиган шарбат ажратувчи ўсимликлар

Бу курук чўл ва ярим чўл яйловларида намгарчилик етиш-маслиги натижасида, асосан, шарбат ажратувчи ўсимликлар эрта баҳор ва ёз оиласининг бошларида ўсиб гуллайди. Бир оз ерида нам бор чўл яйловларида ўсадиган сарик беда, шалфей, ок қурай, исириқ, эремурас шашир, тошбола ва янток каби ўсимликлардан арилар шарбат оладилар.

Ўрта Осиё зонасининг текис ерлари, асосан, чўл ҳудудларига жойлашган.

Ўзбекистондан 61% ерлар чўл зонасига жойлашган. Кумли чўл яйловларида, яъни Қизилкум ҳудудларида (Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари ва Қоракалпогистонда) шарбат ажратувчи ўсимликлар, асосан, баҳор ва ёз ойлари бошларида гуллайди. Бундан ташқари, ҳар қайси вилоятнинг ўз чўл зонаси бор (Хоразм, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари) чўл яйловларида ўзига хос ўсишга мослашган дараҳт ва буталар ўсади. Чўл яйловларида ўсимликлар март ойларидан бошлаб гуллай бошлайди ва куйидаги ўсимлик ва буталар ўсади:

Савринжан (безвременник) – бу унча катта бўлмаган тагида пиёзи бор ўсимлик бўлиб, лилиялар оиласига мансуб, февраль ойида эрталаб ва кечкурунги пайтларда гуллайди. Ҳар битта гули 3 – 4 кун давомида очилиб туради. Арилар уни гулидан шарбат ҳамда гулчанг тўплайдилар.

Бойчечак (гусинный лук) – бу майда 10–12 см ли кўп йиллик ўсимлик бўлиб, лилия оиласига мансуб, эрта баҳорда гуллаб, ариларга шарбат ва гулчанг бериб туради.

Лола (тюлпан) – унча катта бўлмаган гул ва тоғ ўсимлиги бўлиб, лилия оиласига мансуб. Март ойини охирида 8–10 кун давомида гуллаб туради. Ариларга гулчанг беради.

Сассиқ коврак (феруза вонючая) – бу баландлиги 1 м бўлган кўп йиллик ўсимлик бўлиб, саватгуллилар оиласига мансуб, гуллари йирик бўлади. Май ойининг охирлари ва июнь ойининг бошида гуллаб шарбат ва гулчант беради.

Жузгун (каным) – бу бутасимон дараҳт бўлиб, маржумаклар оиласига мансуб. Эрта баҳорда – апрель ойида гуллай бошлайди. Шарбатни кам ажратади, аммо кўп гулчанг беради.

Шу жойда ўсадиган ўсимликларнинг шарбат ажратилиши қобилияти ва қанча ари оиласини жойлаштиришни аниқлаш

Яйлов, ўрмон, водий, текисликларида ўсадиган шарбат ажратувчи ва шарбат ажратмайдиган ҳамда ёввойи ҳолда ўрмонларда ўсадиган ўсимликларнинг ҳаммасини 1 м^2 ли рамкани ўша мўлжалланган яйлов майдонларида бир йўналипда параллел бўйлаб бир неча одам ўтади ва ҳар 100–200 кадамида ерга 1 м^2 ли рамка қўйиб кетаверади. Ортидаги одам ўша 1 м^2 ли рамка ичидаги ўсимлик ичидаги асосий шарбат берадиган оқ беда ўсимлиги неча % ни ташкил қилишини хисоблади.

Масалан: хисобланган 100 та 1 м^2 ли рамка ичидаги саналган ўсимликлар орасида 275 та оқ беда ўсимлиги бор деб айтилик, жамики 100 та 1 м^2 ли рамка ичидаги ўсимликларни сони 7520 та деб хисобласак, у ҳолда 275 та оқ бедани 100 га кўпайтириб, жамики ўсимликлар сони 7520 га бўламиш ва оқ беданинг умумий ўсимликлар орасида неча фоиз эканлигини аниқлаймиз.

$$\frac{275 \cdot 100}{7520} = \frac{27500}{7520} = 3,6\%$$

Энди биз шу оқ беда умумий майдоннинг неча гектарини эгаллашни билмокчи бўлсак, унда ўша ўрганилаётган умумий майдонни 200 гектар десак, 200 гектарни оқ беданинг фоиз хисобидаги сони 3,6% га кўпайтираб, сўнгра 100 га бўламиш.

$$\frac{200 \text{ га} \cdot 3,6\%}{100} = \frac{720 \text{ га \%}}{100} = 7,2 \text{ га}$$

Энди шу жойдаги майдонга нечта ари оиласини жойлаштириш мумкинлигини билиш учун умумий майдонда ўсадиган ўсимликлар ёки экиладиган экинлар ҳамда ўсадиган боғ меваларининг умумий гектар майдони хўжалик, ўрмон хўжаликлари, кишлок хўжаликлари бошқармасидан олинади ва ернинг умумий хажмида ўсадиган ўсимликларнинг 1 гектардан ажратадиган шарбати оғирлик миқдорига кўпайтириб, арихона жойлаштирилган жойдаги ўсимликларнинг умумий шарбат жамғармасини билиб, сўнгра шу жойда нечта ари оиласини жойлаштириш мумкинлигини биламиш.

Масалан: Биз ари жойлаштирумоччи бўлган майдонимизда қўйидаги ўсимлик, яъни боғлар, полиз, беда, пахта кунгабоқар, рапс, сарик беда ўсади, деб хисоблайлик.

Шу жойдаги ўсимликларни шарбат жамғармасини аниқлам

5-жадвал

Шарбат ажратувчи ўсимликлар	Ер майдонни га хисобида	1 га дан исчактг ажратади	Ҳамма майдондан неча кг шарбат ажратади
Боғ (олма, нок, гилос, олча, шафтоли)	20	20	400
Беда	40	200	8000
Рапс (кузгиси)	40	40	1600
Полиз экинлари	10	30	300
Сарик беда	10	500	5000
Кунгабоқар	10	30	300
Пахта	70	50	3500
Жами:	200		19100

Мана шу жадвалдан кўриниб турибдики, жами ўсимликларнинг шарбат ажратиш жамғармаси 19600 кг ни ташкил қиляпти. Лекин арилар шу 19100 кг шарбатнинг ҳаммасини ололмайдилар, чунки асаларилардан ташкари яна ўсимлик шарбатини бошқа ҳашаротлар ҳам олишади Ҳаво доимо бир хил бўлмайди, харорат ҳам ўзгариб туради, ҳамда бир кисм шарбат ариларни учин учун йўлга ишлатилади ёки айрим ўсимликларни ўриш бошланиши билан шарбат ажратиши тўхтайди. Бошқалари эса 2 км ли радиусдан узокда бўлади.

Шунинг учун ҳам жамики тўпланган шарбатни 50% ни арилар тўплайдилар деб хисобласак, $19100:2 = 9550$ кг, ундан ташқари, арилар бир мавсумда 90 кг асални ўзларининг эҳтиёжига истеъмол киладилар ва 20 кг асални режага топширса, унда $90 \text{ кг} \div 20 \text{ кг} = 110$ кг асал ҳаражатга кетади деб хисоблаб, $9550 \div 110 \text{ кг} = 87$ та ари оиласини биз ари олиб бормоқчи бўлган майдонга жойлаштириш мумкин экан.

Ўсимликларнинг кетма-кет гуллаб, шарбат ажратишини ташкил этиш

Кетма-кет гуллаб шарбат ажратувчи ўсимликларнинг гуллаб туришини ташкил этишда асосий шарбат ажратувчи ҳамда қўшимча экилиб шарбат берадаган звеноларни ажратиш лозим. Асосий шарбат ажратиш звеносига шу жой шароитида ўсиб шарбат берувчи ўсимликлар кириб, уларни алоҳида асал олиш учун экилмайди. Булар пахта, беда, кунгабоқар, гречка, боғлар. Тоғ олди, кирли жойларда буғдойзорлар орасида табиий ўсадиган ҳар хил шарбат ва гулчанг берадиган ўтли ўсимликлар ҳам, бурчок, рапслар ҳам асосий звенога киради.

Режали равишда экиладиган ўсимликлар ҳам ҳар хил пайтда экилади, айримлари олдин, айримлари кейинрок шарбат ажратадилар. Мана шу шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллаб бўлгач даврлар ўрталарида шарбат келмай қолган бўш даврлар учраб туради ва ари оиласини ривожлантиришига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам мана шу бўш (яъни, шарбат келмайдиган) даврини тўлғазиш максадида иккинчи марта қўшимча экин экиш ёки сепиш звеносини ташкил килиб, ўртада учрайдиган шарбат келмайдиган даврларда ариларни яхши ишлаб ривожланиши учун хўжаликларда ем-хашибак, дон, кўк ўт берадиган ўсимликлар экилиб, шарбат тўплаш даври тугагач уларни ўриб, ем-хашибак тайёрланади.

Кетма-кет гуллаб шарбат ажратувчи йўлларни ташкил килишида, аввало, хўжаликларда экилган ёки экиладиган шарбат ажратувчи ўсимликларнинг асосий звеноси аникланади.

Аникланганда шарбат ажратувчи ўсимликлар экилган майдон, ҳажми ва качон гуллашига эътибор берилиб, сўнгра ўша шарбат келмайдиган бўш даврларда гуллайдиган қўшимча экиладиган ўсимликлар звеноси ташкил қилинади. Кетма-кет гуллаб шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллашини ташкил этишда ариларни шарбат бор жойларга кўчиришига ҳам амал килиш керак.

Кетма-кет гуллаб шарбат ажратувчи ўсимликларнинг гуллашини таъминловчи йўлининг тахминий тузилишини куйидаги жадвалда кўриш мумкин.

Йилнинг фасли, даври	Кетма-кет гуллаш звеноси	
	Асосий звено	Қўшимча звено
Март ойи ва апрель ойининг 1-ярими	Дарё ёқаларида ўсадиган тол, бутазорлар, рапс, те- рак, кайрағоч, заранг	Мевали боғлар, рапс, перко.
Апрель ойи охири ва май ойининг 1-ярими	Сурепка, перко, чўл худуд- ларида, эпемурус, шашир	Репс, перка, ок акас, сарик акас чўл худу- дида, водийларда бехи, тут, айлонтус
Май ойининг 2-ярми ва июнь ойининг 1-ярими	Ок курай, исирик, ковул, шалфей, гулхайри ва ёв- войи беда, донник, тоғли худудларда наъматак, дў- ланга, сарик беда, бурчок, тошкакра, лолаки зғалдок	Уругли пиёз, уруғли беда, эспарцет, бод- ринг, сарик беда (до- нолик)
Июнь ойининг 2-ярими	Тоғли худудларда, сарик беда, кийикӯти, тоғ рай- хони, бурчок, карикиз, арслонқулоқ, хўқиз тили, кашкарбела, тошкакро, ан- диза, тоғ ялпизи.	Беда, пахта, полиз экинлари, уруғли пиёз, уругли кўкатлар
Июль ойининг 1-ярими ва 2-ярими ҳамда август ойи	Гулхайри, янток, ковул, кийикӯти, тоғ райхони, тухмак,	Пахта, полиз экинла- ри, маккажўхори, кун- габокар, беда.

Шарбат ажратувчи ўсимликларни алмашлаб экиладиган ўсимликлар ўрнига экиш

Ариларнинг озука базасини яхшилаш учун куйидаги шарбат ажратувчи, яъни: гречка, кунгабокар, эспарцет, горчица, донлик, рапс, беда каби ўсимликлар экилса яхши натижа беради.

Аниқ бу кўрсатилган экинларни экишда хўжаликларнинг заруратини ҳам ҳисобга олиш зарур, чунки режали равишда донга ёки бошқа мақсадларда экиладиган кишлоқ хўжалик экинларини ўстириш заарар етказиши мумкин.

Шунинг учун зам узокрок шарбат келиб туриши-
ни таъминлаш мақсадида ўша юкорида айтиб ўтилган
ўсимликлардан айримларини ариларга яхшилаб чантла-

тиб асал тўплаш максадида икки хил вактда, орасидан 7–10 кун ўtkазиб экиш керак. Донлик-сарик беда, эспарцет каби ўсимликларнинг гуллаш даврини чўзиш учун уларнинг бир кисмини эртарок ўриб олиш тавсия этилади.

Бундан ташкари, яна ўсимликлардан шарбат тўплапни ошириш учун ўша шарбат ажратувчи экинларни маҳаллий ҳамда минерал ўғитларга бой ерларга экилса, у ҳолда ўсимликларда шохлаш кўпайиб, гуллар сони ошиш эвазига шарбат тўплани ҳам ортади. Ерда маҳаллий ўғит, ёки керакли ўғитлар етарли бўлганда ўсимликлар ерда нам кам бўлса ҳам ёки кечаси салқинрок пайтларда ҳам шарбат ажратаверадилар.

Ҳар бир иклим ҳудудида ўсадиган экинларни чопиш, сугориш технологияси бўлгандек, бегона ўтлардан ўз вактида тозаланса ҳам шарбат ажратиш кўпаяди, ўша жой шарбатига караб экинларни экилса, экилган ўсимликлардан кўп шарбат олишга эришиш мумкин.

Курук зоналарда ўсимликларни шарбат ажратишини яхшилаш максадида экилган экинларни ўз вактида суғориш ҳамда чўллардан эсадиган шамол йўлларини тўсувчи дарахт ёки бута дарахтлари экилади.

Қаторларни кенг қилиб экилганда ҳам ўсимликлар кўп шарбат ажратади.

Энг кераклиги яхши шарбат ажратувчи ўсимликларни экинда хўжалик ерлари қобилиятини ҳисобга олиб, шу жой шароитида кўп шарбат ажратувчи навларини ажратиб танлаб экиш зарур. Бундан ташкари, ўсимликларнинг тезпишар навлари кам шарбат ажратишини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Ем-хашакка экиладиган ўсимликлар орасига шарбат ажратувчи ўсимликларни кўшиб экиш

Бу йўлдан фойдаланишда шарбат ажратувчи ўсимликларга алохида ер ажратиш, уларнинг ишлаш технологияларига вакт, меҳнат, кўшимча харажат сарфланишни таъаб этмайди.

Бизнинг иклим шароитида барча вилоят ва туманлар кир ҳудудларидаги боғлар орасига бурчок, ўрис нўхати, сарик беда, оддий беда кўшиб экиш натижасида яхши кўрсаткичга эришилмоқда ва ариларни бокиши ва ривожланиши яхши бўлмоқда. Сарик беда ва оддий беда ўрилганда ердан

баландрок килиб ўрилса, пастки қисмидә қолган шохчалари асосий қисми ўсгунча гуллаб туради. Агар ўша ўсимликлар уруғлик учун экилса, у ҳолда арилар 1 ойгача шарбат түпладилар.

Боғлар орасида фацелия экилса дараҳтлар мевасини тўкиб юборадаган мева куртлари камаяди. Украинада кўкка экилган фацелиядан арилар кунига 0,3–1,2 кг шарбат олиб келганлар.

Ҳозир сарик бедани жўхорига қўшиб экиш кенг татбик килинмоқда, чунки сарик беда ариларни то кузгача шарбат билан таъминлайди. Чорва моллари эса кўкларда учрайдиган протеин моддасини 15% кўпайтириш эвазига яхши семириб, кўп сут беради. Жўхорига гулхайри қўшиб экилса хам жуда яхши натижа беради. Хўжаликлар кўп йиллик ем-хашак ўсимликларини алмашлаб экиш вактида, жанубий зоналарда бедага эспарчет қўшиб экиш натижасида беда уруғи 25 кг тежаб колинмоқда.

Асосий беда уруғига 2–3 кг дурагай нав беда уруғи ҳамда бошка дуккакли ўсимликларни ўришга киринади.

Дуккакли ўсимликларни қўшиб экилганда, асосий ўсимликларнинг гуллаши тугагач хашакка ёки уруғга ўришга киришилганда қўшиб экилган дуккакли ўсимликларнинг колган пастки шохчалари ўсиб гуллай бошлайди ва асалариларни озука билан таъминлаб туради.

Яйловларда ўсадиган ўсимликларнинг шарбат ажратувчанлик қобилиятини яхшилаш

Агарда яйловларда ёвойи ўсимликлар ёки шарбат бермайдиган ҳар хил ўсимликлар ўсадиган бўлса у ҳолда, яйловлар асаларичилик учун хеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди. Шунинг учун шарбат ажратувчи ўсимликлардан яйловларда бурчок, дурагай беда навлари ёки ўроқсимон беда навлари ва уларнинг ичига сарик беда аралаштириб экилса, яйловларда шарбат ажратиш яхшиланади.

Дуккакли ўтларни экиш билан бир каторда ерга калийли фосфор берилса ем-хашак озукасида протеин моддаси кўпаяр экан. Яйловларда экиладиган ўтларни баҳорда дискали сеялка ёрдамида экилса, уларнинг униб чиқиши яхши бўлади.

Маълумки, сарик беда қурук ва шўрли ерларда яхши ўсади. Шунинг учун ҳам қурук чўлларда сарик беда экиш

яхши натижа беради, сарик ва оқ бедани 10 см баландликда ўрилса, у яна кўп шохлаб кеч кузгача ариларни шарбат билан таъминлайди.

Кўп йил давомида ўсимликларнинг шарбат ажратиш қобилиятини ўрганиш тажрибаларидан фойдаланиб, келажакда арихона ишларини режалаштириш

Асаларичиликнинг ривожланиши кўп шарбат тўплаш учун ўша жой шароитида ўсадиган шарбат ажратувчи ўсимликларнинг қобилиятидан мукаммал фойдаланишга (яъни шарбат тўплашимизга) боғлиқ. Асосан, ҳар йили шарбат тўплаш баракали бўлиб, тўхтовсиз келиб туриши керак. Бундай ҳолат фақат атроф шарбат ажратувчи ҳар хил ўсимликларга бой жойларда бўлади. Бундан ташқари, шарбат ажратувчи ўсимликлар кўп бўлгани билан об-хаво қулай бўлмаса, у ҳолда арилар ҳамма ўсимликлар ажратган шарбатини тўплай олмайди.

Бутун мавсум давомида кетма-кет тўхтовсиз шарбат келиб турадиган иклим зоналарида асаларичилик яхши йўлга кўйилган бўлади.

Аввал асаларичилик хўжаликларини тўғри ташкил килиш учун ёки шарбат ажартувчи ўсимликлар кайси фаслда узок ва кўп шарбат беришини билиш керак. Агарда шундай кўрсаткичларга эга бўлсан, ари оиласларини ўз вактида кўпайтириб, шарбат тўплашга тайёрлаб кўйиб, керак бўлган вактида у ёки бу жойларга кўчиришимиз мумкин. Мана шунинг учун ҳам асаларичи ўзи яшайдиган жойда йилдан-йилга ўсимликларнинг гуллаш даври, шарбат бериш кучи ва шарбат келиш вақтини қанчагача чўзилишини ўрганиб, келгусида кўп асал маҳсулоти тўплашга замин яратади.

Шарбат ажратувчи ўсимликларнинг гуллаш жадвали ҳамда назорат тарозининг кўрсаткичлари хисоби

Шу жой шароитида ўсимликларни шарбат ажратиш қобилияти ва шароитини ўрганиш учун асаларичи доимо ўсимликларнинг гуллаш вақти ва уларнинг ўсишини кузатиб бориш билан бир вақтда қачон гуллаб тугаш даврини ҳам билиш керак. Кўп йиллик тажриба ва кўп ёзма манбаларга

таяниб, ўсимликларни шу жой шароитида гуллаш вакти ва шарбат бериш кобилиятини билиш мумкин.

Ҳар кандай гулнинг ҳам гуллаш даври ҳар йили бир вактга тұғыр келмайды. Гуллаш даври об-хаво шароитига караб эрта ёки кеч бўлиши мумкин. Бизни шароитимизда энг биринчи гулайдиган бодом ўсимлигидан кейин (яъни, март ойи охири, апрель ойи бошида тоғли туманларда) орадан бир ой ўтгач мевали дараҳтлар тоғли ҳудудларда гуллай бошлидай.

Шахарлар атрофи ёки водийларда февраль ойи охирида қайрағоч, терак, ясень, заранг, тол дараҳтлари гулласа, орадан бир ойча ўтгач боғ ва мевалар гуллай бошлидай. Шундай килиб, биринчи гуллаган ўсимлик гулидан кейин кейинги ўсимликларни гуллаш даврини билиш мумкин.

Бундай құрсаткичларга эришиш учун асаларичи ўзи яшайдиган жой шароитида ўсадиган шарбат ажратувчи ўсимликларнинг ўртача гуллаш вакти ва кейинги ўсимлик биринчи ўсимлиқдан неча кун кейин гуллашини билиши ҳамда қанча гуллаб туриши ва шарбат беришини билишга эришиш учун уларнинг гуллаш вақти ва гуллаб тугашини ёзіб бориши керак.

Ўсимлик номи	Гуллаш вақти			Ариларнинг гулга катнаши (яхши, ўртача, кучли ёки катнашмайды)
	Бошланиш	Охири	Неча кун гуллаб туради?	

У ёки бу ўсимликларнинг гуллаш даврида кучли ёки кучсиз шарбат беришини текшириш назорат тарозини құрсаткичга караб билиш мумкин. Бунинг учун кучли ари оиласини тарозига қўйиб, ҳар куни кечкурун тарозини ўзгариш құрсаткичи ёзіб борилади.

Ўсимликларнинг шарбат ажратиш кучи ва шарбат ажратиш турлари

Асосий шарбат ажратувчи ўсимлик турлари ва уларнинг таснифлари.

Шарбат ажратиш кучи учта шароитга боғлик бўлади.

1. Шарбат ажратувчи ўсимликлар кўплигига.
2. Об-ҳаво шароитига.
3. Асалари оиласининг ишчанлик холати ва шарбат йигувчи арилар сонига.

Асосий шарбат ажратувчи кучи ҳар хил бўлади. Айрим кунлари арилар уясига кунига 1–2 кг, бошка кунлари 3–4 кг шарбатни олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, асосий шарбат келиши вакти турли жойларда ҳар хил бўлиб, айрим холларда бир ойгача ёки 10 кунгача чўзилиши мумкин. Асосий шарбат келиш вакти айрим жойларда ёз бошланишида (чўл худудларида) бошка жойларда ёз ўрталарига тўғри келса, айрим жойларда куз ойларига (ингичка толали пахта, тўқайларда девпечак) тўғри келади, айрим жойларда шарбат келиши даври узун бўлса (70–80 кун пахта гуллайди) бошка жойларда киска (40–50 кун) бўлинши мумкин. Шунинг учун у ёки бу жойларда шарбат келиши турларга бўлинади. Мисол тарикасида қуидаги кўп тарқалган шарбат келиш турларини кўрсатиш мумкин. Жанубий куруқ чўл ва жанубий ғарб туманларда кунгабокар шарбат келиш тури кўпроқ тарқалган.

Турли жойларда шарбат ажратувчи ўсимликлари ва шарбати ҳар хил бўлганлиги учун ҳам шарбат ажратиш турлари ўша иклим шароитидаги ўсимликларнинг шарбат ажратиш хусусиятига боғлик бўлиб, йилдан-йилга ўша шарбат ажратиш турлари кайтарилиши мумкин. Бизнинг иқлим шароитида оқ курай ва уруғли беда шарбат ажратиш тури мавжуд бўлиб, оқ курай май ойида гуллай бошласа, беда июнь ойида гуллаб, иккала ўсимлик 1 ой давомида кучли шарбат ажратади. Оқ курай ва беда гуллашидан олдин, боғлар гуллашидан кейин сарик акация ва оқ акас гулидан арилар шарбат ва гулчанг ташийдилар.

Асаларичилик мавсумида йилнинг ҳар кайси фаслида шарбат ажратиш gox кўпайиб, gox пасайиб туради. Кўпчилик иклим худудлари бир марта ёки бир неча марта асал берадиган ўсимликлар гуллаб, асаларилар тўплаган асалларининг

ўзларига колдирилганидан ортиқчасини олиши ҳам мумкин бўлади. Жуда кўп асал келган даврни асосий шарбат ажратиш – тўплаш даври дейилади. Колган даврларда асалариларнинг тўплаган шарбатлари ўзларининг яшаш ва ривожланишига сарф килинади.

Айрим ҳолларда кетма-кет гуллайдиган шарбат ажратувчи ўсимликларнинг гуллаш даври узилиб қолмаслиги учун кўшимча шарбат ажратувчи ўсимликлар экиласиди. Асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллашда асалари чи шарбат олиб реснага топширса, кўшимча экиласидиган ўсимликлар гуллаганда арилар ўзларининг талабларини қондиришга ҳаракат киладилар.

Шунинг учун айрим жойларда, масалан, кунгабоқар ёки маржумак (гречка) ўсимлиги соат 10–11 ларгача шарбат беради, кунни колган даврида, тушдан кейин гуллайдиган пахта ва шунга ўхшаш ўсимликларга ёки табиий ҳолда ўсадиган яйлов водийларидаги шарбат ажратувчи ўсимликлар борлигига эътибор бериш керак. Чунки узок ва тўхтовсиз шарбат келиб туриши ари оилаларининг жадал ривожланишига замин яратади ва асосий шарбат тўплаш даврида ишчи арилар сони кўп бўлади, ҳамда ари оиласи ишчанлик ҳолатида сакланади.

Шу жой шароитида ўсадиган шарбат ажратувчи ўсимликларнинг гуллаш вакти ва уларнинг ўзига яраша алохида хусусиятларини ўрганиш ва жойлаштириш оркали шарбат ажратиш турларини билишга эришилади. Асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар хар хил жойларда бир хил вактда бўлмай, балки ари оилаларининг биринчи ривожланиш вактидан ёки, масалан, Россияда ертўладан чиқарилган кундан бошлиб орадан 40–90 кунгача вакт ўтгач гуллай бошлайдилар. Айрим жойларда 2–3 хил кўринишда шарбат келиши мумкин. Кўпчилик туманларда мана шундай шарбат ажратиш доимий бўлиб, хар йили бир хил кўринишда бўлганлиги учун ҳам улар шарбат ажратиш турлари деб аталади. МДҲ ва бизнинг худудларда куйидаги шарбат ажратиш турлари аниқланган.

Кунгабоқар шарбат ажратиши тури. Бу шарбат ажратиш тури МДҲнинг жануби-ғарбий чўл худудларида кўп тарқалган бўлиб, июль–август ойларида асаларилар кунгабоқар ўсимлик гулидан кунига 2–3 кг дан асал олиб келади-

лар. Мана шу асосий шарбат ажратувчи кунгабоқар ўсимлиги гуллашига қадар арилар боғлар, яйловларда ҳамда ҳашакка ўриладиган ўсимликлар гулидан шарбат тўплаб, ўзларининг талабларини қондириб ривожланадилар. Ўзбекистонда эса кунгабоқар июнь ва июль ойларида гуллаб, асалариларга гулчанги ва шарбат беради. Шарбат келиши уларнинг навларига боғлик бўлади.

Ақация ва кунгабоқар шарбат ажратиш тури. Бу тур шарбат ажратиш Россиянинг жанубий туманлари, Молдавия, Украина ning ўнг томон ҳудудларида кўп тарқалган бўлиб, 2 та тур шарбат ажратиш, яъни оқ акас ҳамда кунгабоқардан асосий шарбат тўплайдилар. Баҳорда арилар боғлар, шамол тўскич ўрмон дараҳтлари ҳамда буталар гули ҳисобига ўз талабларини қондирадилар. Шарбат келмай турган ўртадаги бўш даврни эспарцет экиб шарбат келишини таъминлаш мумкин. Кунгабоқар гуллаб тугагандан кейин эса фацелия гули ҳисобига ариларни шарбат билан таъминлашга эришиш мумкин.

Маржумак (гречка) шарбат ажратиш тури. Ўрмон зоналари яқинига мансуб бўлиб, гречкани гуллаш даврида ари оиласи кунига 3 – 5 кг ва ундан ҳам ортиқ шарбат олиб келадилар.

Ўзбекистон шароитида эрта баҳорда боғ мевалари гуллаб бўлгач, чўл зоналарида гуллайдиган оқ қурай шарбат ажратиш туридаги гуллар 1 май – июнь ойларида гуллаб, хар битта яхши кучга эга бўлган ари оиласи кунига 3 – 5 кг шарбат олиб келиши мумкин, арилар оксил моддасига бўлган талабларини гулхайри, ковул, исирик каби ўсимлик гуллари ҳисобига қондиришадилар. Оқ қурай гулидан кейин ўртадаги бўш даврни уруғлик беда ёки тоғли ҳудудларда ўсадиган хар хил ўсимликлардан гулхайри, кийикўти, шашир, тоғрайхони, ширач, тоғ жалибули, тобулға, иргай, наъматаклардан шарбат тўплаб талабларини қондириб, жадал ривожланадилар.

Тоғли ҳудудларда ўтчил ўсимликлардан кийикўти, тоғрайхон, бурчоқ, арслонкулок, меҳригиё, зуфо, гулхайри, шашир, афғон бедаси, ҳўқиз тили, қашкарбеда, ширич, себарга, тошкакра, зигирак, мармарак, маврак, лолакизғалдок, қисрок, айиктовон, андиз, герань, жамбул, иссон, қариқиз, лимонўти кабилар.

Тоғли туманларимизда дараҳтсиз тоғ ёнбағирларини ўзлаштириш, уларни ўрмонзор холига келтиришда акациядан кенг фойдаланиш борасида акациязорлар Ургут тумани атрофидаги тоғли жойларда ҳамда Омонқўтон тоғларида учрайди ва май ойида гуллайди. Республикаиз шароитида қалин акациязорларнинг гектарига маҳсулдорлиги 200–250 кг ни ташкил килади.

Ковул – янтоқ шарбат ажратилиши турлари. Ўзбекистон ва Қозоғистон чўл худудларида кўп ўсадиган ўсимлик бўлиб, улар жуда иссикка чидамли ўсимлик хисобланади. Май ойининг 20–25 дан ковул гуллай бошласа, июнь – июль ойларида янток гуллайди ва гектардан 20–25 кг ва ундан ҳам ортик асал беради. Бу ўсимликларнинг илдизи 1,5 м чукӯрликка ботиб, ер ости сув намларидан яхши фойдаланади.

Ковул гулининг гул шираси ҳар битта гулида 80–100 мг га етади. Гектар хисобига ковул 990 кг шарбат ажратади.

Пахта ва маржумак (гречка) шарбат ажратилиши тури. Пахта республикамизнинг ҳамма вилоятлари ва туманларида экиладиган асосий кишлок хўжалиги ўсимлиги гулхайридошлиар оиласига мансуб бўлиб, вилоятларда уни ҳар хил навлари экилади ва 25 июндан бошлаб баргларидан шарбат ажратади бошласа, 1 июлдан гулкўрғон баргларининг 6 та жойидан шарбат ажратади бошлаб, то сентябрь ойининг 20-кунларига қадар (дефолиция килингунча) гектаридан 50–60 кг ва ундан ҳам ортик шарбат ажратади. Маржумак ўрта ҳароратли иссик иклизни ёқтиргани учун уни ўриб олинган буғдойзорларни шудгорлаб бўлгунча экилса, у ҳам экилгандан кейин 30–40 кун ўтгач шарбат ажратади бошлайди ва гектаридан 40–50 кг шарбат бериши мумкин. Маржумакнинг бизнинг шароитга мослашган сершарбат навлари экилса мақсадга мувофик бўлади.

Пахта ва уругли беда шарбат ажратилиши тури. 25 июндан бошлаб то августнинг 15-кунларигача арилар кучли шарбат ташиб даври хисобланади ва ҳар битта асалари оиласи текшириш тарозисини кўрсатишича 1,5 кг дан то 3,5 кг гача шарбат келтиришлари мумкин. Бу даврда полиз экинлари ва маккажўхорилардан пахтакорчилик худудларида гулчангидишиб, ўз талабларини кондирадилар ва жамғарадилар.

Тоғли худудларда июнь, июль ойларида кийикўти ва ҳар хил зировор ҳамда доривор ўтлардан (далачой, тоғрайхони,

гулхайри, бурчок, арслонкулок ширач, шашир, хўқиз тили, зуфо, қашкарбеда, андиза, карикиз) шарбат ташиш мумкин. Бу даврда тоғли туманларда об-ҳавонинг ўрта меъёрда бўлиши ва шарбат ҳамда гулчанг етарли бўлганлиги учун ҳам ари оиласига жуда жадал ривожланишда катта кучга эга бўлади. Бу даврдан кейин ишчанлик ҳолатидаги (яъни, кучга чиқишидан ҳоли бўлган) ари оиласарини пахта экиладиган во-дий ва чўлларга асал тўплаш учун кўчирилади.

Бу турдаги ўсимликлар чўл ҳудудларидағи ўсимликлардан кейин гуллайди ва бу дуккакли ҳамда гулхайри гуллар оиласига мансуб бўлган ўсимлик гули май ойидан бошлаб июнь – июль ойларида жуда яхши гуллаб туради. Беда ўсимлиги гектаридан 30–250 кг шарбат берса, пахта эса 50–60 кг шарбат беради. Беда қурукгарчиликни ёқтириб, иссик дим хавода яхши шарбат ажратади. Пахта эса юмшоқ, намерни ёқтиради.

Уруғли беда 2 ой давомида гуллаб турса, пахта ҳам июнь ойининг 25-ларида то сентябрнинг 20-саналаригача гуллайди (дефолляция килингунча).

Ариларнинг озука базаларини кенгайтириш ва яхшилаш йўллари

Ариларни озука тўплаш кобилияти факат уларни ўз вактида шарбат ажратувчи ўсимликларга бой жойларга кўчириш орқалигина кучайтириш мумкин. Тажрибаларда ариларни нафакат ўз турган жойингиз атрофигагина кўчириб колмай, балки бошка туман ва вилоятларга кўчириб олиб бориш ва у ерларда гуллайдиган бошка турдаги ўсимликлардан шарбат тўплашга эришилади.

Асаларилар озука базасини факат шарбат ажратувчи ўсимликлар экилган майдонларни кенгайтириш ҳамда олдинма-кейин гуллайдиган ўсимликларни экиш натижасида яхшилаш мумкин. Бунинг учун ўсимликларни факат шарбат тўплаш учун экилса тежамкорлик томонидан жуда кимматга тушади. Шунинг учун хўжаликларда экиладиган ўсимликлардан шарбат билан бир қаторда силос, хашак, кўк ўт олишга эришиш мумкинлигини ҳисобга олиш керак ёки бўлмаса шамол тўсиш мақсадида ўрмон дараҳтлари ҳамда бута дараҳтларидан шарбат берадиганларидан экилса максадга мувофик бўлади.

Боғлар орасига шарбат ажратувчи ўсимликларни экиш

Кузда ёш ариларни кўп етиштириш максадида боғлар орасига шарбат ажратувчи ва гулчанг берувчи ўсимликлар экилса максадга мувофик бўлади. Боғлар орасига беда, сарик беда (донник), рапс, перко, бурчок ва полиз экинларидан бодринг, патисон, кабочки каби экинларни июнь ойларида буғдойдан бўшаган ерларга экиб, кеч кузда кўп шарбат ва гулчанг тўплаш мумкин. Республикаизда боғлар орасига кузги рапс, перко, беда, сарик беда, кашнич каби ўсимликларни экиш тавсия этилади.

Бу ўсимликлар боғлар орасига оралаб экилади ва кеч кузда кўк ўтлар ўриб олингач ўғит сифатида хайдаб юбориш эвазига келаси йили мева ҳосилдорлиги 16–59% га ошса, арилар ўсимликлар гулидан 2–3 кг гача шарбат тўплашлари мумкин.

Шарбат, гулчанг берадиган дараҳт ва буталарни экиб, ариларнинг озуқа базасини яхшилаш

Арилар кўпчилик дараҳт ва буталардан гулчанг ҳамда шарбат оладилар. Булардан эрта баҳор ойларида гуллайдиганлари мухим аҳамиятга эга. Эрта баҳорда кишлаб чиккан қари ариларнинг ўрин алмашиш даври ҳисобланганни учун ҳам бу даврда гуллайдиган ўсимликларнинг аҳамияти катта. Шунинг учун шамолни тўсип, кум кўчишининг олдини олиш максадида кўча ёқаларида, қишлоқ ва шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда, коялар турокларини сурилиб кетмаслиги учун экиладиган дараҳтлар, буталарни экишда асаларичиликка аҳамияти катта бўлган турларидан жанубий ерларда оқ акас, тиканли гледичи, жийда, заранг, сарик акас, тол, учкат, терак, саксовул, дўлана, ёнғок кабилар экилса, улардан яхши асал олинади.

Тоғ кояларини сурилишидан саклаш максадида экиладиган ёнғок, дўлана баҳорда энг кўп чанг берадиган дараҳтлар ҳисобланади.

Дараҳт ва буталарнинг иқлим шароитига мослашганини танлаб экилса, ариларни 30–40 кун давомида шарбат ва гулчангни билан таъминлашга эриши мумкин.

Ўрта Осиёning тўқай ва чўл зоналарида ҳам бута, тол, жийда, юлғуннинг ҳар хил турлари ўсиб, булар намгарчиликка мойил бўлса, жингил, юлғун, оқ алас каби турлари нам кам бўлганда гуллайверадилар.

Арихона атрофида экиладиган шарбат ажратувчи ўсимликлар

Арихона жойлашган жой атрофидаги ўсимликлар арилар ҳастида ҳал килувчи роль йўнаса ҳам, аммо гулчанг ва озука билан оз микдорда таъминлаб туради, чунки улар кам микдордаги ерларга, томоркаларга экилиб, кўп асал тўплай олмайдилар. Арихона атрофидаги томоркаларга ёнғоқ, тол, терак, мевали боғлар, полиз экинлари, жўхори, кунгабоқар, жийда кабилар экилади. Бу айтилган дараҳтлар, ўсимликлар гуллаб бўлгач, ариларни бошқа сершарбат ўсимликлар ўсадиган тоғ олди худудларига ёки бошқа жойларга кўчирилади.

Чанглантириш ва чангланиш (тугун тузиш) жараёни

Инсонларга маълум бўлган гуллайдиган ўсимликлардан 80% га яқин хиллари чангланиш натижасида уруғ тугадилар. Шулардан 4/5 кисми ҳашаротлар орқали чангланишга муҳтоҷ.


Асосий мевали дараҳтлардан олма, нок, олча, олхўри ва гиолос, маймунжон, смародина, малина каби ўсимлик гуллари ҳашаротлар ёрдамида чангланадилар.

Ўсимликларни чанглатишга ҳашаротлар етишмаганда улар ҳосилдорлиги жуда пасайиб кетади, яқинларгача пахта гули ўзи-ўзидан чангланади деб келинган пахта майдонларига ари оиласарини олиб борилганда ҳосилдорлик ошгани кузатилган.

Бундан ташқари, тарвуз, ковун, қовок, бодринг, уруғли пиёз, карам ва бошқа сабзвотларни яхши чангланиб, ҳосилдорлик юқори бўлиши учун ҳам ҳашорат, яъни асаларилар керак бўлади.

Асаларилар ўсимликларни чанглантиришда бошқа ёввойи ҳашаротларга нисбатан катта ўрин эгаллайди, чунки асаларилар оила бўлиб яшайдилар ва оиласада арилар сони

50–60 мингта бўлиб, қишдан муваффакиятли қишлиб чикиш эвазига келаси йили баҳорда яна ўсимлик гулларини чанглатишга мұяссар бўладилар, асаларилар шарбат гулчанг тўплаш даврида ҳар битта асалари бир маротаба уясидан учиб чикқанда 100–150 тагача гулга кўнса, кучли ари оиласини, арилари бир кунда 50–60 миллион гулга кўниб, чанглантириши ишларини бажариб, ўзларига асал ва гул чанги тўплаб, хосилдорликни ошириб, йирик мева навларини етиштиришга хизмат киладилар.



74-расм. Гулнинг жинсий органлари тузилиши:

- I. Гулнинг кесилган кўриниши: 1 – гулкоса; 2, 3, 4 – гул банди; 5 – шарбат ажратиш органлари; 6, 8 – чангдон; 7 – чантдон или; 9, 10 – тумшукча; 11 – устунча, 12 – гулчанг найчаси; 13 – тугун деворчаси; 14 – уруғ банди; 15 – уруғ куртаги халазаси; 16 – уруғ куртаги кобиги; 17 – уруғ куртаги ядроси; 18 – эмбрион халтаси; 19 – спермия; 20 – тухум хужайралари.
- II. Эмбрион халтаси оталаниш даврида: 1 – тухум хужайраси; 2 – синергидлар; 3 – антиподлар; 4 – эмбрион халтасининг иккиламчи ядроси; 5 – спермиядан тозаланган гулчанг найчасининг охири; 6 – зародиши халтасининг вакуоласи; 7 – протоплазма.
- III. Кўшалок оталанишдан кейинги эмбрион ва эндосперманинг пайдо бўлиши: 1 – эмбрион; 2 – эндосперма.

Асаларилар гулларга кўниб уяларига кайтаётганда ўз таналарида 3–5 миллион дона гулчанги доначаларини олиб келади. Асаларилар жамики гулларнинг 80–90% чанглантиришса, ёввойи ҳашаротлар эса 10–20% гулларни чанглантирадилар.

Кишлок хўжалик ўсимликларини асаларилар ёрдамида чанглантириш натижасида ҳосилдорлик ёввойи ҳашаротларни чанглантиришга нисбатан 30–50% га ошар экан. Турли воситалар билан чанг оналик тумшуғчасига келиб тушишига чанглатиш дейилади. Агарда гуллар гултож баргига эса бўлиб, гулкўрғон барги рангли бўлса ва гулнинг ҳиди ҳамда шарбат ажратадиган махсус органлари бўлса, бундай гулларда чангланиш ҳашаротлар воситаси билан ўтади. Бир дона гулда гултожбарги бўлмаса, гули рангиз, ҳидсиз ва мазасиз бўлса, у ҳолда чангланиш шамол воситаси билан ўтади (мисол учун: буғдой, жўхори ва донлар, ёнғок, терак кабилар).

Чанглантириш ва чангланиш тўғрисида умумий тушунча

Данакли ва меваси қобик билан ўралган юкори ўсимликлар жинсий ва вегетатив йўллар билан кўпайиши мумкин. Жинсий йўл билан кўпайиши оқибатида ўсимликларда мева ва уруғ ташкил топади.

Данакли ва мевали қобик билан ўралган ўсимликлар гул банди калта бўлиб, чекланган бўлади.

Кўпчилик ўсимликларнинг гули икки жинсли, яъни уларда битта ёки бир нечта гули бўлиб, тугунча, устунча ва тумшуқчаси (оналик органи, оталик органи, гулчанглари) бўлади. Унинг ичida оналик хужайралари, оталик уруғлари билан қўшилиш эвазига мева хосил бўлади ва бу жараён чангланиш деб аталади.

Чангланиш эса чанглантириш хусусияти оқибатида, яъни оталик органларидан гулчанг доначаларини оналик органинг тумшуқчасига тушиши натижасида юзага келади. Оталик гулчанг хужайралари оналик арининг тумшуқчасига тушгач хужайраси ўса бошлайди (у 20–30% ли шакар шарбатида ҳам ўсади). Бунда интина худди найча шаклида бирорта экзина кобигидаги тешикчадан бўртиб чиқади ва интина бўртиши ҳамда у униб ўсишга интилиши оқибатида озука бор тарафи-

га караб ўса бошлайди. Секин-аста у (интина) чўзилиб ўсиб, оталик органлари орасидан ўтиб, охири зарадиши кончасига ўтади. Ёмғир ва туманли об-хаволар ўсимликларда чангланниш ва чанглантиришга салбий таъсир кўрсатади.

Шарбат ажратувчи ўсимликларнинг рўйхати ва тарози кўрсаткичи

Географик тузилиши бўйича бизнинг иклим шароитимиз шарбат ажратувчи ўсимликларнинг таснифномасига караб текислик, водий, тоғ олди ва тоғли, курук чўл ва ярим чўл яйловлари хамда тўқайзорларга бўлинади.

Пастқам текислик ерларда киш киска бўлиб, харорат юмшоқлиги ва баҳорнинг эрта келиши хамда ёзнинг иссиклиги бўйича ўзига хос ўт ва буталар ўсиши ва уларни шарбат ажратишига боғ ва бошка дараҳтларнинг гуллаши уланиб кетади.

Бу ҳудудларда шарбат ажратиш мавсумини бир нечта даврга бўлиш мумкин.

1. Эрта баҳор (февраль охири ва март, апрель, май ойлари).

Кун, ой, йил 1997	Ўсимлик номи	Текшириш тарозиси кўрсаткичи		Об-хаво харорати
		Шарбат келиши (кг)	Шарбат истеъмол килиш (КГ)	
февраль	Бодом			салқин
февраль	Бинафша			салқин
март	Бойчечак	гулчанги		салқин
март	Заранг			ўрта
марг	Кайрағоч			салқин
25-0,3	Ўрик, шафтоли	0,3		ўрта
2,04	Ўрик, шафтоли	0,1		ўрта
6,04	Тол	0,2		ўрта
12,04	Момакаймок		0,4	салқин
15,04	Боғлар	0,3		ўрта
17,04	Олхўри	0,4		ўрта

22,04	Олма			салқин
23,04	Олма		0,2	ёмғир
24,04	Олма	0,4		ўрта
25,04	Олма	0,4		ўрта
29,04	Олча		0,4	салқин
1,05	Олча	гулчанғ		ўрта
2,05	Олча		0,4	ёмғир
5,05	Олча		0,5	ёмғир
6,05	Олча	0,4		илик
7,05	Оқ акас	1		иссик
11,05	Оқ акас	1,5		иссик
12,05	Оқ акас	1		иссик
14,05	Оқ акас	0,3		иссик
15,05	Оқ акас	0,4		иссик
17,05	Оқ акас	0,3		иссик
18,05	Беда	0,5		иссик
25,05	Оқ курай	1,9		иссик
30,05	Беда, оқ курай	3,4		иссик
2,06	Беда, оқ курай	3		иссик

Оқ курай гули гулчанги бермаганлиги сабабли ари оиласини күп тухум ва ривожлантириш учун тоғли ҳудудларга ёки водийга кўчирилади. Ваҳоланки, чўл ҳудудидаги оқ курай ўсимлигидан 1,5–2 кг шарбат келишига қарамай ари оиласи кўчирилади. Шундай қилинмаса, ари оиласининг кучи камайиб кетади. Чунки гулчанги етишмаса, она ари тухум кўйитини тўхтатади ёки арилар оксил касали билан касалланади.

Күн, ой, йил 1997	Ұсымлык номи	Текшириш тарозиси күрсаткичи		Об-хаво харорати
		Шарбат келиши (кг)	Шарбат иesteъмол қилиш (кг)	
13.06	Беда	3,5		иссик
22.06	Оқ курай	2,5		иссик
25.06	Оқ курай	1,2		иссик
28.06	Пахта	0,3		иссик
29.06	Пахта	0,4		иссик
30.06	Пахта	0,7		иссик
5.07	Пахта	1,2		иссик
7.07	Пахта	2		иссик
10.07	Пахта	2,3		иссик
15.07	Пахта	2,2		иссик
20.07	Пахта	2,5		иссик
23.07	Пахта	1,9		иссик
25.07	Пахта	1,5		иссик
26.07	Пахта	2		иссик
30.07	Пахта	2,1		иссик
5.08	Пахта	1,4		иссик
10.08	Пахта	1,1		иссик
15.08	Пахта	0,9		иссик
20.08	Пахта	0,5		иссик
22.08	Пахта	0,3		иссик
20.08	Пахта	0,2		иссик
5.09	Пахта		0,2	иссик
10.09	Чўл шўраси	0	0	иссик
15.09	Чўл шўраси		0,2	иссик
20.09	Чўл шўраси	0,3		иссик
25.09	Чўл шўраси	0,6	Чўл худудлари	иссик
27.09	Чўл шўраси	0,9		иссик
30.09	Чўл шураси	1,2	Чўл худудлари	иссик
6.10	Чўл шураси	1,4		иссик

2. Март ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунлиги ва апрель ойида тол, терак, момақаймок, тоғ олчаси, рапс, ўрик, шафтоли, нок, гилос, олхўри, олма каби дарахтлар гуллаб, асалари-ларни вактинча шарбат ва гулчанг билан таъминлайди.

3. Асосий баҳорги шарбат бериш даври май ойининг биринчи ярмида оқ акас, чўлда эса сарик акас, тоғли худудларда дўлана, лолақизғалдок, чучмома, ёввой бедалар бурчоқ, синяк гулласа, текислик ва чўл худудларида шашир, ширач, беда, сарик беда, учтикан гуллайди.

25 марта бошлаб оқ курай, беда ўсимликлари шарбат бера бошлайди. Шу даврда исирик, гулхайри ҳамда ковул гуллайди.

Тоғли худудларда май ойининг охирида ва июнь ойининг бошларидан карикиз гуллай бошлайди.

Ўсимликларнинг шарбат ажратиш қобилиятини текшириш тарозиси кўрсаткичи бўйича хисобини олиб бориш

У ёки бу жой шароитида ўсадиган ўсимликларнинг шарбат ажратиш қобилиятини билиш мақсадида, ари оиласалирини бирор жойга шарбат тўплашга олиб боришдан аввал, ўша жойда ўсадиган ўсимликларнинг шарбат ажратиш хусусиятини, гуллаш рўйхатини билиш билан бир каторда битта тўлиқ кучга эга бўлган ари оиласини текшириш тарозисига кўйиб, ўсимликларнинг ҳар куни канча шарбат ажратиш қобилиятини билиш мумкин. Текшириш тарозисини бир кун олдинги кўрсаткичини бугунги кўрсаткичидан айириб, хосил бўлган кўрсаткич раками ариларни шу бугунги ўсимликлардан олиб келган шарбат микдорини кўрсатади. Масалан, бугун тарози кўрсаткичи 56 кг 300 гр бўлса, бир кун олдинги 55 кг 900 гр тарози кўрсаткичини айириш билан орка ариларнинг бир кунда келтирган шарбат микдорини билиш мумкин ($56 \text{ кг } 300 \text{ гр} - 55 \text{ кг } 900 \text{ гр} = 400 \text{ гр}$).

Текшириш тарозиси кўрсаткичи бир кунда 500–600 гр ни кўрсатса, у ҳолда ўша жойдаги ўсимликларнинг шарбат ажратиш қобилияти ўртача эканлигини билдиради. Қачонки тарози устида турган ари оиласи келтирган шарбат 1 кг дан ошса, у ҳолда асосий шарбат ажратиш даври бошланганидан далолат беради. Асосий шарбат келиш даврида ўрта кучга эга бўлган ари оиласи 1–2 кг гача шарбат келтирса, ўта кучли

ари оиласининг арилари эса 3–4 кг гача шарбат келтирадилар. Текшириш тарозисини кундалик кўрсаткичларини хар куни кечқурун арихона кундалик дафтарига ёзиб борилади.

Текшириш тарозиси кўрсаткичлари ёзиладиган жадвали:

Кун, ой, йил 1995 йил	Тарози кўрсаткичи		Об-хаво кўрсаткичи	Гуллаётган шарбат ажратувчи ўсимликлар номи
	Келтирилган шарбат	Сарфланган шарбат		
15.04	0,3		яҳши	боғлар
17.04	0,4		яҳши	боғлар
20.04		0,2	салкин	боғлар
25.04	0,3		яҳши	боғлар
27.04		0,1	салкин	боғлар
30.04	0,3		яҳши	боғлар
02.05		0,3	салкин, ёмғир	боғлар
05.05	0,2		яҳши	ок акас
06.05	0,4		яҳши	ок акас
07.05	0,5		яҳши	ок акас
08.05	0,9		яҳши	ок акас
10.05	1,3		яҳши	ок акас
12.05	1,5		яҳши	ок акас
13.05	1,6		яҳши	ок акас
14.05		0,3	ёмғир	ок акас
15.05		0,4	ёмғир	ок акас
16.05		0,3	салкин, ёмғир	ок акас

Шарбат ажратувчи боғ ўсимликлари

Асаларичиликда мевали боғ дарахтларидан олма, нок, бехи, олча, олхўри, гилос, ўрик, шафтоли, бодом каби ўсимликларнинг аҳамияти катта.

Май ойида ўсадиган мева берадиган бута дарахтлардан малина, маймунжон ва смородина ўсимликлари алоҳида аҳамиятга эга. Боғ ўсимликлари баҳор ойида гуллаб, ариларга бир оз шарбат ва асосан гулчанг беради.

T/р	Үсімлік-лар номи	Оиласи	Гул түзилиши	Шарбат ажратиш орг. жойлаш.	1 гектардан неча кг асал берди?	Гулдаш лаври	Неча кун гуллани?
1.	Олма	атиргул	калкон	гүлкүрғон барғи асоси	25–30	март, апрель	10–12
2.	Нок	атиргул	калкон	гүлкүрғон барғи асоси	15	март, апрель	10–14
3.	Бехи	атиргул	якка гул	гүлкүрғон барғи асоси	20–25	апрель, май	10–14
4.	Олхүри	олма кичик оиласи	түли 2 та дан	оталик асосида	10–40	апрель, май	10
5.	Үрик	үрик кичик оиласи	түп-түп	эркаклик ор. асосида	25–40	март, апрель	10
6.	Шафтоли	шафтоли кичик оиласи	якка ёки 2 тадан	гүлбандида оталик органи асосида	20		10
7.	Бодом	бодом кичик оиласи	якка ёки 2 сават			март	11–11
8.	Олча	олча кичик оиласи	2–5 та дан		30–40	апрель	10–12
9.	Гилос	гилос кичик оиласи	саватгул				10
10.	Малина	атиргул	камгул	от.он.асос	100	июнь	25–40
11.	Маймунжон	маймунжон	1–5 та дан	от.он.асос	50–70	апрель, май	10–30
12.	Смородина	атиртул	кам гул	шарбат түкимаси түгүн устида	80–90	июнь	18–20
13.	Черемуха	майда гул	3–4 та дан	от.он.асос	40–50 кг	май, июнь	10–15



**75-расм. Шарбат берувчи боғлар, сабзавот ўсимликлари
ва полиз экинлари:**

1 – олча; 2 – олма; 3 – бодринг; 4 – малина; 5 – кора смородина;
6 – маймунжон; 7 – тарвуз.

Бундай ўсимликлар гуллаш даврида ари оиласлари жадал ривожланиб, асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллаш даврига кадар ари оиласлари кучайиб, катта кучга эга бўлади. Ҳар бир дараҳтнинг гуллаш даври 10–15 кун давом этади.

Олма – бу дараҳт олма гуллилар оиласининг кичик оиласига мансуб бўлиб, атиргуллилар оиласига киради ва 5–10 м баландликда шохлари тарвақайлаб ўсади, гуллари йирик, тўғри гулли гултожибарглари катта-катта бўлиб, оталик ипчаси 20 тадан ортик. Оналик органи тумшукчаси оталик органи етилмасдан очилади, шарбат ажратадиган органи оталик органи асосида бўлиб, гулкўрғон бандлари айланада бўлиб жойлашган.

Март – апрель ойларида, тоғли районларда апрель – май ойларида 1 гектардан 25–30 кг шарбат беради.

Асалариларнинг фойдали учиш радиуси масофасидаги ўша жойда ўсадиган шарбат ажратувчи ўсимликларнинг хисобини олиш

Шарбат ажратувчи ўсимликлар сонини бир йўналишда кадамлаб хисобга олинади. Бунинг учун ҳамма шарбат берадиган ёки озука базалари майдонида ўсадиган ўсимликларни камида 2–3 йўналишда кадамлаб, ҳамма ўсадиган ўсимликларни хисобга олади. Арихона арилари учадиган фойдали учиш радиусига кирадиган 1250 га майдоннинг неча гектари шарбат ажратувчи ўсимликлардан алмашлаб экиш учун экилганлиги ва неча гектарга боғ ҳамда сабзавот экинлар экилганлиги ҳакида хўжалик ҳисобхонасидан кўрсатма олинади.

Мабодо ўша арилар учадиган фойдали учиш радиуслари ўрмон ҳудудларига тўғри келиб қолса, у холда ер майдони ҳажми ўрмон хўжалигидан олинади ва ўрмонда дараҳтлар ҳамда бутазорлар неча гектарга тўғри келишини фоиз хисобига олинади.

Агарда ўрмон хўжалигидан бундай хужжатни олишнинг иложи бўлмаса, у холда ўрмон ҳудудларида ўсадиган шарбат ажратувчи ўсимлик турлари қанча майдонни эгаллаши ўрганилади. Ўрмонда ўсадиган ўсимликларни, биринчи навбатда, турлари аниклаб олинади, яъни бир хил ўсимлик ўсадиган ёки хар хил. Бунинг учун текширишдан олдин ўша ўрмон ҳудуди ерларини ҳарита бўйича ўсимлик тур-

ларига караб алохидა ўрганилади ва улар ўсадиган майдон кўрсатилади ҳамда тахминий қадамлаб асосий диагонал бўйлаб ўтилади. Бунда ўрмон узунлиги хисоби олинади. Хисобини олиш икки хил йўл билан бажарилади.

1-йўли. Ўрганилаётган майдон харита бўйича 20 та га бўлиниб, ўша бўлим ичидаги шарбат ажратувчи ва шарбат ажратмайдиган дараҳтнинг хисоби олинади. Масалан: майдоннинг диагонали 800 м га тенг бўлса, йигирматага тенг килиб бўлинади ва йигирматага бўлумнинг хисоби олинади. Хисоблаётган майдон бир-биридан 40 м оралигига бўлади.

Ҳар битта 20 нуктада 10 м² майдонча ичидаги ҳамма шарбат берувчи ва шарбат бермайдиган дараҳтлар ҳамда буталар сони хисобга олиниб, қўйидаги кўринишдаги жадвалга ёзиб борилади.

Дараҳт ва буталарнинг номи	Ўрганилаётган майдон										Ўрганилаётган майдон ичидаги ўсимликлар жами сони	Ўсим- ликлар неча % ни ташкил килади?
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10		
10 м ² ичидаги ўсимликларнинг сони												
Жўка (липа)	7	18	20	30	40	50	15	17	18	15	240	20
Оқ кайин	5	2	1	4	7	10	6	5	6	4	50	4,1
Заранг	—	3	4	—	5	7	1	6	4	—	30	2,5
Черёмуха												
—												
—												
Жами:											1200	

$$\text{Жами: } 1200 \text{ --- } 100\%$$

$$240 \text{ --- } x$$

$$x = 24000 : 1200 = 20\%$$

2-йўли. Ўкувчилар олдиндан режалаптирган йўналиш бўйича юриб, дараҳтлар турига караб ҳаммасининг хисобини олишда йўналиш бўйича 1 м ўнга ва 1 м чапга караб тахминан мўлжал бўйича хисобини олиб бўлингандан сўнгра, шу йўналишда учраган дараҳтлар турига караб фоиз микдорида дараҳтлар сони аниқланади. Орқага қайтишда

ўша 2 м йўналиш ичидаги учрайдиган бута дарахтлар хисоби олиниб, канча майдонни эгаллаши аникланади. Шундан кейин ўша кенгликдаги майдон узунасига бута дарахтлар турига караб, сонига қўшиб, сўнгра ўрганилаётган майдон узунаси аникланаб, кейин иккига қўпайтирилади ва ниҳоят у ёки бу хилдаги шарбат ажратадиган ёки ажратмайдиган бута дарахтлар ўша майдонни эгаллаши аникланади. Шарбат ажратувчи ўтчил ўсимликлар майдонларини ҳам ўрганиш мумкин.

Ўрганилаётган майдондаги ўсимликлар хисобини олиб бориш учун қуйидаги кўринишдаги жадвалдан фойдаланилса бўлади.

Чўл ҳудудида ўсадиган шарбат ажратувчи бута ва ўтчил ўсимликлар ўсадиган майдон хисобини олиш жадвали.

Аникланадиган майдон m^2 хисобида	Шарбат ажратувчи бута ва ўтчил ўсимликлар номи	Ўрганилаётган майдон										m^2	Ўсимликлар неча % ни ташкил килади?
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10		
1600	Ок курай	—	76	53	30	40	44	25	35	—	—	303	18,94
	Гулхайри	10	—	7	27	24	30	21	30	—	—	149	9,31
	Ковул	—	40	30	—	20	—	15	—	17	—	122	7,6
	Исирик	70	—	—	30	40	—	17	—	—	21	178	11,1
	Юлғун	25	2	25	10	10	10	22	—	—	5	119	7,4
	Янток	15	—	19	—	20	25	—	14	—	—	93	5,8
	Сарик акас	10	11	8	12	12	10	—	—	11	14	79	4,9
	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
	Жами:	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	1600

Жами: $1600 — 100 \%$


$$303 — x$$

$$x = 30300 : 1600 = 18,94\%$$

Шарбат ажратувчи ўсимликлар сони бир йұналишда кадамлаб хисобға олинади. Бунинг учун ҳамма озуқа базала-ри майдонида ўсадиган ўсимликларни камиде 2–3 йұналишда кадамлаб, ҳамма ўсадиган ўсимликларни хисобға кирадиган килиб хисоби олинади. Йұналишларни ҳар 50–60 кадамда 25 м дан то 50 тагача хисоблаш нүкта майдончалари са-налади.

Үтчил шарбат ажратувчи ўсимликлар (дона хисобида) хисобини 1–4 м² дан, дараҳт ва бута дараҳтларини эса 25 м² (5x5 м) ишғол килған майдонига қараб ҳар қайси шарбат ажратувчи ўсимлик турларини жамики майдон бўйлаб тах-минан чамалаб, фоиз хисобида майдончалари бўйича хисоби олинади.

Яйлов ва ўтлор (табиий ва сунъий йўл билан кўпайган турли ўтлар ўсиб ётган ер майдони)ларда ўсадиган ўсимликларнинг шарбат ажратиш жамғармасини Е.Т.Клименкова методи бўйича ёғоч таёқчалардан қокиб тайёрланган ёnlари 0,5 м ли 25 та катақка бўлинган ва ичига сим тортиб тайёрланган рамка ёрдамида аникланади.



76-расм.

Үрганилаётган майдонда 1 m^2 майдончалар ажратилиб, уларнинг ичидаги ўша майдончада у ёки бу шарбат ажратувчи ўсимликларнинг устига рамка сетка кўйиб, ўша ўсимликлар фоиз хисобида аникланади. Ажратилган майдонга тўрт маротаба рамка кўйилиб, ўсимликлар номи ва катаклар раками ёзилади.

Утган майдонларда ўсадиган шарбат ажратувчи ўсимликларнинг фоиз хисобидаги микдорини 76-расм ва жадвал бўйича аникланади.

	Катаклар раками	Ўрганилаётган майдон % хисобида
Катаклар сони	1, 2, 3, 4, 5	12,5 дан
Катаклар сони	10, 15, 20 ва 25	6,25 дан
Катаклар сони	6, 7, 9, 16, 17, 19, 21, 22, 24	0,25 дан
Катаклар сони	8, 18, 23, 11, 12, 14	0,50 дан
Катаклар сони	13	1,00 дан

Мисолда ўтзор майдонларни ўрганишда ўша майдонда ўсадиган беда 1 m^2 ли майдончада рамка сетканинг 10, 15, 20, 25, 24, 6, 7, 13 ракамли катакларига тўғри келади. Жадвалдан фойдаланиб, тўртта биринчи катак ичидаги беда ўсимлиги 6,25%ни ташкил килса, 6, 7, 24-катақ 0,25% дан ва 13-катақ эса 1% ни ташкил килади. Шу ракамлар кўрсатилган катаклар хаммаси 8% ни ташкил килади. Тўпланган ўсимликлар сони текширилган майдончалар сонига, яъни 4 та майдонга ўлчангандан бўлса, ўша сонни тўртга бўламиз.

Ўлчангандан тўртта майдонча, яъни 10, 15, 20, 25 ракамли катаклардаги ўсимликлар сонини 4 га бўламиз: $6,25:4=1,56\%$ га тўғри келяпти.

АСАЛАРИЛАР МАҲСУЛОТИ

Асал – бу асаларилар томонидан гуллардан шарбатни тўплаб, кайта ишланган маҳсулот бўлиб, ўзининг хуштаъмлиги, хушбўйлиги ва шифобахшлик хусусияти билан юкори баҳоланади. У қандлавлаги ва унинг маҳсулотларидан, шакаркамишдан олинадиган шакардан таркибида конга тез сингадиган, сўриладиган узум ва мева шакари борлиги билан, иккинчидан одамда моддалар алмашинувини тартибга соладиган ферментлар, витаминлар, минерал моддалар, органик минералларнинг борлиги билан фарқ килади.

Асал – бактероцидлик хусусиятига ҳам эга, яъни у кўпгина патоген микроорганизмлар, жумладан, дифтерия, паратифоз таёқчалари, стрептококк, стофилакокк ва бошқаларнинг ривожланишига тўсқинлик килади ёки уларни ўлдиради.

Иирингли жароҳатлар, фрункул ва юкумли касалликларни даволашда суртма дори сифатида муваффакиятли кўлланиши унинг фойдали хусусиятларидан далолат беради. Лекин асал дармон куриш, озиб кетиш, ошкозон ва ўн икки бармоқ ичак яраларини, сарик (гепатит) касалликларини даволашда, кўп кон йўқотилганда ички дори сифатида ҳам кимматлидир. У моддалар алмашинуви яхши бўлмаган болалар ва қарияларга ҳам жуда фойдаидир.

Асал – қандолат саноатида, нон ёпиш корхоналарида нонни тез котмаслигини саклашда, намликни тартибга солишда, виночилик ва тамаки саноатида ишлатилади.

Асалариларни мум бошқа мумга ўхшаш сифатида ишлатиладиган (церазин, парафин, техникавий мум, мантан мум, япон мум) деб номланган сунъий мумларга нисбатан кам ишлаб чиқарилишига қарамасдан ҳалқ ҳўжалигида унинг аҳамияти катта.

Асаларилар муми саноат тармокларида кўп ишлатилади. Мум металлургия саноати, авиасозлик заводларида, темир йўллар транспортида, электр саноатида, пардоз маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, радио ва телевизор ишлаб чиқаришда ва фармацевтика саноатида кўп ишлатилади.

Асаларилар мумларининг 80% га яқин кисми мумпарда тайёрлаш учун ишлатилади.

Асалариларнинг колган махсулотлари прополис, асалари захари, асалари сути, гулчанглар парҳез таом ва даволовчи хусусиятга эга.

Асалнинг таснифи (классификацияси) ва кимёвий таркиби

Арилар томонидан тўпланадиган ва кайта ишланган шарбат ёки қора асал (яъни, қишилк хўжалик зараркунандаси ширанинг ширинсимон ахлат суюклиги) асаларилар учун углевод озуқа хисобланади. Мумкатақ инчали ромлардан асални маҳсус асал оладиган мослама, яъни мёдогонка ёрдамида олинади. Бундай асал марказдан қочиш кучи таъсирида олинган асал дейилади.

Айрим пайтларда асални пресс ёрдамида сикиб олиниади ва бундай асал сикиб олинган асал дейилади. Бундан ташкари, яна кичик-кичик ромларда секцияли мумкатақ инчали асал ҳам бўлади.

Ўсимлик гулларидан тўпланган асал *гул асали* дейилади ваmonoфлёр (яъни бир хил ўсимлик гулидан тўпланган) ва полифлёр (яъни бир неча хил ўсимлик гулидан) тўпланган асал дейилади. Монофлёр асални арилар бир хил ўсимлик гулидан, яъни гречка, жўка, кунгабокар, пахта, беда каби алоҳида ўсимликлардан тўплайдилар.

Полифлёр асал эса арилар томонидан бир вактнинг ўзида бир неча хил ўсимликларни гулидан, яъни ўрмон зоналарида, тоғли жойларда, чўл зоналарида, водийларда ўсадиган ҳар хил ўсимлик гулларидан тўпланади. Булардан ташкари, яна қора асал ҳам бўлади. Бу қора асал ҳам игнабаргли дараҳтларнинг баргидан, жўка дараҳти баргидан, дуб дараҳти баргидан ва бошка хил ўсимликлардан тўпланади.

Асал кандай эканлигини аник билиш учун ўша жой шароитидаги шарбат берадиган ўсимликларга ариларнинг учишини кузатиб, аник кайси ўсимлик гулидан тўпланишини билиш мумкин, қачонки ўша арихона жойлашган фойдали радиусда шарбат берувчи ўсимликларнинг бир хил тури ўстирилса. Агарда ўша арилар учадиган радиусда шарбат берадиган ҳар хил ўсимлик ўсадиган бўлса, у холда асалга аник баҳо бериш қийин бўлади.

Асалга баҳо бериш ёки сифатини билиш учун хамма шароитларни хисобга олиш керак, аммо бундай шароитни яратиш ёки хисобга олишни иложи бўлмайди. Ваҳоланки асал таркибини аниклашда унинг ранги, мазаси, хиди хисобга олинишига карамасдан барибир хатоликка йўл қўйиш мумкин.

Асалнинг сифати ва таркибини аниклашда ундаги гулчанг заррачаларини микроскопда текшириш оркали асалнинг қайси тур асалга мансуб эканлигини билишга ҳаракат килинади.

Асалнинг тозалиги ва қайси тур асалга мансублигини билиш максадида асалнинг кимёвий ва физикавий таркибини аниклаш оркали асалга баҳо бериш мўлжалланган.

Асал таркиби қандай бўлишлиги ариларнинг наслига ҳам боғлик бўлиб, асалларнинг таркибида учрайдиган гулчанг заррачалари ҳам ҳар хил гулларга мансуб бўлади. Масалан: бир майдонда ўсадиган шарбат ажратувчи ўсимликлардан кўнгир Кавказ тоғ ариси насли тўплаган асал таркибида гречиха гулининг чангидан 21%, дуккакли ўсимликни гулчангидан 40–50% тўғри келса, худди шу майдонда ўрта рус насли арилар тўплаган асалда гречиха гулчангидан 50%, дуккакли ўсимликлар гулчангидан 13% га тўғри келган. Шунинг учун ҳам агарда асал таркиbidаги хисобга олинаётган гулчанг заррачалари кўпчилик сонни ташкил килса, устун турса бундай асал монофлёр асал хисобланади. Энди полифлёр асалнинг таркибига келсак шарбат ажратувчи ўсимликларни хисобга олиб, баҳо бериш мумкин эмас.

Асалнинг кимёвий таркиби

Асал таркиби жуда мураккаб бўлиб, унда 42 тагача қанд хиллари борлиги аникланган. Хамма асалда ҳам глюкоза ва фруктоза ҳамда ундан ташкири сахароза, мальтоза, мальтулоза, тураноза, изомальтоза, эрлоза, мелазитоза, мелибиазалар ва айрим хил асалларда бошқа хил углеводлар учрайди. Фруктоза $C_6H_{12}O_6$, глюкоза $C_6H_{12}O_6$ мальтоза ҳамда бошқа углеводларни асалнинг кимёвий ҳусусияти бўйича асал таркиbidаги доимий қанд моддаси хисобланади. Глюкоза ва фруктоза асал таркибида ўрта хисобда 19% ни ташкил килиб, улар сувда тез зрувчанлиги билан бошқа қандлардан фаркланади. Агарда асал таркиbidаги сувни хисобга олмаса, у холда асалда қанд моддалари 95% ни ташкил этади. Глю-

коза ва фруктоза қандлари моносахридлар, яъни бирламчи қандлар гурухига кириб, кимёвий хусусияти бўйича энг оддий шакар бўлиб, одамлар танасида жуда енгил сўрилади, ҳамда танада кислород билан реакцияга киришиб парчаланиши натижасида карбонат ангидрид гази ва сув юзага келади.

Глюкоза ($C_6H_{12}O_6$) асал таркибида 31–38% ни ташкил килади. Глюкоза бошқа қандларга нисбатан тез кота бошлайди, фруктоза ($C_6H_{12}O_6$) эса асал таркибида 38–43% ни ташкил килади. Фруктоза глюкозага нисбатан жуда секин котади ва ўзига намни тортади.

Асал таркибида глюкоза ва фруктозадан ташқари 2% гача сахароза $C_{12}H_{22}O_{11}$, камип, қандлавлаги қанди бўлади. Бу қанд дисахаридлар $C_{12}H_{22}O_{11}$, яъни иккиламчи қандлар гурухига киради.

Асал таркибида яна мураккаб углеводлар – декстрин кириб, бу крахмалнинг ҳали тўлиқ парчаланмаган ҳолати хисобланади. Декстрин сувда эриб, асал котишига тўскинлик килади ва уни таркибида 1–4% дан айрим ҳолларда 12% учраши мумкин. Таркибида азот моддаси бор оқсил моддалар асалда унча кўп бўлмай 0,1% дан то 1,5% гача, яъни ўрта хисобда 0,4–0,6% ни ташкил килади. Уларнинг ҳаммаси сувда эрийдиган бўлиб, ичакда енгил сўрилади. Оқсиллар икки хил кўринишда учрайди, биринчиси шарбат ва гулчангдан асалга тушади ва ўсимлик оқсилига киради, иккинчиси ариларнинг олдинги ичак безларини суюклиги бўлиб, чорва, тирик организм оқсили хисобланади.

Асалда яна оқсил бўлмаган азотли моддалардан таркиби бўйича ҳар хил бўлган кислоталар 0,43% гача учрайди. Асосан органик кислоталардан глюкон, глютамин ва аспарагин кислоталари учрайди. Бундан ташқари, асалда яна сут, вино, шавел, олма, лимон, уксус, чумоли ҳамда бошқа кислоталар ҳам учрайди. Асалда органик бўлмаган кислоталардан фосфор ва тузли кислоталар учраб туради.

Асалда минерал моддалардан ҳар хили 0,27% гача (куруқ мода хисобида) учрайди. Асалда ҳаммаси бўлиб 37 тагача кимёвий элемент аниқланган. Улардан асосийси калий, натрий, кальций, магний, темир, фосфорлардир. 1 г асалда 9,7 мкг темир, 4,2 мкг марганец, 0,8 мкг мис, 0,15 мкг кобольт каби асосий микроэлементлар учрайди. Асал кайси бир тур ўсимликлар гулларидан тўпланганлигига караб бу микро-

элемент моддалар ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Энг қизиғи шундаки, асални минерал таркиби ҳудди одам кони таркибидаги минерал моддаларга ўхшаш бўлар экан.

Асалга хид берувчи моддалар

Арилар тўплаган ўсимлик гулининг хиди шарбат оркали асал таркибига ҳам ўтади. Ҳар хил асаллар таркибидаги 120 тагача хид берувчи моддалар борлиги аникланган. Бу хид берувчи моддаларга спиртлар, альдегидлар, кетонлар, кислоталар ва эфирлар ҳамда органик кислотали спиртлар киради.

Асал таркибидаги витаминалар

Асал таркибидаги витаминалар унча кўп бўлмаса ҳам улар организм учун керакли бўлган бошка моддаларга қўшилган холда учраб, унинг аҳамияти катта бўлади. 1 г асалда 30 мкг аскорбин кислотаси (С), 10 мкг токоферола (Е) 4 мкг пантоген кислотаси (B_6), 3,8 мкг биотин (Н), 3,1 мкг ниацин (РР) ва 3,0 мкг пиридоксин (B_6) каби витаминалар учрайди.

Асалда инвертаза, диастаза, каталаза ферменти бўлиб, улардан инвертаза – ферменти иккиласми мураккаб шакарларни парчалаб, бирламчи оддий шакарларга айлантиришда иштирок этади. Мураккаб шакарларни парчаланиши асал копчасидан бошланиб, усти беркитилган инчада асал узок вакт сақланиши даврида ҳам давом этади. Диастаза ферменти крахмални парчалайди. Ферментни парчалаш тезлиги диастаза кўрсаткичига қараб аникланади. Яъни, 1 г асалда 1% ли крахмал эритмасини миллилитр сонини 1 соат ичиди диастаза ферменти томонидан парчаланишига қараб баҳоланади. Асал таркибидаги диастаза кўрсаткичи кўп сабабларга боғлик бўлиб, ўсимликлар турига асал тайёрланган шарбатга, ўсимлик ўсадиган жойнинг иклим шароити ҳамда ерига, обхавосига, шарбатни кўп ёки оз ажратишига, ари оиласининг кучига ва бошка сабабларга боғлик бўлади. Шунинг учун ҳар хил асаллар таркибидаги диастаза кўрсаткичи 10 дан то 65 бирлик кўрсаткичигача бўлади. Баҳорда гуллайдиган ўсимликлар гулидан тўпланган шарбат ва асалда диастаза кўрсаткичи кам бўлса, ёзда гуллайдиган ўсимликлардан тўпланган асалда юкори бўлади. Маржумак (гречиха) гулидан тўпланган асалнинг диастаза кўрсаткичи ўзгарувчанлиги

билин ажралиб туради, чунки гречиха асалининг диастаза кўрсаткичи бир йил саклангандан кейин 35% га камаяди.

Каталаза ферменти шарбатни қайта ишлаб асалга айлантиришда катнашиб, перикис водородни парчалайди. Асал таркибида кам бўлса ҳам оксили, ёғлар ҳамда тўқималар оралиғида моддаларнинг парчаланишини таъминловчи куйидаги протеаза, липаза, глиногеназа, нордон фосфатаза, пероксидаза, редуктаза, аскорбинатоксидаза, фосфолиназа, инулаза ва бошка ферментлар борлиги аникланган.

Асал таркибида бунчалик кўп ферментлар учраши ўша асал таркибида учрайдиган ҳамма моддаларни парчалаб, тез сўрилишини таъминлайди. Ферментлар таъсирида парчаланганди асал таркибидаги озука моддалар, қишлиш вактида арилар танасидаги овқат ҳазм килиш, парчалаш ферментлари иштирокисиз ариларнинг танасига енгил сўрилади. Асал бундай алоҳида хусусиятига зга бўлини эвазига инсонлар томонидан дори сифатида истеъмол қилинади.

Асалнинг физикавий таркиби

Асалнинг сифати унинг маззасига, рангига, қуюклигига қараб аникланади. Асалнинг ранги қайси хил ўсимликдан тўпланганлиги ва арилар қайта ишлашига боғлиқ бўлиб, тажрибада куйидаги 7 хил асал рангига ажратилади (хилланади): рангли, аник ок (экстра белый), ўта аник (светло-янтарный), Экстра (светло-янтарный), рангли янтар (светло-янтарный), янтар (янтарный), корамтири янтар (темно-янтарный) ва корамтири (темный).

Асал таркибидаги сув микдори

Етилган, пишган асалда 16 фоиздан 21 фоизгача ўрта хисобда 18 фоиз сув бўлади. Мабодо асал таркибида сув микдори талабдан ортикча бўлса, у холда арилар томонидан шарбатни қайта ишлаб асалга айлантириш ҳали тугамаган, ҳали мумкатақ инчаларда етилмаган асални асал олиш мосламасида айлантириб олинган.

Етилмаган асалда мураккаб шакар (сахароза) кўп бўлиб, фруктоза ҳамда глюкоза, яъни оддий шакар ҳамда витаминалар, ферментлар ва хид берувчи моддалар кам бўлади.

Етилмаган асал тез ачий бошлайди, чунки унинг таркибидаги ачитки замбуруғларига карши курашиш хусусияти кучсиз.

Асал таркибидаги сув микдорига караб асалнинг етилганлиги ҳамда узок саклаш мумкинлиги аникланади. Идишдаги асал иккى хил бўлиб, идип тагидаги котган шакар моддаси устида эса суюқ ҳолдаги шакарнинг ажралиши ҳолати ҳам асалнинг етилмаганлигидан далолат беради. Асал устига кўпиклар тўпланиши, газ ажралиши, хид келиши, таъми нордон, ачиған бўлиши ҳам асал пишмаганлигини кўрсатади.

Асалнинг қуюклиги

Асалнинг қуюклиги унинг чўзилишига, идишдан тўкилишига караб аникланади. Асалнинг қуюклиги унинг таркибидаги сув микдорига, ҳароратига ҳамда кимёвий таркибиға боғлик бўлади. Юкори намлиқда асал қуюклиги ва ёпишкоқлиги камаяди. Таркибida 18 фоиз сув бўлган асал 25 фоиз сув бўлган асалга нисбатан 6 маротаба қуюқ бўлар экан. Шунинг учун ҳам асалнинг қуюклиги унинг етилганини кўрсатувчи асосий кўрсаткич хисобланади. Ҳарорат қанчалик юкори бўлса, шунчалик асал суюқ бўлади, шунинг учун ҳам ари уясидан олинган мумкатақ инчали рамкалардан асалнинг ўша заҳоти олиш тавсия этилади, чунки асалли рамкалар сакланган ари уясида ҳарорат юкори бўлиб, +35 градусдан кам бўлмайди.

Асаларилар асали бу глюкоза, фруктоза ва декстринларга тўйинган суюқлик бўлиб, асал котиш вактида узум шакари чўкиб ажралиб турса, мева шакари эса суюқ ҳолатда сакланиб, асалнинг устки кисмида ажралиб туриши (асал пишмаганлигидан далолат беради) ёки узум шакари кристалларини ўраб туради. Шунинг учун ҳам котган асал ёпишкок бўлади.

Асалнинг қотиши


Мумкатақ инчалардан олинган суюқ асал вакт ўтиши билан котиб, қуюклашиб, йирик заррачали, майда заррачали ёки оқ ёғға ўхшаб колади. Асал таркибida шакар заррачалири пайдо бўлиши хисобига бундай хусусият юзага келади, аммо асалнинг сифати ўзгармай сакланади. Аввалига асал-

нинг юза кисмida сув буғланиш ҳисобига шакар заррачалари пайдо бўлади ва улар секин асал тагига чўкиб, чўкиш вактида заррачалар катталашиб, секин-аста ҳамма асал котган зарра ҳолатига ўтади, котган глюкозани фруктоза ўраб туради.

Котган шакар заррачалари ҳажмига қараб уч хил күринишдаги котган асалга бўлинади: шакар заррачалари 0,5 мм дан юкори бўлса, у холда йирик заррачали асал, шакар заррачалари 0,5 мм дан кам бўлса майда заррачали ва котган заррачалари жуда майда бўлиб, оддий кўз билан кўриб бўлмаса, у холда силлик ёки кўзилаб турган ёғга ўхшаган асал турларига бўлинади. Агарда асал таркибида майда бошланғич заррачалари жуда ҳам кўп бўлса, у холда котиш ҳолати тезлашади ва асал худди ёғга ўхшаш силлик бўлиб котади. Мабодо бошланғич котиш заррачалари кам бўлса, унда асалнинг котиш ҳолати секинлашади, аммо котган шакар заррачалари йирик бўлади. Асалнинг котиш тезлиги ўсимликни турига ҳам боғлик бўлади. Масалан, бутгуллик ўсимликлар ҳамда кунгабокар ва пахта ўсимликларининг асли жуда тез котади. +13 +14 градус иссиқда асал тез котади. Бу ҳароратнинг ошиши ёки пасайиши натижасида асалнинг котиши секинлашади, чунки асалнинг ёпишкоклиги ортса глюкоза камаяди, +27, +32 градусда асал қотмайди, 40 градус атрофида эса котган асал заррачалари эрий бошлайди.

Асалнинг ачиши

Етилган асал қанча узок сакланса ҳам у бузилмайди ва ачиш холати юзага келмайди. Асал таркибидаги сув меъёридан ортик бўлса ёки асал сакланадиган жойда намлик кўп бўлса, у холда асал ачиб бузилиши мумкин. Асал таркибидаги ферментлар ажратган замбуруғлар таъсирида шакарлар парчаланиб, вино спирти ҳамда карбонат ангидрид газига ажралади ва нордон сирка бактериялари вино спиртини ачитиб сирка кислотасига CH_3COOH айлантиради.



Асалнинг ачиши учун $+11^{\circ}\text{C}$, $+19^{\circ}\text{C}$ жуда кулай шароит хисобланади. Асал ачишини тўхтатиш учун уни 60°C иссикликда 30 дақика ёки 75°C иссикликда 10 дақика давомида киздирилади.

Захарли асал

Айрим ҳолларда арилар шундай асал олиб келадиларки, уни истеъмол килиш борасида таркибида заҳарли хусусиятлар борлиги аникланди. Радодендрон, азалия, боткок багуланиги оддий бирючина ва чемиринца ўсимликлари гулларидан тўпланган шарбатлар таркибида андромедотоксин, родотоксин, генангин, тутин, мелитоксин, ҳамда айрим беладонна ва бангидевона (тўнғиз тарок) каби ўсимликлар гулчангига ҳам заҳарли хусусиятлар учрайди.

Бу хилдаги ўсимликлар гулининг шарбати одамларга заҳарли, лекин ариларга заҳарли эмас. Бундай асаллардан 2–3 кошиқ ёки 20 гр дан 100 граммгача истеъмол қилингач орадан 15–20 дақика ўтиб, муздек тер чикиб бош оғриғи, бош айланиши, кусиш, ич кетиш ёки кўкариб кетиш ҳолатлари учраб, нафас олишни қийинлаштиради ҳамда юрак уришини сусайиши, оёқ-қўлларда томир тортиши кузатилади ва эртасига тана ҳолати яхшиланиб, одам ўзини яхши ҳис кила бошлияди.

Захарли асал истеъмол қилишдан ҳалок бўлган ҳолатлар учрамаган. Асаллардаги заҳарли хусусиятлар I ой сақлангандан кейин йўқолади. Захарли асал ўша шарбат берадиган ўсимликлар гулчангини текшириб ёки биологик тажриба йўли билан сичкон ва денгиз чўчкаларида (морская свинка) текширилади.

Асалнинг ботаник келиб чиқишини аникланиш

Бир хил асал гулидан (яъни монофлёр) асал тўплаш учун катта майдонларга бир хил экилган ўсимлик ёки ўрмонларга яхши шарбат ажратувчи, ариларга шарбат олишига кулай бўлган ўсимликлар гулига арилар олиб борилади. Асалнинг монофлёрлигини, яъни бир хил ўсимликлар гулидан тўпланганлигини унинг рангига, хидига, мазасига, куюқлигига, ташки кўриннишига ва айрим кимёвий ҳамда гулчанг заррачалари сонига караб аникланди. Асалда

аникланаётган ўсимлик гулчанги 30 фоиздан, жұка, маржумак (гречиха), ок акас, беда лавандаларда 10 фоиздан, меврак, зиғарак (шалфейда) 20 фоиз, кунгабоқарда 35 фоиз, эспарцетда 45 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Асалда бир хил ўсимлик гулидан тўпланган гулчангдан ташкари, барча учрайдиган ва фавкулодда учраб коладиган гулчанг заррачалари ҳам бўлади.

Асалнинг ботаник келиб чикишини аниклаш учун 10 г асал тортиб олиниб, унга 20 г дистилланган сув кўшиб аралаштирилади. Аралашмани центрафугада айлантириб, хосил бўлган чўкмадан бир томчисини предмет шиши-си устига томизиб, бир текис килиб $1,5 \text{ см}^2$ жойга ёйила-ди, сўнгра микроскоп остида гулчанг заррачаларини атлас альбомидан фойдаланиб, қайси ўсимлик турига мансублиги-га қараб гулчанг заррачалари саналади. Қайси ўсимликнинг гулчанг заррачалари кўпроқ учраса, асал ўша ўсимлик гули-дан тўпланганлиги тўғрисида ботаник келиб чикишига эга бўламиз. Мабодо гулчанг заррачалари кўплиги билан ажрал-маса, у холда асал аралаш ўсимлик гулларидан тўпланган бўлади.

Асал таркибидағи диастаза миқдори ҳам асални ботаник келиб чикишидан далолат беради. Ботаник келиб чикиш, географик жойлашишлар, ўсимликларнинг ўсиш шароити ари кучи, кора (падь) асал аралашмаси ва асалнинг узок вакт сакланиши асални диастаза миқдорига таъсир киласи. Тоза ва сифатли асаллар орасида паст ва юкори диастаза кўрсаткичига эга бўлган асаллар ҳам учраб туриши монофлёр асаллигидан далолат беради. Асални тоза, сифатли асал-арилар томонидан қайта ишланганлигини тасдиқлаш учун кўшимча оксиметилфурфурола аниклаш йўли билан текши-рилади.

Асалнинг оғирлик миқдорини аниклаш

Унча катта бўлмаган шиша идиш олиниб, уни 1 гр гача аниклаш билан тортадиган тарозида тортилади ва оғирлиги ёзib кўйилади. Шиша идишнинг аник бир белгисигача сув кўйилиб, яна сув билан бирга ўлчанади. Улчаш учун ошхона тарозисидан фойдаланиш мумкин. Сувнинг ҳарорати 15°C бўлиши керак. Сув билан ўлчанганди шиша идиш вазнидан бўш, сувсиз тортилган шиша идиш вазни айрилади ва шипа

идишдаги сув оғирлиги грамм ёки cm^3 да аникланади. Сувни бошқа бүш идишга түкиб, сувдан бўшаган шиша идиш яхшилаб артилиб куритилади. Куритилган шиша идишни сув куйилган белгили жойигача асал куйилади.



Асал жуда эҳтиёткорлик билан воронка ёрдамида куйилса, асал орасида пуфаклар ҳосил бўлмайди. Мабодо идишда асал устида кўпик ҳосил бўлса, у холда уни авайлаб олиш керак. Шиша идиш асали билан тортилса, идишни асаллик вазнidan бўш вазни айрилиб, идишдаги асалнинг тоза вазни аникланади. Тортилганда чиккан асаллик тоза вазнини тортилган тоза сув вазнига бўлиниб, асалнинг аник оғирлик микдори аникланади. Мабодо тажрибадаги асал харорати 15°C ёки 15°C дан паст бўлса, у холда асалнинг оғирлик микдори 0,0005 оширилади ёки камайтирилади (хар бир градус хароратга).

Мисол: Бўш шиша идиш вазни 1250 г.
Шиша идиш сув билан 3765 г.

Шиша идиш сув билан оғирлик вазни – 3765 г дан бўш шиша идишнинг оғирлик вазни – 1250 г ни айрамиз: $3765 \text{ г} - 1250 \text{ г} = 2515 \text{ г}$ ёки 2515 см^3 . Шиша идишнинг асал билан оғирлик вазни 4844 г дан бўш шиша идишни оғирлик вазни 1250 г ни айрамиз. $4844 \text{ г} - 1250 \text{ г} = 3594 \text{ г}$. Асалнинг оғирлик микдорини сувнинг оғирлик микдорига бўлиниб, $3594 : 2515 = 1,429$. Агарда асалнинг харорати 15° дан юкори ёки кам бўлса, у холда асалнинг оғирлик микдорининг хар бир градусига 0,0005 га камайтирилади ёки оширилади. Асал тортилаётган вақтда унинг харорати 21°C эди, шунинг учун унинг оғирлик микдори 0,0005 га камайиши керак.

$$0,0005 (21 - 15) = 0,0005 : 6 = 0,003.$$

$$1,429 - 0,003 = 1,426.$$

Асалнинг оғирлик микдори билингач, унинг таркибидаги сув микдорини % ҳисобида аниқланади.

Асалнинг оғирлик микдори	Таркибидаги сув %	Асалнинг оғирлик микдори	Таркибидаги сув %
1,443	16	1,402	22
1,436	17	1,396	23
1,429	18	1,389	24
1,422	19	1,383	25
1,416	20	1,376	26
1,409	21		

Асалнинг оғирлик микдори 1,426 ни 1,429 оғирлик микдори ва 1,422 рақамлари ўртасидан топамиз. Бу ҳолда асал таркибидаги сув:

$$18\% + \frac{1,429 - 1,426}{1,429 - 1,422} = \frac{0,003}{0,007} = 18,43\% \text{ га тенг.}$$

$$18\% + \frac{1,429 - 1,426}{1,429 - 1,422} = \frac{0,003}{0,007} = 18 + 43\% = 18,43\%$$

Асал таркибидаги сув микдорини аниқлаш

Асал таркибидаги сув, асал тўпланган даври ва об-хаво хамда ўша жойнинг намгарчилигига боғлиқ бўлиб, йил иссик, курукгарчилик келганда асал таркибидаги сув микдори кам бўлиб, ёғингарчилик кўп бўлганда унинг таркибида сув микдори кўпаяди.

Гулдан тўпланган асалда сув микдори 18–19% бўлса, кишлок хўжалик ўсимликлари зараркунандаси шира капалаги ажратган ширинсимон ахлатидан тўпланган кора асалда гулнинг асалига нисбатан 0,5–1,5% сув кам бўлиши асал етилганлигидан далолат беради. Таркибида 20% дан ортиқча сув бўлган асал етилмаган асал ҳисобланади.

Асал таркибидаги сув ҳар хил йўл билан аниқланади. Бу йўлларнинг энг оддийси асалнинг оғирлик микдори ўлчаниб, ҳисоблаб чиқилади. Асал оғирлик микдорини аниқлаш йўли олдинги мавзуда ёзилган. Бу аниқлаш йўлидан кўпроқ фер-

мер ва қишлоқ хұжалиғи маҳсулотларини қабул қилиш омборларыда, кимёвий текшириш лабораторияси бұлмаган жойларда фойдаланилади.

Лабораторияларда асал таркибидаги сув микдорини рефрактометр, пикнометр ва ареометр хамда 50–60°C да вакуум остида асални куритиб аникланади. Ҳамма аниклаш йүллари орасыда энг кулагай, тез, аниги бу рефрактометр ёрдамида аниклаш хисобланади.

Рефрактометр ёрдамида асал таркибидаги сув микдорини аниклашда суюқ кристаллари йүк 1–2 томчи 20°C ҳароратли асалдан лаборатория рефрактометри призмасига томизилали. Сув айланишини (циркуляция) призма орқали кузатилиб, мұлжал нұктасини окуляр или кесишган ёруғ ва қоронғи чегараси түғриланиб, сүнгра асбобда рефракция бурчаги топилади.

Котган заррачали асални сув ҳаммомида әхтиёткорлик билан ёпік идиш (бюкс)да тез-тез чайқалтириб эритилади.

Рефрактометр рефракцияси коэффицент белгиси бүйича асал таркибидаги сув аникланади.

Рефракция коэффициенти	Сув микдори	Рефракция коэффициенти	Сув микдори	Рефракция коэффициенти	Сув микдори
1,5000	15,2	1,4915	18,6	1,4830	22,0
4995	4	10	8	25	2
90	6	5	19,0	20	4
85	8	1,4900	2	15	6
80	16,0	1,4895	4	10	8
75	2	90	6	0,5	23
70	4	85	8	1,4800	2
65	6	80	20	1,1795	4
60	8	75	2	90	6
55	17,0	70	4	85	8
50	2	65	6	80	24
45	4	60	8	75	2
40	6	55	21	70	4
35	8	50	2	65	6

30	18,0	45	4	60	8
25	2	40	6	55	25
20	4	35	8	50	2

Рефракция коэффициенти бу рефрактометр призмасига томизилган юпқа асалдан ўтаётган нурнинг синиш кўрсаткичи. Шундан кейин шу кўрсаткич бўйича жадвалдан рефракция коэффициенти қаршисидаги устундан асал таркибидаги сув аникланади.

Асалари оиласлари ва бошқа асалари маҳсулотларига қўйиладиган стандарт талаблар

Асалга стандарт талаблари

Асал сифати Давлат 1992–74 «Табиий асал» талаблари асосида аникланади.

Табиий асал гул асали, кора асал ва аралаш асалларга бўлинади.

Асал қўйидаги стандарт талабларга жавоб бериши керак:

1-жадвал

- сув 21 фоиз микдоридан ошмаслиги керак;
- ўрни тўладиган шакарлар 79 фоиздан кам бўлмаган микдорида (курук сувсиз моддаларга нисбатан);
- мураккаб шакарлар 7 фоиз микдорда (сувсиз курук моддаларга нисбатан);
- диастаза микдори мл 1 фоизли крахмалда 1 г сувсиз курук моддада 5 фоиздан ошмаслиги керак;
- хиди табиий, ёқимли бўлиб, кучсиз хиддан кучли хидгача ва хеч кандай ўзгача хид бўлмаслиги керак;
- мазаси ширин, ёқимли бўлиб, кўшимча маза бўлмаслиги керак;
- ачиш холатига йўл қўйилмайди;
- оксиметилфурфорола реакцияси манфий;
- механизм чикинди қўшимчалари бўлишига йўл қўйилмайди.

Асални санитария экспертиза килиш бозордаги гўшт ва сут маҳсулотлари ҳамда озукаларни текшириш станциясида кипилок хўжалик вазирлиги давлат ветеринария инспекцияси томонидан тасдиқланган ўсимлик маҳсулотлари, гўшт ва сут маҳсулотлари экспертиза коидаларига риоя килиб текширилади.

Техникавий талаблар

Асал ветеринар-санитария коидалариға риоя қилинган холда мумкатақ рамкалардан олинган бўлиб, 1-жадвалда кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

Асалари оиласлари ва бошқа асалари маҳсулотлариға қўйиладиган стандарт талаблар:

2-жадвал

Асалари уяларида сотиладиган асалари оиласларига қўйиладиган талаблар

Асалари оиласининг таркиби	Таснифи	20 апрелда	1 майда	1 июнда	1 июлда
Асаларилар (кг)	Ҳар хил ёшдаги арилар	1,5	1,5	2,5	3,0
Она ариси (дона)	Бир ёшлиқ, шу худудга мослашган ва туманлаштирилган зоти	1	1	1	1
Мумкатақ инчали рамкаси (дона)	Оч жигарранг, жигарранг, ишчи ари инчалари тўғри тортилган 435x300 мм ли	10	10	12	12
Куртчали мумкатақ рамка 435x300 мм (дона)	Ҳар хил ёшдаги арилар	4	5	7	4
Эркак арилар	Агарда шу худудга мослашган ва туманлаштирилган бўлса рухсат берилади				
Асал озукаси	Табиий	2	2,5	3	6
Гулчани мумкатақ рамкали инчаларда (перга) (дона)	Табиий	1	1,5	2	2

**Мумкатақ рамкасиз күтиларда сотиладиган асалари оиласаларига
қўйиладиган талаблар**

Асалари оиласининг таркиби	Таснифи	Меъри
Асаларилар (кг)	Ҳар хил ёшдаги арилар	1,2
Урчиган она ариси (дона)	Бир ёшлиқ, шу худудга мослашган зотидан	1
Эркак арилар	Агарда шу худудга мослашган ари зотидан бўлса рухсат берилади	
Асаларилар учун озукаси (кг)	60% қуюкликтаги шакар киёмидан	1,4
Она арига озука (г)	Асал ва шакар унидан тайёрланган хамирсимон озука	15

**Күтиларда мумкатақ инчали рамкаларда сотиладиган кичик
асалари оиласаларига қўйиладиган талаблар**

Асалари оиласининг таркиби	Таснифи	Меъри	
		4 та рамкали	6 та рамкали
Асаларилар (кг)	Ҳар хил ёшдаги арилар	1,1	1,4–1,5
Она ариси (дона)	Бир ёшлиқ, шу худудга мослашган бўлиб туманлаштирилган зотидан	1	1
Мумкатақ рамкаси (дона)	Оч жигарранг, жигарранг, ишчи ари инчалари тўғри тортилган бўлиб 435x300 мм ли рамка	4	6
Мумкатақ инчали рамкада усти беркитилган куртчали рамкалар 435x300 мм (дона)	Инчадаги куртчаларни усти беркитилган	1,5–2,0	3–4
Арилар учун озука (кг)	Табиий асал ёки 60% шакар шарбатини арилар кайта ишлагани. Битта мумкатақ инчали рамкада 1,5 кг дан ошмаслиги керак	3	4
Эркак арилар	Агарда шу худудга туманлаштирилган зотидан бўлса рухсат берилади.		

Мум сифатига қўйиладиган талаблар

Кўрсаткичлари	Мум таснифи ва меъёри	
	Арихона муми	Корхонада ишлаб чиқарилган мум
Ранги	Ок, окимтири сарик, сарик, тўқ сарик, кулрангига якинрок	Сал рангли, жигаррангдан тўқ бўлмаган
Хиди	Табиий	Ўзига хос
Синдиргандаги мумнинг ички кўриниши	Бир хил кўринишдаги майда заррачали	Бир хил кўринишдаги майда заррачали
Механик кўшимчалари % дан кўп бўлмаган	0,3	0,3
Таркибига сув микдори % дан кўп бўлмагани	0,5	1,5
20°C ҳароратда игнанинг кириш чукурлиги, мм	6,5 дан ошмаслиги лозим	6,6 дан 9,0 гача

Мумнардага қўйиладиган талаблар

Кўрсаткичлари	Таснифи ва меъёри
Ранги	Ок ранг ва рангли сарикдан сарик рангтacha
Хиди	Табиий мум хиди
Қалинлиги ва инчалар асоси ромбиклари текислиги	Ҳамма инчалар асоси ромбикларининг ранги бир хил бўлиши лозим
Механик таассурот натижасида яроксизланиш	Мумпардали инчалар асосларининг тешилиши, узилиши, букилиши ва четлари узилишига йўл қўйилмайди
Мумпарда устида намликнинг бўлиши	Йўл қўйилмайди
Мумпарданинг формаси	Тўғри тўртбурчак
Мумпарданинг рамкасига караб ҳажми, мм	
435x300	Узунлиги $410\pm2,0$; эни $260\pm2,0$
435x230	Узунлиги $410\pm2,0$; эни $207\pm2,0$
Инча асосининг формаси	Олти киррали

Инча томонлари ораси ҳажми, мм	5,40±0,05
1 кг мумпардадаги мумпардалар сони, дона	
435x300	Юпқа 14–16 тагача; қалини 11–13
435x230	Юпқа 19–21 тагача; қалини 15–18
Чүзилганда узилиш узунлиги ммдан кам бўлмаган	38,0

Эслатма: Ишлаб чикарувчи билан харидор келишувчига асосланиб, мумпардалар қалинроқ ёки юпқароқ килиб тайёрлаб берилади.

7-жадвал

Гулчангига қўйиладиган талаблар

Кўрсаткичлари	Таснифи
Органик кўрсаткичлари	
Ранги	Жигарранг, сарик, тўқ сарик, кумранг, кўкимтири, кулранг, кора, у ёки бу рангдаги бинафша ранг, кизғимтири, оч кизғимтири ва бошқа рангли
Ташки кўриниши	Сочилган заррачали, айрим гулчанг тўпламлари катталиги экиладиган донларга якин, гулчанг кўшимчалари аниқлашга олинган тўпламда 1–5% ошмаслик керак
Қаттиқ-юмшоклиги (консистенцияси)	Гулчанг тўпламлари қаттиқ, бармок билан эзилмайди, қаттиқ нарса билан босилса ёйлади ёки кисман сочилади
Хиди	Ўзига хос, ўтқир гулчангига хидига хос. Ачиған нордон хид бўлишига йўл қўйилмайди
Мазаси	Ширин, ўтқир ширин, салаччикроқ ёки нордонроқ бўлиши мумкин
Минерал аралашималар	Чайналгандатиш орасида ғичирлаш сезилмаслиги керак
Моғор босиши, куяларнинг куртчалари ва бошқа хашаротларнинг аралashiши	Йўл қўйилмайди
Физикавий ва кимёвий кўрсаткичлари	
Намлиги % дан кўп бўлмаган	12,5

Ишкорлигининг фооллиги pH бирлигидан кам бўлмаган	4,04
Курук моддадаги кул миқдори % дан кўп бўлмаган	3,9
Курук моддаларда умумий азот миқдори % дан кўп бўлмаган	3,3
Захарли кўшимчалар	Йўл кўйилмайди
Бошқа ўзга кўшимчалар	Йўл кўйилмайди

8-жадвал

Ширачсимон модда (прополис)га қўйиладиган талаблар

Кўрсаткичлари	Таснифи ва месёри
Ташки кўриниши	Бўлакча ёки ушок
Ранги	Тўк-кўкимтирик. кўкимтирга ўхшаш ёки кўкимтирик жигарранг кўринишида
Хиди	Ўзига хос дараҳт елими хидига ўхшаш, асал хидли, хидли ўтлар, игна барғли дараҳт ва терак хидига ўхшаш
Мазаси	Аччик, бир оз куйдирувчи
Тузилиши (структураси)	Зич, синдириганда бир хил эмас
Каттик-юмшоклиги (консистенцияси)	20–40 °C да ёпишкок, 20 °C да каттик
Таркибida мум миқдори % дан ошмаслиги лозим	30
Ишкорликнинг фооллик кўрсаткичи	22 дан ошмаслиги керак
Флованоид бирикадиган сифатли реакцияси	Мусбат
Механик аралашмалари % дан кўп бўлмаслиги лозим	20
Федолли бирикиш % дан кўп бўлмаслиги лозим	30
Йодли кўрсаткичи % дан кўп бўлмаслиги лозим	35

Мум маҳсулоти

Мум – асаларилар мум безлари томонидан ишлаб чиқилган суюклик мум ажратиш ойначасига чиқиб, у ерда юпқа катлам парда шаклида котадиган мум маҳсулоти бўлиб, мана шу мум катламларидан арилар ўзларига мумкатақ инчалар қурадилар. Мумкатақ инчалар 2–3 йил давомида фойдаланилгач, улар ранги корайиб, инчалари кичраяди. Эскирган инчаларни эритиб мум олинади. Хўжаликлар шароитида олинган мум арихона муми, завод шароитида олинган мум корхона ёки экстракцион мум дейилади.

Табиий асаларилар мумидан халқ хўжалигида фойдаланилади. Фармакология саноатида ёпиштиргич (пластир), даволаш шами, даволаш кремлари, лабга сурадиган бўёқ, химоя сургичлари тайёрлашда ишлатилади. Мум кўшиб тайёрланган маҳсулотлар инсон терисини ялтиратиб юмшатади. Мум оёқ кийимларини мойлашда ишлатилса, куришдан ва сув ўтишидан саклайди. Электр ва радио саноатда ўлчагич асбоблари (датчик) ва бошқа кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Мум сифатини кўрсатувчи белгилар

Мум сифатини аниклашда, аввало, биз унинг рангига, хидига ва синдирилганда унинг тузилишига эътибор берамиз, тоза табиий мум ранги оқ, окиш-сарик ва сарғимтир рангда бўлади. Юкори сифатли асал хиди келадиган мум рангли мумкатақ инчалари, мум заррачаларини офтобда эритиш мосламаларида олинади. Чунки бундай мумга сув ва хеч қандай кўшимча зритмалар қўшилмаган бўлади.

Мумнинг кимёвий таркиби

Буларга 300 га яқин кимёвий бирикмалар кириб, уларни 3 та гурухга бўлиш мумкин.

Эркин ёғли кислоталар. Бундай ёғли кислоталар мумнинг умумий оғирлигидан 13–15 фоизни ташкил қиласи ва улар билан бирикиши мумкин. Мумни қайта ишлаш вактида унинг таркибидаги эркин ёғли кислоталарни таъсиричан бўлиши эвазига мум ранги ўзгариши мумкин.

Мураккаб эфирлар. Бундай эфирлар мумнинг 70–75 фоизини ташкил килади. Мураккаб эфирлар ёғли кислоталар, спиртлар билан кўшилиши натижасида юзага келади. Мураккаб эфирлар чидамли бирикма бўлганлиги учун хам у бошқа моддалар билан реакцияга киришмайди, факат ишкор қайнатилганда мураккаб эфирлар кислотаси ва спиртга парчаланади.

Меъёридаги углеводлар – бу содда органик моддалар, углевод хамда водороддан ташкил топади. Мумда содда органик бирикмалар 12–16 фоизни ташкил этади. Юкорида айтилган асосий бирикмалардан ташкари мумда ранг берувчи моддалар бўлиб, мумнинг рангли бўлиши шу моддаларга боғлик бўлиши билан бир каторда асал хамда гулчангидан ўтган хид берувчи моддалар хам бўлади. Мумни эритиш вактида унга гулчанг заррачалари ва сувда эриб, ранг берувчи гулчанглар хамда хид берувчи моддалар аралашиб кетади.

Мумнинг физикавий таркиби

Мумнинг зичлиги унинг оғирлик вазни (г)да, мумнинг хажми (см^3)да ўлчаниб хисобланади;

$$\frac{2}{\text{см}^3} = \frac{2 \text{ мумнинг зичлиги}}{\text{см}^3 \text{ сувнинг зичлиги}}$$

Лекин ҳароратга ҳам боғлик бўлади. 20°C ҳароратда мумнинг зичлиги ўртacha 0,965 дан 0,970 гача. Ҳар 1°C га ҳарорат кўтарилиши билан унинг хажмий зичлиги 0,0088 га камайиб боради. Каттиқ мум сув устида сузиб юради, аммо эриган мум чўқади. Мум хажмининг зичлигини кимёвий лабораторияларда З хил йўл билан, яъни ареометр (Гагера), пикнометр ва гидростат йўллари билан аникланади. Биринчи ва иккинчи хил йўл И.А.Каблукова ва И.Антушевичнинг «Асалари муми» китобида 1893 йили ва учинчи йўли М.М.Садирин томонидан 1960 йили «Омск ветеринария институтини илмий ишлари» номи билан нашр этилган.

Мумнинг эриши ва қотими ҳарорати

Мум 62–68°C да каттиқ ҳолатдан суюқ ҳолатга ўтади. 61–63°C да мум кота бошлайди.

Мум маҳсулотларини арихонада қайта ишилаш

Энг куляй ва арzon мум арихона шароитида күёшда мум эритиш мосламасида олинади. Күёшда мум, эритиш мосламасида ҳарорат күёшли кунлари 70–80°С га, яъни мумни бемалол зрита оладиган ҳароратгача кўтарилади. Бу мослама арихонада кун бўйи күёш тупшиб турадиган ҳамда унга шамол тегмайдиган жойга ўрнатилади. Мум маҳсулотлари мослама ичидаги бир тарафга эриган мум оқиб тушадиган килиб жойлаштирилган тунукадан мум тўпланадиган идишга оқиб тушади. Ҳарорат канчалик юкори бўлса, шунчалик кўп мум олишга эришилади. Күёшли мум эриткичда мум олиб бўлингач, колган мум маҳсулоти чиқиндисида яна ўрта ҳисобда 50 фоизгача мум колади. Мана шу эrimай колган мум қайнатилиб ёки мум заводларига жўнатилиб, у ерда яна 25–30 фоиз мум олинади.

Мум маҳсулотларини арихона бугли мум эриткичидаги олиши

Бугли арихона мум эриткичи ВТ – 11 икки каватли де-вордан ташкил топган яшик кўринишида бўлиб, узунлиги 970 мм, баландлиги 550 мм, эни 850 мм га тенг бўлган ҳолда унга 20 мумкатақ рамка ёки сим тўрли яшикка 20 кг гача мум маҳсулоти сифади, иккита девор ўртасига 80 литр сув қуйилади ва уни тагидан олов ёкиб сув қайнатилади. Хосил бўлган сув буғи мум маҳсулотларини эритади ва эриган суюк ҳолатдаги мум маҳсус най орқали идишга оқиб тушади. Бу мосламада мум маҳсулоти 2,5–3 соат ўтгач эриб, сув юзиға чиқади. Битта 435x300 мм ли катта ҳажмдаги рамкадан 110 гр мум ва 230 гр тоза бўлмаган мум чиқиндилари ажралади. Бундай ҳолатда олинган мум маҳсулоти 42 фоизга тўғри келади.

Мум маҳсулотларини мумсиқгич (воскопресс) ёрдамида олиши

Бу арихона шароитида асосий мум етиштириш мосламаси ҳисобланаби, мумсиқгичда мум олиш учун арихонада яна мум эритадиган идиш (алюмин, сирли кастрюлка ёки зангла-майдиган тунукадан тайёрланган идиш) керак бўлади.

Йирик фермер асаларичилик хўжаликларида бундай мум эритиш ёки мум етиштириш ишларини хўжаликларни марказий кўргонларида маҳсус устахона очилиб, уни мум эритиш учун керакли мослама ҳамда асбоб-анжомлар билан таъминланади ва асаларичилар навбатма-навбат ўз ёрдамчилари билан ишлайдилар. Кўп сонли мумкатақ рамкалар мумкатақ инчаларини рангли тозаларини алоҳида-алоҳида эритилса, сифатли мум олишга эришилади. Мум маҳсулотларини эритишида прополис (ширачсимон модда) аралапшишига йўл кўймаслик карак, чунки прополис мум сифатини пасайтириб юборади. Ҳар кандай ҳолатда ҳам мум маҳсулотларини қайта ишлаш З хил йўл билан бажарилади; яъни маҳсулотни кайнатиш, мумсикгичда (воскопрессда) эзиш, мумни совитиш ва чўкиндисини чўктириш.

Мум маҳсулотларини қайнатиш

Эскирган мумкатақ инчаларини қайнатишдан аввал 1 сутка давомида совук сувда ивитилади ва сўнгра қайнатиладиган идишга солиниб сувда бир хил кўринишдаги (масса) мум ҳосил бўлгунга қадар 20–30 дакика давомида қайнатилади. Мабодо арихонада чириш ёки юқумли касалликлар таркалган бўлса, у ҳолда мум маҳсулотларини 2,5–3 соат давомида қайнатилади. Мана шу вакт ичида касални таркатувчи микроблар, бактериялар, замбуруғлар ўлади. Мум маҳсулотларини қайнатиш учун юмшок ёмғир ёки арик суви олинади. Чунки бундай сувларда тузлар кам бўлади. Қудук ва водопровод сувларida туз кўп бўлганлиги учун кам мум ажралади ва мум сифати ёмон бўлади. Мум маҳсулотларини қайнатишида фойдаланиладиган идишлар катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам алюмин ва сирли идишлардан фойдаланилса амалга мувофик бўлади, темир, чўян ва рухланган ҳамда мис идишлар бутунлай қайнатишга яроқсиз ҳисобланади, чунки улар мум маҳсулоти билан бирикиб, мум сифатини бузуб юборади. Айрим ҳолларда ёғоч идишларда мум маҳсулотини сув буғи таъсирида эритилади.

Мум маҳсулотини сикгич ёрдамида олиш

Яхшилаб қайнатиб эритилган мум маҳсулоти мум сикгич мосламасига солиниб, мосламанинг буралувчи дасталик кисми бураб сикилади, натижада суюқ мум эриб идишга

окиб тушади. Мум сикгичга қайнок эриган мум бўлакларини солишдан аввал сикгич қайнок сув ёрдамида киздирилади. Эритилган мум маҳсулоти копга чўмич ёрдамида солинади ва коп мум сикгичга жойлаштирилиб, унинг устига жом тахтаси қўйилиб, бурагич ёрдамида секин-аста кисилади. Эриган мум маҳсулоти канчалик қайнок бўлса, шунчалик тез ва кўп мум олишга эришилади. Сикгич мосламаси бурагичини бураш вактида шошмасдан бир оз бураб, сўнг тўхтатиб, мум окиб тушишига шароит яратиласди. Мум сикгични сув солинган идиш устига жойлаштирилса, суюк мум сувга тушиб, унинг устида котиб тўплана бошлайди. Қайнатилган мум маҳсулотидаги мумни кўпроқ олиш максадида мум сикгич мосламасида икки маротаба сикиб мум олинади. Бунинг учун сикгич мосламаси бурагичи бўшатилиб, жом олинади ва мум маҳсулоти солинган копни бошқа тарафга бураб – айлантириб, яна сикиш давом этилади. Мум сифатини ошириш максадида унинг қайнатилган эриган ҳароратини узокрок саклаш тавсия этилади. Чунки қайнок ҳолатдаги мум таркибидағи ёпишқоқлик камайиши эвазига мум таркибидағи ифлос чикиндилар тезрок чўка бошлайди, эриган суюк мум окиб тушадиган идишни оғзи бир оз кенгрок бўлса, у холда котган мум бўлагини олиш ўнгай бўлади. Совиб қолган мум бўлагининг таг кисмида ҳар хил қўшимча чикиндилар тўпланади. Мум бўлаги тагидаги тўпланган чикиндиларни тозалаб тушириб юборилади.

Мум сикгичда мум олингач, қолган чикинди ҳолидаги хали таркибида 30–40% мум бўлган чикинди колдиклар маҳсус магазин ёки цехларга топширилади. Чикинди колдикларни ҳўл ҳолатида моғор босиб бузилмаслиги учун ёйиб куритилади.

Мумни оқартириши

Куёш нури остида мум оқара бошлайди. Ок мум атир-упа саноати ҳамда лак-бўёқ корхоналарида ишлатилади.

Мумни оқартириш учун уни майда бўлакларга бўлиб, сўнгра куёш нурига қўйилади. Мумнинг факат устки кисми оқаради, шунинг учун орадан бир неча кун ўтгач, яна кайтадан майда-майда бўлакларга бўлиб, офтоб нури остига қўйилади ва бундай ишларни токи мум керакли даражагача оқаргунга кадар кайта-кайта бажарилади.


Арихонада сифатсиз мумкатақ инчаларни ҳамда түпланған мум бўлакларини эритиб асалари муми олинади ва корамтири рангдаги мумни окартириш учун сульфат кислотаси кўшилади. Асаларичилик илмий текшириш институтининг кўрсатишича, бундай йўл билан мум окартирилганда унинг физикавий кўрсаткичлари ўзгармас экан. Мумни окартириш учун уни ёғоч идишда 70°C ҳароратда киздирилиб эритилади. Эритилаётган идишдаги мумнинг тагида мум ҳажмига нисбатан 3–4 маротаба кўп сув бўлиши керак. Мумни окартириш учун уни ифлослигига қараб 100–120 кг мига 50 миллилитрдан то 300 миллилитргача сульфат кислотасидан бир неча маротаба бўлак-бўлак килиб кўшилади ва ҳар гал кислота томизилгач идишдаги суюклик яхшилаб арапаштирилади. Мумни узок вакт иссик ҳолатида саклаш учун уни яхшилаб ўраб иситилади ва 5 соатгача колдирилади.

Мумпарда (вошина) етишириши

Арихонада етиширилган мумлардан мум заводлари ёки цехларида қайта ишланиб мумпарда тайёрланади.

Хозирги замонавий мумпарда тайёрлаш жуда мураккаблиги ҳамда мумпарданинг чидамлилиги билан фарқланади.

Икки хил ҳажмда, яъни 435×300 мм рамкага $410 \pm 2,0 \times 260 \pm 2,0$ мм; 435×230 мм ли рамкага $410 \pm 2,0 \times 207 \pm 2,0$ мм ли мумпарда чиқарилади, ҳамма инчалар параллел томонлари орасида $5,40 \pm 0,05$ мм га teng. Давлат стандарти томонидан ҳар хил қалинликда мумпардалар чиқаришга руҳсат берилади ва 1 кг даги мумпардалар сонига қараб аникланади. 435×300 мм ли рамка учун энг юпқа мумпардадан 1 килограммида 14–16 дона, қалинроғида 11–13 дона бўлади. 435×230 мм ли рамка учун энг юпқа мумпардада 1 килограммида 19–21 дона, қалинроғида эса 15–18 дона бўлади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, қалинрок мумпардаларда тортилган мумкатақ инчалар анча мустаҳкам бўлиб, на асал олиш мосламасида ва кўчириш вақтида улар узилиб кетмайди ва айнан Ўрта Осиё шароитида худди шундай қалинрок мумпардалардан фойдаланилади. Мумпарда мустаҳкамлигини узилиш узунлиги бўйича РМБ-10-2 М машинада аникланади. Бундай машинада қофоз, ип, газламаларнинг мустаҳкамлиги аникланади.



77-расм. Мумпарда варагининг кўриниши.

Мум навлари ва тавсифномаси

Асалари мумининг мум маҳсулотларини арихонада ва мум эритиш, қайнатиш заводларида қайта ишлаш йўли билан олинади. Арихоналарда куёшда мум эритиш мосламасида ёки мумкатақ ва мум булакларини сувда қайнатиб эритиш йўли орқали олинса, мум заводларида арихоналарда мум эритиш окибатида чикинди сифатида колган колдиклари ва мумкатақларни каттиқ босим остида босими ёки юкори иссик босим остида ва бензин ёрдамида ҳайдаш йўллари билан олинади. Мум маҳсулотлари куйидаги турларга бўлинади: мумкатақ инча, мумкатақ инчани эритиб мум олингач ундан колган чикиндиси, арихона чикинди колдиғи ва завод чикинди колдиғи.

Бундан ташқари, яна алоҳида мум маҳсулоти сифатида ширачсимон модда (прополис) хам ажралади. Мумкатақка ари уяларидаги сифатсиз, корайиб, могор босган, ифлосланган мумкатақлар ва асал олиш вактида асал устини киркиб олинган мум киркмалари кириб, ундан мум маҳсулотлари олинади. Бундан ташқари, яна асаларилар табиатдан шарбат келиш вактида бўш қолган жойларда рамкалар якка кисмларини мум билан оқартириб, тилчали мумкатақлар тор-

тишида ана шу ҳамма мум маҳсулотларидан оз-оз тўпланиб, арихонада кўп сонли мум тўпланади.

А.И.Рут ва бошқа АҚШ олимлари асал олиш вактида ҳар 100 кг асал олинганда 1–2 кг мум қопқоқчалари қиркиб олиниди ва мана шундай мум қопқоқчаларидан 98,6% мум олинса, куртчалар етиширилган инчалардан 95,3% мум чикипи мумкин дейишади. Мум маҳсулотлари, яъни мумкатақ инча ва мумкатақ инчалар қирқмалари 3 хил турдаги моддалардан тошкил топади.

1. Мум (В).

2. Мум бўлмаган ва сувда эримайдиган модда (Н), бунга куртчаларни пила ўраган чикиндилари, гулчанг колдиклари ва мум эриб бўлгач коладиган колдиклар киради.

3. Мум бўлмаган, лекин сувда эрийдиган модда (Р), бунга асал қолдиги, мумкатақлар ичидағи қуртчалар ахлатлари ва бошқалар киради. Буларнинг ҳаммасини $B + H + P$ ни =100 % дейилса, унда сувда эримайдиган моддалар эрийдиган моддалардан 20–25% кўп бўлади дейди.

Мана шу мисолдан фойдаланиб, мумкатақнинг тоза мум хисобини билиб (В), эрийдиган модда (Р) микдорини ва эримайдиган модда (Н)ни чиқариш мумкин. Таркибида мум бўлган (В) 50% деб олиб, чунки $B + H + P = 100\%$ бўлгани учун йигиндиси $H + P = 100 - 50 = 50\%$. Бу ҳолда 50% ли эрийдиган моддалар хисоби $R = \frac{50}{1+2,0} = 22,7\%$ га тўғри келади, эримайдиган моддалар эса $H = 50 - 22,7 = 27,3\%$ teng экан.

Асалари мумини қалбакилаш (фальсификацияси)

Яъни, табиий асалари мумига моддалар кўшиш таъсирида табиий мум сифатини бузиш. Асалари мумининг кам бўлиши ва кимматлиги учун ҳам унга ҳар хил мум бўлмаган моддалар кўшиш йўллари оркали унинг сифати бузилади. Факат бунда полларга (уй полларига) суртиш учун мўлжалланган асалари мумига кўшилган парафинни алмаштириш керак эмас: фальсификация деганда, яъни асалари табиий мумига бошқа ҳар хил моддалар кўшилиб, уни асалари табиий муминоми билан сотишга харакат киладилар. Ҳозирги даврда фальсификатлар унча кўп эмас, аммо шунга карамасдан улар

мумпардаларга күшилиши, тери саноати ва авиасозлик саноатларида ишлатиладиган табиий мум маҳсулотлари сифатини бузиши мумкин.

Мумни қалбакилашда унга 2 хил модда күшилиши мумкин:

а) яъни, күшилиб аралашиб кетувчи бўр, гипс, охра, лой, крахмал, сўнгак уни, нўхат уни, олтингугурт, сув ва бошка моддалар;

б) мум билан күшилиб, бир хил бўлиб кетадиган ва мумдан ажратиш кийин бўлган парафин, церазин, нефть маҳсулотларидан тайёрланган стеарин ва бошка моддалар. Бу күшилган моддаларни кимёвий аралашмалар дейиш мумкин.

I) қаттиқ (механик) аралашмаларни осон ажратиш мумкин.

Яъни, мум сувда эритилганда мум сув устида тўпланади, күшилган қаттиқ аралашма моддалар (бўр, гипс, олтингугурт) идишни остига чўкади. Лой, крахмал ва унлар эритмага аралашиб, эмулсия ҳосил киласди. Механик қаттиқ қўшимчалар борлигини билиш учун мум миқдоридан 10 маротаба оширилган скрипидар, керосин, бензин, толуола ва бошка органик эритмаларда сув ҳаммомида эритиш йўли билан аниқлаш борасида эришилган иссик суюклик олдиндан тортиби қўйилган фильтрда ва фильтр қоғозида сузилади. Кейин фильтр бензин, эфир ёки тез учувчи модда суюклигида бир оз ювиб куритилади ва куриган фильтр тортилиб, сўнгра ҳозирги вазнидан биринчи тоза ҳолидаги вазни айрилиб, чиқсан фарки ўша күшилган механик моддаларни кўрсатади. Айрим күшилган қаттиқ (механик) бирикмаларни куйидагича йўллар билан билиш мумкин:

Крахмал борлигини билиш учун мум маҳсулоти эритилгандан кейин, унинг тагидаги сувига йод эритмаси кўшилса, ҳаво ранг ҳосил бўлишига караб крахмал күшилганлиги билинади.

Нўхат уни күшилганлигини ҳам худди шундай йод эритмасини кўшиб билиш мумкин. Мабодо мумга 20% дан ортик нўхат уни күшилган бўлса, у холда унинг оғирлик миқдори сувдан оғирлашиб, у чўка бошлайди.

Олтингугурт күшилган бўлса, мумдан ўткир олтингугурт газининг хиди келиб туради (кизиб турган плита устида ёкилади). Олтингугурт күшилганини аниқлашнинг иккин-

чи йўли шундан иборатки, текширилаётган мум натрий йод эритмасида кайнатилиб, у эритма совитилгач, унга нордон кислота кўшилганда эритмадан сасиган тухум хиди келса, мумга олтингугурт кўшилган бўлади.

2) Кимёвий қўшишчалар – кўпчилик ҳолларда табиий мумларга церазин, парафин, техникавий мум кўшилади. Ҳамма минерал мумлар табиий мумлардан ўзининг кимёвий таркиби бўйича ажралиб туради. Уларнинг таркибида эркин ёғли кислоталар, мураккаб эфирлар бутунлай бўлмайди. Шунинг учун ҳам улар табиий асалари муминга нисбатан спиртда ювилиб эримайди. Минерал мумлар оғирлик микдори жиҳатидан ҳам табиий асалари мумидан фарқланади, яъни минерал мумнинг оғирлик микдори $0,875$ дан та $0,928$ гача, табиий мумники эса $0,965$ дан то $0,970$ гача бўлади (харорат $+15^{\circ}\text{C}$ да), харорат ҳар 1°C га кўтарилиганда мумнинг оғирлик микдори $0,0008$ камаяди. Ўкув кўлланмаларда эса асосан 20°C ҳароратда мумнинг оғирлик микдори аникланди, шунинг учун ҳам уни 15°C даги микдор оғирлигига айлантириш учун ўша $0,0008$ кўрсаткични 5°C ортиқ ҳароратга оширилади. $0,0008 \times 5 = 0,004$, яъни: $0,965 - 0,004 = 0,961$ дан $0,970 - 0,004 = 0,966$ гача бўлади. Қаттиқ мум эриган мумдан оғир, сувдан эса снгил бўлади.

Мумнинг оғирлик микдорини факат кимёвий лабораторияларда аниклаш мумкин.

Табиий мумнинг оғирлик микдори меъёридан (нормасидан) кам бўлса, у ҳолда қалбаки мум (фальцификация) эканлигидан далолат беради. Минерал мумлар ҳам худди асалари мумидек бензин, сульфатли эфир, толуол, хлороформ ва бошка эриткичларда енгил аралашиб эрийди. Минерал қалбаки мумлар сувда ва вино спиртида аралашиб, ажратиб бўлмайдиган бир хил котишма куймаларни ташкил киласди.

Церазин минерал мумлар ичida физикавий хусусияти бўйича церазин табиий мумга яқин туради. Тажрибасиз ишчилар учун церазинни табиий мумдан ажратиш кийин бўлади. Церазин тог ер муми деб номланган озокеритдан ажратиб олинади. Охирги пайтларда церазин нефть маҳсулотларидан олинмоқда. Церазиннинг оғирлик микдори табиий мумни кидан енгил. Унинг эриш ҳарорати табиий мумга яқин ёки юкори бўлади. Церазиннинг ранги ок ёки сарик бўлади.

Сарик церазин ок церазинни бўяб олинади. Мумларни қалбакилаширишда церазиндан кўп фойдаланилади.

Парафин. Парафин кўнғир тошқўмирдан ва нефть маҳсулотлари чикиндисидан олинади. Физикавий хусусияти бўйича парафин церазинга яқинрок бўлишига қарамасдан уни бармоқлар билан суркалганда ёғликлиги сезилиб туради. Ундан ташкари, парафин худди шиша тоши кўринишига эга. Оғирлик микдори 0,880 дан то 0,910 гача, эриш ҳарорати эса 44–48°C бўлиб, табиий мум ва церазинга нисбатан сифати пастрек. Табиий мум билан ҳар кандай микдор ҳолатда ҳам енгил аралашиб, бир кўринишида кўйма ташкил этади. Унинг ранги ҳам худди церазин каби сарик ва ок рангда бўлади. Аслида парафин ок бўлиб, бўялганда эса сарик.

Техникавий мум. Бу маҳсулот таркибида нефть мойи – петролятуум, парафин ва церазин аралашмаси мавжуд. Унинг асосий кисмини петролятуум ва парафин ташкил қиласа церазиндан 5% гина кўшилиб, унинг эриш ҳарорати ва қаттиклиги оширилади. Техникавий мум табиий асалари мумига ўхшаш сарик рангда бўлиб, синдирилганда ҳаммаси структура кўринишида, усти текис бўлади. Аникрофи, техникавий мумларда синиши, чатнап, бўлиниш бўлмайди. Хона ҳароратида у киркилади, лекин синмайди. Техникавий мум ҳар хил органик эритмаларда эриш, аралапиш хусусияти худди церазин ва парафинга ўхшаш бўлиб, асалари табиий муми билан ҳар кандай микдорда ҳам аралашиб кетади. Нефтдан ва азокеритдан олинадиган минерал мумлар кўпчилик ҳолларда асалари мумига кўшилиб, қалбаки мум тайёрлашда ишлатилади. Бундан ташкари, табиий мумларга айрим микдорда стеарин ва канифоль кўшилиб, мум маҳсулотларининг қаттиклиги оширилади.

**Мум маҳсулотига кўшилган моддалар қўйидаги
кўреаткичларга эга бўлади:**

Номлари	Кислоталар сони	Эфирлар сони	Ювилиниш, аралашиш сони	20°C даги оғирлик микдори	Эриш ҳарорати
Церазин	0	0	0	0,91–0,92	65–80
Парафин	0	0	0	0,88–0,91	45–70
Техникавий мум	0	0	0	0,9 паст	35–50

Смола (канифоль)	168	10	178	0986–1,108	135
Стеарин	204	5	209	0,89	55,5
Табиий аса- лари муми	18,5–22	71–78	89–97	0,956– 0,970	62–65

Минерал мумларни кислота ва эфирлар сони нолга тенг: стеарин ва смолаларда унинг тескариси бўлиб, кислоталар энг юкори кўринишда бўлса, эфирлар унча кўп эмас. Мабодо табиий мумга минерал мум кўшилса, у ҳолда кислота ва эфирлар сони камаяди. Агарда табиий мумга стеарин ва канифоль кўшилса, кислоталар сони юкори бўлиб, эфирлар сони ўзгармай колади. Ҳамма минерал мумлар оғирлик микдори табиий мумга нисбатан кам бўлганлиги учун ҳам қалбакиланганигини билдириш характеристикаси хисобланади. Агарда 20°C ҳароратли оғирлик микдори 0,95 бўлган спирт ва сув аралашмасини тайёрлаб, унга табиий асалари мумини солсак, у ҳолда мум эритмада чўқади, 10% ли минерал мум кўшилган мум бўлаги чўқмасдан, эритма устида сузид юради.

Табиий асалари мумига кўшиладиган қўшималарни аниклаш

1- навбатда бажариладиган иш. Табиий мумларга кўшиладиган церазин, парафин, канифоль, техникавий мумлар бўлакчалари билан жамгармадаги мум тўпламлари ва мумни қалбакилаш мавзулари ёзилган олдиндаги вараклардан фойдаланиб иш бажариш, аниклаш.

2- навбатда бажариладиган иш. Табиий мумга кўшиладиган қалбаки мумлардан минерал мум, канифоль ва стеарин кўшилганини аниклаш.


Жавоб: техникавий минерал мум табиий мумга кўшилганда табиий асалари муми каттиклиги пасаяди: кўл билан эзганда у қўлга юқади ва ёпишади.

Мумнинг каттиқлиги камайганлигини билиш учун болғани ўткир тарафи билан бўлак мум урилади. Агарда мум табиий бўлса, у бўлакларга бўлинниб кетади, мабодо мумни таркибида техникавий мум бўлса, у ҳолда болға мумни ичига кириб, чўнқирча ҳосил килади.

Табиий мумга парафин аралаштирган бўлса, эритилган мум котгандан кейин унинг четлари ялтираб туради ва ундан ташқари, мум эзилганда парафин бўлса, кўлларда ёғ борлиги сезилади. Парафин ва техниковий мум қўшилган бўлса, котган мум бўлагининг усти чўнкиррок бўлиб, четлари кўтарилиб туради.



Церазин қўшилган табиий мум устида кўпчилик холларда котган вактида чўтири-чўтири кўринишлар бўлиб туради.



Мумга смола (канифоль) қўшилган бўлса, мум чайналганда у тишига ёпишиб қолади.

Мумга стеарин қўшилган бўлса эзилмайди, балки синиб кетадиган мўрт бўлиб қолади. Мум бўлагининг чети ялтираб турмайди.

Ҳозирги вактда мумнинг қаттиқлик хусусиятини ошириш учун табиий мумларга 5% канифоль ва стеарин қўшилади ва бу калбаки хисобланмайди.

Она ари сутини олиш ва унинг таркиби

Она ари сути бу ишчи ариларнинг юқори жағ ва кекирдак безларининг суюклик маҳсулоти бўлиб, у билан арилар она ари, ишчи ари ва эркак ари куртчаларини ҳамда она арини бокадилар. Она ари сути таркибida 66 фоизгача сув ва 9 хил ферментлар 40 фоизни ташкил қилади. Углеводлардан, асосан, глюкоза, фруктоза, сахароза, малтозалар ўрта хисобда 21 фоизга тўғри келади. Органик кислоталар, 21 та амино-карбонлар, 2 та нуклеин ҳамда 20 та тўйинган ва тўйинмаган карбонат ва оксикарбонат кислоталар учрайди. Булардан ташқари, яна 16 хил минерал элементлар, 9 хил В витами-

лар, ацетилхолин, аденоzin, птерин, фосфолипид, стерин, ёғлар ҳамда ҳали яхши ўрганилмаган моддалар учрайди. Она ари сути таркибида яна ўсимлик тұқымалари, гулчанг, мум заррачалари, прополис ҳамда куртчаларнинг тери каватлари учрайди.

Она ари сути оқ, сарғиш ва ялтирок крем ранги күри-нишидаги ўзига хос ҳиди ва нордон ҳамда аччик мазага эга. Сувда бир оз эриш хусусиятига эга. Она ари сути актив био-логик хусусиятга эга бўлиб, инсон ёки ҳайвонлар томонидан истеъмол килинганда танада модда алмашинуви жараёнини тезлаштиради, марказий ва оралиқ нерв системалари иш фа-лиятини яхшилади. Она ари сути ёки уни қурук экстракти (куритилгани) ҳамда 1:10 ва 1:100 гача микдорда суюлтирилгани 19 хил микроб ва бактерияларни ҳамда грипп вирусларни ривожлантиришга йўл қўймайди. Она ари сути суюклиги уруғлар ва ўсимликларнинг униш ва ўсишини тезлаштиради.

Она ари сути инсон танасини соғломлаштириб, бақувват қиласи ва тананинг химоя воситасини яхшилади. Нерв, юрак, кон томирларининг иш фаолиятини яхшилади. Шунинг учун ҳам 35 кунлик чақалоқдан то 4 ёшгача бўлган болалар иштаҳасини яхшилаш ҳамда овқат ҳазм қилишини меъёрига келтиради. Айрим ҳолларда кўп кон йўкотганда, нурланганда, руҳий касалликларда, ошкозон ва ўн икки бармокли ичак яраларини, тери касалликларини тузатишда ҳам она ари сутидан фойдаланилади. Кўпчилик давлатларда она ари сутидан 20 хилга яқин апилак, виталинол каби дори-дармонлар тайёрланади.

Она ариниң қайта ишилаш ва саклаш

Она ариниң узок саклаганда унинг таъсирчанлик хусусияти куёш ҳарорати ва кислород таъсирида сусаяди. Узок сакланыш максадида она ари сутини 1:10 дан то 1:100 гача микдорда асал билан аралаштириб, шакар – сахароза, лактоза ва глюкозалар билан 1:4 гачадан то 1:20 гача микдорда аралаштириб сакланади. Она ари сутини зич ёпиладиган қорамтир шиша идишда +2°C дан +4°C гача вактинча саклаш мумкин. Минус 2°C дан то -6°C гача бир ойгача саклаш мумкин. Куритилган она ари сутини хона ҳароратида 1–2 йилгacha саклаш мумкин.

Гулчангининг таркибий тузилиши, уни тўплами ва сақлаш

Гулчанги майда чанглардан ташкил топган бўлиб, унинг усти қаттиқ клетчатка кобик билан қопланган. Гулчангдан уяда арилар гул чангига асал аралаштириб ўзлари узок вакт сақлайдиган «перга» деб номланган оксил озука тайёрлайди ва инчаларида 2 йилгача сақлайди. Гулчанги таркибида оксил, ёғ, тузлар, витаминлар бўлган озука хисобланади. Гулчанг таркибида ўрта хисобда 20 фоиз оксил, 20 фоиз углевод, 3–4% минерал тузлар, 4–15% гача ёғ моддаси бўлиши мумкин. Гулчангидаги сув ҳам бор бўлиб, ундан ташқари, арилар танасида сўрилмайдиган «клетчатка» гулчанг кобик пўстлоғи ва айрим моддалар бўлиши мумкин. Гулчангидаги 17 хил витаминларга бой аралашмалар топилган бўлиб, С витаминидан 1 гр чангда 38 микрограмм бор, агарда инсонлар кунига 100% истеъмол килсалар B_1, B_2, B_5 дан 60–80%; витамин B_6 ва H 40%, витамин B_3 20%, С витаминида 10%, калий, мис, марганец – 100%; темир 20% танага фойдали бўларкан. Шунинг учун даво сифатида кунига 0,25 дан то 15% гача гулчангини асал билан аралаштириб истеъмол қилинади. Узлуксиз равишда гулчангидан истеъмол қилинса касалларнинг соғайиши яхшиланади, иштаҳаси очилади, тананинг ишлап қобилияти ортади. Болаларда эса гул чангини истеъмол қилинганда кизил кон таначаларини 25–30% га, гемоглабинни 15% оширади. Гулчанг каналари ва гулчанг замбуруғлари гулчангни чиритиши натижасида унинг озукаболиги ва доривор хусусиятларини йўқотар экан. Гулчангидаги қанчалик намкам бўлса ва кам кислород кирса, у узок сакланиб, ўз хусусиятини сақлайди. Шунинг учун ҳам гулчангидаги намликини йўклиги ва микроорганизмлар ривожлантиришни йўқ қилиш мақсадида гул чанг 40–45°C иссик ҳароратда 2,5–5 соатгача киздириб куритилади, 18–30°C да эса гулчанг ўзининг фойдали биологик хусусиятини орадан 1–2 йил ўтгандан кейин йўқотади.

Ширачсимон модда (прополис)

Прополис асаларилар ўсимлик куртакларини очилиш арафасида тўплайдиган махсулот бўлиб, мумдан тозаланган прополис таркибида ўсимлик ширач ёғи (смола) дан 50–55%, эфир мойидан 10%, мум 30% бўлиб, у микробларга карши

курашиш (бактерицид) хусусиятига эга. Прополиснинг кимёвий таркиби тўпланаётган иқлим шароитига ва географик ўринларига, арилар зотига ва эритувчи моддалар таркибига караб ўзгариши мумкин. Прополис сувда 23°C дан 90 градусгача 7–11% гача эрийди: иккиламчи эфирлар 34°C 70–80% гача эрийди. Прополис иккиламчи эфирда микдори 1:1 ацитон, хлорофин, бензин, скапидар, вазелин, ўсимлик мойлари ва ҳайвон ёғларида эрийди, уксусда ҳам эриши мумкин.


Асалари заҳари

Арилар заҳари ишчи ариларнинг заҳар безлари ёрдамида ишлаб чикилиб, заҳар халтачасида сакланади ва арилар чаккан вақтида ўша танага ўтади. Заҳар таркибида 60% гача сув бўлиб, у сарғимтир кўринишдаги суюклик, таъми аччик ва куйдирадиган мазага эга бўлган ҳолда, ҳавода тез котади. Куруқ заҳар таркибида кўп оксил моддалари, аминокислоталар, шакар, ёғ, чумоли ва бошқа кислоталар ҳамда ноорганик бирикмалардан магний кўпроқ учрайди. Катта ёшдаги арилар 0,4–0,8 мг заҳар ажратадилар, заҳар безлари арилар ҳаётини 12–14-кунлари энг кўп заҳар суюклиги ишлаб чиқади. Саноат асосида арилар заҳарларини тўплаш учун маҳсус электр куввати ёрдамида ишлайдиган мослама мавжуд бўлиб, у ари оиласи ичидаги мумкатақ рамкалар орасига ёки мумкатақ рамкалари устки елка кисмига қўйиладиган курилма (кассета)лар билан таъминланган. Арилар заҳари асосий шарбат тўплаш давридан олдинроқ олинади, чунки бу даврда катта ёшдаги ари уяларида кўп бўлади. Курилма (кассета)лар куртчали рамкалардан узокрокка, асалли рамкалардан эса 2 см нарига қўйилади. Битта асаларидан 0,1 мг га якин қурук заҳар олиш мумкин. 10,000 дона аридан 1 г заҳар олинса бўлади.

Асалари заҳари оладиган мослама. Заҳар оладиган кассетада ойна устига сим ўралган бўлиб, симнинг уни ток етказиб бериш мосламаси ва аккумуляторга уланади. Ойна кирадиган ўртаси ўйилган бўлади. Ёғочнинг узунлиги 470 мм, пастки река узунлиги 435 мм, 14 мм ли дуб тахтадан тайёрланади. Рейкалар ички тарафидан 8 мм ўйилган чизиги бор. Ўйилган чизик эни 8 мм чукурлиги 5 мм дан иборат, рейканинг усти тарафida ҳар 5 мм да сим тортишга мўлжалланган 1мм чўнқирли чизиги бор. Юкори тарафдан

симдан 50 мм дан жой колдирилади. Рейкага сим тортиш учун асаларичилар ишлатадиган симдан ишлатиласи.

Битта захар оладиган мослама 0,2 мм ли симдан 59–60 та катор айланы айлантириб тортилади. Бунинг учун 40 метрча сим керак бўлади. Мосламага тортилган сим ойнага 2 мм тегмай туриши керак. Электр қуввати 12 вольтли бўлиб, унинг кучи 9 вольтдан ошмаслиги керак. Ундан чиқадиган ток импульси кетма-кетлиги $0,5-0,5 \pm 0,1$ Гц ни таъминлаши керак. 1 та 12 вольт аккумулятор 6–8 соатга етиши мумкин. Захар олиш мосламасини уя ичига кўйилганда, унга тортилган сим мумкатақ рамкадан 20 мм узокроқ туриши керак. Бу захар олиш мосламалари уяга куннинг ўртасида кўйилиб, ток 3 соатга уланади. Энг кўпи билан ток 4 соатдан кўпроқ уланса, ариларнинг ўлиши кузатиласи. Кун совук пайтида захар олиш тавсия этилмайди, чунки ток улангандан кейин арилар кўчага тез-тез учеб чикади ва совукда халок бўлади. Электр қуввати ўчирилгач, орадан 10, 15 дакика ўтгач, захар кота бошлайди. Шундан кейин мосламани олиш мумкин. Ари оиласидан бу йўл оркали 12–15 кунда захар олинса, оиланинг маҳсулдорлигига кам таъсир килади. Эрта баҳорда кучсиз оиласидан асал олингандан кейин улар куртчани тарбиялаётганда ва кишга кетишдан олдин захар олиш ман этилади. Мана шу захар олиш мосламасида бир ёз мавсумида ҳар битта ари оиласидан 2 граммгacha захар олиниб, оиланинг бошқа маҳсулдорлигига таъсир килмаслиги тасдиқланган.



78-раси. Асаларининг захарини оладиган мослама:

1 – электр тоқ берувчи курилмаси; 2 – захар тўпланадиган ойнали кассета.

АСАЛАРИЧИЛИКДА НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ

Асаларичиликда наслчилик ишлари асалари оиласини маҳсулдорлигини оширишга қаратилган. Наслчилик ишлари олиб боришдан асосий мақсад бор ари зотлари наслини яхшилаш орқали янги маҳсулдор ари зотларини етиштиришдир. Факатгина арининг янги зоти эмас, балки зот гурухлари ва тармоклари яратилиб, мана шу яратилган зот гурухларининг 1-авлодлари ўзининг маҳсулдорлиги ҳамда иссик ва совукка чидамлилиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, янги яратилган зот гурухлари касалликларга чидамлилиги, кўчга кам чикиши, мулоҳимлиги туфайли асаларичи кам меҳнат сарф килиб, кўп асалари оиласини бокишга шароит туғилади.

Асаларичиликда наслчилик ишларини олиб борища шартли талаблардан асосийси режали равишда туманлаштирилган асалари зотларини ўша режада кўрсатилган худуд ва туманларда бокиш ва кўпайтиришга риоя килинса, ўша зот асаларилари иклим шароитига мослашганлиги учун ҳам жадал ривожланиб, кўп асал тўплайдилар.

Қачонки ари оиласини бокиш, ривожлантириш, зоотехникавий ишлар ҳисоб-китобини олиб бориш каби, фойдали хўжалик кўрсаткичларига эътибор бериб иш олиб борилса, арилар маҳсулдорлиги, ривожланиши, насл бериши юкори бўлиб, асаларичилик даромадли тармокка айланиши мумкин.

Ўзбекистон иклим шароитида асаларилар тоғли, тоғолди, кир-адир, чўл, водий ва тўқайларда бокилади. Асаларилар Ўрта Осиёга ўтган юз йилликда келтирилган. Шу бир аср давомида Ўзбекистон иклим шароитига мослашган. Ўзимизни маҳаллий ари зотларимиз борлигига ҳам шубҳа йўқ.

Арилар зоти

Арилар зоти деб, шу ер иклими шароитида яшаётган кўпчилик ари оиласининг ташқи кўриниши ва яшаш шароити бир хил кўринишга ўхшаш бўлиб, уларнинг физиологик ва морфологик, шунингдек, фойдали хўжалик белгилари бир-бирига ўхшаш ёки бир авлоддан иккинчи авлодга ўхшашлик

белгиларининг ўтиши ҳамда шу шароитга мослашган ари турларига айтилади.

Асаларичиликда шу пайтгача инсон томонидан бирорта ҳам ари зоти яратилмаган. Шунга карамасдан табиат иклим шароитига мослашган табиий ари зотлари бор. Мана шу табиат саралаб стиштирган ари зотлариниaborиген зоти деб аталади.

Аввалдан кўп минг йиллар ичидаги табиат конунлари бўйича табиий саралаш оқибатида бир-биридан марфологик, биологик ва хўжалик кўрсаткичлари ҳамда қитъалар, худудлар бўйича ўз номини олганaborиген асалари зотлари мавжудлиги мутахассисларга маълум.

МДҲ худудларида қўйидагиaborиген ари зотлари: «Ўрта рус», «Кўнғир Кавказ тоб ариси», «Сарик Кавказ ариси», «Карпат» ариси, «Украина чўл ариси» ва бошқа жойдан келтирилган арилардан «Италия ариси» ҳамда Югославиядан келтирилган «Краинка» ари зотлари тарқалган.

Келиб чиқиши бўйича карпат зоти деб аталган асалари зоти олдинга юз йилликдан то хозирги кунгача Узбекистон иклим шароитига мос ари зоти бўлгани учун бир аср давомида бутун Узбекистон вилоят ва туманларида шу зот арилари ва уларнинг авлодлари бокиб кўпайтирилмоқда.

Ўрта рус ари зоти

Бу зот ари МДҲ худудларида жуда кўп тарқалган бўлиб, унинг табиий кўпайиш жойлари Ўрта ва Шимолий Европа хисобланади.

Бу зот ариларнинг бошқа зот арилардан фарки шундаки, улар узок қишлиб, совук каттиқ бўладиган жойларда яшаб ривожланишига мослашган. Қишлош вақтида 6–7 ой давомида орқа йўғон ичагида 40 мгр гача ахлатни ушлаб турла олади.

Бу зот арининг ранги қорамтири кулранг бўлиб, танасининг корин кисмida сарик ғилдиракчалари йўқ.

Инчадан чиқкан бир кунлик ишчи арининг вазни 110 мгр. Урчимаган она арининг вазни 190 мгр. Урчиган она арининг вазни 210–220 мгр.

Хартумчасининг узунлиги 5,9 дан 6,3 ммгача. Она ариси мавсум ўртасида 1 кунда ўртача 1600–1800 та гача, айрим холларда 2000 та гача тухум кўйишига кодир. Кўчга чиқишига

мойил бўлиб, 80% ари оиласлари кўчга чиқишга интилади. 25–30 та гача кўч ғумбагини тортади. Арилари жуда баджахл. Кучли шарбат келиш давридан мукаммал фойдаланадилар. Кучсиз шарбат келиш даврида кўнғир кавказ тоғ арисидан кейин туради. Ўрта рус ариси XVII асрда Шимолий Америкага, XVIII асрда Жанубий Америкага келтирилган.

Кўнғир Кавказ тоғ ариси

Буларни табиий кўпайиш жойлари Кавказ тоғ худудлари ва Кавказ олди ҳамда Кавказ орти худудлари ва бошка мамлакатларгача тарқалган. Бу арилар танаси кичик бўлиб, 1 кунлик ишчи арисининг вазни 75–90 мгр, урчимаган она арисининг вазни 180 мгр, урчигани 200 мгр га teng. Танасининг ранги кумуш-кулранг бўлиб, корин ғилдиракчаларида сарик чизикчалари йўқ. Хартумчасининг узунлиги 6,9–7,1 мм гача. Арилари мулоим она ариси 1 суткада 1100–1700 тагача тухум кўяди. Асал устини хўл килиб ёпади. Арилари кам кўчга чиқади ва 5 тадан 20 тагача ғумбак тортиб, 3–5% гача кўчга чиқади. Табиатдан 400–500 гр шарбат келиб турса арилар кўчга чиқиш ҳолатини йўқотади.

Сарик Кавказ ариси

Бу ари зотининг тарқалган жойлари Грузия, Арманистон ва Озарбайжон ўлкалари бўлиб, Шимолий Кавказ вилоятларида ҳам кўпайтирилади. Ариларнинг ранги кулранг бўлиб, корин кисмида сарик ғилдиракчалари бор. Қаттиқ иссик ҳароратда ҳам япашга мослашган. Инчадан чиккан 1 кунлик ишчи арисининг вазни 80–90 мгр. Урчимаган она арисининг вазни 180 мгр. Урчиган она арисининг вазни 200 мгр га teng. Жадал ривожланиш даврида она ариси 1 суткада 1100–1700 тагача тухум кўяди. Хартумchasinинг узунлиги 6,5–6,9 мм бўлади. Асал устини хўл килиб ёпади.

Карпат зоти

Бу наслнинг ватани Карпат тоғлари ва водийлари бўлиб, ташки кўриниш белгилари Краинка наслига яқин бўлган ҳолда, танасининг ранги кулранг кўринишга эга. Урчимаган она арисининг тана вазни 185 мгр, урчиган она арисининг

вазни 205 мгр га тенг бўлса, 1 кунлик ишчи арсининг вазни 110 мгр га тенг, хартумчасининг узунлиги 6,3–7,0 мм га тенг.

Асал инчасининг устини окиш рангда курук беркитади. Арилари мулойим, кўчга кам чиқадиган ва қишта чидамли. Ўрта Осиё иклим шароитида, асосан, шу зот арилари бокилади.

Италия зоти

Бу насл МДХга Италиядан келтирилган бўлиб, тана ва корин ғилдиракчалари жуда сарик. АҚШда бу зот билан саралаш ишларини олиб бориб, тилларанг ари наслини етиширишган. Бир кунлик ишчи арисининг вазни 115 мгр. Урчимаган она ариси 190 мгр. Урчиган она ариси 210 мгр, хартумчаси 6,3–6,5 мм. Тана тузилиши бўйича ари зотлари орасида энг йирик ари хисобланади. Арилари мулойим бўлиб, каттиқ иссиқда яшашга мослашганлиги учун ҳам Ўрта Осиёда кўпайтирилади. Она ариси 1 суткада 2500 тагача тухум кўйиб, кўп тухум кўйиши бўйича бошка она арилардан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бу насл ариларни ривожлантириш ва кўпайтириш максадида бокилади.

АРИ ОИЛАЛАРИНИ БОНИТИРОВКАЛАШ

Бу ишлар зоотехник мутахассисларнинг ёзмаларига асосланиб, текшириш ишларига суюниб, хўжалик ва фойдали кўрсаткичларини эътиборга олиб, ари оилалари зоти, ахамияти ҳисобга олинниб бонитировка қилинади. Бонитировка ўтказишдан мақсад ари оиласи маҳсулдорлиги ва зотини ҳамда сифатига ахамият бериб, шу текшириш кўрсатмалари асосида селекция ва арилар зоти тўғрисида тузатишлар киритилади.

Ари оилалари ҳар йили кузда бонитировкадан ўтказилади.

Ҳамма асалари хўжаликларида ари оилалари 2 гурухга бўлинади:

1-гурух ариларига зотли она ари ҳамда эркак ари етиштирувчи ари оилалари ва янги ёш ари оилалари кучини оширишда фойдаланиладиган арилар;

2-гурухга зотдор арихоналарда тарбияловчи ари оиласини ҳамда янги ари оиласини етиштиришда, яъни арилар сонини ошириш ва асал маҳсулоти етиштиришда иштирок этувчи арилар киради. Ари оилалари сентябрь–октябрь ойларида бонитировка қилинади. Ари оиласининг зоти, асал тўплаш маҳсулдорлиги, кучи, қишига чидамлилиги ҳисобга олинади.

Бонитировка ўтказиш хўжаликлар бош зоотехники зиммасига юкланади. Бонитировкани бошлашдан олдин баҳорги, кузги оилалар кўрсаткичлари ҳолати ёзилган ракамлар текширилади. Ари оилалари $+15^{\circ}\text{C}$ иссиқда бонитировка ўтказилади.

Бонитировка экстеръер ва биологик кўрсаткичларга ҳамда асал тўплаши, ари кучи, қишига чидамлилик кўрсаткичларига караб баҳоланади. Бир хил авлоддан онаси ва отаси етишиб чиккан бўлса, у ҳолда тоза ари зотига киритилади. Агарда аник кўрсаткичига эга бўлмокчи бўлсангиз, ари оиласидан 50 дона ари олиб, яқинроқда жойлашган лабораторияга жўнатилади, у ерда мутахассислар хартумчаси узунлиги, учинчи тергит ғилдиракчasi эни ҳамда кубитал индек-

сини ўлчаб аникладилар. Мабодо ари оиласи талабдаги оила зотига мансуб бўлмаса, у холда ари оиласи маҳсулот тўпловчи ари фермасига ўтказилади. Энг яхши гурухга эса кўшимча бонитировка ўтказилмай, асосий кўрсаткичларга караб, зотли арихоналардан асал маҳсулоти етиштириш, ариларини сотиш хўжаликларида фойдаланилади. Ари оиласининг ҳамма кўрсаткичлари 5 балли шкала билан аникланади (асал тўплаш кўрсаткичи, ари кучи, кишга чидамлилиги).

Ари оилаларини синфларга бўлишда кўп асал тўплаган ари оиласи хисобга олинади ва жами 8 та синф билан белгиланади. Биринчи синфга 5 балл олган ари оилалари киради. Бунинг асосий 3 та кўрсаткичи бор, яъни асал кўп тўплаш, ариси кучли, кишга чидамли оилалар киради, 4 балл олган оиласага иккинчи ёки учинчи синф берилади, бошқача килиб олингандага асал тўплаш кўрсаткичига 5 балл кўйилиб, қолган кўрсаткичига 4 балл кўйилса 2-синф берилади. Қолган ариларнинг кучи ва кишга чидамлилиги 4 балл берилса, унда 3-синф билан белгиланади. Агарда ари оиласини асал тўплашига 5 балл берилиб, қолган кўрсаткичи паст бўлса, у холда ари оиласига 3 балл баҳо берилиб, 4-, 6-синфга киритилади. 5-синф оиласига 4 балл билан баҳолангандаги оиласи киритилади, 6-синфга қолган ҳамма ари оилалари киритилади. Мабодо 2 балли битта ари оиласи бўлса ҳам 7-синфга киради. 1 балл баҳо олган ари оиласи эса 8-синфга киради (ва бундай оила яроксизга чиқарилади). Бонитировка ўтказиш хулосалари ёзма қайд этилади.

Зотли ари етиштириш учун ари оилалари ажратиб олиш

Юкори маҳсулдор ари оилаларини ажратиб олиш ишлари бонитировка ўтказиш тугагач бажарилади. Арилар зотини яхшилаш максадида 1- ва 2-синф талабларига жавоб берадиган юкори маҳсулдор зотли ари оилаларидан фойдаланилади. Мабодо бундай синфдаги ари оилалари бўлмаса, у холда насл гурухларига 3-синфнинг яхши оилаларидан фойдаланилади.

Наслчилик ишини олиб бориш учун арихонадаги 20–30% умумий ари оилалари, маҳсулот берадиган фермадан асл зот ядрога (насл ядроси) арихонадаги ариларнинг 10–15% и ажратилади.

Асаларичиликда оммавий наслчилик иши

Наслчилик ишини олиб боришда бу энг содда йўл бўлиб, куйидаги талаблар ҳисобга олинади:

1. Ариларни ривожлантиришга энг яхши шароит яратиб бериш ва озука билан таъминлаш.
2. Юкори маҳсулдор ари оилаларини ажратиб саралаш.
3. Юкори маҳсулдор оилалардан янги оила олиш ҳамда она ари етиштириш.
4. Она ари яқин авлод эркак ари билан кўшилишига йўл кўймаслик.
5. Кам маҳсулдор ҳамда кучсиз, суст ривожланадиган ари оилаларини яроқсизга чикариш.

Ариларнинг ривожланишга яхши шароит яратиб бериш ҳамда озука билан таъминлаш тўғрисида жуда кўп гапирилганлиги учун ҳам юкори маҳсулдор ари оилалар тўдасини ажратиб олиш йўлига тариф берамиз. Насл олиш учун куйидаги хўжалик ва фойдали кўрсаткичларга караб ари оилалари саралаб ажратилади:

1. Баҳордан бошлаб жадал ривожланадиган.
2. Энг кўп асал тўплаган.
3. Жуда кўп мум ажратган.
4. Қишига чидамли.
5. Касалликларга чидамли ари оилалари насл олиш учун ажратилади.

Бундан ташқари, кўчга кам чиқадиган, мулойим хусусиятлари ҳам ҳисобга олинади. Қайсики ари оилаларидан ривожланиши бўйича ари оиласининг ички ҳажми тез ариларга тўлса ва кўп куртчали рамкаси бўлса ўша оила энг яхши ривожланган оила ҳисобланади ва мавсум охирида улар кўрсаткичларига караб 2 та тенг бўлмаган гурухга бўлинади; биринчисига энг яхши ари оилаларидан 10–15%, яъни маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича шу арихонадаги бошка ўртача кўрсаткичга эга бўлган ари оилаларидан 1,5–2 маротаба кўп маҳсулот тўплаган оилаларидан ажратилади. Шу билан бир каторда яна ари оилаларини қишига чидамлилиги ва бошка кўрсаткичларига ҳам эътибор берилади. Бу гурух арилар шу жой шароитига мослашган ва туманлаштирилган тоза наслии бўлиши керак. Чунки бу гурух ари оилалари она ари ҳамда эркак ари олишда хизмат килади.

Колган ҳамма ари оиласлари иккинчи гурухга киритилади ва бу гурух ариларига маҳсулдорлик кўрсаткичлари шу арихонада ўртача ёки ўртачадан паст бўлган ари оиласлари киради. Иккинчи гурух ариларидан асал олишда ва янги ари оиласларини ташкил килишда фойдаланилади.

Бир нечта энг яхши 1-гурух ари оиласидан она ари олишда фойдаланилади, колганларидан эса эркак ари етиштиришида фойдаланилади. Бунинг учун шу оиласлар ичига 1–2 та эркак ари инчали мумкатақ рамкалар эркак ари тухумини кўйишга жойлаштирилади. Мабодо табиатдан шарбат келмаётган бўлса, у холда вакти-вакти билан оиласга шакар шарбати қуйиб турилади. Оммавий насл танлаш фойдали бўлиши мумкин, качонки шу арихона атрофидаги арихоналарида ҳам шу вилоят туманларига рухсат берилган ари зотларидан туманлаштирилган бўлса, ўшандагина ёш урчимаган она ари керакли зот эркак ари билан кўшилиш имконига эга бўлади. Ҳар 3–4 йил ўтгач арихонага бошқа арихонадан насли яхши она арилар олиб келиниб, оиласларга ўtkазилади. Ўша она ари олинган кўшни арихона арилари сизнинг арихонангиздан 25–30 км нарида жойлашган бўлиши керак. Мана шундай қилинганда она ариларни яқин авлод эркак арилар билан кўшилишининг олди олинади ва келажак авлод йирик ҳамда соғлом бўлиб, ари оиласларининг маҳсулдорлиги ошади.

Алоҳида саралаш орқали наслчилик ишини ташкил этиш


Агарда юкори маҳсулдор ари оиласи факат ўз кўрсаткичлари билан ажралиб турмасдан, балки келажак ёш авлодларига ўзидаги яхши кўрсаткичларини ўтказса, у холда оиласи юкори маҳсулдор ари оиласи деса бўлади. Алоҳида саралаш наслчилик ишларини олиб боришининг асли маъноси шундан иборатки, бу йўл юкори маҳсулдор наслли ари оиласларини аниқлаш имконини беради.

Биринчи навбатда 3–4 та юкори маҳсулдор ва бошка хўжалик фойдали кўрсаткичларига эга бўлган ва шу иклим шароитида туманлаштиришга рухсат берилган ари оиласларидан ажратилади. Шу ажратилган ари оиласларининг ҳар биттасидан 30–50 тадан она ари кизлари олиниб, бир хил шароитда ривожланаётган ари оиласларига ўтказилади. Она арилар арихоналарнинг бир хил зот эркак арилари билан кўшилиши керак.

Хар битта юқори маҳсулдор асосий оиласардан бир хил сонда урчиган она ари қизларини бир нечта арихоналарда ари оиласарига ўтказиш мумкин (факат тажрибадаги ари оиласидан она ари қизлари олинади). Она ари қизлари ўтказилган ари оиласи тўдаларига керакли шароит яратилиб, озука билан таъминлаб, текширип-кузатиш ишларини олиб бориш тавсия этилади.

Тажриба ўтказилаётган она ари қизчалари ўтказилган оила билан ишлаш ишларини олиб бориша иккинчи йил охирига бориб, ўша тажрибадаги оиласарнинг қишга чидамлилиги, ўртача маҳсулдорлиги тўғрисидаги кўрсаткичлар олинади ва тажрибадаги ҳамма гурух ари оиласарининг кўрсаткичи билан солиштирилиб, энг юқори маҳсулдорлик ҳамда қишга чидамлилик кўрсаткичига эга бўлган гурух ари оиласари наслдор оила деб хисобланади ва шу оиласардан келажакда авлод олиш учун тарқатилади.

Юқори маҳсулдор асосий оиласар




Хар биттасидан 30–40 тадан она ари қизчаси олиниб, кейин худли шундай шароитда жойлашган бошка арихоналарга тарқатилади ва шу тарқатилган гурухлар ичидан энг юқори кўрсаткичга эга бўлган гурух ари оиласари наслдор оила деб хисобланади.

Она ари қизчалари ўтказилган оила арилари кўрсаткичлари аниқ бўлиши учун асосий маҳсулдор оила она арилари кўрсаткичлари 2 йил давомида баҳоланади. Шу вакт ичida асосий маҳсулдор оила ариларининг она ариси қариши ёки ўлиб кетиши мумкин. Бундай бўлмаслиги учун хам у она

аридан она ари ва ота оиласидан эркак ари авлодлари етиштириб олиниб, маҳсус кўрикхонага, яъни 15–20 км яқинида бошқа ари насли бўлмаган жойга жойлаштирилиб, улар бир-бири билан урчтилади. Шулардан 10–15 та она ари қизчалари етиштирилиб, улар оилаларга ўтказилади. Мабодо ўша бошланғич асосий маҳсулдор оиланинг она ариси ўлиб колса, у ҳолда энг юқори кўрсаткичга эга бўлган она ари қизчалари ўтказилган оиладан кўпайтириш учун куртча олиниади ва тарқатилади.

Она арини сунъий йўл билан урчиши

Бу йўл билан об-хаво ҳарорати кандай бўлишидан қатъи назар, хоҳлаган пайтда керакли ари зотидан эркак ари уруғини олиб, она арини сунъий йўл билан урчиши мумкин. Она арини урчиши мосламасининг асосий кисмига бинокуляр микроскоп ўрнатилган бўлиб, она ари шипта найчага со-



79-расм. Она арини сунъий урчиши мосламасининг умумий кўриниши:

- 1 – мослама ўрнатиладиган асоси; 2 – илмокли мосламаларни ушлагич;
- 3 – эркак ари уруғи тўлғизиладиган шприц; 4 – бинокуляр микроскоп;
- 5 – шприцини сурадиган винтлари; 6 – уни ингичкалаштирилган она ари жойлашадиган найча.

лингандада унинг корин кисми орка тарафи найчадан бир оз чикиб турсин (79-расм). Найча она арини ушлаб турадиган мосламага маҳкамланади. Мослама устида 0,29 мм диаметрли тешикчаси бор наконечник туради. Урчиши операциясини бошлишдан олдин она арини углекислота газ ёрдамида харакатсизлантирилади ва жуфт бўлмаган тухум йўли маҳсус илмокчалар ёрдамида очилади. Етилган эркак аридан шприцга уруғ олинади ва маҳсус бураш винти ёрдамида она ари корин кисми оркасидаги тугаш кисмидан 4 мм³ хисобида уруғ тухум чиқадиган йўлига юборилади. Урчиши учун кичик оиласардан 7 кунлик она ари олинади. Урчиши операцияси тугагач, она ари яна кичик оиласага кайтарилади ва яна орадан 24–36 соат вакт ўтгач урчиши операцияси кайтарилади ва ниҳоят она ари оиласига ёки кичик оиласардан бирига ўтказилади (думалок симтўрли ёки тўртбурчак кафасчадан фойдаланилади). Ҳозирги пайтда асбоб-мослама ёрдамида она арини урчиши ишлари илмий текшириш корхоналаридан ташкари асаларичилик фермер хўжаликлари арихонала-рида ҳам олиб борилмоқда.

Урчиши асбоб-мосламалари ёрдамида 80–90% ли ёруғ хонада яхши тухум қўядиган ва табиий йўл билан эркак арилар билан қўшилган она арилардан колишмайдиган она ари етиштиришга эришиш мумкин. Бундай йўл билан стиштирилган она арини асосий оиласага ўтказишда жуда эҳтиёткорлик билан, яъни аввал она ари арилар кўп кичик оиласага ўтказилиб, она арини кабул килгандан кейин шу кичик оила арилари билан она ариси йўқ бирорта асосий оиласага қўшиб юборилади.

Асбоб-мосламада она арини урчиши ишларини бажариш учун хона ҳарорати 25°C бўлиш керак. Уруғ олинадиган эркак арилар 14 кунликдан катта бўлиши шарт.

Ариларни саноат асосида чатиштириш

Саноат асосида чатиштириш йўлидан асал тўплаш йўналишида ишлайдиган арихоналарда юкори маҳсулдор оиласарни етиштиришда фойдаланилади.

Бу йўл билан чатиштириш орқали ариларни шу иклим шароитига чидамлилиги ҳамда маҳсулдорлигини ошириш борасида биринчи дурагай зот арилари етиштиришга эриши-

лади. Бу юкори күрсаткичларга эришиш гетерозис ҳолатлари хисобига бўлади.

Аммо ҳамма ари зотлари чатиштирилганда ҳам ариларнинг юкори маҳсулдорлик күрсаткичлари, яъни гетерозис ҳолати юзага келавермайди.

Ўрта рус арилари кўнғир Кавказ арилари билан ва Карпат арилари билан чатиштирилганда яхши күрсаткичларга эришиш мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам чатиштирилган ари зотларини биринчи авлодга нисбатан иккинчи авлодининг маҳсулдорлик күрсаткичлари паст бўлади, чунки гетерозис ҳолати йўколади.

Саноат асосида чатиштириш учун арихонага 2–3 та тоза зотли Карпат она ариси келтирилади ва уларни кучли кичик ари оиласарига ўтказилади. Тоза зот она арини келтиришдан 7–10 кун олдинрок 5–6 та оталик оиласини ўрта рус ари зотидан ажратилади.

Келтирилган Карпат зотли она ари оиласарда тухум қўйилиши билан она ари етиштиришга киришилади. Бу вактгача оталик оиласарида эркак ари ёки куртчалари пайдо бўлади.

Тарбияловчи оиласарда етилган она ари ғумбагини ўрта рус зотли асосий ари оиласарига таркатилади. Ўтказилган асосий оиласада она арилар ўрта рус ариларини эркак арилари билан кўшилгандан кейин биринчи дурагай насл юзага келади. Иккинчи йили яна шундай чатиштириш иши давом эттирилади. Тўхтовсиз равишда дурагай зотнинг биринчи авлодини олмокчи бўлсангиз, у ҳолда шу бажарилган чатиштириш ишини тескарисидан бошлайсиз. Энди арихонага бошка арихонадан 2–3 та тоза зот ўрта рус она арисини келтириб, олдинги Карпат зотидан етиштирилган эркак арилари билан чатиштирасиз.

ОНА АРИ ЕТИШТИРИШ

Ари оиласини юкори маҳсулдор бўлиши ҳамда фойдали хўжалик кўрсаткичлари оиланинг она арисига боғлиқ бўлади.

Шунинг учун ҳам она ариси йирик сифатли бўлса оила арилари ҳам шунчалик кучли ва юкори маҳсулдор бўладилар. Асаларичилар ҳамиша ари оилаларида она ариси сифатли, юкори маҳсулдор бўлишини таъминлайдилар. Жанубий вилоятларда, туманларда маҳсус мутахассислаштирилган она ари етиштириш хўжаликлари ташкил қилинган бўлиб, бу хўжаликлар эрта баҳорда урчиган она ари етиштириб, киш фасли чўзилиб, баҳор кеч келадиган вилоятларга жўнатилади.


Она арининг сифати у етиштирилган шароитга ва 5–6 кунли курткаси озукасини етарли ва сифатли бўлишига боғлиқ бўлади. Бундан ташкари, агарда она ари ривожланиш вактида унга ҳамма шарт-шароитлар яратилган бўлса, у ҳолда она арининг йириклиги ва вазнига караб сифатлиligини аниқлаш мумкин. Мабодо усти беркитилган она ари ғумбаги паст ҳароратли оила ёки кичик оиласа тарбияланса, у ҳолда унинг танаси йирик, вазни оғир бўлгани билан тухум найчаларининг сони кам ва натижада кам тухум кўяди, чунки ғумбакнинг усти беркитилгандан кейин ҳарорат паст бўлиши эвазига ғумбак ичидаги ривожланаётган она ари инчанинг тагида қолган озукани истеъмол килиши хисобига унинг вазни оғирлашиб, танаси катта бўлиб кетади.

Юкорида айтилган сўзларга риоя килган ҳолда усти беркитилган она ари ғумбагини кучли очик ва ёпик куртчалари ҳамда арилари кўп бўлган оиласарга таркатилса етарли ҳароратда тарбияланган ғумбакдаги она ари сифатли бўлиб етишади.

Кўч чикишига тайёрланган ари оиласидаги она ари ғумбагидан фойдаланиш

Табиий шароитда ари оиласари кўчга чикишига тайёргарлик кўриш вактида кўч ари ғумбагини тортиб она ари етиштирадилар. Бу пайтда ари оиласарида арилари, куртчалари кўпайиб, ҳарорат етарли бўлиб, бундай шароитда етиштирилган кўч она ариларининг сифати яхши ва юкори маҳсулдор бўлади. Шунинг учун ҳам юкори маҳсулдор кучли кўчга чикишига тайёргарлик кўраётган ари оиласарида етиштирилган она ари ғумбакларини керакли оиласарга ўтказишда фойдаланилса бўлади. Биринчи кўч арилари эски қари она ариси билан кўчга чикиб кетгач, кўч чикарган асосий оиласа кўп сонли кўч усти берк ғумбаклари қолади. Аслида иккинчи кўч чикишининг олдини олиш мақсадида биринчи кўч чиккан куни ёки унинг эртасига кўч чикарган асосий оиласа колган кўч ғумбакларининг битта энг йиригини колдириб, колганлари бузиб ташланади. Мабодо она ари ғумбаги керак бўлса, у холда оиласидаги кўч ғумбаклари биринчи кўч чиккан кунидан бошлаб яна олти кун ғумбак етилгунга кадар ўша ғумбак торган оиласа колдирилиб, олтинчи куни киркиб олиниб, керакли оиласа тарқатилади ва орадан 1–2 кун ўтгач она ари чикади. Аслида она арилар ғумбакни усти беркитилгандан кейин орадан 8–9 кун ўтгач чикадилар. Она ари ғумбагини мумкатақ қисмлари билан бирга қиркиб олиб, бошка керакли оиласа қўйилса ёки киркилган она ари ғумбагини симтўрли кафасчага солиб, она ари чиккунча ари оиласи куртчали рамкалар орасида ушлаб турилади ва она ариси чиккач, кафасчаси билан керакли ари оиласига ёки кичик оиласарга урчиш учун қўйилса бўлади. Кўпинча ёш она арилар май ва июнь ойларида янги ёш оила ташкил килиш даврида кўпроқ керак бўлади. Она арини керак вактида етказиш учун кучли юкори маҳсулдор ари оиласи танлаб олиниб, ички хажми кискартирилади ва мумкатақ рамкалари ораси 12 мм дан 8 мм гача кискартирилиб, яхшилаб ёстикчалар ёрдамида иситилади.

Кўч она ари ғумбагини бир бўлак мумкатақ инчалари билан ғумбак атрофида 1–1,5 см колдириб киркиб олиниади ва мана шу киркиб олинган бир бўлак мумкатақ инча қисмлари билан бошка оиласидаги она ари ғумбаги ўтказиладиган мумкатақ рамкага ёпиштирилади.



80-расм.

Сунъий она ари етиштиришнинг кўч она ариларидан фарки ёки устунлиги

Кўч она ари ғумбакларидан арихонада кўп фойдаланилишига қарамасдан, буни асосий йўл деб бўлмайди. Чунки бу йўл билан режали равишда она ари етиштириб бўлмайди.

Кўч она ари ғумбаклари айрим йиллари жуда кўп бўлса, айрим йиллари умуман бўлмаслиги мумкин. Кўч она ари ғумбагидан фойдаланилганда арилар зотини яхшилаш селекция ишлари йўқ бўлиб кетади. Чунки кўч арилардан етиштирилган она арилар маҳсулдорлиги кам бўлади. Юкори маҳсулдор ари оиласарида кўчга чиқиши ва кўч ғумбагини тортиш кам учрайди.

Сунъий она ари етиштиришнинг яхши тарафи шундан иборатки, сунъий она арини хоҳлаган оиласдан, хоҳлаган вактда қанча керак бўлса шунчасини етиштириб, бошқа асосий ёки кичик ҳамда янги ташкил этилган оиласарга тарқатиш мумкин. Шу сабабли ҳам кўпчилик асаларичилар сунъий йўл билан она ари етиштирмоқдалар.

Она ари етиштириш вакти ва шароити


Она арини сифати уни қандай шароитда етиштирилганига боғлиқ бўлиб, кўп тухум қўядиган она ари етиштиришга ҳаво ҳарорати иссик кунлари, табиатдан шарбат келаётган вактда киришилади. Асосан, она ари баҳорда ва ёзниңг биринчи ярмида етиштирилади. Лекин асосий шарбат тўплаш мавсуми охирида, жанубий вилоятларда шарбат келиб турган пайтда ҳам етиштириш мумкин. Баҳорда кунлар исиб, шарбат ажра-

түвчи ўсимликлар гуллаган вактда она ари етиштиришга киришилади. Эрта баҳорда она ари етиштириш оиласарда эркак ариларнинг пайдо бўлишига ҳам боғлик.

Мабодо оиласарда эркак ари куртчалари ҳамда эркак ари етиштиришга эътибор берилмаса, у ҳолда стиштирилган она арилар урчимай колиши мумкин, чунки эркак арилар инчаларда 24 кун давомида ривожланадилар ва инчадан чиккандан кейин 10 кун ўтгач балоғатга етади. Шундан кўриниб турибдики, эркак арининг тухуми инчага қўйилгандан кейин 34 кун ўтгач улар она ари билан кўшилишга ярокли бўлади. Она арини ривожланиши ва балоғатга етиши учун 20 кун керак бўлади (агарда бир кунлик куртчадан она ари етиштирилган бўлса). Шунинг учун мумкатақ инчаларда эркак арилар тухумлари пайдо бўлгандан кейин орадан 14 кун ўтгач она ари етиштиришга киришса бўлади.

Эркак ари етиштириш

Эркак ари етиштиришни тезлаштириш мақсадида эрта баҳорда кунлар исиши билан танлаб ажратилган юкори маҳсулдор ота оиласарига олдинги йили ёз ойларида тортилган эркак ари мумкатақ инчали рамкалардан биттасини ўша ота оиласи ўрта қисмига (яъни она ариси тухум қўяётган жойга) қўйилади ва оиласанинг ички ҳажми қисқартирилиб, ҳар куни кечасига шакар шарбати озукаси берилади. Бир хафта ўтгач оила текширилади, агарда берилган рамкадаги эркак ари инчаларида эркак ари куртчалари бўлса, оиласа яна битта ўшандай эркак ари инчали рамка берилади. Она ари урчишини таъминланг максадида арихонада 5–6 та ота оиласини ташкил этиш керак. Кўпчилик холларда баҳорда канчалик эрта ота оиласига эркак ари инчали мумкатақ рамка қўйилишига қарамасдан қўйилган рамкага она ари тухум қўймайди. Она ари қўйилган рамкага тухум қўйиши учун у оч жигарранг ёки жигарранг бўлиши керак. Бунинг учун олдинги йили ёзда фойдаланилган 2–3 та авлод куртча етиштирилган мумкатақ рамкадан фойдаланилади. Бундай мумкатақ инчали рамкаларни етиштириш учун олдинги йили шарбат келаётган мавсумда сим тортилган рамкага ингичка килиб киркилган мумпарда ёпиштирилиб, оиласа тортириш учун берилади.



Юпка мумпарда
ёпиширилган.


81-расм.

Ота оиласидан фойдаланиш она ари етиштиришни качонгача чўзилишига боғлик бўлиб, тарбияловчи оиласи га куртчаларни беришдан 3 ҳафта олдин ота оиласига эркак ари инчали рамкаларни қўйиш тўхтатилади. Узок вакт ота оиласида эркак ари етиштириш оиласи кучини камайтириб, маҳсулдорлигини пасайтиради.

Содда йўл билан она ари етиштириш

Агарда арихонада унча кўп она ари керак бўлмаса, у холда асалариchi энг содда йўл билан она ари етиштиради. Насл олиш учун ажратилган юкори маҳсулдор оиласининг усти очик куртчалари ва она ариси вактинча ажратиб олиниб, бошка кичик оиласига ўтказилади. Усти очик куртчаларни оиласдан ажратиб олиш вактида бир кунлик куртчаси бор рамкани топиб, ўткир ингичка пичок ёрдамида бир қаторда энди-гина тухумдан чиккан куртчалари бор инчаларни тагидан бир текис килиб киркилади. Арилар мана шу киркилган қатор устидаги ёш куртчалари бор инчаларга она ари ғумбагини тортадилар (*82-расм*).

Текис киркилган мумкатақ рамкадаги куртчалари бор инчаларга зич килиб она ари ғумбагини тортмаслиги учун 1 та куртчаси бор инчанинг икки ёнидаги инчадан гугурт чўчи ёрдамида куртчалари олиб ташланади ва куртчаси бор инчанинг усти бир текис киркилиб, 5–6 мм ли колип (шаблон) ёрдамида инчадаги куртчани жароҳатлантирмай инчанинг оғзи кенгайтирилади. Шундай килиб, тайёрланган мумкатақ рамка яна ўша она ариси ҳамда очик куртчалари олинган оиласи кайтариб қўйилади. Она арисидан айрилган оила арилари ҳалиги тайёрланган рамкада она ари ғумбагини тортадилар.



82-расм.

Күйилган рамкадаги она ари ғумбакларини усти беркитилгач, яни очик күртчали рамкани берилган кунидан бошлаб орадан 8–9 кун үтгач, она ари ғумбаги авайлаб киркиб олинади ва керакли она ариси йўқ оила ёки кичик оиласаларга берилади. Она ари ғумбаклари киркиб олингач, оиласа олдинги она арисини кайтарилади, ёки ғумбакларининг биттасини қолдириш мумкин. Бундай содда йўл билан она ари етиштиришни кўпчилик асаларичилар қўллайдилар.

Сунъий йўл билан она ари етиштириш

1860 йили Е.С.Гусев биринчи бўлиб сунъий она ари етиштириш йўлини яратди ва Петербургда асаларичилар анжуманида она ари ғумбак косачасини яратиш мосламасини намойиш қилди. Ана шу ғумбак косачаларига у ишчи ари күртчаларини озгина инчанинг мум кисми билан кўчирди.

Арилар косачалардаги күртчаларни тарбиялаб, она ари ғумбагини торта бошлайдилар. Шундан маълум бўлдики, агарда ари оиласидан она ариси олинса, хар кандай оила арилари бир нечта она ари ғумбагини тортишга кодир бўлади.

Сунъий она ари етиштиришда арилар ўзлари она ари ғумбагини тортадилар, күртчаларни озукалантирадилар ва тарбиялайдилар.

Сунъий йўл билан она ари етиштириш оркали асаларичи куйидаги кўрсаткичларга эришади:

– битта юкори маҳсулдор сифатли она ари кўйган тухумидан күртчаларини олиб, кўп сонли она ари қизчаларини етиштириш мумкин.

— эрта баҳорда режали равиша керак вактида ташкил этиладиган кичик ёш оилаларга кераклигича она ари етиширилади;

— сунъий етиширилган она арилар юқори сифатли бўлибгина колмай, балки кўч она ариларидан тухум қўйиш кобилияти бўйича колишмайди ва айрим ҳолларда устун туради;

— она ари етишириш бўйича маҳсус мутахассислаштирилган хўжалик ташкил этилиб, керакли она ари зотидан она ари етишириш мумкин;


— яхши она ари етишириш хўжалиги ташкил этилгач, арилар зотини яхшилат бўйича наслчилик ишларини ташкил этиш мумкин.

Она ари етиширишда 3 та оила гурухи қатнашади:

1-гурух – она ари етишириш учун куртча олинадиган оналиқ оила;

2-гурух – эркак ари етиширилладиган оталик оиласи;

3-гурух – косачадаги ва ғумбакдаги куртчаларни тарбияловчи оила.



83-расм. Куртчани кўчириш учун тайёрланган мумкосачасини ёпишириб тарбияловчи оилага бериладиган рамка:

- а – умумий кўриниши; б – мумкосача ёпиширилладиган рейка;
- в – мумкосача ёпиширилган патронни ўйилган жойи; г – мумкосача ёпиширилладиган рейкаларни ён тарафидаги рейкага ёпишириш кўриниши; д – ён рейка кўриниши; е – рейкага ёпиширилган мумкосача.
- р – рейкаси; п – патронча; м – мумкосача.


Сунъий йўл билан она ари етиштиришга киришипдан аввал куртчаларни кўчирадиган косачани ёпиштириш рамкаси тайёрланади. Бу рамка тузилиши бўйича худди катта хажмдаги ётиқ уя рамкасини эслатади. Яхиси, бундай рамка 15 мм кенгликдаги ёғоч таёкча (рейка)дан ясалса мақсадга мувофик бўлади. Бундай рамка ари оиласи ичига кўйиш вактида ғуж ўтирган ариларни тарқатиб юбормайди

ва натижада косачадаги куртчаларни тарбияловчи ари оиласи яхши қабул килади. Она арининг сифати эса юкори бўлади. Рамка ичига 2–3 катор мумкосачаларни ёпиштириш учун калинлиги 10 мм эни 15 мм ли таёкча (рейка)ни иккинчи ён тарафидан 1 тадан мих қоқиб ёпиштирилса таёкча енгил бурилади (83-расм).


Кўп сонли она ари етиштириш учун фанерли пона патрончага она ари етиштириш косачаси ёпиштирилиб, унга оналил оиласидан олинган 12–24 соатлик куртча кўчирилади (84-расм).

Агарда жуда кўп сонли она ари етиштириш керак бўлса, оналил оиласини иккита алоҳида-алоҳида ари кирадиган тешиги бор 20 та рамкали ётиқ уя ўртаси зич ёпилиб, teng иккига бўлинади. Уянинг битта бўлимига оналил оиласи жойлаштирилади, иккинчи бўлимига эса ёш она арилик соғлом ари оиласи ўтказилади. Оналил оиласидан доимо тўхтовсиз куртча олиш оқибатида у кучсизланиб кетмаслиги учун асосий она арилик оиласининг ён тарафидаги иккинчи оиладан усти берк куртчалари бор рамкалар ариларисиз ажратиб олиниб, оналил оиласига қўйилади (85-расм).


Оналил оиладаги она ари кўп тухум қўймаслиги ва йирик тухум қўйиши учун бу ои-



84-расм. Мумкосачага кўчириладиган куртчанинг кўриниши.



85-расм. Мумкосачани ёпиштирадиган фанерли пона.



86-расм. Она арининг бир кунлик қуртчасини олишга мұлжалланған 1–2 та рамка сиғадиган чеклаш қафасы (изолятор).

учун она ариси маҳсус түр қафас ичига ўтказилади. Ишчи арилар ўтадиган, аммо она ари ўта олмайдиган маҳсус турли мосламага 1–2 та рамка сиғади. Түр қафас ичига битта рамка сиғадиган бўлса, унинг эни 45 мм, 2 та рамка сиғадиган бўлса эни 80 ммга teng. Бу мосламанинг ичига битта усти берк куртчали рамка ариларсиз ва битта оч жигарранг тухум қўйишига ярокли рамка сиғади. Түр мосламага она ари ўтказилади ва бу түр ичидаги рамкалар инчаларига она ари 3–4 кун давомида тухум қўяди (86-расм).

Шундан кейин она арининг тухум қўйишини чеклаб қўйилган қафас ичидан тухум қўйилган инчали рамка суғуриб олинади (она арисиз) ва унинг ўрнига олдиндан оила ичидан арилар тозалаб ялтиратган оч жигарранг рамка қўйилади. Она арини чеклаб чиқиб кета олмайдиган қафас ичидаги иккинчи усти берк куртчали рамкадаги арилар инчадан чиқиб бўлгач, унинг ўрнига яна ўшандан бошқа усти берк куртчали рамка арихонадаги бошқа бирорта соғлом оиласдан олиниб (ариларисиз), түр қафас ичига она ари тухум қўйиши учун берилади. Түр қафас ичидан олинган она ари тухум қўйган рамкадан эса бир кунлик куртчалар мум косачаларга қўчирилиб, сўнгра тарбияловчи оиласа берилади. Куртчани қўчириш вактида мум косачанинг тагига озгина сув ёки кўч она ари ғумбагининг бузиб олинган сутидан пипетка ёрдамида кичкина томчи томизилса, қўчирилаётган мослама учидаги 12 соатлик ёки бир кунлик куртча косача тагидаги сутга тегиши билан қўчириш мосламасидан енгиллик билан узилади ва сут ичидан колади.

лани кўп микдорда асал ёки шакар шарбати билан озуқалантириб турилади. Мумкатақ инчаларга озука тўлдирилгач, она ари тухум қўйиши учун буш инчалар камайиб колади ва натижада она ари қўйган тухумлари сони камайиб, вазни оғир бўлиб, йирик бўлади.

Она ари етиштириш учун ишчи ариларнинг инчаларидан ярим суткалик куртчалари қўчирилади. Бундай бир хил ёшдаги куртчаларни қидириб ўтираслик

Аммо аникланишича, эски (яъни, катта ёшдаги қуртчали) она ари ғумбагидан олинган она ари сутига кўчирилган қуртчани тарбияловчи оилалар яхши кабул килгандари билан етиштирилган она арининг сифати паст бўлади, чунки эски она ари ғумбаги ичидаги она ари сутида керакли озука бирликлари 12 соатлик ғумбак косачаси ичидаги сутга нисбатан паст бўлади ва натижада йирик, вазни оғир она ари етишиб чиккани билан барibir у сифатсиз бўлади.

Бир кунлик она ари сутини олиш учун кучли ари оиласининг ўртасидан тенг иккига фанерли тўскич (диафрагма) ёрдамида зич килиб тўсилади. Бир тарафида она ариси тухум кўйишни давом эттираверади, иккинчи (она ариси йўқ) тарафида эса арилар ғумбак косачаларига сут куйиб қуртчаларни тарбиялайдилар. Асаларичи эса қуртчани кўчиришга ярокли бўлган бир суткали сутини она ари йўқ тарфидаги очик ғумбаклардан тўплайди. Орадан 15 кун ўтгач, она арисини иккинчи тарафга ўтказиб, биринчи тарафда эса бир суткалик она ари сути олинади.

Она арини сифатли бўлиши учун икки маротаба қуртча кўчириш йўлидан фойдаланилади. Тарбияловчи оиласа хоҳлаган оиладан олинган қуртчалар кўчирилган косачали рамка берилади ва эртасига кабул қилинган мумкосача ичидаги қуртча олиб ташланиб, ўрнига тайёр сутли косачага юқори маҳсулдор кўрсаткичларга эга бўлган оналик оиласидан олинган 12 соатли ёки бир суткалик қуртча кўчирилиб, яна тарбияловчи оиласа берилади. Бу йўл билан қуртча тайёр бир кунлик керакли озука бирликларига эга бўлган сут эвазига тўйимли озукада сифатли она ари етишади.

Тарбияловчи оила

Бу она ари қуртчаси ва ғумбагини тарбиялаб етиштирадиган оила бўлиб, унинг кучи, яъни ариларининг сони 10 та рамкани зич коплаб ўтириши хамда қуртчали рамкалар сони 7–8 та, озукаси эса 8–10 кг, ва 1–2 та рамкада гулчангни бўлиши керак.


Аникланишича, факат кучли хамда ҳар хил ёшдаги арилари ва қуртчалари бор ари оилаларигина сифатли она ари етиштириши мумкин. Тарбияловчи оиласи тайёрлашнинг бир нечта усули бор:

Биринчи усули. Оиладаги ариларни түлиқ етимлаштириб, яъни оиладан вактинча она ариси ҳамда очик куртча ва тухумли мумкатақларини ажратиб олиб, улар ўзларига она ари етиширишга иложи қолмайдиган ҳолатда тайёрланади. Факат оилада харорат ва намликни ушлаб, таъминлаб туриши учун 2–3 та усти берк куртчали рамкалар қолдирилади. Чунки куртчалар бўлмаса оила ичидаги харорат 24°C дан 30°C атрофида бўлса, куртчалари бор оила ичидаги эса хароратни 35°C атрофида ушлаб турилади.

Тарбияловчи оилаларни факат усти берк куртчали рамкалар билан тайёрлаш қийин, шунинг учун тарбияловчи оилани олдинрок, яъни косачага кўчирилган куртчаларни тарбиялашга беришдан 9 кун илгари бошқа асосий оиладан ёш куртчалари кўп рамкаларни танлаб-топиб, тарбияловчи оила ичига чегараловчи панжара орқасига она ари ўта олмайдиган килиб чўнтакка кўйилади. Тарбияловчи оилани тайёрлашнинг охирги кунигача бошқа асосий оиладан олиб кўйилган ёш куртчалар инчаликни беркитишга улгурадилар. Мана шу усти берк куртчалар тарбияловчи оилада қолдирилиб, колган усти очик куртчали рамкалар она ариси билан ажратиб олиниб, алоҳидаги оила ташкил килинади. Шундай килиб тайёрланган тарбияловчи оилада асалли озука 10 кг дан кам бўлмаслиги ҳамда етарли гулчанг бўлиши керак.

Тарбияловчи оиланинг ички ҳажми арилар рамкаларда зич ўтирадиган даражада кискартирилиб иситилади. Она ариси ажратиб олингандан кейин орадан 10–12 соат ўтгач, бу тарбияловчи оила куртчаларни тарбияга олишга тайёр бўлади. Орадан 2–3 кун ўтгач эса бу тарбияловчи оила тарбиялашга берилаётган куртчаларни яхши кабул килади.

Тарбияловчи оила тайёрланинг биринчи усули



Масалан:

01.05.98 йил. Биринчи асосий оиладан тарбияловчи оила-га очик ва ёпик куртчали мумкатақ рамкаларни келтириб тар-бияловчи оиласа күйилди.


09.05.98 йил. Тарбияловчи оиладан она ариси билан бир-галикда очик куртчалар ажратиб олиниб, чүнтакка ёки бошқа уяга күчирилади ва яна шу кундан бошлаб 2–3 кун ўтгунча оиласи түлиқ етимликни сезгүнча қолдирилади.

11.05.98 йил. Рамкалардагы косачаларга күчирилган курт-чалар тарбияловчи оиласа берилади.

12.05.98 йил. Қабул қилинган куртчалар текширилади.

21.05.98 йил. Тайёр ғумбаклар кичик оила ва керакли она ариси йўқ оиласарга тарқатилади.

(12–24 соатлик куртчалар косачага күчиришга ярокли.)



88-расм.

Иккинчи усули. Бу олдинги 1-йўлдан фаркланиб, унга караганда анча оддийрек бўлиб, оиласи тўлиқ етимлаш-тиришни талаб қилмайди. Оиладан фақат она ариси ажра-тиб олиниб, колган хар хил ёшдаги куртчали рамкалар


колдирилади. Лекин оила жуда кучли бўлиб, кўчга чиқиши даражасида бўлиши ва ёш ишчи ариларни кўп бўлишини талаб этади. Бундан ташкари, бу оиладаги арилар етимликни сезиб, ўзлари она ари ғумбагини тортишга улгурмасликлари керак. Чунки улар ўзларининг она ариси тухумидан чиккан куртчасидан она ари ғумбагини тортсалар, у ҳолда тарбияяга бериладиган куртчаларни қабул қилмайдилар.

Шунинг учун тайёрланаётган тарбияловчи оиладан она арисини ажратиб олингандан кейин орадан 5–6 соат ўтгач, косачаларга кўчирилган куртчали рамкани тарбияловчи оиласида бериш керак.

Тарбияловчи оилани тайёрлашнинг иккинчи йўлининг фарки шундан иборатки, асалари чида кўп меҳнат ва вакт талаб этмайди. Бундан ташкари, тарбияловчи оилада ҳар хил ёшдаги куртчалар колдирилганда сифатли она ари етишириш мумкин экан. Факат бу йўл Кавказ ариси зотларига таалуккни.

Шундай килиб, тарбияловчи оилани тайёрлашнинг биринчи йўли машаккатли бўлса ҳам кўп сонли она ари етишириш мумкин экан.

Йирик арихоналарда фермерчилик ва саноат асосида она ари етишириш борасида иккала йўлни бириттириб, яъни тўлиқ етимланган тарбияловчи оилаларда ҳар хил ёшдаги куртчаларни колдириб, кўп ва сифатли она ари етиширишга эришиш мумкин.



Учинчи усули. Бу усулда оилада тухум күяётган она ариси колдирилади. Бу йўл оилани етимлаштирмасдан, балки кўчга чиқадиган даражада кучайтирилади.


Оилани иложи борича ишсиз арилар сони кўпайгунча ривожланишига шароит яратиб, бокувчи арилар сони кўпайтирилади ва она арисини 3-4 та усти беркитилган куртчали рамкаси билан асосий оиладан чўнтақка кўчирилади. Тахта ёки фанердан ясалган тўскич ёрдамида оила иккига бўлиб кўйилади.

Она ариси бор бўлимдаги ариларни ўзига жалб этиш учун ёш куртчалар тўпланади.


Она ариси бор бўлимдаги ёш куртчалар билан она ариси йўқ бўлимдаги етилган куртчали рамкалар ўрни бир хафтада бир маротаба алмаштирилади.

Шундай килиб, тайёрланган тарбияловчи ари оилаларидан бутун мавсум давомида она ари етиштиришда фойдаланиш мумкин.

Учта усулдаги тарбияловчи оилаларни куртчаларни тарбиялашга беришдан 7 кун илгари бокишга киришилади ва куртчали ғумбаклар устини беркитгунча ҳар куни кечкурун яrim литрдан 60% ли куюк шакар шарбати билан бокилади. Мабодо табиатдан шарбит келиб қолса, у холда шакар шарбати бериш икки маротаба камайтирилади.



Етимланмаган ўта кучли тарбияловчи оила



Етимланмаган тарбияловчи онланинг иккига бўлингани

90-расм.

Арихонада ёш урчиган она арига бўлган эҳтиёжни хисоблаш

Бизнинг иқлим шароитимизда қиши фасли юмшоқ ва киска, баҳор эрта келиб, кеч кузгача она арилар тухум кўйиб, уларнинг тухум началарида тухум ҳужайраларининг етилиши сусайиб, кам тухум кўя бошлиайди. Шунинг учун ҳам

Она ари етиштириш тақвими

320

Т/п	Бажарыладиган иш	Бажарыладиган ишлар кетма-кетлиги	1-гурух (тарбияловчи ари оиласи рақами)		2-гурух (тарбияловчи ари оиласи рақами)	
			Аниқ вақти	Бор сони	Аниқ вақти	Бор сони
1	Оналик оиласидан куртчани олиш	Куртчани күчиришдан 4 кун илгари	5/V	—	15/V	
2	Тарбияловчи ари оиласини тайёрлаш	Куртчани күчиришдан 1 сутка илгари	9/V	3 та оила	19/V	3 та оила
3	Куртчани күчириш ва тарбияловчи оиласын бериш	Оналик оиласидан куртча олингач орадан 4 сутка ўтгач	10/V	90 та куртча	20/V	90 та куртча
4	Куртчани қабул килганини текшириш	Куртча күчирилгандан кейин 1 сутка ўтгач	11/V	59 та куртча	21/V	62 та куртча
5	Етилган она ари ғумбагини хисобга олиш ва браковка қилиш	Куртча күчирилгандан орадан 8 кун ўтгач	18/V	50 та ғумбак	28/V	51 та ғумбак
6	Кичик (нуклеус) оиласи ташкил килиш ва она ари ғумбагини таркатиш	Куртча күчирилгандан орадан 9 кун ўтгач	19/V	44 та кичик оила	29/V	46 та кичик оила
7	Ортиқта колган ғумбакларни тарбиялашга қайтарыш	Ўша куни	19/V	6 та ғумбак	29/V	5 та ғумбак
8	Ғумбакдан она ари чикканлигини текшириш ва ривожланмаган она арини йўқ қилиш	Куртча күчирилгандан кейин 12–14 кун ўтгач	22–24/V	36 та она ари	I–3/VI	38 та она ари
9	Она арининг тухум кўйишини текшириш	Ғумбакдан чиккандан кейиш 10 кун ўтгач ёки куртча күчирилгандан кейин 23 кун ўтгач	2–7/VI гача	29 та она ари	12–17/VI гача	32 та она ари
10	Оталик оиласини тайёрлашга киришиш ва инчали рамкаларни кўйиш	Куртчани күчиришдан 14 кун олдин оталик оиласи тайёрланади	26/IV	3 та оила	10/V	3 та оила

ишибилармөн асаларичилар юкори маҳсулдор ари оиласарини бокиб, күп асалари маҳсулотларини етиштириш максадида хар йили баҳорда қариган она ариларни ёш урчиган, тухум күйин кобилияти юкори бўлган она ариларга алмаштирадилар.

Мисол тарикасида арихонада асосий ари оиласар сони 100 та десак, шундан 50% кари она арисини шу йили алмаштирип режалаштирилади. Яъни, 100 та ари оиласага 50% она ари алмашса, унда 50 та она ари керак бўлади. Лекин бизнинг шароитда юкорида айтилганидек хар қайси оиласадаги она ари 8–9 ой давомида тухум кўйишини ҳисобга олиб, хар йили 100% кари она ариларни шу мавсумда етиштирилган ёш урчиган она ариларга алмаштирилади.


100 ари оиласига 100 та ёш урчиган она ари керак бўлади.

Энди 100 та ари оиласидан 20 та янги кичик оила ташкил этилиб, ари оиласар сони кўпайтириш режага киритилган бўлса, унда яна 20 та ёш урчиган она ари етиштириш керак бўлади.

Бундан ташкири, яна хўжаликда 30 та ёш ари оиласи ни етиштириб сотиш режаси борлиги ҳисобга олиниб, яна 30 та ёш урчига она ари етиштирилади. Ҳозирги даврда ворроатоз канда инвазия касаллиги ҳамма вилоят ва туманларда таркалганлиги зътиборга олиниб, хар қайси асосий оила уясининг ён тарафида 4–5 та мумкатақ рамка сифадиган чўнтак ташкил этилиб, 50 та кичик ёш оиласада 50 та урчиган она ари қишлишга кетиши керак. Бу кичик оиласи вактинча ажратилган она арилик оиласи асосий шарбат келиш даврида асосий оиласага қўшиб юбориши арафасида она ариси билан 2–3 та мумкатақ рамкада ариси ажратилиб, бошқа уяга кўчириб ташкил этилади.

Шу мисолдан кўриниб турибдики, 50 та кари она ариси алмаштирилмай, балки она ариси 8–9 ой давомида тухум кўйганлиги учун 100 та она ариси алмаштирилади.

Шундан $100+20+30+50=200$ та ёш урчиган она ари етиштириш режага киритилади.



Сунъий она ари етиштиришда мумкосача тайёрлашда ишлатиш учун сифатли мум бўлакларини ажратиш ва мумкосачани тайёрлаш

Сунъий она ари етиштиришда ишлатиладиган мум бўлакларини табиатда шарбат ва гул чанги келиш даврида тилчалар хамда мумкатакли рамкаларни юкори елка кисми ён тарафларини кириб ва яна асал олиш даврида асал устини ёлган юпка мумпардалар кесиб олиниб, сўнгра эритилади. Идишдаги эритилган мумга колипни ботиришдан олдин совук сувга учини тикиб хўлланади ва колип учини тоза докага бир оз тегизиб, колип учида тўпланган сув куритилиб, сўнгра идишдаги эриган мумга биринчи марта тикилганда 7 мм,


Сунъий она ари етиштиришда мумкосача тайёрлаши

Биринчи бажариладиган иш:
Идишдаги совук сувга колип ботирилади




92-расм.

Иккинчи бажариладиган иш:
Колип учини тоза докага бир оз тегизиб, колип учида тўпланган сув куритиласди



93-расм.


Учинчи бажариладиган иш:
Колип идишдаги эриган мумга бир неча маротаба тикиб олинади.



94-расм.

иккинчи марта 6 мм, учинчи марта 5 мм чукурликда мумга ботирилиб, мумкосачасининг таг кисми қалинлаштирилади. Колипнинг учини қайнок мумга 7 мм ботирилади.


Сунъий йўл билан она ари етиштиришда 12–24 соатлик куртчаларининг мум косачаларига маҳсус шпател мосламаси ёрдамида кўчирилиб, мум косачаларини ҳар хил кўринишдаги патронларга мумни эритиб, совитиб, қуюклашган мум ёрдамида ёпиштирилиб, маҳсус тайёрланган рамка қаторидаги рейкаларга ёпиштирилиб, ёки алоҳида рейкани ўйилган жойига жойлаштирилиб, ўша рамкадаги тарбиялашга бериладиган она ари етиштириш куртчаларини олдиндан тайёрлаб кўйилган тарбияловчи асалари оиласига қўйилиб, етиштирилган тайёр она ари ғумбагини она ари чикиб, урчиб келиши ва тухум кўйгунча турадиган нуклеус, яъни кичик оилаларга ёки янги бўлимларга бўлинган асалари уяларига таркатилади (95-расм).



95-расм. Кафасчада она ари ғумбагини оилаларга таркатиш.


Арихонада, асосан, катта ҳажмдаги рамкаларга мўлжалланган асалари уяларидан 20 та рамка сиғадиган асалари уясини 4–5 га, 16 та рамка сиғадиган уясини 3–4 га бўлиб, уларни ари кирадиган ва учадиган тешикларини ҳар хил тарафга каратиб тайёрланади (96–97-расм).

Мутахассислаштирилган асалари оиласи ва она ари етиштиришга мўлжалланган фермер асаларичилик хўжаликларида эса ҳажми қискартирилган рамкалар сиғадиган маҳсус уялардан фойдаланилади. 20 та катта ҳажмдаги рамка сиғадиган



4-5 та ари кишлайдиган кичик оила усисининг
курниши (олд тарафдан)

96-расм.




Та она арилик оила
кишлайдиган уя
97-расм.

уя ўрталарини 4 кисмга арилар ўта олмайдиган килиб фанер ёрдамида тўсилиб, ари кирадиган ва учадиган тешикчалари ни хар хил тарафидан тешиб тайёрланади. Уянинг хар битта бўлимига 1 та озукали рамка ва 2 та асаларилари чиқаётган усти ёпиқ куртчали мумкатақ рамкалар қўйилади. Озукали ва куртчали мумкатақ рамкаларни асаларилари билан бирга олинади. Ўртасига қўйилган мумкатақ рамкага урчимаган она арини думалок симтўр кафасчада ёки Титов кафасчасида ўтказилади. Бу ишлар куннинг ўрталарида бажарилса мумкатақ рамкаларда, асосан, ёш асаларилар кўп бўлади. Катта ёшдаги учувчи арилар эса далада бўладилар. Бопқа асосий оиласардан асаларилари билан рамкаларни олиб келиб нуклеус уяга қўйилганда, арилар кириб-чиқадиган тешикларини кечгача ёпиб қўйилади ёки ўша тайёрланган нуклеус оиласнинг тешикларини ёпиб 5–7 км узокроқ жойга олиб бориб қўйилса, кўчириб ўтказилган арилар ўзларининг уяларига кайтиб учиб кетмай, ташкил этилган нуклеус оиласда колади. Орадан 1–2 кун ўтгач, она ариси симтўр кафасча остидан чиқариб юборилиб, асаларилар кабул қилиши ва каршилик қилишини кузатиб турилади. Агарда асаларилар она арини кузатиб, озука бера бошласалар, у холда она арини кабул қилишга ҳаракатда эканлиги маълум бўлади.

Бизни иқлим шароитимизда асаларилар урчимаган она аридан кўра она ари ғумбагини яхши кабул киладилар.

Якин-якинларгача нуклеусларга она ари ғумбаги ўтказиш тавсия қилинар эди. Лекин хозирги кунда кичик нуклеус оиласарida асалари сони кам бўлганилиги учун ҳам ўша оиласда керакли хароратнинг етишмаслиги натижасида она арининг сифати яхши бўлмай, тухумдонлари кичик ва тухум найчаларининг сони кам бўлиб ривожланиши эвазига она ари-


нинг тухум кўйиш қобилияти паст. Шунинг учун ҳам урчиб, тухум кўйишни бошлаган она арини синчилаб текшириб, кичкина, канотлари яхши ривожланмаган, оёклари яхши харакатлана олмайдиган ёки корин қисми ҳаддан ташкари узун бўлганларини ажратиб, чиқиндига чиқарилади. Орадан 7–10 кун ўтгач ёки энг узоғи билан 12–13 кундан она ари тухум кўйишни бошлайди, шундан кейин она арини олиб бошқа она ариси йўк оиласа ёки янги ташкил килинган кичик оиласаларга ўтказилади. Агарда ҳаво ҳарорати иссик бўлиб, ёғингарчилик бўлмай, ҳарорат 20° – 25° иссик бўлганда она ари урчишга чиқмаса, у ҳолда бундай она ари ўрнига бошқа она ари берилади. Мутахассислаштирилган асалари оиласи ва она ари етиштиришга мўлжалланган фермер асаларичилик хўжаликларида ҳажми кичрайтирилган мумкатақ рамкалар сиғадиган маҳсус нуклеус ари уяларидан фойдаланилади. Бундай уялардан энг самаралиси 4 та кичик ҳажмли 206×134 мм ли (катта ҳажмдаги 435×300 мм рамкани $\frac{1}{4}$ қисми) рамка сиғадиган нуклеус ари уясидан фойдаланилса максадга мувофик бўлади. 4 та шундай кичик рамка катта ҳажмдаги рамкага жойлаштирилса сиғади (98-Б расм).



98-расм. Кичрайтирилган рамкалар сиғадиган нуклеус уясининг кўриниши.

Мана шу катта рамкага 4 та кичик ҳажмдаги мумкатақ инчали рамкани жойлаштириб, асосий оиласа она ариси тухум кўяётган жойга кўйилса она ари тухум кўйиб, куртчали инчалар устини беркитгач, уни асосий оиласдан олиб, ичидағи кичик ҳажмдаги усти беркитилган куртчали рамкаларни нуклеус оиласаларига арилари билан тарқатилса бўлади (99-расм).

Тўртта ўринли кичик хажмдаги рамкалар сиғадиган нуклеус уяси жуда кулай ва фойдали бўлиб, тўрттала кичик оила битта нуклеус уя ичидаги жойлашиб, ариларининг ажратган иссиклиги ҳисобига бу оилаларда керакли иссиклик режимини таъминланиши эвазига оиласидаги она арининг ривожланиши яхши бўлиб, тухум қўйиш кобилияти юкори бўлади. Асалари хар тарафга караб учгани учун урчишдан қайтиб келган она ари адашмай ўз уясига киради.



99-расм. Катта хажмдаги рамка ичига кичрайтирилган нуклеус рамкасининг жойлашиши:

- а – тўртта кичрайтирилган рамка жойлашишининг кўриниши;
- б – битта кичрайтирилган рамканинг елка кисми билан кўриниши;
- в – кичрайтирилган рамканинг суриладиган елка кисми.

Куртчаларининг усти беркитилган кичик ҳажмдаги рамкалар арилари билан нуклеус оиласа ўтказилгач, ўша асосий оиласдан 100 г дан ари олиб келиб нуклеус оиласа силкитилади ва бу оиласа озука идишини кўйиб 300–400 г дан шакар шарбати кўйилади.

Яна битта яхши йўли ёш ариларни олиб бориб силкитишдан олдин бирорта асосий оиласани арихонанинг бир четтига кўчириб, ундан бир нечта рамкалари билан она арисини бошка бўш уяга кўчирилади, бўш уяни асосий оиласанинг эски турган жойига кўйилади. Учувчи ва катта ёшдаги кари арилар ўзларини эски жойларига учиб кетадилар, кўчирилган уяда, асосан, ёш арилар колади. Ана шу ёш арилардан ҳар битта нуклеус оиласа 100 г дан кўшилганда урчимаган она арини симтўр кафасча остига кўйиб юборса бўлаверади.

Асосан 7–8-кунлари она ари урчишга учиб чикади ва 10–12 кунлари тухум кўя бошлиди. Ўн бешинчи куни урчитган она арини олиб, унинг ўрнига урчимаган она ари ёки она ари ғумбагини симтўрли кафасчага ўтказиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1. А.И. Исамуҳамедов.* «Асаларичилик». «Ўқитувчи» Тошкент, 1995 йил.
- 2. А.С. Нуждин, Г.Ф. Таранов, В.И. Полтев, Е.Г. Понамарёва, Г.В. Чудаков.* «Асаларичилик қўлланмаси». «Колос», Москва, 1984 йил.
- 3. В.А. Темнов.* «Асаларичилик маҳсулотлари технологияси». «Колос», Москва, 1984 йил.
- 4. Г.Ф. Таранов.* «Саноат асосида асалари маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш». «Агропромиздат», Москва, 1987 йил.
- 5. Н.Ф. Крахотин, А.П. Ражапов, Е.К. Есков.* «Асаларичиликда механизация ва асаларичилик асбоб-ускуналари». «Мехнат», Тошкент, 1987 йил.

МУНДАРИЖА

К и р и ш.....	3
Асалари оиласининг биологияси.....	7
Асалари оиласи.....	11
Полиморфизм.....	11
Асаларилар танасининг тузилиши.....	14
Асалариларнинг овқати ва модда алмашинуви.....	23
Асалариларнинг овқат ҳазм килиши.....	25
Ариларнинг ривожланиши ва кўпайиши.....	33
Асалариларнинг сезиш органлари, нерв системаси ва уларнинг хулк-атвори.....	44
Асалари уясининг тузилиши.....	55
Мумкатақ рамкалардаги асал, куртча ва гулчангининг асалари оиласида жойлашиши.....	58
Ари оиласида ҳавонинг алмashiши, уя ҳарорати ва намлиги.....	58
Мумкатақларни торғиш (куриш).....	59
Арилар сонининг кўпайиши ва ари оиласининг ўсиши.....	60
Табийи кўч.....	64
Асалари оиласида кўч чиқиши сабаблари.....	64
Ариларнинг кўчга чиқишига тайёрланиши.....	65
Ариларнинг учиси ва асал тўплаши.....	70
Ариларни шарбат гашинга жалб этиши.....	72
Ариларнинг гулчанг, прополис тўплаши ва сув келтириши.....	74
Асаларилар ёрдамида ўсимлик гулларининг чангланиши.....	75
Ариларнинг қишлоғи ҳаёти.....	76
Асалариларнинг ғуж бўлиб яшаши.....	77
Асалариларнинг қишлоғда озикланиши.....	82
Асалари оиласаларини ривожлантириш ва кўпайтириш.....	84
Ари уларини жойлаштириш учун жой тайёрлаш.....	85
Ари уясини умумий текшириш қоидалари.....	86
Асалариларнинг ўғирликка кириши ва унинг олдини олиш.....	91
Бахорги тафтиш ўтказилгандан кейин оиласи тарбиялаш – парваришлаш.....	95
Уянинг ички ҳажмини бир маротаба кенгайтириш.....	97
Ариларни шакар шарбати билан бокиши.....	98
Мумкатақ инчали рамкаларни жамғариш ва мум стишириш.....	99

Мум етиштириш.....	104
Ёш ари оиласини етиштириш.....	106
Кўч чикишининг олдини олиш.....	112
Асосий шарбат ташиш даврида она арининг тухум кўйишини, куртчалар етиштиришни чеклаб кўйиши.....	116
Тўлик кўчга эга бўлган ари оилаларини катта хажмдаги уяларда бокили.....	118
Вақтинча ажратилган ёрдамчи она ариси бор оиладан фойдаланиш...	128
Табиий кўч ариларининг кучидан асал тўплашда фойдаланиш.....	133
 Пакетли (кутили) асаларичилик.....	136
Кутили ари оиласини тайёрлаш ва уларни жўнатиш.....	139
Келтирилган арилардан жойларда фойдаланиш.....	142
Келтирилган асалари уяларини жойлантириш ва шарбат тўплаш.....	147
Ари оиласини шарбат тўплашга тайёрлаш даври.....	150
Она арининг сифати ва оиланинг кучли бўлишининг аҳамияти.....	152
Ариларга озик жамғариш.....	155
Асал олиш учун асалли мумкатақ рамкаларни ажратиш.....	156
Табиатдан шарбат ташиш даври тугагандан кейин оилани текшириш.....	160
Ёш она арили кичик оилаларни қишлинига тайёрлаш.....	162
Оиланинг ички ҳажмини қишлишга тўплаш.....	167
Ариларнинг қипдаги ҳаёти.....	168
Ариларни оқсилли озик билан таъминлаш.....	173
Оиланинг тез ривожланишини таъминловчи озиклар.....	174
 Асаларичилик жихозлари ва мосламалари.....	177
Ари уяларига кўйиладиган асосий талаблар ва ари уясининг тузилиши.....	177
20 рамкали ари уянинг кўшимча қавати билан тузилиши.....	179
Ўн олтита рамкали ари уясининг кўшимча қавати билан тузилиши....	181
Ўн иккита рамкали ари уясининг иккита кўшимча қавати билан тузилиши.....	182
Икки қаватли уянинг кўшимча қавати билан тузилиши.....	183
Ўн рамкали уянинг кўшимча қавати билан тузилиши.....	184
Кўп қаватли ари уясининг тузилиши.....	186
Асаларичиликда ишлатиладиган жихоз, курол ва мосламалар.....	187
Ворроатоз канасига қарши курашиб мосламаси (исиклик камераси).....	196
Асалли рамкалардан ариларни ҳайдайдиган мослама.....	200
Рамкалардан асал оладиган мослама-мёдогонкалар.....	200
Хордиал мослама (мёдагонка).....	203

Асалариларнинг озука базаси	205
Асалариларнинг озука базасини кенгайтириш	206
Асаларилар озукаси хисобланган шарбатнинг (нектарнинг) таркибий тузилиши	209
Ўсимликларни шарбат ажратишига таъсир этадиган шароитлар	210
Ўсимлик гулларини шарбат ажратувчи органларнинг кўриниши ва тузилишига караб таснифлам	211
Ўсимликларнинг шарбат ажратишини аниклаш (методлари) йўллари	213
Кора асал – падъ ва шудринг суви	216
Гул чангি	218
Ўрмонда ўсадиган шарбат ажратувчи ўсимликлар	218
Шамол тўсиш учун экиладиган дараҳтлар ва бута дараҳтлари	222
Алмашиб экиладиган шарбат ажратувчи ўсимликлар	222
Сабзавот, полиз ва резавор ўсимликлар	225
Уругликка экиладиган карам, турп, редиска, шолғом каби ўсимликлар	226
Яйловда ўсадиган шарбат ажратувчи ўсимликлар	226
Куруқ чўл ва ярим чўл яйловларида ўсадиган шарбат ажратувчи ўсимликлар	228
Шу жода ўсадиган ўсимликларнинг шарбат ажратиш кобилияти ва қанча ари оиласини жойлаштиришни аниклаш	229
Ўсимликларни кетма-кет гуллаб, шарбат ажратишини ташкил этиш	231
Шарбат ажратувчи ўсимликларни алмашлаб экиладиган ўсимликлар ўрнига экиш	232
Ем-хашакка экиладиган ўсимликлар орасига шарбат ажратувчи ўсимликларни кўшиб экиш	233
Яйловларда ўсадиган ўсимликларни шарбат ажратувчанлик кобилиятини яхшилаш	234
Кўп йил давомида ўсимликларни шарбат ажратиш кобилиятини ўрганиш тажрибаларидан фойдаланиб, келажакда арихона ишларини режалаштириш	235
Шарбат ажратувчи ўсимликларни гуллаш жадвали ҳамда назорат тарозининг кўрсаткичлари хисоби	235
Ўсимликларни шарбат ажратиш кучи ва шарбат ажратиш турлари	237
Ариларнинг озука базаларини кенгайтириш – яхшилаш йўллари	241
Боғлар орасига шарбат ажратувчи ўсимликларни экиш	242
Шарбат гулчанг берадиган дараҳт ва буталарни экиб, ариларнинг озука базасини яхшилаш	242
Арихона атрофида экиладиган шарбат ажратувчи ўсимликлар	243
Чанглантириш ва чангланиш (тугун тузиш) жараёни	243
Чанглантириш ва чангланиш тўғрисида умумий тушунча	245
Шарбат ажратувчи ўсимликлар рўйхати ва тарози кўрсаткичи	246

Ўсимликларнинг шарбат ажратиши қобилиятини текшириш тарозисини кўрсаткичи бўйича хисобини олиб бориш.....	249
Шарбат ажратувчи боғ ўсимликлари.....	250
Асалариларнинг фойдали учиш радиуси масофасидаги ўша жойда ўсадиган шарбат ажратувчи ўсимликларнинг хисобини олиш.....	253
Асаларилар махсулоти.....	258
Асалнинг таснифи (класификацияси) ва кимёвий таркиби.....	259
Асалнинг кимёвий таркиби.....	260
Асалга хид берувчи моддалар.....	261
Асал таркибидаги витаминлар.....	261
Асалнинг физикавий таркиби.....	262
Асал таркибидаги сув микдори.....	263
Асалнинг куюклиги.....	264
Асалнинг котиши.....	264
Асалнинг ачиши.....	265
Захарли асал.....	266
Асалнинг ботаник келиб чикишини аниглаш.....	266
Асалнинг сөирлик микдорини аниглаш.....	267
Асал таркибидаги сув микдорини аниглаш.....	269
Асалари оиласлари ва бошқа асалари махсулотларига қўйиладиган стандарт талаблар.....	271
Мум махсулоти.....	277
Мумни сифатини кўрсатувчи белгилар.....	277
Мумнинг кимёвий таркиби.....	277
Мумнинг физикавий таркиби.....	278
Мумнинг эриш ва котиш ҳарорати.....	278
Мум махсулотларини арихонада қайта ишлаш.....	279
Мум махсулотларини арихона буғли мум эриткичидаги олиш.....	279
Мум махсулотларини мумсикгич (воскопресс) ёрдамида олиш.....	279
Мум махсулотларини қайнатиш.....	280
Мум махсулотини сикгич ёрдамида олиш.....	280
Мумни оқартириш.....	281
Мумпарда (вошина) етиштириш.....	282
Мум навлари ва тавсияномаси.....	283
Асалари мумини қалбакилаш (фальсификацияси).....	284
Табиий асалари мумига кўшиладиган кўшмаларни аниқлати.....	288
Она ари сутини олиш ва унинг таркиби.....	289
Она ари сутини қайта ишлаш ва саклаш.....	290
Гулчангининг таркибий тузилиши, уни тўплаш ва саклаш.....	291
Ширачсимон модда (прополис).....	291
Асалари заҳари.....	292

Асаларичиликда наслчилик ишлари.....	294
Арилар зоти.....	294
Ари оиласарини бонитировкалаш.....	298
Зотли ари етиштириш учун ари оиласари ажратиб олиш.....	299
Асаларичиликда оммавий наслчилик иши.....	300
Алохида саралаш орқали наслчилик ишини ташкил этиш.....	301
Она арини сунъий йўл билан урчишиш.....	303
Ариларни саноат асосида чатиштириш.....	304
Она ари етиштириш.....	306
Кўч чиқишига тайёрланган ари оиласидаги она ари гумбагидан фойдаланиш.....	307
Сунъий она ари етиштиришни, кўч она ариларидан фарки ёки устунылиги.....	308
Она ари етиштириш вақти ва шароити.....	308
Эркак ари стиштириш.....	309
Содда йўл билан она ари етиштириш.....	310
Сунъий йўл билан она ари етиштириш.....	311
Тарбияловчи оила.....	315
Арихонада ёш урчиган она арига бўлган эҳтиёжни хисоблаш.....	319
Сунъий она ари етиштиришда мумкосача тайёрлашда ишлатиш учун сифатли мум бўлакларини ажратиш ва мумкосачани тайёрлаш.....	322
Фойдаланилган адабиётлар.....	328

А.И.ИСАМУҲАМЕДОВ, Ҳ.Қ.НИКАДАМБАЕВ

**АСАЛАРИЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ**

Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бом таҳририяти
Ташкент – 2013

Мухаррир *Қ. Каюмов*
Бадиий мухаррир *Т. Қаноатов*
Техник мухаррир *Б. Каримов*
Сахифаловчи *Л. Цой*
Мусаххих *М. Зиямуҳамедова*

Нашр лицензияси АI № 201, 28.08.2011 йил

Теришга берилди 22.01.2013. Босишига 00.08.2013 рухсат этилди.

Бичими 60x90 $\frac{1}{16}$, «Times New Roman» гарнитураси.

Офсет босма. Шартли босма табоби 19.6.

Нашриёт-хисоб табоби 17.8. Адади 2000 нусха. Буюртма № 3104.

**«Sharq» нашриёт-матбая
акциядорлик компанияси босмахонаси.
100000, Ташкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**

И – 78 **Исамухамедов А., Никадамбаев Х.**
Асаларичиликни ривожлантириш асослари. – Т.
«Sharq», 2013. – 336 б.

УЎК 638.1(575).
КБК 46.91-2.

ISBN 978-9943-00-984-4